МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети

# УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

(Ўқув қўлланма)

Тошкент 2002

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

...ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
КУТУБХОНАСИ

ТОШКЕНТ – 2002

# М. Г. ДАВЛЕТШИН, С. М.ТЎЙЧИЕВА


# УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ


Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2002 йил 15 июндаги 27-сонли мажлис баённомаси билан ОЎЮ учун ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

Босишга рухсат этилди. 9.08.2002 й. Босма табоғи 9,3.
1000 нусхада. № 2 буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Илмий Кенгашида нашрга тавсия этилган



**Муаллифлар:** Психология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби - М.Г.Давлетшин,
психология фанлари номзоди С.М.Тўйчиева

**Тақризчилар:** психология фанлари номзоди, доцент Э.Н.Саттаров
психология фанлари номзоди, доцент С Жалилова.

**Масъул муҳаррир:** психология фанлари номзоди, доцент Ш.А.Дўстмуҳамедова



© Низомий номидаги Тошкент давлат педагогик университети 2002 йил.

*Ўзбекистон Республикаси*
*II йиллигига бағишланади*

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши халқ таълими муассасаларининг олдига янги демократик давлатнинг фуқароларини шакллантириндек муҳим вазифани қўйди.

Сир эмаски, аввалги таълим-тарбия тизими коммунистик ахлоқ мафкураси билан суғорилган бўлиб, жаҳон цивилизациясининг инсонпарварлик анъаналаридан анча узоқда эди.

Ахлоқ нормаларини ҳаётдан анча узоқда, ёлғон мавҳум характерга эга бўлиб қолгани, инсоннинг шахсий ҳаёти ва касб танлашига аралашишларининг учраб туриши, шахснинг ўзлигини йўқотишига, миллий қадриятларнинг унутилишига, жамият маънавиятининг йўқолишига олиб келган эди.

Ижтимоий – иқтисодий ривожланиш босқичида турган жамиятимиз ҳозирги кунда ўрта таълим мактабларнинг фаолиятини такомиллаштириш йўлида олий педагогик ўқув юртлари олдига ўрта мактабларга ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига малакали ўқитувчи кадрларни тайёрлашни янада яхшилаш муаммосини қўймоқда. Бу борада

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлашича: "Таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади. Инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди" [1]. Бу вазифани бажаришда психология фанининг аҳамияти каттадир. Бугунги кунда психология фанида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. 1999 йилда олий педагогик ўқув юртларида психология фанининг ўқитилишининг янги концепцияси ишлаб чиқилди. Шу концепциядан келиб чиққан ҳолда психология фанларининг янги дастурлари ишлаб чиқилди ва нашрдан чиқди. Психология фанининг бугунги кундаги асосий вазифаси талабаларни педагогик касб фаолиятига назарий ва амалий тайёрлашдир. "Умумий психология", "Ёш психологияси ва педагогик психология" курсларини ўқитишда янги ўқув қўлланма ва дарсликларни яратиш бугунги куннинг долзарб вазифалардан биридир. Яратиладиган янги дарсликлар олдига талаба ёшларни маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгига миллий ғоя асосларини сингдириш, ватанпарварлик хиссини тарбиялаш, ўтмиш ва буюк келажак ҳақида фикрлаш, у билан фахрланиш ҳиссини, янгича

[1] Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: "Шарқ"нашриёти 1998 йил.



тафаккурни шакллантириш, бозор иқтисодиёти шароитига мос келадиган ҳолда психологияни ўзлаштиришни таъминлаш каби мақсадлар қўйилади.

Охирги йилларда янги концепция ва янги дастур асосида «Умумий психология» курси бўйича ўқилган маърузалар тажрибасини ҳисобга олиб муаллифлар «Умумий психология» фани бўйича педагогик университетлар талабалари учун ушбу ўқув қўлланмани тақдим этадилар.

Ўйлайманки, ушбу қўлланма Президентимиз айтганларидек: «... ... жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ислоҳ этиш учун қудратли, таъсирчан омил бўлади ... ...»[2]

Шу қўлланма ҳақида фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 700100, Глинка кўчаси-3. Низомий номидаги ТДПУ, умумуниверситет психология кафедраси. Тел: 55-81-54
Муаллифлар ушбу ўқув қўлланмасини янада такомиллаштириш бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, таклиф киритган китобхонларга миннатдорчилик билдирадилар.

**Муаллифлар**

[2] Каримов И.А. "Баркамол авлод орзуси". "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни. Т.: 1998 йил.

## I БОБ. Психология фанининг предмети ва унинг амалий вазифалари

РЕЖА:

1. Психология нимани ўргатади? У қандай фан?
2. Шарқ мутафаккирлари инсон психикаси ҳақида.
3. Психологиянинг асосий тушунчалари.
4. Психология фанининг соҳалари (тармоқлари).
5. Психологиянинг фанлар тизимидаги ўрни.
6. Психологияни жамият ҳаётидаги роли.

Инсон мавжуд экан у ўзининг ҳаётий тажрибасига асосланиб, у ёки бу ҳолда идрок этиш, оламни англаш, нарса ва ҳодисаларни ажратиш каби хусусиятларга эга эканлиги ҳақида ўзига ўзи ҳисоб беради.

Биз кунда қушларнинг шўх навосини мусиқа асбобларининг хонишини, инсон нутқини, учиб ўтаётган самолёт шовқинини эшитамиз, атрофимизни ўраб турган нарса, дарахт, ҳайвонлар, машиналарни кўрамиз, уларнинг ранги ва ҳажмини ажрата оламиз. Анвои гулларнинг ранго – ранг иси ва автомобил ёқилгисининг ҳидларини, қанд ва тузнинг таъмларини ажрата оламиз. Ҳар қандай инсон учун ўқиган китоби устида фикр юритиш, эртанги кун ташвишларини ўйлаши ва режалаштиришни, қайндайдир қийин муаммони ечиши одатий ҳолга айланган. Кўз олдимизга узоқ вақт кўрмаган кишимизнинг образини келтирамиз, қачондир ўзлаштирилган ўқув материалини эслаймиз. Ҳеч қачон чиқмаган коинотимизни кўз олдимизга келтирамиз ва ҳеч қачон кўрмаган эртак қаҳрамонларининг ўзига хос жиҳатларини тасаввур этамиз ва яратамиз. Инсон ўзини ўраб турган оламни билибгина қолмай, унга ўз муносабатини билдиради, ҳис қилади, қайсидир нарсалар уни хурсанд қилади, бошқа нарсаларга у бефарқ бўлади, учинчи хил нарсалар уни қайғуга солади. Яхши китобни сотиб олиб, уни ўқисак кайфиятимиз чоғ бўлади, бирор бир одамнинг ножўя ҳаракати бизда норозиликни туғдиради, қаҳрамонона ҳаракатдан биз ғурурланамиз, фахр туйғуси туғилади. Инсон оламни қабул қилибгина қолмай, унда ҳаракат қилади, ўз фаоллигини намоён этади, қарор қабул қилади, мақсадга интилади, қийинчиликларга дуч келганида қатъиятлилик ва иродавий сифатларни намоён қилади.

Ва ниҳоят, инсон бирор бир жиҳати билан бошқалардан фарқ қилади: кимдир техникага қизиқади, бошқа биров мусиқага, яна кимдир спортга, кимдадир қобилиятлар, бошқада шеър ёзиш, учинчисида техник қобилиятлар мавжуд: кимдир ҳаракатчан олов,



бекарор, бошқа биров босиқ, бефарқ, учинчиси – дилкаш чаққан; биров меҳнатсевар ва камсуқум, бошқа биров дангаса ва мақтанчоқ ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси – сезги, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл, ҳис-туйғу, ирода, темперамент ва характерлар – инсон психикасининг ҳодисаларидир.

Психик ҳодисаларни ўрганувчи фан – эса психология деб аталади. Психология – бу ҳаётий фаолиятнинг алоҳида шакли сифатидаги психиканинг фактлари, қонуниятлари ва механизмларини намоён бўлиши ва ривожланишини ўрганувчи фандир.

Психика деганда, олий даражадаги матеориянинг (миянинг) хусусияти тушунилиб, у объектни борлиқни акс этишда намоён бўлади, субъект фаолиятини маълум мақсад асосида йўналтиради, ҳамда хулқ-атвор негизида шаклланади.

Психология – жуда қадимий ва шу билан бирга навқирон фандир. Психик ҳодисаларнинг илк талқини қадимий юнон олими Аристотель (эрамиздан аввалги 384-322 йиллар)нинг «Руҳ ҳақида» номли трактатида берилган. Психик ҳодисалар ва уларнинг қонуниятларига тааллуқли илмий тадқиқот ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмида, илмий психология асослари эса XIX ва XX асрлар ўртасида юзага келган.

Психологияни фан сифатида юзага келиши босқичларини қуйидаги схема акс эттириш мумкин. Схема – 1.

| | | |
|---|---|---|
| **IV босқич** | психология - психиканинг механизмлари, фактлари ва қонуниятлари ҳақидаги фан сифатида | илмий психологиянинг - замонавий босқичи |
| **III босқич** | психология - инсон хулқ-атворини ўрганувчи фан сифатида | XX асрда пайдо бўлган. Психологиянинг мақсади - инсоннинг конкрет хулқ-атворини, инсон муносабатлари ва реакцияларини кузатиш олинди. Хулқ-атворга сабаб бўлувчи мотивлар ҳисобга олинмади. |
| **II босқич** | психология - онг ҳақидаги фан сифатида | XVII асрда табиий фанлар пайдо бўлиши билан юзага келди. Фикрлаш, исташ - онг деб олинди. Асосий метод сифатида инсонни ўзини-ўзи кузатиши олинди. |
| **I босқич** | психология - руҳ ҳақидаги фан сифатида | психологияга бундай таъриф 2300 йил илгари берилган. Рух деб инсон ҳаётидаги барча тушуниб бўлмайдиган нарсалар қабул қилинган. |

Шарқда психологик қарашларнинг пайдо бўлишида буюк Шарқ мутафаккирларининг роли жуда катта бўлган. Улар орасида – Ал Хоразмий (783-850 йиллар), Ал Форобий (873-950 йиллар), Абу Райҳон Беруний (973-1048 йиллар), Абу Али ибн Сино (980-1037 йиллар), Мирзо Улуғбек (1324-1409 йиллар) кабилар ўзларининг инсон психикаси ва ёш авлодни тарбиялашга доир бой фикрлари ва қарашларини мерос сифатида қолдирганлар. Улар орасида айниқса Абу Али ибн Синонинг мантиқ, метофизика, табиий фанлар (айниқса тиббиёт) ҳақидаги фикрлари ўша давр илмий тараққиётига катта ҳисса қўшди. У махсус психологик муаммолар билан шуғулланган олимлардан биридир. Унинг руҳ ҳақида, асаб тизими, миянинг функционал тузилиши ҳақидаги фикрларига асаб тизимининг замонавий қарашларига ўхшашдир. Айниқса, Абу Али ибн Синонинг темперамент ҳақидаги таълимоти, ҳар бир кишига унинг темперамент хусусиятларига қараб ёндашиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари минг йилдан сўнг ҳам, замонавий психологияда ўз аксини топган. Абу Али ибн Сино дунёда биринчи бўлиб психотерапситик усулларини қўллаб кўрган олимлардан биридир.

Абу Али ибн Синодан сўнг Марказий Осиёда психологик муаммолар билан шуғулланган бирор бир олим учрамаган бўлсада халқ оғзаки ижодиётида, шоирлар шеъриятида психологик қарашларни кўриш мумкин. Абадий қҳрамонлар орқали айтилган фикрлар маълум тасаввурларни ташкил этиб, улар илмий қарашларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди ва шу билан бирга психологиянинг фан сифатида таркиб топишига асос бўлди.

Ёрқин намоёндалар қаторига Умар Хайём (1048-1123 й.), Алишер Навоий (1441-1501), Машраб (1657-1711 й.)ни киритиш мумкин. Айниқса Алишер Навоий асарида баркамол инсон ҳақидаги ғоялар теран ифодаланган бўлиб, бу борада хазрат Алишер Навоийнинг:

***Камол эт касбким, олам уйидин***
***Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ,***
***Жахондин нотомон ўтмак,***
***Биайних эрур хаммомдан нопок чиқмоқ***

деган фикрлари ҳар бир инсон комилликни ўзига шиор қилиб олиши зарурлигини англатади. Бу фикрлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмай, психологик қарашлар, миллий онг, миллий ғояни шакллантиришда, таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланилмоғи даркор.

Маълумки, психика ўзига хос ранго-ранг оламдир. Ундаги жараёнлар, ҳолатлар бир-биридан якка ҳолатда мавжуд бўлмайди, улар бир-бирига



боғлиқ ва бир-бирига доимо таъсир курсатади. Шунинг учун барча психик ҳодисаларни саромжонлаш, классификация қилиш эҳтиёжи юзага келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, психологияда психик жараёнлар, психик ҳосилалар, психик ҳолатлар ва шахснинг психик хусусиятлари ажратилади.

Психик жараёнларга психик фаолиятнинг алоҳида шакллари киради. Психик жараёнлар тирик жараён бўлиб, у эгилувчан, узлуксиз ва келиб чиқиши бўйича олдиндан тайёрланмаган, демакки у шаклланувчан, ривожланувчан ва у ёки бу ҳосила ва натижаларни юзага келтирувчандир. (Психик ҳолатлар, тушунчалар, хис туйғулар, масалаларни ечиш ёки ечмаслик ва ҳоказо).

Психологияда билиш жараёнлари (ақлий ёки интеллектуал жараёнлари) мавжуд бўлиб, улар оламни инсон томонидан билишга, англашга қаратилгандир.

Бу аввалом бор сезгилар бўлиб, оддий билиш жараёнидир. Сезги нарса ва ҳодисаларнинг оддий хусусиятларини психик ҳодиса сифатида субъектив акс этиши бўлиб, у бевосита сезги органларига, таъсир этиш натижасида (ранг, овоз, хид, таъм ва х.к) юзага келади.

Идрок – предметлар вазият ва ҳодисаларни яхлит акс этиши бўлиб, у қўзғовчиларни сезги органларига таъсир этиши натижасида юзага келади.

Бу бизнинг хотирамиздир. Хотира – бу эсда олиб қолиш, эсга тушириш, эсда сақлаш ва унутиш жараёни бўлиб, у эсда олиб қолинган тажрибани қайта гавдалантиришга ёрдам беради ва мулоқотда фойдаланишга хизмат қилади.

Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг энг олий шакли бўлиб, у объектлар ўртасида аниқ алоқа ва муносабатларни ўрнатувчи ижодий борлиқни юзага келтириш, муаммоларни ҳал этиш, янги билимларни кашф этиш билан боғлиқ бўлган жараёндир. Тафаккур туфайли оламдаги объектлар орасида боғланиш ва муносабатлар ўрнатилади, у субъектни янги билимларни эгаллашга, муаммоларни ҳал этиш, масала ечиш, ижодий янгиликларни яратишга хизмат қилади.

Ва ниҳоят, хаёл – ўтмишдаги тасаввурлар асосида янги образларни яратилишига хизмат қиладиган жараёндир.

Психологияда эмоционал жараёнлар (ҳис-туйғулар) шу билан бирга иродавий жараёнлар ва хатти – ҳаракатлар ҳам мавжуддир.

Хис – туйғулар – борлиқдаги предмет ва ҳодисаларга инсоннинг субъектив муносабатларини кечиши тушунилиб, улар маълум миқдорда барқарордир.

Иродавий жараёнлар – бу инсонни ўзини бошқаришда намоён бўладиган жараён бўлиб, бу ҳолат инсонни ўз психикаси ва хатти – ҳаракатларини бошқариш қобилиятида намоён бўлади. Ирода қийинчиликларни енгишда, маълум бир мақсадларга эришишда намоён бўлади.

Психик ҳосилалар – бу психик жараёнлар маҳсулидир. Булар: сезгилар образи, идрок образлари, тасаввурлар (хотира ва ҳаёл тасаввурлари) ва тушунчалардир.

Тасаввурлар – илгари идрок этилган материаллар асосида ҳосил бўлган, шунингдек ҳаёл жараёнида яратилган образлардир.

Тушунчалар – олий ақлий образлардир. Тушунчалар сезги, идрок ва тасаввур образлари асосида юзага келади. Тушунчалар – нарса ва ҳодисалар орасидаги боғлиқлик, муносабат ва хусусиятларни ифодалайдилар.

Шахснинг психик хусусиятлари – бу инсоннинг аҳамиятли ва барқарор хусусиятлари бўлиб, уларга характер, қобилият, эҳтиёж, қизиқишлар киради.

Эҳтиёж – бу индивиднинг ҳолати бўлиб, у маълум объектга нисбатан юзага келадиган, яшаш, ривожланиш ва фаоллик манбаи бўлган ҳодисадир.

Қизиқиш эса – англаш, билим эҳтиёжининг тури бўлиб, у шахс йўналишини аниқлаб беради ва борлиқнинг янги материаллар билан тўлиқ ва аниқ танишиш имкониятини яратади.

Қобилиятлар – бу шахснинг индивидуал психологик хусусияти бўлиб, инсонни бирор бир фаолиятдаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган хусусиятдир. У туфайли олинган билимлар, кўникма ва малакалар кенг, тўлиқ енгил бўлиши таъминланади.

Темперамент – деганда инсоннинг динамик хусусиятларини тушуниш мумкин, бу: психик жараёнлар ва ҳолатларни кучлилиги, тезлиги, темпи, ритми, уларнинг фаоллиги (интилувчанлик,тезкорлик ва аксинча босиқлик, инертлик) ва шахснинг эмоционаллиги (ҳис-туйғуларнинг кечиш тезлиги, уларнинг сифати) тушунилади.

Инсон характери бу – шахснинг барқарор якка хусусиятлари бўлиб, улар фаолият ва мулоқот жараёнида вужудга келади ва улар асосида хулқ-атвор турлари таркиб топади. Характер инсонни фаолиятга бўлган муносабатида (ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги, ишчанлик); атрофдаги нарсаларга бўлган муносабатида (саранжом-саришталик, тежамкорлик, қўли очиқлик); бошқа одамларга бўлган муносабатида (сезгирлик, очиқкўнгиллик, дилкашлик) ва ўз-ўзига бўлган муносабатида (ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини англаш)да намоён бўлади.



Психик жараёнлар ва шахснинг психик хусусиятларидан ташқари психология психик ҳолатларни ҳам ўрганади.

Психик ҳолатлар - бу инсоннинг маълум вақт оралиғидаги психик фаолиятнинг ўзига хос характеристикасидир (тавсифномасидир). Психик ҳолатлар ташқи сабаблар инсонни кайфияти, унинг индивидуал хусусиятлари асосида юзага келиб, унинг хулқ-атворига таъсир этади (толиқиш, асабийлашиш, фаоллик, пассивлик ва х. к.).

Психика фаолиятда юзага келади, шаклланади ва ривожланади.

Фаолият деганда психологияда субъектнинг борлиқ билан ўзаро муносабатларининг динамик системаси тушунилиб, бу муносабат асосида психик образлар пайдо бўлади ва субъектнинг предметли фаолият билан бевосита боғланиши юзага келади. Фаолият - бу инсонга хос бўлган онгли фаоллик бўлиб, у эҳтиёж натижасида юзага келади ва у ташқи оламни билишга ва уни ўзгартиришга қаратилгандир. Психик жараёнлар, ҳолатлар ва инсоннинг психик хусусиятлари ҳақида унинг фаолиятини кузатиб, ўрганиб бирор бир фикр юритиш мумкин.

Психология инсон фаолиятининг турлари (ўйин, ўқиш, меҳнат, ижодий), унинг ўзига хос жиҳатларини (диққатлилик, кўникма ва малакалари) ўрганади.

Диққат - деганда инсон онгини тўпланиши ва маълум объектга йўналтирилганлиги тушунилади. Диққатда маълум фаолиятга йўналтирилади ва бу вақтда бошқа фаолият турлари диққат марказида бўлмайди.

Кўникма, малакалар - шаклланган, автоматлашган хатти-ҳаракатлар бўлиб, улар онгли назорат ва махсус иродага зўр беришни талаб этмайди. Психиканинг юзага келиши фақат инсонга ва ҳайвонларга хос бўлиб, у организмнинг ҳаётини олий формалари билан боғлиқ.

Психика - бу миянинг маҳсули бўлиб, у объектив оламни акс эттида намоён бўлади. Ҳайвонлар психикаси оддий ва элементардир. Инсон психикаси ҳайвон психикасидан сифат жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Фақат инсонгагина психиканинг энг олий даражаси - онг мансубдир. Онг мақсадга йўналган иш фаолиятида намоён бўлади, бу фаолият атрофни қайта ўзгартиришга, бунда хатти-ҳаракатлар ҳақида фикрлаш, режалаштириш йўллари ва усуллари, якуний натижасини олдиндан кўра олиш натижасида юзага келади.

Онгнинг тизими ва зарур психологик характеристикаси нимадан иборат?

<u>Онгнинг биринчи характеристикаси</u> – бу билимлар мажмуасига эга бўлишдир. Онгнинг тизимига зарур билан жараёнлари кириб, улар орқали инсон ўз билимларини бойитади.

<u>Онгнинг иккинчи характеристикаси</u> – бу объект ва субъект орасидаги, яъни "Мен" ва "Мен эмас"ни (ўз-ўзини англаш, сўнг ўз-ўзига баҳо бериш) орасида фарқни англаш ётади. "Мен" ни "Мен эмас"дан ажрата олиш инсонда болалигидан келади, бунинг натижасида ўз-ўзини англаш пайдо бўлади.

<u>Онгнинг учинчи характеристикаси</u> – мақсадга йўналтирилган фаолиятни таъминлайди.

Ва, ниҳоят онгнинг <u>тўртинчи характеристикаси</u> - бу турли муносабатларни онгли равишда турли хис-туйғуларнинг юзага келиши (хис-туйғулар олами, шахсларaро муносабатлар).

Онгнинг юзага келишининг асосий шарти, воситаси - <u>тилдир</u>.

Психиканинг энг қуйи даражаси <u>онгсизликдир</u>. Онгсизлик - бу шундай психик жараёнлар ва ҳолатлар йиғиндисини, унда инсон ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бермайди, англамайди. Бу – туш, инсоннинг субсенсор реакцияларидир. Уларга баъзи патологик ҳодисалар алаҳлаш, галлюцинация кабилар киради.

Хулоса қилиб айтганда, психология – бу ҳаёт фаолиятининг ўзига хос шакли бўлиб, психик ривожланишининг факт, қонуният ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Психология фанининг тизимини 2 схемада келтирилгандай тасаввур этиш мумкин.

<u>Психология фанининг асосий вазифаси</u> - психик ҳодисаларни ўрганиш ва илмий асослашдир. Ахир барча нарсалар каби психик ҳодисалар ҳам маълум қонуниятларга бўйсунади. Психология шу қонуниятларни очишга, уларнинг таркиб топиши ва ривожланишини очишга қаратилгандир. Ушбу қонуниятларни билиш, уларни бошқариш, ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнини тўғри олиб боришга ёрдам беради.

Замонавий психология мураккаб тармоқлар тизимидан иборат бўлиб, улар ўзаро бир-бирига боғлиқдирлар.

Аввалом бор, бу - <u>умумий психология</u> инсон ва ҳайвон психикасининг ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганувчи соҳадир.

Психологиянинг кейинги соҳалари қуйидагилардан иборат:

**А) Аниқ фаолият турлари билан боғлиқ бўлган психология соҳалари:**

<u>1. Меҳнат психологияси</u> - меҳнат фаолиятининг психологик асослари, шахснинг касбий хусусиятлари, касб танлаш ва касбга йўллаш муаммо-



лари, меҳнатни илмий ташкил этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат жамоасидаги муносабатларни ўрганади.

<u>2. Инженерлик психологияси</u> - юқори механизация ва автоматизация жараёнида инсон ва машина орасидаги ўзаро таъсир, автоматик бошқариш тизими (АБТ) ларининг инсон психикасига таъсирини тадқиқ қилади. Бунда турли ишлаб чиқариш жараёнларини бошқарувчи оператор фаолияти чуқур ўрганилади.

<u>3. Авиация психологияси</u> - учиш ва учувчилар меҳнати, психологияси, учувчиларни ўқитиш ва тайёрлаш муаммоларини тадқиқ қилади.

<u>4. Космик психология</u> - космонавтларни ғоявий ва аҳлоқий тайёргарлик муаммолари, машқ қилишнинг ва таълимнинг психологик жиҳатлари, максимал иш фаолияти билан машғуллик ва вазнсизликдаги психологик ўзгаришлар, космонавтлар профессиограммасини тузиш, учиш, космосда ишлаш, қўниш жараёнида космонавтларни психик ҳолатларини ўрганади ва тадқиқ қилади.

5. <u>Педагогик психология</u> – таълим (таълим психологияси) ва тарбиянинг (тарбия психологияси) психологик асослари, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари, ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар (ўқитувчи психологияси)ни ўрганиб,ўқувчилар ўз ақлий фаолиятлари ва хатти-ҳаракатлари тўғри бошқаришлари ва тарбиянинг самарали методларини асослайди ва уларнинг психик ривожланишларига ёрдам беради. Бугунги кунда ўрта махсус ўқув муассасалари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари), олий ўқув муассасаларида таълим муаммолар, шунингдек, махсус мактабларда таълим-тарбия жараёнларини ўрганиш педагогик психологияда алоҳида ўрин эгалламоқда.

6. <u>Тиббиёт психологияси</u> – тиббиёт ходимлари ва бемор орасидаги муносабатлар, миянинг физиологик тизими билан психологик ҳодисалар (нейропсихология) орасидаги боғланиш, психотерапия, психогигиена (психик соғлиқни сақлаш) муаммолари, психопрофилактика (меҳнат ва яшаш шароитлари), психофармокология (дори-дармонларни инсон психикасига таъсири) масалаларини тадқиқ қилади.

7. <u>Юридик психология</u> – жиноятнинг психологик томонлари, гувоҳлар кўрсатмаларининг таҳлили (суд психологияси), жиноятчи шахснинг психологик хусусиятлари, жиноят мотивлари (криминал психология), жиноятчиларни қайта тарбиялашнинг психологик асослари муаммолари билан шуғулланади.

8. <u>Спорт психологияси</u> – спортчиларни тайёрлаш, тарбиялаш, уларда кўникма ва малакаларни шакллантириш, мусобақалар жараёнида

психологик ҳолатлари, иродавий ва ақлий сифатларини шакллантириш, муваффақиятга эришиш усулларини ўрганади.

9. Ҳарбий психология – инсоннинг ҳарбий ҳолатлардаги психологияси, ҳарбий жангни олиб боришда қатъиятлилик, матьсулиятни шакллантириш, ҳарбий таълим ва тарбия муаммолари, бошлиқлар ва унинг қўл остидаги ҳарбийлар орасидаги муносабатлар масалалари билан шуғулланади. Бунда алоҳида ўринни ҳарбий-инженерлик психологияси эгаллайди.

10. Савдо психологияси – «сотувчи-харидор» муносабатлари тизимини, рекламанинг психологик асослари, мода психологияси ва ҳ.к. масалаларини тадқиқ қилади.

11. Санъат психологияси – санъат асарини яратишда фаолиятнинг психологик томонларини, инсон томонидан бадиий асарни идрок этилиши, турли хисларни пайдо бўлиши ва кечиши, эстетик тарбия муаммолари, мусиқий, бадиий, адабий қобилиятларни шакллантириш ва тарбиялаш муаммоларини ўрганади.

12. Илмий ижодиёт психологияси – илмий фаолиятнинг психологик хусусиятлари, шахс ижодиётининг хусусиятлари, ижодиётда интуиция ва илҳомнинг ўрнини тадқиқ қилади.

Келажакда шу кунгача маълум бўлмаган фаолият турлари билан бирга психологиянинг янги соҳалари ҳам вужудга келиши ва ривожланиши мумкин.

**Б. Ривожланиш соҳалари билан шуғулланувчи психология :**

1. Ёш психологияси – инсоннинг турли ёш даврларида психик ривожланишининг қонуниятлари, шахснинг психик жараёнларини таркиб топиши ва шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ривожланишини ўрганади.

Ёш психологияда қуйидаги бўлимлар ажратилади: болалар психологияси (туғилгандан мактабгача бўлган давр) кичик мактаб ёшидаги болалар психикаси, ўсмир психологияси,ўспирин психологияси, етук инсон психологияси, қарилик психологияси (геронтопсихология). Ёш психологияси ёш хусусиятлари, бир даврдан иккинчи даврга ўтиш қонуниятлари, шахснинг индивидуал хусусиятларини шаклланишининг сензитив (энг тез ва турли таъсир қиладиган) даврларини тадқиқ қилади ва очиб беради.

2. Патопсихология – инсонларнинг нормал психик ривожланишининг бузилишларини ўрганади. Бу психология тармоғига олигофренопсихология – миянинг туғма дефектлари ва уларни психик ривожланишга таъсирини, тифлопсихология – кўр ва кўриш сезгиси пасайган кишилар



психологиясини, сурдопсихология – эшитиш сезгиси бузилган кишиларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш киради.

3. Қиёсий психология (зоопсихология) – ҳайвонлар психикасини, айниқса олий ривожланиш босқичига эришган ҳайвонлар хусусиятларини тадқиқ қилади.

4. Акмеология – комиллик даражасига эришган шахснинг ривожланишини юқори даражаси, уларнинг қонуниятлари ва механизмларини, айниқса ривожланишнинг энг юқори чўққисига эришиш хусусиятларини ўрганади.

**В. Инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг психологик томонларини ўрганувчи психология соҳалари:**

1. Ижтимоий психология – турли ижтимоий гуруҳлар – гуруҳ, жамоа (уларнинг кайфияти,ижтимоий фикрлари, тақлидлари)нинг психик намоён бўлиши Ижтимоий психология – турли ижтимоий гуруҳлар – гуруҳ, жамоа (уларнинг кайфияти, инсонлар муносабатларининг характери, унда шахснинг ўрни, сардор ва унинг қўл остидагилар, жамоада руҳий муҳит масалаларини тадқиқ қилади. У катта гуруҳлар – жамоаларнинг кайфияти, тафаккури, паника, таҳлика ҳолати, рақобати ва ҳоказоларни ҳам ўрганади.

2. Шахс психологияси (дифференциал психология) – инсонлар орасидаги топологик ва индивидуал-психологик фарқлар муаммолари билан машғулдир.

3. Этнопсихология – инсон психикасининг этник хусусиятлари, миллий характер, миллий туйғу, миллий ғоя, миллий ўз-ўзини англаш, этник-стериотип, уларнинг қонуниятлари ва вужудга келиши хусусиятларини ўрганади.

4. Бошқарув психологияси – бу психология фанининг шундай соҳасики, унда инсон томонидан – давлат муассасалари, инсонлар, иқтисодий ва техник тизимларини бошқаришнинг психологик томонларини ўрганади.

5. Сиёсий психология – жамият сиёсий ҳаётидаги кайфият, хис-туйғу, фикр, қадриятларнинг психологик томонларини ўрганади (сиёсий тарбия, ижтимоий онг, мафкуранинг таъсирини ўрганиш психологияси, сиёсий фаолият ва ҳоказо).

6. Маркетинг психологияси – янги махсулотларни ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларни бошқариш ва ташкил этишнинг психологик муаммоларини тадқиқ қилади. Бу соҳа бозор муносабатлари, талаб ва эҳтиёжларни, нархларни юзага келиш масалалари, махсулотларни режалаштириш билан машғул бўлади.

7. Дин психологияси – диний онг хусусиятлари, унинг психологик ва ижтимоий асослари, вазифалари ва тизими, диний ҳис-туйғулар хусусиятлари, диннинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва вазифалари ва хусусиятлари, диний муносабатлар диний гуруҳлар психологиясини ўрганади. У соҳа диний муносабатлар механизми, тақлид, таъсир, йўлланма ва онгга таъсир этиш, диннинг замонавий жамиятдаги ролини аниқлаш билан ҳам машғул бўлади.

Замонавий психология фанининг тармоқлари ана шулардан иборат.

Албатта, бугунги кунда психология фани кўплаб фанлар билан узвий боғлиқдир. Буни психофизика, психофизиология, психолингвистика, математик психология ва ҳоказолар мисолида кўриш мумкин. Фанлар орасидаги боғлиқликлар психологиянинг фанлар тизимидаги ўрнини аниқлайди. Академик Б.М.Кедровнинг классификацияси бўйича барча фанлар 3 гуруҳга бўлинади: гуманитар, фалсафий ва табиий фанлар. Психологияга тўхталадиган бўлсак, Б.М.Кедровнинг фикрича бу катта уч гуруҳдан фанлар тизимида психология мустақил фан сифатида намоён бўлади, ҳамда у инсон психик фаолиятини табиий-тарихий ва ижтимоий томонини ўрганади. Психология фанини фанлар тизимидаги ўрнини 3-схемада (Б.М.Кедров бўйича) кўриш мумкин.




Схемадан кўриниб турибдики, психология фани фанлар тизимининг оралиқ марказида турибди. Бу дегани психология ҳам фалсафа, ҳам тарих, санъатшунослик, ҳам физиология, техника каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Психология айниқса педагогика фани учун муҳим аҳамиятга эга.

Психологияни таълим-тарбиядаги роли шубҳасиздир. Зеро, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда уни ҳар томонлама яхши билиш керак.

Ҳар қандай ўқитувчи, педагог ўз ўқувчисининг психологиясини яхши билиш керак, унга индивидуал ёндошиши лозим.Ўқувчилар психологиясини билиш, таълим ва тарбия педагогикаси ва психологияси асосини, таълим методикаси ташкил этади. Болаларнинг психологик ривожланишини билмасдан туриб бирор бир таълим методикасини тўғри ишлаб чиқиб, уни ҳаётга тадбиқ этиб бўлмайди. Психологияни тарбияда, шахс



ахлоқан пок, жисмонан соғлом, жамиятнинг барча талабларига жавоб берувчи қилиб шакллантиришда аҳамияти катта. Психологияни ўрни одамлар дунёқараши, эътиқоди ва ахлоқий фазилатларини шакллантиришда ҳам каттадир. Психологик билимларни инсон ўз-ўзини интелектуал тарбиялашда ҳам қўллаш аҳамиятлидир. Психология шахсий муаммоларини ҳал этишда, ўзини-ўзи тушунишда, ўзининг кучли ва кучсиз томонларини англашда, қийинчиликларни енгишда, муваффақиятга эришишда, ўз камчиликларини бартараф этиб, ижобий фазилатларни шакллантиришда зарурдир. Психология инсоннинг ақлий имкониятларини очишда ҳам муҳим. Зеро, диққат ва хотирани яхшилаш ва ривожлантириш йўлларини билиб, билимларни тўғри ўзлаштириш, интелектуал фаолият самарадорлигини ошириш мумкин.

Биз қадам қўйган XXI аср, бизнингча, психология фанининг ривожланиш даври бўлади ва у жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидай XXI асрда : «...сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади. Инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди.» Бунда, албатта, психология фанининг ҳам ўрни бор.

**Қайтариш учун саволлар**

1. Психология предметига тушунча беринг.

2. Психология фанини фанлар тизимида топган ўрнини аниқланг ва тушунтиринг.

3. Психология нимани ўрганади? Психик жараёнлар, психик ҳолатлар, психик хусусиятларга тушунчалар беринг.

4. Психологияни фан сифатида ривожланиш босқичларини айтинг.

5. Шарқ мутафаккирларининг психология фанини ривожланишига қўшган ҳиссаси қандай?

6. Ҳозирги замон психологиясининг ҳолатини айтиб беринг.

7. Психологиянинг асосий йўналишлари нимадан иборат?

8. Психология фанининг фанлар тизимида тутган ўрнини очиб беринг (Б.М.Кедров бўйича).

9. Психология тармоқларини эсланг.

10. Педагогик амалиётда психологияни аҳамиятини характерлаб беринг.

## РЕЖА:

1. Одам нерв тизимини тузилиши, фаолияти ва хусусиятлари.
2. Мия ва психика.
3. Муайян мия тизимларидан психик ҳодисаларнинг локализацияси (жойлашуви) муаммолари.
4. Психик жараёнларнинг физиологик асослари.

Аввало, одамнинг нерв тузилиши, хусусиятлари ва фаолиятини кўриб чиқайлик.

Одам бош мияси киши психикасининг ўзига хос, такрорланмас мураккаб органи ҳисобланиб, у катта ярим шарлар, миячa, оралиқ мия, ўрта мия ва узунчоқ миядан иборат.

Бош мия орқа мия билан марказий нерв тизимини ташкил қилиб, одам организмидаги барча органларнинг ўзаро фаолияти ва бир-бири билан боғланишини, ҳамда унинг ташқи муҳит билан бўладиган алоқасини таъминлайди. Психик фаолиятларнинг кўпгина қисми бир неча қатор бўлиб жойлашган, ниҳоятда кўп нерв ҳужайраларидан (15 млрд.дан кўп) ташкил топган, кулранг модда қатламидан иборат бўлган бош мия катта ярим шарлари қобиғининг фаолияти билан боғлиқдир.

Нерв тизими нерв тўқимасидан ташкил топган бўлиб, у ўз навбатида нерв ҳужайраларидан иборат.

Ҳар бир нерв ҳужайраси, яъни нейрон ядроси бўлган, жуда кўп, тармоқланган калта ўсимталар – дендритлар ва битта узун ўсимта – аксондан иборат ҳужайрани ташкил этади.

Турли нерв ҳужайраларининг туташган жойи синапс дейилади ва у бир нейрондан бошқасига импульсларни ўтказиш (тўхтатиш ёки ушлаб қолиш)ни таъминлайди.

Нерв ҳужайралари тўплами миянинг кулранг моддасини, нерв толаларининг тўплами эса миянинг оқ моддасини ташкил этади. Нерв тўқимаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб,унда қўзғалувчанлик ва ўтказувчанлик асосий хусусиятлар ҳисобланади.

Агарда нерв ҳужайрасининг бирор бир қисмига ҳаракатни ўзгартириш билан, электр токи билан, кимёвий моддалар билан ёки бошқа бирор нарса билан таъсир этилса нерв толасининг ўша ерида ўзига хос физиологик жараён, яъни қўзғалиш пайдо бўлади.



Агарда таъсирлагич етарли даражадаги кучга эга бўлса, у ҳолатда қўзғалиш нерв толасидан тарқалиб, бир нерв ҳужайрасидан бошқасига ўтказилади.

Юқорида айтиб ўтилгандек, марказий нерв тизими бош ва орқа миядан иборат.

Орқа мия умуртқа поғонасининг каналида жойлашган бўлиб, нерв тўқимасидан иборат . Орқа мия 2 ярим қисмдан, яъни ўнг ва чап қисмлардан иборат бўлиб, уларни узунасига кетган олдинги ва орқа кесиклар ажратиб туради.

Орқа мияда нерв толаларининг тутамлари жойлашган бўлиб, скелет мускуллари, тери ва шиллиқ қаватдаги периферик нерв учларидан қўзғалиш нерв импульслари кўринишида улар орқали бош мияга, у ердан эса периферияга етказилади.

Орқа мияда оптсиз рефлектор ҳаракатларнинг, гавда ва қўл-оёқлар мускулларининг, шунингдек бир қатор физиологик жараёнларнинг – томирларни ҳаракатлантирувчи, тер ажратувчи ва бошқа марказлар жойлашган.

Бош мия қутида жойлашган бўлиб, орқа миянинг устида жойлаштирилганга ўхшайди. Бош мияда узунчоқ мия, кейинги мия, ўрта мия, оралиқ мия ва олдинги мия фарқланади.

Кейинги мия Воролиев кўприги ва миячадан иборат бўлиб, узунчоқ мия билан биргаликда мия сопини ташкил қилади. Мия сопи орқа мияни давомидек туташган. Узунчоқ мия орқали орқа миядан бош миянинг юқори бўлимларига импульслар ўтади ва орқага қайтади. Узунчоқ миянинг ядролари мураккаб рефлектор актларида иштирок этади: сўриш, чайнаш, сўлак ажратиш ва ҳоказо.

Мияча тана ҳаракатини мувофиқлаштиришда иштирок этади.

Ўрта мия – тўрт тепалик, қизил ядро мускул тонусининг меъёрий тақсимланишининг, товуш ва ёруғлик қўзғатувчиларини, ҳамда оғирлик кучига нисбатан тананинг тўғри жойлашишини идора этади.

Оралиқ мияда сезувчанликнинг оралиқ марказлари мужассамланган.

Олдинги мия ва уни қоплаб турган пўстлоқ бош миянинг олий қисмларини ташкил этади.

Олдинги мия бош миянинг энг катта қисмини, деярли 80%ини ташкил қилади ва пешона соҳасидан энсагача чўзилган ёриқ билан ажралган иккита – ўнг ва чап ярим шарлардан бир-бири билан қадоқсимон тана ёрдамида бирикади.

Ярим шарларнинг барча юзаси (қарийб 2200 $см^2$) мия пўстлоғи дейилади. Мия пўстлоғи кулранг моддадан ташкил топган. Унинг

қалинлиги турлича бўлиб, 1.5 мм гача боради. Бош мия катта ярим шарлари қобиғини юзаси одатда тўртта катта соҳага ажратилади: пешона (энг катта), тепа, энса ва чакка.

Бир хилдаги ҳужайралар қатламидан иборат қисмлар (қобиқ шакли ва фаолиятининг вазифалари турлича бўлган олтита қатлам ҳужайралардан ташкил топган) қаватлардан (майдон) иборат. Одамда ҳаммаси бўлиб 52 та майдон мавжуд.

Бош миянинг пўстлоғи остида ётган қисмларини қобиқ ости соҳаси дейилади. Қобиқ ости соҳаси ва қобиқ ости тутамлари умумий сезувчанликнинг дифференциаллашмаган марказлари ҳисобланади. Бу соҳа бизнинг эмоцияларимиз ва инстинктларимиз билан боғлайган.

Бош мия қобиғи одамдаги психик жараёнларнинг бевосита моддий асоси ҳисобланади.

Катта ярим шарлар қобиғи ўзининг толалари билан бош мия ва орқа миянинг барча қисмларини боғлайди. Психик ҳаёт бутун марказий нерв тизимининг мавжудлиги ва фаолияти билан боғлангандир. Шу билан бирга, нерв тизими ва бутун организм фаолиятининг муҳим аҳамияти бош мия қобиғига тегишлидир.

Периферик нерв тизими марказий нерв тизими билан ажралмас яхлитликни ташкил этади. Периферик нерв тизими марказий нерв тизимидан чиқиб тармоқланиб, шу билан бирга бутун организмни МНТ билан боғловчи нервлар ташкил этади.

Бош миядан 12 жуфт, орқа миядан эса 31 жуфт нервлар чиқади.

Периферик нервларнинг икки тури: сезувчи ва ҳаракат нервлари фарқланади. Сезувчи нервлар нерв учларидаги тузилмаларда таъсирловчилар туфайли ҳосил бўлган қўзғалишни марказга, яъни орқа мия ва бош мияга етказиб беради. Ушбу нервлар бошқача қилиб рецепторли (қабул қилувчи) марказга интилувчи ва афферент нервлар дейилади.

Ҳаракатлантирувчи (мотор) нервлар марказдан келаётган импульсларни мускулларга ва безларга етказади. Бу нервларни марказдан қочувчи ва эфферент нервлар деб ҳам аталади.

Вегетатив нерв тизими – орқа мия ёки бўйлаб ва ундан четда жойлашган нерв тугунлари, алоҳида тутамлар ва нерв тугунларининг чигалларидан иборатдир. ВНТ нинг алоҳида тутамлари овқат ҳазм қилиш, қон айланиш, нафас олиш ва бошқа органларда жойлашган бўлиб, ички органларнинг фаолиятини идора қилади.

ВНТ симпатик нерв тизимидан (унинг марказлари гипоталамусда, орқа миянинг кўкрак ва юқори бел сегментларида жойлашган) ва парасимпатик нерв тизимидан (унинг марказлари ўрта миядаги тўрт



тепаликда, Вароли кўприкда, узунчоқ мияда ва орқа миянинг думғаза қисмида жойлашган) иборат.

Симпатик ва парасимпатик тизимлар ички аъзолар фаолиятини идора қилишда ўзига хос «антагонистлар» (қарама-қарши) бўлиб, бир орган фаолиятини қарама-қарши ҳолатга келтиради.

Масалан, симпатик тизим юрак фаолиятини тезлаштирса, парасимпатик тизим эса бу фаолиятни сусайтиради. Организмнинг меъёрдаги фаолияти симпатик ва парасимпатик ВНТнинг маълум бир «мувозанатида» сақланади. ВНТ эмоционал кечинмаларда катта роль ўйнайди.

Одамнинг кўпинча психик жараёнларини, хусусиятларини ва ҳолатларини идора этишда ретикуляр формация алоҳида роль ўйнайди. Ретикуляр формация орқа мияда, узунчоқ ва кейинги мияда жойлашган зич нерв толалари тармоғи билан ўзаро бириккан тўрсимон тузилмадир. У бош миянинг электрик фаоллигига, бош мия қобиғининг функционал ҳолатига, қобиқ ости марказларига, миячага ва орқа мияга таъсир қилади.

Мияни психиканинг органи сифатидаги илмий психологияда ўрганиш тарихи иккита йўналишда борган – организм ва муҳит муносабатларини идрок этиш асосларини ўрганиш ва миянинг алоҳида тузилмаларини морфологиясини ва функциясини очиш.

Р.Декарт томонидан рефлекс тушунчасининг киритилиши организм ва муҳит таъсири асослар очилиши ва нуқтаи назаридан муҳим роль ўйнайди.

Рефлекс – организмнинг ташқи ва ички таъсиротларга марказий нерв тизими орқали берган жавоб реакциясидир. И.М.Сеченов (1829-1905) томонидан амалга оширилган бу тушунчанинг ривожлантирилиши ва бу механизмнинг барча психик жараёнларга тегишли эканлиги шунга олиб келадики, илмий психологияда детерминизм принципини узил-кесил ўз тасдиғини топди.

«Онгли ва онгсиз ҳаётдаги барча актлар (ҳаракатлар) келиб чиқиш усулига (моҳиятига) кўра рефлекслардир» (И.М.Сеченов)

Рефлектор актда И.М.Сеченов учта бўғимини ажратади: 1) биринчи бўғинда сезаётган «тўпнинг» таъсирланишини нерв қўзғалишига айланади. 2) қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари асосида ўзига хос равишда ахборотни қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш рўй беради. 3) амалга оширувчи, яъни буйруқларни амалга оширувчи органларга (мускулларга, безларга ва ҳоказо) узатиш.

И.П.Павлов (1849-1936) И.М.Сеченовнинг бошлаган миянинг рефлектор фаолиятини ўрганишини ривожлантириб рефлекс тушунчасига

[illegible] шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш асосларини яратди.

Рефлексларнинг икки тури фарқланади – шартсиз ва шартли.

Шартсиз рефлекслар туғма бўлиб, ҳаётнинг дастлабки кунларидан ва кейинчалик ҳеч қандай тажрибасиз (малакасиз) намоён бўла бошлайди (масалан, игна санчгандан қўлни тортиб олишни, овқатнинг оғиз бўшлиғига тушгандаги сўлакнинг ажралиши).

Шартли рефлекслар ҳаёт тажрибаси билан шартсиз рефлекслар асосида пайдо бўлади. Масалан, итга унга доимо овқат бериладиган (товоқ) идишнинг кўриниши сўлак ажралишига олиб келади. Идиш (товоқ) бу ерда шартсиз эмас, балки шартли таъсирлагич ҳисобланади.

Шартли таъсирлагич сўлак ажралишининг тўғридан-тўғри қўзғатувчиси бўлмай, балки фақатгина қўзғатувчининг сигнали, овқатнинг сигналидир.

Шартсиз рефлексларнинг марказлари турличадир – шартсиз рефлекслар ёйларининг туташуви орқа мияда ва бош миянинг устида рўй беради.

Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш соҳаси – бош мия пўстлоғидир. Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши туфайли, шартли рефлекслар шартсиз таъсирлагичларнинг пайдо бўлишидан анча олдин, кўпинча, ҳаттоки шартсиз таъсирлагичлар анча узоқ масофада бўлса ҳам юзага чиқади, шартли таъсирлагичлар организмнинг ҳаёти учун муҳим бўлган қандайдир ҳодисаларнинг мавжудлиги ҳақида, масалан, овқатнинг мавжудлиги, хавф-хатарни пайдо бўлиши ҳақида хабар беради.

Шунинг учун И.П.Павлов бош мия қобиғи фаолиятини сигнал фаолияти деб номлади. И.П.Павлов шартли рефлекслар методидан фойдаланиб шуни аниқладики, бош мия катта ярим шарлари фаолияти организмнинг ички муҳитидан ва ташқи муҳитдан нерв тизимига келаётган кўпгина таъсирловчиларнинг анализи ва синтези жараёнларидан иборат экан. Анализ ва синтез И.П.Павлов томонидан анализаторлар деб номланган ўзига хос нерв тизимлари ёрдамида амалга оширилади.

Анализатор – бу нерв физиологик аппарати бўлиб, периферидаги нерв учидан (рецептор), сезувчи нервдан (ўтказиш йўли) ва мия қобиғининг тегишли қўзғатувчини қабул қилувчи соҳасидан иборатдир.

И.П.Павловнинг биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари тўғрисидаги таълимоти илмий психология учун катта аҳамиятга эгадир.

Ҳайвонлар учун борлиқ катта ярим шарлардаги таъсирлагичлар ва уларнинг излари билан сигналлашиб, улар организмнинг кўриш, эшитиш ва бошқа рецепторларига бевосита келиб туради. Бу борлиқнинг биринчи



сигналлар тизими бўлиб, одам ва ҳайвонларда умумийдир. Сўзлар борлиқнинг иккинчи, махсус инсоний сигнал тизимини ташкил этади. Сўзлар нарса ва ҳодисалардан келаётган сигналларнинг ўрнини эгаллагани учун И.П.Павлов томонидан «сигналлар сигнали» деб номланган. Иккинчи сигнал тизимининг фаолияти биринчи сигнал тизимидан ажралмаган ҳолда, бевосита боғлиқ тарзда боради. Иккинчи сигналлар тизими тафаккур ва нутқнинг физиологик асоси ҳисобланади.

Рефлекснинг классик тушунчаси ёрдамида психик фаолият асосларини тушунтиришдаги муҳим камчилик шундан иборатки, рефлекс тизими инсон психикасининг идора этувчи ва ўзгартирувчи ролини тушунтириб бермайди. И.П.Павловнинг шогирдлари ва издошлари бу камчиликни рефлектор дугалик тизими тушунчасини рефлектор халқаси тизими тушунчасига ўзгартириш йўли билан ечишга интилдилар.

Қуйидаги чизмада рефлектор фаолиятининг анатомик-физиологик тизими келтирилган:




Анализаторнинг (1-2-3), рефлектор ёйининг (1-2-3-4-5) ва рефлектор халқасининг (1-2-3-4-5-6-7) принципиал чизмаси бўлиб, 1-рецептор, 2-афферент нерв йўли, 3-марказий звено, 4-эфферент нерв йўли, 5-эффектор, 6-7-қайтарма алоқа каналлари.

Психиканинг физиологик асосларини очиш муаммоларига ҳаётнинг кўп йилларини бағишлаган рус физиологи П.К.Анохин (1898-1974) қайтарма афферентация тизимларини аниқлади, натижада ҳаракат акцептори деб номланган ҳаракатни режалаштирувчи ва идора этувчи ўзига хос функционал аппарат (орган) ажратилди.

Унинг томонидан адаптив функционал тизим тушунчасининг киритилиши қатор кейинги изланишлар ва психиканинг акс эттирувчи ва идора этувчи функциялари тўғрисидаги янги тасаввурлари учун бошланғич туртки бўлиб хизмат қилди.

Психик ҳодисаларнинг мия морфологияси ва кузатилаётган моддий жараёнлари орқали табиати, ҳосил бўлиш қонуниятлари ва ривожланиши

турмуша бўлган ҳаракатлар узоқ тарихга эга. Қадимги Юнонистондаёқ «идрок қилиш, фикр юритиш ва хотира қобилиятларини» миянинг олдинги, ўрта ва орқа қоринчаларини тўлдирган суюқлик билан боғлаш ҳаракатлар қилинган.

Янги «Илмий» соҳа – френологиянинг асосчиси Ф.Галль XIX асрнинг бошларида одамнинг турли қобилиятлари ҳаттоки калла суягининг юза қаватидаги турли нерв тўқималари учраб турадиган жойнинг кучлироқ ривожланиши билан боғлиқ, деб исбот қилишга ҳаракат қилган. Алоҳида психик функцияларнинг бош миясини маълум бир қисмларига тегишли эканлиги уннинг локал (жойлашиш) жароҳатланганлигида кузатилган. Шу йўл билан чап ярим шарнинг учинчи пешона бўртиғида нутқ артикуляциясини (талаффузини) амалга оширадиган Брока маркази (уни аниқлаган француз анатоми П.Брока номи билан аталган), сўнгра эса ўша чап ярим шарнинг юқори чакка бўртиғининг орқа қисмида «нутқни тушунишни идора қиладиган» Верникке маркази (уни очган немис психиатри К.Верникке номи билан аталган) ажратилган.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларидаги замонавий аппаратлардан фойдаланган ҳолда кўплаб тадқиқотларнинг олиб борилиши алоҳида нерв ҳужайраларининг фаолиятини кузатиш, нерв импульсларини текшириб бориш ва қайд қилиш, қисқа вақт ичида шиҳоятда кўп миқдорда қабул қилинаётган ахборотни қайта ишлаш ва, ниҳоят, миянинг яхлитлигини бузишни талаб қилмайдиган методикаларни қўллаш имконини берди. Бу тадқиқотлар шундай хулосага олиб келдики, ҳар қандай психик фаолият мураккаб тузилишга эга бўлиб, у битта ҳаттоки бир неча туркум нерв ҳужайраларининг гуруҳи томонидан эмас, балки бош мия пўстлоғининг, пўстлоқ остининг ва мия сопининг турли соҳаларини ўз ичига оладиган бир бутун функционал тизим томонидан амалга оширилади.

Машҳур нейропсихолог А.Р.Луриянинг фикрича, айнан шунинг учун миянинг чекланган соҳаларидаги психик функцияларни «локализациялаш» вазифаси «ушбу функционал тизимни амалга оширадиган биргаликда ишловчи мия зоналарининг ўша тизимини анализи, бошқача айтганда, қандай қилиб ушбу функционал тизим бош мия аппаратлари бўйлаб, тегишли тизимлар бўйлаб жойлашганлигини анализи» вазифаси билан алмаштирилиши лозим.

А.Р.Лурия бўйича, одам миясининг функционал тизими учта асосий блокни ўз ичига олади:

1. Пўстлоқнинг ички тонусини қўллайдиган энергетик блок;
2. Ахборотни қабул қилувчи, қайта ишловчи ва сақловчи блок;
3. Фаолиятни дастурловчи, идора этувчи ва назорат қилувчи блок.



Одам ва ҳайвонлар миясининг функционал тизимида муҳим фарқлар кузатилади. Ҳайвонларнинг иккала мия ярим шарлари бир хил қимматга эга бўлган бир вақтда, одамнинг чап мия ярим шари одатда доминантли (ҳукмрон) бўлиб, ўнг мия ярим шари эса унга бўйсунгандир ва бу ўнг қўлнинг етакчи роли билан боғланган (чапақайларда бундай доминантлик ёки ўчиб кетади, ёки ўнг ярим шарига ўтади).

Чап мия ярим шарида одамнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятининг мураккаб шаклларини идора этиш билан боғлиқ бўлган нутқ марказлари жойлашган. Бу марказларнинг бузилиши мантиқий-грамматик операцияларнинг (семантик афазия) ва тафаккурнинг ижодий шаклларини бузилишига олиб келса, айни шу дамдаги ўнг мия ярим шарининг худди шундай соҳаларининг бузилиши эса идрокнинг тасаввур компонентларини ва эмоционал жараёнларини бузади.

Тўпланган илмий маълумотлар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, чап мия ярим шарининг иши ўнг ярим шарининг нисбатан дифференциялашгандир.

Одам бош мияси катта мия ярим шарларининг ихтисослашган функцияларининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

| | Чап ярим шар | | Ўнг ярим шар |
|---|---|---|---|
| 1. | Хронологик таркиб. | 1. | Ўтаётган вақт. |
| 2. | Харита ва чизмаларни ўқиш. | 2. | Конкрет макон. |
| 3. | Номларни, сўзларни, белгиларни ёдда сақлаб қолиш. | 3. | Тасаввурлар, конкрет воқеларни ёдда сақлаб қолиш. |
| 4. | Нутқ фаоллиги, моҳиятини хис этиш. | 4. | Эмоционал ҳолатни идрок этиш. |
| 5. | Оламни хурсандчиликда, осойишта кўриш. | 5. | Оламни ғамгин ҳолатда кўриш. |
| 6. | Батафсил идрок қилиш. | 6. | Яхлит тасаввурли идрок. |

Одамнинг ҳар бир психик жараёни, ҳолати ва хусусияти бутун марказий нерв тизимининг фаолияти билан чамбарчас боғлангандир.

Сезгилар марказий нерв тизими томонидан турли хил энергиянинг турли сезги органларига таъсирини қайта ишлаши натижасида ҳосил бўлади. Таъсиротлар рецепторларга табиий стимуллар шаклида ҳам келиб, қайта ўзгаради, марказий нерв тизимига узатилади ва сезгиларга айланаётганда тамомила қайта ишланади.

Идрок натижасида психофизиологик жараён сифатида ҳосил бўладиган образ бирданига бир неча анализаторларнинг мувофиқлашган ҳолатдаги фаолиятини тақозо этади.

Диққатнинг физиологик асосларини бош мия пўстлоғининг бутунича ёки унинг айрим қисмларидаги қўзғалувчанликнинг ошиши билан боғлиқ. Бу ўз навбатида ретикуляр формациянинг алоҳида қисмларини фаоллиги билан ўзаро боғлиқ (алоқадордир).

А.А.Ухтомский диққатнинг физиологик асоси бўлиб қўзғатувчилар таъсирида кучайдиган ва қўшни соҳаларда тормозланишга олиб келадиган қўзғалишнинг доминантлик ўчоғи ҳисобланади, деб айтади.

Хотиранинг физиологик асослари шундан иборатки, бош миянинг алоҳида тузилмаларидаги нерв хужайраларида ёдлаш жараёнида кечадиган ўзгаришларда хотиранинг излари кузатилади. Хотира жараёнларида РНК ва ДНК молекулаларининг роли ҳақидаги гипотезалар юзага келган.

Тахмин қилинишича хотира ДНК ва РНК молекулалари тузилишидаги ўзгаришлар билан ўзаро боғланган.

Г.Хиден узоқ муддатли хотира жараёнида РНК роли ҳақидаги гипотезани таклиф этди. Бироқ, одамнинг энг мустаҳкам, энг чуқур хотирасини ташувчи бўлиб ДНК ҳисобланади. Бундан ташқари у ирсият тизимига ҳам киради деб ҳисобланади.

Сезгилар, идрок, диққат, хотирадан ташқари психик ҳолатларининг физиологик аксларини текшириш улкан қизиқиш уйғотади.

Оддий эмоцияларининг физиологик асоси бўлиб марказий нерв тизимининг лимбик тузилмалари, таламус ва гипоталамусдаги (бош миянинг қобиқ ости соҳалари) содир бўлаётган жараёнлар ҳисобланади.

Одам оддий ҳиссиётларининг нерв асоси бўлиб бош мия қобиғи ҳисобланади. Ҳозирги замон ахборот назариялари нуқтаи назари бўйича нерв ҳужайрасида қўзғатувчилар таъсири остида код функцияларини бажарувчи (белгилар ўзаро алмашинуви) турли характеристикага эга бўлган биотоклар пайдо бўлади. Нерв импульсида бирланадиган ахборотни кодларини ечиш барча илгари тўпланган ахборотларининг мажмуини бу жараёнга қўшилиши билан субъектив психик образини яратади.

Акс этадиган борлиқнинг психик образини тизимини мос келиши (изоморфлик) нерв кодини изоморфлиги билан таъминланади. Аммо образ нерв импульсининг шу дақиқадаги фаолияти моҳиятидан доимо «бой», тўлароқдир, негаки у шахс миясида, психик фаолият субъектида тўпланган ва қайта ишланган ахборотнинг бутун захирасини ўзида олиб юради.

## Қайтариш учун саволлар

1. Одам нерв тизимининг хусусиятлари, тузилиши ва функциясини айтиб беринг.



2. И.П.Павловнинг шартли ва шартсиз рефлекслар ҳақидаги таълимотини эсланг.

3. Инсон миясининг фаолиятини тушунтириб беринг.

4. Бош миянинг ярим шарларининг функцияси қандай?

5. П.К.Анохиннинг психологик ҳодисаларни ўрганишда функционал тизим аҳамияти ҳақидаги назария мазмунини очиб беринг.

6. "Онг" тушунчасини батафсил тушунтиринг ва унинг характериситкасини беринг.

7. Онглилик ва онгсизлик нима? (Мисоллар келтиринг).

## III БОБ. Замонавий психология фанининг методлари

### РЕЖА:

1. Психологик тадқиқотлар методларининг муаммоси.
2. Психологик тадқиқотлар босқичлари.
3. Психологик тадқиқотнинг асосий босқичлари.
4. Психологик тадқиқотларда олинган натижаларнинг математик-статистик қайта ишланиши.
5. Психологик тадқиқотларда ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш.

Маълумки, ҳар қандай фан ўз предметига эга. Психологиянинг юқорида айтиб ўтилганидек, предмети психика бўлиб, у объектив оламни психик ходисалар асосида акс эттириб, юзага келган ва шаклланган образ субъект фаолиятини ва хулқ-атворини мақсад сари йўналтиради.

Бундан ташқари ҳар қандай фан қандайдир ҳодисани қонуниятини билиш учун маълум бир методлардан фойдаланади. И. П. Павлов «методнинг қўлида тадқиқот тақдири ётади» деган эди. Методлар тизими фаннинг умумий методологиясига бирлашади.

Методологияни кенг маънода оладиган бўлсак, у маълум тизимга эга бўлган ва билимларни излаб топишга қаратилган мантиқан кетма-кетликка эга бўлган методлардир. Кўпчилик олимлар бу терминни илмий метод тушунчасига мос тарзда тушунадилар ва фойдаланадилар, методология фақат илмий тарзда қабул қилинишини таъкидлайдилар.

Методология ( юнонча – methodos – билиш,тадқиқ қилиш, излашиш йўли logos – тушунча, таълимот) амалиёт фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишни принциплари ва усуллари тизими, ҳамда ушбу тизим ҳақидаги таълимотдир.

Методлар – психикани ўрганиш усуллари, ва йўллари йиғиндиси. «Метод бу – билиш, англаш йўли бўлиб,, бу усул орқали фаннинг предмети аниқланади, ўрганилади. (С.Л. Рубинштейн).

Методлар тизими юқорида таъкидланганидек фаннинг умумий методологиясига боғлиқдир. Психологик тадқиқотлар методологияси, метод ва методикалари орасидаги боғлиқлик схемада берилган.






**Схема 1.** ***Психологик тадқиқотлар методологияси, методлари ва методикалари.***

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, психологик тадқиқотларнинг ташкил этилишига ва ўтказилишига маълум бир талаблар қўйилади. Улар қандай талаблар экан?

1. Тадқиқотларни режалаштириш. Метод ва методикаларни танлаш ва уларни синаб кўриш. Тадқиқотни самарали бўлиши учун асосларни ҳисобга олиш, тадқиқотларни мантиқий ва хронологик тузиш, тадқиқотда иштирок этувчилар сонини аниқлаш, зарур ўлчовларни аниқлаш, математик қайта ишловни режасини кўрсатиш ва бутун тадқиқотни қисқача мазмунини кўрсатиб бериш.
2. Тадқиқотни ўтказиш жойи.
3. Тадқиқотни техник жиҳозлаш.
4. Тадқиқ қилинувчиларни танлаш.
5. Тадқиқотчи (эксперимент ўтказувчи).Шубхасиз тадқиқотнинг боришига таъсир этади ва тадқиқотнинг режалаштиришдан то хулоса ва тавсияларига қадар катта аҳамиятга эга .
6. Кўрсатма – у аниқ ва қисқа бўлиши лозим.
7. Тадқиқот қошидаги баённома тўлиқ ва мақсадга йўналган бўлиши керак.

8. Тадқиқот натижаларини қайта ишлаш. Тадқиқот мураккаб жараён бўлиб, унинг ўз босқичлари ва поғоналари мавжуд. Улар нималардан иборат?

Психологик тадқиқот босқичларини қуйидаги схемада кўриш мумкин.

| | |
|---|---|
| IV – | Натижаларни шарҳлаш ва хулосаларни ифода этиб бериш |
| | ↑ |
| III – | Тадқиқот натижаларини сон таҳлил, Уртача катталикни аниқлаш, корреляция коэффициентини ишлаб чиқиш ва бошқалар<br>Графикларни тузиш. |
| | ↑ |
| II – | Хулосаларнинг тўғрилигини исботлаш. Бунинг учун турли методлардан фойдаланилади. |
| | ↑ |
| I – | Тайёрлов босқичи. Олдинга қўйилган вазифаларни урганиш, фарқларни ишлаб чиқиш.Тадқиқот вазифалари ва илмий фаразини белгилаш методикаларни ишлаб чиқиш |

Замонавий психология методларининг классификациясини келтириш лозим. Академик Б.Г. Ананьев методларни тўрт гуруҳга ажратади.

1 гуруҳ ташкилий методлар. Уларга қиёсий метод (турли гуруҳларни ёши, фаолиятига қараб солиштириш ва ҳ.к.) лонгитюд методи (узоқ вақт давомида якка текширилувчи ва гуруҳлар билан тадқиқ қилинувчиларни қайта-қайта тадқиқ қилишдир), комплекс методи (тадқиқотда турли фан намоёндаси бир объектни ўрганишда иштирок этишади, масалан, шахснинг фаоллиги, психологик ва ижтимоий ривожланишидаги боғлиқликни аниқлаш).

2 гуруҳ – эмпирик методлар: кузатув ва ўз-ўзини кузатув; экспериментал методлар; психодиагностик методлар (тестлар, анкеталар, сўровномалар, социометрия, интервью, суҳбат), фаолият натижаларини таҳлили, биографик методлар.

3 гуруҳ – натижаларни қайта ишлаш методларини ўзига киритган миқдор (статистик) ва сифат (материалларни гуруҳлар бўйича дифференциаллаш, таҳлил қилиш) методлардан ташкил топади.

4 гуруҳ – натижаларни тахлил қилиш методлари;интерпристацион методлари (ривожланиш режасига кўра алоҳида танқидий моментлар.



Босқич даврларни ажратган ҳолда тадқиқот материалларини тахлил этиш) ва тизимли боғлиқликни ўрнатиш методларидан иборат.

Энди психология методларида батафсил тўхталамиз.

<u>Кузатиш</u> – психология методи бўлиб, унда хулқ-атвор, хатти-ҳаракатлар қайд этилиб, субъектив ходисалар хақидаги фикрлар олинади. Кузатув табиий шароитда фаолиятга таъсир кўрсатилмаган ҳолда олиб борилади. Хатти-ҳаракатлар, сўзлар батафсил ёзиб борилади ва сўнг таҳлил қилинади. Илмий кузатувга фақатгина фактларни қайд қилишни эмас, балки уларни тушунтиришни ҳам ўз ичига олади. Кузатиш учун аниқ режа зарур. Олиб борилаётган ёзув ёки батафсил ёки танланган бўлиши мумкин. Батафсил ёзиб бориш шахс тўлалигича ўрганилганда, танланган эса – психик фаолиятни алоҳида кўринишлари кузатилганда олиб борилади.

Психология кузатишнинг қуйидаги классификацияси қабул қилинган. У икки гуруҳга ажратилади:

1.Бевосита (кузатувчи кузатилувчи орасида тўғридан тўғри боғлиқлик мавжуд бўлса) билвосита (тадқиқотчи билан вазифа асосида тингловчилар томонидан кузатувни олиб бориш), очиқ (англашилган, кузатувчи ва кузатилувчи учун маълум), ёпиқ (яширин)(телекамера, яширин овоз ёзиш, яширин фото камера орқали маълумотлар олиш)

2.Узлуксиз (бошi, ривожланиши, якуни кузатилади), дискрет (алоҳида ҳолатлар кузатилади, махсус режа асосида босқичли кузатиш олиб борилади), монографик (бир-бирига боғлиқ психологик холатларни қамраб олади), махсус (махсус чегараланган ҳодисани кузатиш)

3.Ўз-ўзини кузатиш – кузатувнинг бир тури бўлиб, унинг обьекти субьектнинг психик холатлари бўлиб ҳисобланади.

Психологик кузатувлар доим хам зарур натижаларни олишга имкон бермайди. Шунинг учун кузатувни қўшимча методлар билан тўлдириш лозим.

II. Психологиянинг асосий методи эксперимент (тажриба методидир).

Эксперимент замонавий психология методларидан бири бўлиб, у мустақил бўлган ўзгарувчиларни мустақил бўлмаган ўзгарувчиларга таъсирини аниқ ҳисобга олишга асосланади.

Экспериментнинг афзаллиги нимада? Улар қуйидагилар:

- тадқиқотчи уни қизиқтирувчи психик жараёнлар ҳақида тасодифий эмас, балки ўзи яратган шароитлар асосида натижа олади.
- Тадқиқотчи мақсаддан келиб чиққан ҳолда психик жараёнларнинг кечиши ва шароитини ўзгартириши мумкин.

- Эксперимент тадқиқотларида бу жараённинг кечиш шароити бўйича қатъий назорат ўрнатиш лозим.

- Эксперимент катта гуруҳларда ўтказилиши мумкин бўлиб, бу ўз ўрнида психик жараёнларни ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганишга имкон беради.

Илк бора психологик тажрибалар XIX асрнинг иккинчи ярмида В.Вундт (Германия) лабораториясида ўтказилган. Унтишнинг қонуниятлари Г. Эббингауз томонидан ўрганилганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Экспериментлар (тажрибалар) лаборатория ва табиий экспериментларга бўлинади.

Лаборатория эксперименти – психология методи бўлиб, у сунъий шароитда унга таъсир этувчи барча омиллар назоратида амалга оширилади. Лаборатория экспериментининг камчилиги унинг сунъийлигидадир.

Табиий тажриба илк бор 1910 йилда рус психологи Л.Ф. Лазурский томонидан қўлланилган. Табиий эксперимент шундай тажриба турики, у ўз ичига тажриба иштирокчиларига билдирилмаган холда ўйин, меҳнат, ўқув фаолиятини қамраб олиши мумкин. Экспериментда таъсир воситалари билан тажрибадан олинган натижа белгиланган ва ҳисобга олиб туриладиган тартибда кузатилади. Бунда тадқиқотчи фаол тарзда ўрганилаётган ҳодисаларга таъсир эта олиши, уларни ўзгартириши ва уларни бошқариш имкониятига эга. Экспериментнинг туб моҳияти тадқиқот фаразидан ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган жараёнга маълум ўзгартиришларни киритишдир.

Кесик(срез)–бу ўрганилаётган объектнинг ҳолатини ривожланишининг барча босқичларидаги қисқа муддатдаги фактларини қайд қилишдир. Кўндаланг кесик (срез) тадқиқ қилинувчи турли гуруҳларни солиштиришга имкон беради, лекин уларни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш имкониятига эга эмас.

Бўйлама(бўйига) кесиклар(срези) тадқиқотда иштирок этувчи тадқиқ қилинувчиларнинг алоҳида психик хусусиятларини узоқ муддат жараёнида кузатиш имконини беради.

Лонгитюд методи – (ингл. Long – узун) кузатув натижасида узоқ муддатга қатор субъектларнинг тадқиқ қилишдир. Масалан, шундай тажрибани Ўзбекистон психологи Н. Нигматов ўтказган бўлиб, у бирдан то саккизинчи синфгача бўлган ўқувчилар тафаккурининг умумлаштириш қобилиятини тадқиқ қилган.



Келажакда педагогик фаолият билан машғул бўлган педагоглар ҳам тажрибалар ўтказишлари лозим. Психологик-педагогик тажриба схемаси қуйидагича келтирилиши мумкин.

| № | Эксперимент босқичлари | Экспериментал гуруҳ | Контрол гуруҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | Илгари қўйилган баҳо | $X_1$ | $X'_1$ |
| 2. | Берилаётган материал | берилган | Берилмайди |
| 3. | Кейинги баҳо | $X_2$ | $X'_2$ |

Агар илгари қўйилган баҳо $X_1$га тенг бўлса (экспериментал гуруҳ) $X'_1$ (контроль гуруҳ), унда улар орасидаги фарқ $X_2 - X'_1 = D_1$ ,бўлиб, у ўрганилаётган натижалар ўзгарганлигини намоён қилади. $X_2 - X'_1 = D_1$ эса контрол гуруҳ натижаларини намоён қилади. $D - D_1$ эса омилларни ўрганиш билан боғлиқ экспериментдан олинган ўзгаришлардир. Педагогик психологик тадқиқотларни ўтказишда тажриба контрол синфлар олинади. Бунда ўқув тарбиявий жараёнида тажриба синфига янги (тажрибавий) омиллар киритилади, назорат синфга эса бундай омиллар киритилмайди. Бунда қолган омиллар бир-бирига мос бўлиши лозим. Шунси муҳимки, тажриба ва назорат синфлар қатор кўрсаткичлар бўйича бир хилда бўлиши лозим (ўзлаштиришнинг ўртача баҳоси, тарбияланганлик даражаси, фаоллиги, болалар жамоасининг уюшганлиги ва ҳ.к.)

Энди психологиянинг қолган методларида тўхталамиз.

Анкета – олдиндан тайёрланган саволлар тизимига маълум жавобларни олишга мўлжалланган сўров варақи. Анкеталар очиқ ва ёпиқ турда бўлади. Очиқ анкеталарга жавоб беришда ҳеч қандай чегаралар қилинмайди. Ёпиқ анкеталарда жавоб бериш учун танлаш имконияти берилади. («ҳа», «йўқ», «баъзан»).

Суҳбат – психологиянинг методларидан бири бўлиб, у орқали тўғридан – тўғри ёки бевосита маълумот олиш мумкин. Суҳбат натижаси (олдиндан режалаштирилган ва режа – савол бўйича тўғридан – тўғри ёзиб борилади ёки олдиндан тайёрланган карта таблицаларда акс эттирилади.

Биографик метод – шахсни унинг мавжуд ҳужжатлари асосида ўрганилади. Бу хотиралар асосида ёзилган бадиий адабиёт ҳам бўлиши мумкин. (Ойбек, Ўткир Ҳошимов асарлари)

Интервью – ижтимоий психология методи бўлиб, қўйилган саволларга жавоб олишга ва бунинг натижасида маълумот олишга мўлжалланган методдир. Тадқиқотчи интервью тарзида савол – жавоблар ўтказади.

Социометрия - муносабатлар тизими ва психологик мослиги, ҳамда жамоа ва гуруҳларда шахслараро муносабатларни аниқлашга мўлжалланган психологик тадқиқот методи. Ушбу методнинг жуда кенг тарқалган усули

америкалик психолог Дж. Морено томонидан ишлаб чиқилган. Социометрия тести ижтимоий рейтинг тести бўлиб, бунда жамоанинг ҳар бир аъзосидан у ишлашни, ўқишни, ўйнашни, дам олишни ҳоҳлаган ёки ҳоҳламаган жамоа аъзосини белгилайди. Социометрия натижалари социограммада ўз аксини топади.

<u>Тест</u> – стандартлаштан психологик синов бўлиб, унинг натижасида шахснинг бирор – бир психологик жараёнига баҳо беришга ҳаракат қилинади. Илк бора тест тушунчасини америкалик психолог Д. Кеттел 1890 йилда «Mind» мақоласида киритган.

1905 йилда психолог А. Бине ва унинг шогирди Т. Симонлар ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларни аниқловчи тестни биринчи бўлиб яратадилар. 1920 йилда В. Штерн ақлий истеъдод коэффициентини киритган. 1937 йилда инглиз психологи Д. Векслер ақлий кўп қиррали тестни яратади.

1943 йилда америка психологи Г. Маррей кўп факторли Миннесот шахс сўровномасини (ММРJ) яратади. Ушбу сўровнома 550 та саволдан иборат бўлиб, шахснинг 14 та хусусиятларини аниқлайди.

1987 йилда ШТУР (ақлий ривожланишни аниқлайдиган мактаб тести) яратилади. Унга К.М.Гуревич бошчилигидаги Москвалик бир гуруҳ олимлар асос соладилар. Булар қаторида америкалик психолог Р.Кеттелнинг шахснинг 16 хусусиятини, швейцария психологи Роршах (сиёҳ доғлари) лаёқатларни аниқлаш прожектив тести, Равен (фикрлаш фаолиятини баҳолаш), инглиз психологи Г.Айзенк (ақлий ривожланиш ва қобилиятлар) ва шу каби кўплаб тестлар маълум.

Тестлар якка ва гуруҳий, аппаратура орқали ва бланклар асосида ўтказилиши мумкин. Аналогия, ассоциация, муваффақиятга эришиш, маҳорат, тугалланмаган гап, хотира, қобилият ва бошқа психик хусусият, жараёнларни аниқлашга қаратилган тестлар мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тестларни самарали қўллашлишида уларнинг валидлиги, стандартлиги ва ишончлилиги муҳим аҳамиятга эга.

<u>Валидлик</u> – тест нимани аниқлашга қаратилганлигини ўлчаш даражасини баҳолаш жараёнидир.

<u>Тест стандартлиги</u> – тест пухта таҳлил қилинган ёки қилинмаганлигини аниқлашга қаратилган мос нормалар. Ушбу нормалар тестни ишончлилиги ва валидлигини аниқлайди.

<u>Психологик тестнинг ишончлилиги</u> – умумлашган атама бўлиб, у тестга қанчалик ишониш мумкинлигининг барча томонларини ёритишга қаратилган. Бу ерда энг асосийси кетма-кетлик босқичи бўлиб, бунда



тестни қайта-қайта ўтказиш жараёнида деярли бир хил натижаларни олиш хусусиятини белгилайди. Ҳар қандай психологик тадқиқот аниқ, пухта ҳисоб мезони ва уни баҳолашни ишлаб чиқилгандагина муваффақиятли туғаши мумкин.

Йиғилган барча материаллар пухта сифат таҳлилидан ўтади ва бу биринчи хулосалар қилишга замин яратади. Шуни инобатга олиш керакки, ҳар қандай сифат тахлили ва хулосалардан олинган натижаларни миқдорий қайта ишланишга боғлиқ.

Тестдан олинган натижаларни баҳолашда математик (статистик) методларнинг аҳамияти жуда катта. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, математик метод у ёки бу ходиса асосидаги фарқларни аниқлашга ёрдам беради, лекин улар орасидаги фарқлар сабабини, уларнинг сифат моҳиятини очиб бермайди.

Математик статистика психологияда умумий ҳолда ўрганилаётган ходисаларнинг натижаларини солиштиришга ёрдам беради.

Статистик методлар орқали, масалан, ўқувчиларни баҳоларини йиғиб синфнинг ўртача баҳосини аниқлаш мумкин. Лекин баҳолар моҳиятини статистика аниқламайди.

Эҳтимоллар назарияси ва вариацион статистика методлар катта миқдордаги ранг-баранг омиллар таъсирида шаклланувчи ҳодисаларни ўрганишга ёрдам беради (коррекцион, фактор тахлил ва ҳоказо).

<u>Коррекцион таҳлил</u> – икки ва ундан ортиқ ўзгарувчилар орасидаги боғлиқликни аниқлаб унда бир ўзгарувчини иккинчи ўзгарувчи аҳамиятлилиги остида систематик катталашиши, иккинчисини биринчи аҳамиятлилигида остида камайиши ёки катталашиши кузатилади. Бундай статистик боғлиқлик анъанага биноан кузатилаётган таҳминни кутилаётган натижа асосида маълум натижага боғлашдир. Корреляция қанчалик кучли бўлса, тахминни тўғрилигига шунча кўпроқ ишониш мумкин.

<u>Фактор</u> тахлили – кўп марта ўлчанадиган математик статистика методи бўлиб, у статистик боғлиқ хусусиятларни тадқиқ қилишга қаратилгандир.

Психологик тадқиқотларда назарий моделлаштириш методи муҳим аҳамиятга эга. Унинг моҳияти шундаки, олдиндан ўтказилган предметни тадқиқоти натижасида жуда кўп миқдорда олинган натижалар, маълум миқдордаги муҳим хусусиятлар, белгилар, тизим қисмлари ажратилади ва унинг натижасида улар орасидаги боғлиқликлар ва ўзаро муносабатлар аниқланади.

Унинг натижасида тадқиқот предметининг назарий модели яратилади ва у кейинчалик тажрибада текширилади. Назарий моделлаштириш модели

турли фаолият турлари, шахс муносабатлари жараёнини шаклланишини ўрганишда қўлланилиши мумкин.

XX аср бошларида психологик лабораторияларда турли электр асбоблар, замонавий аппаратура, аудио-видео, электрон техника қўлланила бошлади. Кибернетик моделлаштиришга ёрқин мисол тариқасида замонавий психологияда ЭХМ лар асосида математик программалаштириш гояси келтирилиши мумкин. Бу инсон хатти-ҳаракатларини унинг психологиясига мос ҳолда электрон ҳисоблаш машиналари ҳисоблаб чиқариш уринишлари кузатилди (америкалик олимлар Д.Миллер, Ю.Галантер, К.Прибрам). Ва ниҳоят, шуни таъкидлаш лозимки олинган натижалар тушунтирилиши, талқин этилиши лозим. Бундай тушунтириш, олинган натижалар талқини – тадқиқот натижасининг шарҳланиши бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган тадқиқот методларидан кўриниб турибдики, психология инсон психикасининг барча механизмлари, қонуниятлари ва фактларини турли усуллар билан ўрганишга, уни таҳлил этишга, шарҳлашга ва ҳаётга тўғри йўлланма беришга интилади.

### Қайтариш учун саволлар

1. "Методология", "метод", "методика" тушунчаларининг моҳияти ва босқичларини аниқланг.
2. Психологик тадқиқотларнинг асосий босқичлари қандай?
3. Психологиянинг асосий методларини айтинг.
4. Қайси психологик методлар педагогик фаолиятда кенг қўлланилиши мумкин?
5. Психологик тестларнинг моҳияти ва имкониятларини очиб беринг.
6. Психологияда қўлланиладиган ўлчов шкалаларига тавсия беринг.
7. Психологик тадқиқотлар натижасини сон таҳлили деганда нимани тушунасиз?
8. Психологик фактларни мазмуний таҳлилини ёритиб беринг.
9. Психика ўрганишда моделлаштиришнинг имконияти ва вазифаларини аниқланг.



## IV БОБ Психиканинг тараққиёти

### РЕЖА:

1. Психика материянинг эволюцияси сифатида.
2. Психиканинг филогенездаги тараққиёти.
3. Инсоният ва ҳайвонлар ҳатти – ҳаракатларининг ўзгарувчан турлари.
4. Ҳайвонларнинг интеллектуал хатти – ҳаракатлари.
5. Инсон ва хайвон психикаси ўртасидаги фарқ моҳияти.
6. Инсон психикасининг ёш тараққиёти.

Воқъеликнинг таъсирини акс этиш қобилияти – материянинг умумий хусусиятидир. Лекин оламда тирик ва ўлик табиатни акс этиши турличадир. Тирик материянинг ташқаридан таъсир этаётган моддалар алмашинувига жавоб бериш таъсирланувчанлик деб аталади.

Оддий таъсирланувчанликка барча ўсимликлар эга.

Эволюция жараёнида организмлар ташқи муҳит билан муносабатларнинг умумий турини ўзгариши натижасида таъсирланувчанликнинг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиши – сезувчанликни юзага келишига сабаб бўлади.

А.Н. Леонтьевнинг фаразига асосан, сезувчанлик генетик шундай таъсирланувчанликки, ташқи муҳит таъсирига организмни йўналтиради ва бунинг натижасида организм ташқи муҳитда сигнал вазифасини бажаради.[3]

Демак,сезувчанлик шундай таъсирланувчанликки, унинг натижаси ҳаёт учун зарур таъсирлар сигналланади. Сезувчанликни намоён бўлиши психикани пайдо бўлишига обьектив биологик белги сифатида хизмат қилади. Психика, таъсирланувчанликнинг ўзига хос юқори сифат ўзгариши – сезувчанлик – психик акс эттиришнинг оддий тўри юзага келганида бошланади.

Ҳайвонлар эволюцияси жараёнидаги психиканинг сифат ўзгаришларини А.Н.Леонтьев ўзи ифодалаган психик ривожланиш босқичларига асос қилиб олди.

### А.Н. Леонтьев бўйича психика ривожланиш босқичлари

I. Элементар (оддий) сенсор психика босқич. Элементар (оддий) сенсор психика босқичи А.Н. Леонтьев таърифича ташқи муҳит обьектнинг у ёки бу сифатига жавоб бераверади. Бу оддий сезиш босқичидир. К.Э Фабри фикрича, оддий сенсор психиканинг икки - паст ва юқори даражаси ажратилади.

[3] Леонтьев А.Н. Проблемы развития психологии. М., 1972 стр 43-46

Кўпгина бир хужайрали ва айрим кўпхужайралиларда психик ривожланишнинг паст даражаси бўлади. Бунда психик фаолликнинг оддий турлари намоён бўлади.

Оддий психиканинг юқори босқичида кўп хужайрали умуртқасизларда мавжуд бўладилар.

Уларда илк бор нерв тизими намоён бўлади. Бу ҳайвонот эволюциясининг зарур муҳим давридир. Нерв тизими диффуз ёки сеткасимон, ганглиоз ёки занжирсимон бўлиб, улар алоҳида предметларнинг сифатларинигина акс эта оладилар. Ҳайвонлар учун ушбу босқичда предмет олам мавжуд бўлмайди, улар воқелик объектини идрок эта олмайдилар. Уларнинг психик акс эттириши оддий сезиш рамкасига кирмайди.

## II. Перцептив психика босқичи .

У ташқи объектив воқеликни акс этиши билан характерланиб, алоҳида оддий сезиш тури эмас, балки нарсаларнинг акс этишининг бутун яхлит усулидир.

К.Э. Фабрининг фикрича, перцептив психикани ҳам икки даражаси мавжуд. Паст даражага юқори даражали умуртқасизлар киради. Перцептив психиканинг қуйи босқичида мавжуд бўлган ҳайвонларга ижобий таъсир этувчиларни фаол излаш хусусияти хосдир.

Предметни идрок этиш – перцептив психиканинг юқори даражасидир. Ушбу даражада умуртқалилар ривожланиб, уларга ривожланган нерв тизими хосдир.

## III. Ҳайвонларнинг ақлий ривожланиш муаммоси. Интеллектуал (ақлий )хатти-ҳаракат - ҳайвонлар психик ривожланишининг юқори чўққисидир.

Ақл (интеллект) босқичи ҳайвонларнинг деярли мураккаб фаолияти билан характерланиб, у акс эттиришнинг мураккаб туридир.

«Ҳайвонларни борлиқни психик акс этиш усули интеллектуал фаолиятга ўтишида алоҳида нарсаларгина эмас, балки уларни муносабатларини акс эттириш ҳам вужудга келади.»[4]

Ҳайвонлар ривожланишининг бу босқичида предметлар орасидаги боғлиқликларни акс эттира оладилар. Бу ерда янги хусусиятлар юзага келади. Биринчидан, фаолият икки фазага кескин ажралади: тайёргарлик ва амалга ошириш, биринчи фазанинг мавжудлиги интеллектуал (ақлий) хулқ-атворни ўзига хос сифатини ташкил қилади. Немис зоопсихологи В. Кёлернинг тадқиқотларида маймунларга етиб бўлмайдиган жойга хўрак

[4] Леонтьев А.Н. прблеми развития психологии М., 1972 стр 250



қўйилади. Хўракдан яқинроқ, лекин бевосита етиб бўлмайдиган жойга узун таёқ қўйилади. Бу таёққа етиш учун қафасда қисқа таёқча бор. Қисқа таёқча билан хўракни олиб бўлмайди. Маймун эса биринчи фазада қисқа таёқ билан узун таёқни олади. Иккинчи фазада узун таёқ билан хўракка эга бўлади.

Шундай қилиб, тайёргарлик фазасида предметларнинг ўзи эмас(таёқ), уларга бўлган объектив муносабат (таёқ хўракни олиш воситаси сифатида) юзага келади.

А.Н. Леонтьевнинг фикрича ақлий хулқ-атворни бошқа хусусияти, бу ҳайвоннинг муваффақиятсиз ҳаракатлардан сўнг тўсатдан жавобни топишидир. Бу ҳодиса В. Кёлер томонидан «Инсайт» - равшанланиш деб аталган.

Ақлий хулқ-атворнинг бошқа икки хусусияти бу топилган муаммонинг ечимини тез эслаб қолиш ва шу билан шаклланган операцияларни бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга ўтказа олишдир.

Ҳайвонлар хатти-ҳаракатларида туғма ва орттирилган шакллар мавжуд.

Ҳайвонлар хатти-ҳаракатларининг асосий туғма тури – инстинктдир.

Инстинкт – бу мураккаб туғма ҳаракат бўлиб, у асосида ҳайвонлар ўз эҳтиёжларини қондирадилар.

Масалан, ўргимчаклар моҳирона инларни тўқишлари мумкин, аммо бунга улар ўрганган эмас. Асаларилар аниқ математик ҳисоб-китоб асосида инларини ясайдилар. Ҳайвонлар инстинктларида бизни уларнинг объектив мақсадга йўналганлиги ҳайратлантиради. Аммо ушбу хусусият ҳайвонларда чегараланган.

Улар ҳаётдаги кичик ўзгариш ҳам уларнинг мақсадга йўналганлигини ўзгартиради. Масалан, ўргимчак инига тутилган пашшага дарҳол ёпишади, уни ейди.Лекин у пашша билан бир жойга жойлаштирилса, ўргимчак пашшадан қочади.

Ўзлаштирилган (индивидуал) хулқ-атвор усулларига кўникма ва фикрлаш фаолиятининг куртаклари киради.

Кўникмалар – бу ҳайвоннинг шундай ҳаракатики, у индивидуал ҳаёт мобайнида ишлаб чиқилади.

Масалан, ит олди оёғини кўтариб орқа оёғида юради, отлар эгарбилан юришади ва ҳ.к. кўникмалар янги ҳаракатларни қайта-қайта қайтариш инстинктлар асосида юзага келади.

Уй ҳайвонлари кўпгина кўникмаларни инсонлар билан «ўргатиш» асосида эгаллайдилар, буни дрессировка деб атайдилар. Ҳайвонларда

интеллектуал ақлий хулқ-атвор куртаклари улар томонидан бажарилган кўрсатмали ҳаракат масалаларида акс этади.

Ушбу фикрлаш фаолиятининг элементарлиги шундан иборатки, ҳайвонлар фақат идрок этаётган борлиқ оралиғида фикрлайдилар, улар ақлий операциялари эса ўз биологик эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳаракатларида акс этади.

Ҳайвон ва одам психикасидаги **фарқлар** умумлашган ҳолда қуйидаги таблицада ўз аксини топган.

1 таблица

| **Муҳим хусусиятлар** | |
|---|---|
| **Ҳайвонлар фаолияти** | **Инсон фаолияти** |
| 1. Инстинктив-биологик ҳаёт фаолияти | 1.Фаолият билиш ва мулоқот эҳтиёжи орқали йўналтирилади. |
| 2. Ҳамкорликда фаолият мавжуд эмас. | 2.Ҳар қандай ҳаракат инсонлар учун ҳамкорлик фаолиятида маълум бир даражада мазмун касб этади. |
| 3. Конкрет вазиятдан кўрсатмали тасаввурга асосланади. | 3. Мавҳум фикр юритади, нарса ва ҳодисалар орасидан боғлиқликни аниқлашга ҳаракат қилади. |
| 4. Авлоддан ўтадиган ҳаракатлар дастури. | 4. Мулоқотнинг ижтимоий воситалари орқали тажрибани узатиш ва мустаҳкамлаш. |
| 5. Ёрдамчи воситалардан фойдаланиш мумкин. Лекин уларни сақламайди, доимо улардан фойдаланмайди. | 5.Меҳнат қуролларини ясаш, уларни сақлаш ва кейинги авлодга қолдириш. |
| 6. Атроф-муҳитга мослашадилар. | 6.Ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ташқи оламга таъсир этади, уни ўзгартиради. |

Инсон психикаси – психика тараққиётининг энг олий босқичидир. Homo Sapiens – ақлли инсондир.

Онг фаолият жараёнида шаклланиб, у биргаликда ҳаракатларни бажариш,(масалан, овқат излаш) асосида юзага келиб у тубдан ибтидоий инсон ҳаёт тарзини ўзгаришига шароит яратди. Инсоннинг биологик - морфологик хусусиятлари қарийиб 40 минг йил давомида барқарор бўлган бўлсада, инсон психикаси фаолият жараёнида ривожланади. Меҳнат фаолияти ривожлантирувчи характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилиб, ўз маҳсулида намоён бўлади, яъни инсон



яратган нарсаларида унинг маънавий кучи ва қобилиятлари ўз аксини топади.

Шундай қилиб, инсониятни юқори маънавий маданияти деганда инсониятнинг психик ривожланишининг юқори кўрсаткичлари тушунилиши мумкин.

Меҳнат - бу инсонни табиат билан боғлайдиган, уни табиатга таъсир кўрсатадиган жараёндир.

Меҳнат фаолиятига қуйидагилар характерлидир:

1. Меҳнат қуролларини тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш.
2. Меҳнатнинг маҳсулдорлиги ва меҳнат жараёнларининг мақсадга йўналганлиги.
3. Меҳнатнинг меҳнат маҳсулотлари бўйича тасаввурга бўйсунишимеҳнат ҳаракатларининг восита ва характерини қонун сингари белгиловчи меҳнат мақсади.
4. Меҳнатнинг ижтимоий характери уни ўзаро муносабатлар жараёнида амалга оширилиши.
5. Меҳнат ташқи оламни ўзгартиришга қаратилгандир.

Меҳнат қуролларини тайёрлаш ва уларни қўллаш тафаккур, нутқ, тил, инсонлар орасидаги ижтимоий-тарихий муносабатларни юзага келишига хизмат қилди.

Жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёнида инсон ўзининг хулқ-атворини усул ва йўлларини ўзгартирди, табиий лаёқат ва олий психик функцияларни бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтказди, идрок, хотира, тафаккурни тарихий формаларини шакллантирди, ёрдамчи воситалар нутқ белгиларидан бевосита фойдаланди.

Олий психик функцияларнинг бирлиги инсон онгини юзага келтирди.

Инсоннинг психик ривожланишининг даражаси ўзи, бошқа кишилар ва маълум бир гуруҳлар билан қиёсланувчи билим, кўникма ва малакалар мажмуидан иборат. Психик риворжланишнинг шартлари унинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган омиллардан иборат. Ривожланиш шартларига инсоннинг болалигидан бошлаб атрофдаги одамлар , улар орасидаги муносабат моддий ва маънавий маданият предметлари киради.

**Психик ривожланишнинг кўрсаткичлари бу:**

1. билиш ва билиш фаолиятини ривожланиши(юзаки акс эттиришдан воқеаларни моҳиятигача билиш)
2. фаолият ва ўз-ўзига муносабатни шаклланиши.
3. амалий ва ақлий ҳаракатлар тизимини аниқлаш.

Таълим-тарбия юқорида айтилганидек, инсон психик ривожланишини акс эттирувчи асосий омилидир. Таълим ва тарбия

олмаганини олади. Масалан, ... таъсирида ола ҳаёт жараёнида бола нутққа эга бўлади, лекин ёзув ва ўқиш бўйича бола билимни махсус таълим жараёнидагина олади.

Одамнинг қўл ва оёқлари ҳаракатлари, унинг организми ривожланиши билан ва у яшаётган шароитга боғлиқ. Лекин махсус меҳнат, техник кўникма ва малакаларни инсон фақат таълим орқали эгаллайди.

Таълим-тарбия жараёнида инсоннинг органик ривожланишидаги нуқсонларни ҳам керакли томонга ўзгартириш мумкин. Масалан, баъзи болалар жисмоний камчиликлар – кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб туғиладилар, аммо махсус ташкил этилган таълим ва тарбия асосида бундай болалар ақлий ривожланишга эга бўладилар. Бунга яққол мисол кўзи ожиз, қулоғи кар аёл Ольга Скороходовани кўрсатиш мумкин. У олий маълумотга эга бўлди, қатор китоблар яратди, махсус психологиядан докторлик диссертациясини ёқлади, қатор бадиий асарлар муаллифидир.

Таълим-тарбия натижасида ҳаёт жараёнида орттирилган салбий одатлар ҳам ижобий томонга ўзгартирилиши мумкин.

Таълим ва тарбия шахс ривожланишига прогрессив таъсир кўрсатади.

Ёш даврлари бўйича психик ривожланиш етакчи фаолият таъсирида юзага келади. Бу фаолиятда шахс сифат жиҳатидан ўзгариб шаклланади.

Ёш даврларда янги психологик ўзгаришлар ва етакчи фаолият таъсири ҳақида 2-таблицада кўрсатилган.

ув

| Ёш даври | Етакчи фаолият | Ёшдаги янгиликлар |
|---|---|---|
| Гўдаклик (1 ёшгача) | Бевосита эмоционал мулоқот | Мулоқотга эҳтиёж эмоционал муносабатлар |
| Илк болалик( 1-2 ёш) | Предмет-манипулятив (ҳаракатли) фаолият | Нутқ ва кўргазмали ҳаракат тафаккури |
| Мактабгача ёш дари(3-6ёш) | Ролли ўйин | Ижтимоий-фойдали, ижтимоий баҳога эга бўлган фаолиятга эҳтиёж, ўқиш-таълимга тайёргарлик. |
| Кичик мактаб ёши (7-10 ёш) | Таълим, ўқиш | Психик жараён ва ҳолатларнинг ихтиёрийлигининг ривожланиши |
| Ўсмирлик даври (11-14 ёш) | Ижтимоий-фойдали меҳнатда мулоқот | Ўз-ўзига баҳо бериш, атрофга танқидий қараш, катта бўлишга |



| | | |
|---|---|---|
| | | интилиш, гуруҳий ҳаёт нормаларига бўйсиниш. |
| Ўспиринлик даври ( 15-17 ёш) | Ўқув-касб фаолияти | Дунёқараш, эътиқод, орзу, идеал, касб қизиқиши |

Ушбу таблицада 17-18 ёшгача бўлган ривожланиш назарда тутилади, бу эса шу ёш билан психик ривожланиш тўхтайди деган сўз эмас.

Ёш даврига етуклик даври – 55-60 ёшгача, қарилик 55-60 ёшдан сўнг, бу ёш психологиясини геронтопсихология деб номланган психологиянинг соҳасида ўрганилади.

## Қайтариш учун саволлар

1. Нима учун элементар сезувчанликни психикани пайдо бўлишининг илк формаси дейилади? Сезувчанликни қўзғатувчанликдан фарқи нима?

2. Хулқ-атвор турларининг ривожланиш даражаси билан нерв тизимининг ривожланиши орасидаги боғлиқликни тушунтиринг.

3. Нима учун "пашша билан банкага солинган ўргимчак унга тегмайди, ахир табиий шароитда ўргимчак пашшани тутиб еяди-ку?.

4. Нима учун қуённи "барабан чалишга", бўрсиқни "кир ювишга" ўргатиш осону, тескарисини қилиб бўлмайди? Бундан келиб чиқиб қандай хулоса қилиш мумкин?

5. Ҳайвонларнинг интеллектуал хулқ-атвор турлари сифат жиҳатдан нимаси билан фарқ қилади?

6. Нима учун чумоли ва асалариларнинг мураккаб хатти-ҳаракатларини меҳнат деб бўлмайди? Меҳнат фаолиятининг асосий жиҳатлари нимадан иборат?

7. Инсон ва ҳайвон психикасидаги фарқ нимадан иборат?

# V БОБ. Фаолият

## РЕЖА:

1. Фаолият ҳақида тушунча.
2. Фаолият тизими.
3. Кўникма ва малакалар, уларни пайдо бўлиш қонуниятлари.
4. Фаолиятнинг асосий турлари.
5. Етакчи фаолият тушунчаси.

Замонавий психология фани психикани ўрганишда фаолиятни ёндашув принципини асосий принциплар сифатида қабул қилади. Ушбу принцип моҳиятини очиш учун фаолият ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш лозим.

Умумий ҳолда оладиган бўлсак, фаолият деганда тирик организмни ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаоллиги тушунилади. Ҳайвонларда ушбу фаоллик табиатан биологик характерга эга. Шунинг учун «фаолият» атамаси ҳайвонларга нисбатан мажозий маънода олиниб, уни аниқроқ қилиб «ҳаётий фаолият» дейишимиз мумкин. Аниқ ҳолда фаолият — бу инсонгагина хос бўлган, онг билан бошқариладиган, оламни билишга қаратилган эҳтиёжларни қондириш ва оламни ҳамда одамни ўз-ўзини ўзгартиришга йўналтирилган фаоллигидир. Фаолият муаммоси бевосита органик жиҳатдан шахс ва онг муаммоси билан боғлиқдир. Шахс фаолиятда таркиб топади ва шаклланади. Яшаш — бу ҳаракатланиш демакдир. Инсон ҳаёти — бу бир-бири билан ўрин алмашувчи фаолиятлар тизимидир. Фаолият — бу инсоннинг воқелик билан ўзаро муносабати жараёни бўлиб (табиий ва ижтимоий), бу пассив жараён эмас, аксинча онг билан бошқариладиган, нисбатан ортиқ ёки камроқ фаолликдир. Инсон фаолияти бевосита эҳтиёжлар билан эмас, балки аниқланган мақсад асосида бошқарилади.

Инсон фаолияти ранг-барангдир. Фаолият натижаларига кўра анъанага асосан уни амалий ёки назарий турга бўлиш мумкин.

Ҳар қандай фаолият маълум бир ғояни ҳаётга тадбиқ этиб, у назорат ва бошқарувни талаб этади. Энг ажойиб ғоялар жамият томонидан маълум фаолиятга тадбиқ этилгандагина юқори баҳога эга бўлади. Бугунги кунда республикамизда илгари сурилган мустақиллик миллий ғояси фуқаролар фаоллигини ошириши, уларда Ватанга садоқат, бурч, масъулият,фидокорлик ҳиссини шакллантиришга қаратилгандир.Зеро, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: «Миллий ғоя — инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари



[illegible] ички ва ташқи қисмларни қамраб олади.

Фаолиятнинг барча турларида ички ва ташқи қисмларини миқдорий сифати ўзгаради, лекин «ақл билан» иш юритишни билиш орқали фаолиятнинг ички қисми (хатти-ҳаракатнинг ақлий режаси) устивор бўлади.

Бу инсон фаолиятининг сифат жиҳатидан ўзига хослигини таъминлайди. Ўзининг генетик келиб чиқиши бўйича ички (ақлий, психик) фаолият ташқи (предметли) фаолиятдан келиб чиқади.

Бола аввал предметли хатти-ҳаракатларни амалга оширади, сўнг тажриба орттач худди шу хатти-ҳаракатларни ақлий амалга оширади. Ташқи (предметли) хатти-ҳаракатларни ички (ақлий) хатти-ҳаракатларга айланиши интериоризация (юнонча interior – ички) деб аталади. Аммо ички хатти-ҳаракатлар ташқи натижага йўналтирилган бўлиб, фаолиятни ички қисми (психик, ақлий) ташқига (предметли) айланиши ва предметларда маълум усул ва ҳаракатларни амалга оширилиши экстериоризация (юнонча exterior – ташқи) деб аталади.

Интериоризация жараёни ҳаракатларни жисмоний предметлиликдан халос этибгина қолмай, фаолият самарадорлигига уни умумлаштиришга ва бир фаолият туридан иккинчи фаолият турига ўтишга ёрдам беради.

## ФАОЛИЯТ ТИЗИМИ

Аниқ фаолият турларининг ранг-баранглигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларни ҳар бирини ўзига хос қисмларининг тизими мавжуд. Булар: мақсад, мотивлар, хатти-ҳаракатлар, операциялардир.

Тизим (структура) – объектнинг барқарор боғланишлари йиғиндиси бўлиб, турли ташқи ва ички ўзгаришлардан қатъий назар ўз мақсади ва бутунлигини сақлайди.

Фаолият тизимини кўриб чиқайлик. Бу — мақсаддир, у инсон эҳтиёжларини амалга оширади ва фаолиятнинг охирги натижасининг образи сифатида намоён бўлади (уй қуриш, университетни битириш, масалани ечиш ва ҳ.к.) лекин мақсадни аниқлаш билан масала ҳал бўлди деб бўлмайди, аксинча буни одам нима учун қиляпти? деган савол юзага келади. Масалан, университетни тамомлаш. Мақсад — тамомлаш. Тамомлаш мотивлари турлича бўлиши мумкин – диплом олиш, билим олиш, ўз обрўсини мустаҳкамлаш, ўз ўрнини тасдиқлаш ва ҳ.к.

Мотив – бу биринчидан, инсонни фаолиятга ундайди, иккинчидан фаолиятда ўзига хос жиҳатларни намоён этади ва мақсадга эришиш учун зарур йўл ва усулларни танлашга ёрдам беради. Мотивларга эҳтиёжлар, қизиқишлар, эмоция ва хислар, эътиқод ва идеаллар, установка ва одатлар кириши мумкин. Мақсадлар каби мотивлар ҳам узоқ ва яқин, шахсий ва умумий бўлиши мумкин.

**Хатти-ҳаракатлар** – бу фаолиятнинг нисбатан тугалланган элементи бўлиб, у умумий мотивга бўйсунган оралиқ мақсадга эришишни назарда тутади. Масалан, талабанинг ўқув фаолиятидаги хатти-ҳаракатларига, маъруза эшитиш, лаборатория ишларини бажариш, ёзма иш ёзиш ва ҳ.к. кириши мумкин. Ҳар қандай хатти-ҳаракат операциялар тизимидан иборат бўлиб, у маълум вазиятда маълум масалани ечишга қаратилгандир.

Предметли хатти-ҳаракатларни таҳлили шуни кўрсатадики, уларни ҳар бири ўз ичига учта ҳаракатни қамраб олади: олмоқ (кўтармоқ) бир жойдан иккинчи жойга қўймоқ, туширмоқ.

Психологияда хатти-ҳаракатларнинг бошқа турлари ҳам мавжуддир: нутқий (нутқ жараёнида нутқ органларининг ҳаракати), семантик (огиз ҳаракати, очиқ сайловда қўл ҳаракати, тасдиқловчи ва инкор қилувчи бош ҳаракати ва ҳ.к.), мимика, пантомимика, эмоцияларни намоён бўлиши, локомотор ҳаракатлар – танавинг фазодаги ҳаракати (одамнинг юриши, югуриши ва ҳ.к.).

Замонавий психологияда қуйидаги ақлий хатти-ҳаракатлар ажратилади: перцептив (улар асосида предметларни идрок этиш асосида яхлит образ юзага келади); мнемик (материални фаолият жараёнида ёдлаш, эсга тушириш, эслаб қолиш); фикрлаш (фикрлаш орқали масалаларни ечиш).

Фаолият тизимини қуйидаги схемада акс эттириш мумкин.

**Фаолият**
Эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган фаоллик; ҳайвонларда у мослашувчан, одамда онгли равишда юзага келувчан; мақсад ва воситаларга ижтимоий асосланган






Фаолият тизимини таҳлили шуни кўрсатадики, у воқеликни онгли акс эттириш орқали амалга оширилади.

Ҳар қандай фаолиятда инсон у ёки бу даражада ўз ҳаракатларининг мақсадини аниқлайди, унинг якуний натижасини ҳаёл қилади, вазиятларни баҳолайд, уларнинг кетма-кетлигини таъминлаш ҳақида фикр юритади, диққатини йўналтиради, иродага зўр беради, фаолиятни кузатади ва муваффақият ёки муваффақиятсизликни бошдан кечиради.

Режалаштириш, хатти-ҳаракатлари назорати ва бошқарувчи қатор физиолог,психологлар томонидан – П.К.Анохин, Н.А.Бронштейн, Э.А.Асратян, У.Эшби ва бошқалар томонидан аниқланган хатти-ҳаракат қисмлари ва уларнинг вазифаларини қуйидаги схемада кўриш мумкин:






2 схема. *Хатти-ҳаракат қисмлари ва уларнинг асосий вазифалари*

## Кўникма ва малакалар, уларнинг шаклланиши қонуниятлари

Ҳар қандай фаолият турли усулларда бажарилиши мумкин. Хатти-ҳаракатни бажариш йўллари, маълум фаолиятни бажаришнинг усуллари дейилади. Фаолиятни тўла таҳлил қилиш ва тушуниш учун икки тушунчага тўхталиш лозим: бу «кўникма» ва «малака»дир.

<u>Кўникма</u> – машқ қилиш натижасида юзага келган хатти-ҳаракатларнинг автоматлашган усули. Физиологик жиҳатдан кўникма бош миянинг катта ярим шарлари пўстлогида ҳосил бўлиб, вақтинчалик нерв богланишларининг барқарор тизимининг функциясини таъминлайди. Динамик стереотипларни яратиш шундай шароитларни яратадики, унда бир вақтнинг ўзида автоматлашган акт билан бир мунча мураккаб аналитик-синтетик фаолият ҳам юзага келади. Бунинг натижасида нафақат кўникмалар, балки малакалар ҳам юзага келади.

<u>Малака</u> – олдинга қўйилган мақсад ва хатти-ҳаракат шароитидан келиб чиқадиган муваффақиятли ҳаракатлар усулидир. Малакалар хатти-ҳаракатнинг мақсад ва конкрет шарт-шароитларига тегишли бўлган ҳолда доимо билимларга суянади. Одам ишни қанчалик яхши билса уни шунчалик малакали амалга оширади ва ундан фойдаланади.

Кўникма ва малакалар хатти-ҳаракат услуби бўла туриб, маълум фаолият турига қараб ишлаб чиқариш, ўқув, ижтимоий, спорт, ташкилий, техник фаолият, илмий фаолият, санъат соҳасидаги кўникмалар ва бошқалар бўлиши мумкин. Лекин барча фаолият турларида қўлланиладиган кўникма ва малакалар мавжуд: булар – ҳаракат, сенсор ва ақлий кўникма



ва малакалардир. Ҳаракат кўникмаларига жисмоний меҳнат, спорт ва ўқув кўникмалари (хат ёзиш, тез ўқиш ва ҳ.к.) киради.

Сенсор кўникма ва малакаларга ўлчов, ёруғлик, овоз ва символик маълумотларни тез ва тўғри қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ва бошқариш марказларда такрорлаб боришлар киради.

Ақлий кўникма ва малакаларга – кузатиш усуллари, малакаларни ривожлантириш, огзаки ва ёзма ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш, ҳаракатларга йўналтириш, китоб билан ишлаш, архив материалларини йиғиш, илмий тажриба ўтказиш ва ҳ.к. кўникмалар машқ натижасида юзага келади, яъни бунда мақсад сари йўналтирилган (доимий) қайтариш мустаҳкамлашга олиб келади ва самарали усуллар асосида қайта-қайта қайтарилиши амалга оширилади.

Кўникмаларни юзага келишини «машқлар эгри чизиги» кўринишида акс эттириш мумкин. Мотор кўникмаларини машқларининг эгри графигини қуйидаги расмда кўриш мумкин.




1 – расм. *Мотор кўникмаларининг машқлар эгри чизиғи – хатоларнинг камайиши (А.Н.Соколов бўйича).*

Графикдан кўриниб турибдики, ҳатоларни камайиши бир текис юз бермайди. Графикдаги эгри чизиқнинг пасайиши ва кўтарилиши тиккалик машқнинг қанчалик муваффақиятли бажарилаётганлигидан далолат беради.

Машқлар эгри чизигида плато номли ҳодиса кузатилиб, у ўзлаштиришнинг ўсишида ёки тушишидаги салбий ҳолатларини намоён қилади (горизонтал чизиқ). Биринчи расмда у 3-4 машқларда акс этган.

Кўникмаларни шаклланишида учта асосий босқичлар ажратилади – аналитик, синтетик ва автоматлаштириш. Баъзи тадқиқотчилар таништирув босқичини ҳам киритадилар.

Аналитик босқич – онгли, лекин бунда ҳам хатти-ҳаракатларни моҳир бажариш етарли эмас, мақсад – алоҳида ҳаракатларни эгаллаш,

уларнинг бажарилиш усулларини таҳлил қилиш. Керакснз, ортиқча ҳаракатларни бажариш эҳтимоли мавжуд, бунда одам ўзини эркин тутмайди, назорат даражаси паст.

Синтетик босқичи – ҳаракат элементлари бир-бирига бирлашиб, уйғунлашади, алоҳида операцияларни бирлашуви юз беради, осонроқ ҳаракатлар мураккаблари билан алмашинади, назорат ўзгаради.

Автоматлаштириш босқичи – конкрет вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳаракатларни бажаришда эгилувчанлик юз беради. Ҳаракат характери енгил бошқарилади. Ҳаракатлар аниқ, тез, бир-бирига мос тушади. Назорат сенсор ва ақлий синтез даражасида амалга оширилади.

Инсон томонидан эгалланган кўникма ва малакалар янги кўникмаларни шаклланишига таъсир кўрсатади.

**Қонуниятлар:**

1. Кўникманинг ҳосил бўлишининг нотекис жараёни. Бу маниқларнинг эгри графигида намоён бўлади. Юқорида келтирилган расмда буни кўриш мумкин.

2. Кўникмаларнинг кўчиши. Ижобий кўникмалар янгиларини шаклланишига таъсири кўчиш дейилади. Кўникмалардаги салбий таъсир эса интерференция деб аталади, бунда эски кўникма янгисини шаклланишига халақит беради.

3. Кўникмани прогресс ва регресс - кўникма узоқ вақт миқдорида хизмат қилиши учун ундан фойдаланиш лозим. Акс ҳолда деавтоматлаштириш юзага келиб, зарур ҳаракатлар ўз тезлиги, енгиллиги, аниқлиги ва автоматлаштирилган ҳаракатларни таъминловчи хусусиятларини йўқотади.

Озгина одатлар ҳақида.

Одатлар – бу шундай хатти-ҳаракатларки, улар ўз-ўзидан, автоматик тарзда юз беради. *Одатларни инсоннинг маданий ва аҳлоқий хулқида* аҳамияти катта.

**Фаолиятнинг асосий турлари** – бу меҳнат, ўқиш, ўйин.

Меҳнат – бу шундай фаолиятки, унинг натижасида моддий ва маънавий қадриятлар юзага келади. Меҳнат – мавжуд бўлишининг асосий шарти у инсониятни ривожлантиради. У алоҳида шахснинг психик ривожланишига таъсир кўрсатади. Таълимда меҳнат тарбияси ҳақида Дистерверг шундай деган: « Ўқувчини меҳнат қилишга ўргатинг, уни нафақат меҳнатни севишга, у билан шундай уйғунлашишга кўниктирингки, токи меҳнат унинг вужудига сингиб кетсин.»

Ўқиш – бу меҳнат фаолиятига тайёргарликнинг ўзига хос босқичи бўлиб, у шунингдек ўқувчиларнинг асосий фаолият туридир. У билимларни



эгаллашга қаратилган бўлиб, унинг натижасида зарур кўникма ва малакалар эгалланади ва ўқувчилар мақсадни англайдилар. Бугунги кунда ривожланган давлатларда инсон ҳаётининг 20% дан 30% гачасини ўқишга бағишламоқда.

Инсон ўқишдан амалий фаолиятга ўтишда ўз устида доимий ишлаганида, шунингдек ўқув фаолиятини мустақил давом эттирган тақдирдагина давр талабига жавоб бера олади. Демак, бугунги кунда таълимнинг асосий вазифаси ўқувчида кўникма ва малакаларни эгаллаш орқали ўз устида ишлашни, мустақил амалга оширишни шакллантиришдир.

Ушбу вазифани амалга ошириш мустақил Республикамизнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўз аксини топган (1997 йил).Бу борада Президентимиз»...бизга рақобатбардош, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи Фозил Инсонлар керак»-деганлар. Дастурнинг асосий вазифаси баркамол авлодни тарбиялашдир.

Инсон ривожланишининг ҳар қайси даврида бирор бир фаолият унинг психик ривожланишини белгилайди.

Мактабгача ёшдаги болалар учун бундай фаолият ўйиндир. Ўйин орқали бола воқеликни англайди, одамлар билан муносабатда бўлади. Бола ўйинлари доимо катталар хатти-ҳаракатларинң, фаолияти ва муносабатларини акс эттиради.

Болалар ўйинлари катталар билан муносабатда юзага келади ва ривожланади. Илк ўйинлар функционал ўйинлар бўлиб, унда предметаар ёрдамида бола предмет хусусиятлари ва уларга таъсир этиш йўлларини очади. Бу ўйинлар асосида конструктив ўйинлар пайдо бўлади, улар орқали бола предметларни нима учун хизмат қилишини биладилар ва улар асосида нимадирни яратишни истайдилар.

Сюжетли-ролли ўйинларда (3-4 ёшда) бола одамлар орасидаги муносабатларни эгаллайдилар. Бунда ўйинлар доимий-гуруҳий характер кашф этади. Ўйинларни доимий ўйнаш орқали бола жамиятдаги маълум вазифаларни бажара бошлайди. Бугунги кунда жамиятимизда ёш авлодни ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаш муаммоси устида изланишлар олиб борилмоқда.Қонунлар ҳам мактабгача тарбия ва умумтаълим мактабларида ўзига хос тарзда ўйин шаклида ўргатилиши мумкин. Шундай қилиб, маълум машқларда ўйин асосида бола илк бора фаолият субъектига айланади. Ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти доимо инсоннинг ҳаёти жараёнида мавжуд бўлади. Катта одамда ўйин завқ олишнинг бир кўринишидир. Масалан, қайта-қайта шахмат ўйинида ютқазган киши ўйинни давом эттирмайди, чунки бундан у завқ олмайди.

Ва, ниҳоят инсон ҳаётининг ҳар бир даврида бирор бир фаолият етакчи бўлади. <u>Етакчи фаолият</u> деганда, психологияда шундай фаолият тушуниладики, унда ўша даврда инсонда сифат ўзгаришлари юз беради (ролли ўйин мактабгача ёшда, ўқиш кичик мактаб ёшида, ўқиш ва меҳнатда мулоқот ўсмир ёшида, ўқув-касб танлаш фаолияти ўспиринлик даврида).

### Қайтариш учун саволлар

1. «Шахс» ва "Онг" тушунчаларига боғланган ҳолда фаолиятнинг моҳиятини тушунтиринг?

2. Инсон фаолияти ҳамда ҳайвон хулқ-атвори формали орасидаги фарқ нимадан иборат?

3. Фаолият структураси схемасини тасвирлаб, унинг компонентлари орасидаги боғлиқликни тушунтиринг.

4. Ички ва ташқи хатти-ҳаракатлар ривожланиши жараёнида қандай муносабатда бўлади?

5. Одат, малака ва кўникмаларга тавсиф беринг ва солиштиринг.

6. Кўникмаларни юзага келиши эгри чизигини таҳлил қилинг.

7. Ўқувчиларда салбий ва ижобий одатларни тарқиб топишини маълум мисолларда тушунтиринг.

8. Ўқув фаолиятининг билим, кўникма ва малакаларини асосий тавсифини беринг.

9. Ўйин, ўқиш, меҳнат фаолиятига умумий характеристика беринг.

10. Инсон ҳаётида етакчи фаолиятнинг роли нимадан иборат?



## VI БОБ. Мулоқот

### РЕЖА:

1. Мулоқот ҳақида тушунча.
2. Мулоқот маълумот алмашиш сифатида.
3. Мулоқот биргаликдаги ўзаро таъсир сифатида.
4. Мулоқот одамларни ўзаро идрок этиш сифатида.
5. Педагогик мулоқот.

<u>Мулоқот</u> – бу икки ёки ундан ортиқ кишилар орасидаги аффектив баҳоловчи характерда ва билиш бўйича маълумот алмашишдан иборат бўлган ўзаро таъсир этишдир.

Мулоқотнинг тизимида ўзаро бир-бирига боғлиқ жиҳатлар ажратилади: коммуникатив, интерактив ва перцептив.

<u>Мулоқотнинг коммуникатив</u> жиҳати бу мулоқотдаги индивидларни ўзаро маълумот алмашинишидир.

<u>Мулоқотнинг интерактив</u> жиҳати бу – индивидлар мулоқотда нафақат билим ва ғоялар, балки ҳаракатлар бўйича ҳам ўзаро таъсирини ташкил этишдан иборат.

<u>Мулоқотнинг перцептив</u> жиҳати мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини идрок қилиш орқали тушунишдир.

1. <u>Мулоқот маълумот алмашиниш сифатида.</u> (Мулоқотнинг коммуникатив жиҳати).

Ҳар қандай маълумотни белгилар, аниқроғи белгилар тизими орқали билиш мумкин.

Коммуникатив жараёнда қўлланиладиган бир неча белгилар тизими мавжуд. Булар вербал коммуникация (нутқ орқали) ва новербал (нутқ билан боғлиқ бўлмайдиган белгилар орқали) коммуникациядир.

Вербал коммуникацияда инсон нутқи белгилар тизими сифатида қўлланилади. Нутқ - инсон томонидан қўлланиладиган товушлар сигналлари ёки ёзма белгилардан иборат бўлиб, улар орқали мулоқотдан олинган маълумот қайта ишланади, сақланади ва узатилади. У жараён тил орқали амалга оширилади. Тил сўз белгилари тизими бўлиб, у мулоқот жараёнида психик фаолият маҳсули бўлиб юзага келади.

Мулоқотни коммуникатив акт сифатида қуйидагича тасаввур этиш мумкин:

| | |
|---|---|
| **Коммуникатор, адресант** | - мулоқот субъекти сифатида омил намоён бўлади. |
| **Реципиент ,адресат** | - бу маълумот кимга узатилмоқда |
| **Маълумот** | - нима узатилмоқда |
| **Код** | Қандай воситалар асосида |
| **Мақсад** | Нима учун узатилмоқда |
| **Алоқа канали** | Овоз, хат, эфир орқали алоқа |
| **Натижа** | Нимага эришилади |

Нутқ универсал коммуникация воситаси бўлиб, у орқали узатилиши лозим бўлган маълумот ўзининг мантиқий мазмунини сақлаб қолади.

Нутқнинг учта функцияси мавжуд:

Сигнификатив(умумлаштириш, фикрни узатиш); ҳис туйғуларни узатиш ҳамда иродага зўр бериш (одамларга таъсир кўрсата олиш).

Нутқни пайдо бўлиши ва амалга қўлланилишини қуйидаги схемада кўриш мумкин.




**2- схема.** ***Фикрни пайдо бўлиш модели ва нутқни юзага келиши.***



Маълумки, нутқнинг ўзига хос турлари мавжуд – ташқи, ички, оғзаки, ёзма, монологик, диалогик, актив(фаол), пассив ва ҳ.к.

Коммуникатив жараёнда ўзаро муносабатга киришувчиларни бир-бирларини тушунишлари жуда муҳимдир. Бунда нутқнинг қуйидаги муҳим хусусиятлари пайдо бўлади:

Мазмундорлик, тушунарлилик, ифодалилик, таъсирчанлик.

Буюк француз ёзувчиси Антуан Сент Экзюпери (1900-1944): «Мулоқот – бу шундай неъматки, у орқали инсон лаззатланади» деб ёзган эди.

Сўзнинг моҳияти ҳақида Саъдий (1210-1292): «Ақлшмисан ёки аҳмоқ, каттамисан ё кичик, буни бирор сўз айтмаганингча била олмаймиз» деган эди.

Халқимизда шундай ибратли ибора бор: «Инсон ақлу-фаросати = унинг нутқини аниқлигида намоён бўлади».

Новербал коммуникацияга – белгиларнинг оптик-кинетик тизими кириб, уларга жестлар(қўл ҳаракатлари), мимика(юз ҳаракатлари) ва пантомимика(қўл-оёқ, тана ҳаракатлари) киради.

Жестлар – инсоннинг қўл ҳаракатлари бўлиб, у орқали инсоннинг ички ҳолати, бирор бир объектга муносабати ва ташқи оламга йўналганлиги ифодаланади. У ёки бу халқларда жестлар турлича қабул қилинади. Италияликлар ва французлар ўз мулоқотларини жестларсиз тасаввур эта олмайдилар. Ўзбек халқида нутқда жестлардан кўп фойдаланиш яхши одат сифатида қабул қилинмайди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, новербал коммуникация оғзаки нутқда айтилмай қолган фикрларни ифода этиш имконини беради.

Мимика – инсон юз ҳаракатларини бир қисми бўлиб, у орқали инсоннинг ўйлари, хатти-ҳаракатлари, тасаввурлари, хотиралаши, таажжуби ва ҳ.к. намоён бўлади.

Пантомимика – инсон танаси ёки унинг қисмлари ёрдамида ифодаланадиган ҳаракатлар тизимидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кундалик мулоқот жараёнида сўзлар 7 % ни, товушлар ва интонация 38% ни, нутқсиз мулоқот эса 55% ни ташкил этади.

Публиций айтганидек биз: «Овоз билан гапирамиз, тана билан суҳбатлашамиз».

Новербал коммуникациянинг бошқа белгилар тизимини кўриб чиқайлик.

Паралингвистик ва экстралингвистик белгилар тизими — бу вокализация тизими бўлиб, у овоз сифатида уни диапазони нутқдаги паузалар, йўтал, йиги, кулгу нутқ темпида намоён бўлади.

Мулоқот жараёнида мулоқотга киришувчиларни бир-бирларига нисбатан жойлашишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, аудиторияда жойлашиш мулоқот учун жуда ноқулайдир. Айниқса семинарлар жараёнида ўқитувчи ва докладчи мулоқоти вактида қолганлар мунозарада фаол иштирок этиш имкониятига эга эмасдирлар.

Семинарларни ёки шу каби суҳбатларни «Т» шаклида жойлаштирилган стол-стулларда ўтказиш ҳам фойдали, лекин думалоқ шаклда жойлаштирилган стол-стулларда мулоқотлар жуда самаралидир.

Визуал мулоқотда « кўз контакти « белгилар тизими ҳам қўлланилади. Ушбу тизим педагоглар, раҳбарлар иш фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

Қизиқарли белгилар тизими сифатида мулоқот жараёнида гул, фоторасм ва бошқаларнинг фойдаланиши мумкин. Эҳтимол гуллар орқали инсонлар маълум бир маълумотни узатиш имкониятига эгалар.

Бу ҳол ўз тарихига эга.

Гуллар тили қадимда Шарқда пайдо бўлган. Уни аёллар яратишган. Ўз юзларини очиш имкониятига эга бўлмаган аёллар, ўз ҳисларни ва кайфиятларини гуллар орқали ифодалашга ҳаракат қилганлар. Ассосация сифатида пайдо бўлган белгилар қатиий одатларга айланган. Масалан, азалия гули – согинч, ёлгизлик, гнацинт гунчаларнин сони учрашув кунини, қўнгироқ гуллар сони учрашув вақтини англатган.

XIX асрда гуллар тили Франция, сўнг Англия ва бутун жаҳонга тарқалган. Аста-секин гуллар тили билан ранглар тили ҳам юзага келди. Жумладан, Европанинг кўп давлатларида сиёҳ ранг дўстлик, ҳашаматлилик, тўкинлар рамзи бўлса, Японияда — ғам, оғриқ белгиси бўлган. Ҳар қайси ранг маълум ҳолат, кайфият маъноси англатади. Жумладан, қизил ранг - ҳаёт, севги; пушти — ёшлик; сариқ- бахт, қуёш, тўй, хурсандчилик; яшил — тинчлик, хотиржамлик; кўк — ишонч, вафо; қора — тантанаворлик, қайғу; оқ — поклик, беғубордик рамзи сифатида тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг байроғи ҳам ўз рамзига эга; ҳаво ранг мовий осмон ва тиниқ сув, ер ва осмон рамзидир. Ҳаво ранг Амир Темур даврининг асосий белгисидир. Оқ ранг — кенглик, тозалик, қизил ҳаёт ва она тупроқ, яшил табиат, ҳаёт уйғониш рамзи сифатида ўз ифодасини топган.



## II. Мулоқот ўзаро биргаликдаги ҳаракат сифатида (мулоқотнинг интерактив жиҳати)

Мулоқотнинг ушбу характеристикаси инсоннинг ўзаро хатти-ҳаракатлари биргаликдаги фаолиятлари билан характерланади.

Инсонларни ўзаро фаолияти ва мулоқоти ижтимоий назорат асосида юзага келиб, у ижтимоий нормаларга суянади.

Ижтимоий назорат ўзаро ҳаракат жараёнида мулоқотга киришувчиларни маълум ролларини ифода этишда намоён бўлади.

Рол — хулқ-атворнинг норматив қўлланиладиган намунаси бўлиб, у ҳар бир одамни жамиятдаги ўрнидан келиб чиқади. ( масалан, ўқитувчи — ўқувчи роли, врач ва касал роли, ота ва бола роли, раҳбар ва ходим роли ва ҳ.к.).

Ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг қуйидаги турлари мавжуд — кооперация ва конкуренция (рақобат).

Кооперация (ҳамкорлик) — фаолиятни ташкил этиш формаси бўлиб, маълум кишилар гуруҳи биргаликда битта ва турли бир-бир билан боғлиқ фаолият жараёнларида иштирок этадилар.

Конкуренция (рақобат — икки ва ундан кўп биргаликда ҳаракатланаётганларнинг ҳолати бўлса, унда бир мақсадни кўллаётган, бир-бирига қарама-қарши ҳаракатланаётганлар назарда тутилади. Бунда ўзаро ҳаракат жараёнини бузилиши шахслараро муносабатларда низо, можорани) юзага келтиради. Низо, можаро уни юзага келтирувчи омилга ( турли қараш, қадрият, мотив) мазмунга(ишчан ёки шахсий), эффектга (таъсир) қараб турлича бўлиши мумкин. Низолар гуруҳ ичида ва гуруҳлараро бўлиши мумкин.

Албатта қарама-қаршилик ривожланишнинг (мезонларидан) бир томонидир. Унинг ўзига хос инобатга олиниши лозим бўлган сифати мавжуд, бу : инсонлар билан мулоқотдан қониқмаслик, фикрлар қарама-қаршилиги, шахсий ва гуруҳий нормалар орасидаги номутаносиблик бўлиши мумкин.

Инсондаги аҳлоқий барқарорлик низо вақтида аҳлоқий қарор қабул қилиш имконини беради.

Низони бартараф этиш — муносабатларнинг ривожланиши ҳолати бўлиб, инсон бу характери бўйича низосиз эмас, балки низога тайёр бўлиши лозим. Зеро, инсон низони тўғри қабул қилиш ва унга пешвоз чиқиши лозим. Низоли вазиятларнинг ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамияти мавжуд.

## III. Мулоқот инсонларни бир-бирини идрок этиш жараёни сифатида

**(мулоқотнинг перцептив томони)**

Кўп ҳолларда инсонларни бир-бирларини идрок этишлари «ижтимоий перцепция» сифатида намоён бўлади. Аммо, мулоқотнинг ушбу жиҳати ҳақида гап кетганда ижтимоий перцепция ҳақидагина эмас, балки шахслараро перцепция ҳақида гапириш лозим.

Рус психологи А.А. Бодалев «инсонни инсон томонидан идрок этилишига синоним равишда «инсоннинг бошқа инсонни билиши» иборасини қўллайди. Инсон жамиятда шахс сифатда қабул қилингани сари, мулоқотда ҳам шахс сифатида намоён бўлади. С.Л. Рубинштейн айтганидек:» Биз инсонни ташқи хулқ-атворига қараб уни ўқиймиз».

«Бошқа одамни била туриб, ўрганаётган индивиднинг ўзи ҳам шаклланади» - деб ёзган эди Л.С. Виготский.

Инсонни инсон томонидан идрок этилишида энг камида икки киши жалб қилинган бўлиши лозим бўлиб, уларнинг иккалови ҳам фаол субъектдир. Демакки, ўзаро идрок жараёнида иккала томон бир-бирининг эҳтиёжлари мотивлари ва йўналишларини билишлари ва ўзларини қарама-қарши томон ўрнига қўя олишлари лозим. Ўзини бошқа инсон таҳлил қилишини ўз ичига идентификация ва рефлексияни киритади.

Идентификация – бу инсоннинг бошқа одамни англаш орқали тушуниш усулидир.

Идентификация ва эмпатия ўртасида катта узвий боғлиқлик мавжуд.

Эмпатия – инсонни бошқа одам томонидан тушунилишининг ўзига хос усулидир. Бунда инсонни эмоционал муаммоларига ёндашиши тушунилади. Бу бошқа одам ҳиссиётлари ва кечинмаларига ҳамдард бўла олишдир. Бир томондан объектни тушуниш, уни ўрнига ўзини қўя олиши муҳим бўлса, иккинчи томондан унинг ички ҳиссиётларини тушуниш унга ҳамдард бўла олиш ҳам муҳимдир.

Униси ҳам буниси ҳам катта аҳамиятга эга.

Инсонларда мулоқот жараёнида мени қандай тушунишар экан? деган савол ҳам мавжуд бўлиб, бундан ўзаро ҳаракатлар натижаси ўз ифодасини топади.

Бу ҳодиса рефлексия дейилади. Ижтимоий психологияда «рефлексия» деган ҳаракатланаётган индивидни ҳаракат жараёни ҳамда, мулоқотда қандай қабул қилинишини тушунилади. Бу энди бошқа одам мени қандай тушунар экан, деган саволга жавобгина олиш эмас, балки иккиланган жараён бўлиб, унда чуқур ўзаро акс, инсонни ички дунёсини тушуниш ва унга таъсир этишдир.



Инсонни инсон томонидан идрок этилишида йўналтиришнинг роли каттадир. Бу айниқса, номаълум инсон ҳақида илк фикрларни олишда муҳимдир. Бу борада А.А. Бодалевнинг ўтказган тадқиқотлари ниҳоятда аҳамиятлидир. Икки гуруҳ талабаларига бир инсон расми берилади. Биринчида расмда берилган инсон жиноятчи деб, иккинчи гуруҳда эса расмдаги киши йирик олим деб эълон қилиниб, уларга портретни ёзма ифодалаш вазифаси берилади. Биринчи ҳолатда қуйидаги характеристикалар берилади: кўзларни ичига кириб кетгани, ички алам, қасосдан, узун даҳан бошлаган иши, жумладан жиноятни якунига етказиш кабилар эканлиги қайд этилади.

Иккинчи гуруҳда ичига кирган кўзлар фикрнинг чуқурлиги ҳақида гапириб, бунда узун даҳан – қийинчиликларга бардошлилик, иродалилик сифатида баҳоланган.

Психологияда одамларни одамлар томонидан идрок этишнинг *«эффектлар» билан боғлиқ бўлганхусусий жиҳатлари ҳам аниқланган.*

Уларга: ореол (ёруғлик), «янгилик ва бирламчилик» ва стереотипизация эффектларни киритиш мумкин.

«Ореол» (нур) ёруғлик эффекти шундай хусусиятки, бунда инсонга у ҳақида тасаввур қилинган сифатлар яхлит образ сифатида қабул қилиниб, ҳақиқатда мавжуд бўлган хусусиятларни кўришга ҳалақит беради.

«Бирламчилик ва янгилик» эффектларда инсонни идрок этишда илк маълумотларнинг қайта тикланиши ва у ҳақидаги маълумотлар оддингиларга нисбатан аҳамиятлилиги қайд этилади.

Юқорида айтилган эффектларни стереотипизация ўзига хос ҳолда тўлдириб туради. Стереотип – ўзига хос тасдиқланган инсон ёки ҳолатнинг образи бўлиб, у мулоқот жараёнида қандайдир қисқа фикр, хулосаларга асос солади. Масалан, ўқитувчиларни ҳаммаси ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қилса, бухгалтерларни ҳаммаси вазифани вақтида бажаради ва ҳ.к.

Стереотипизациянинг ўзига хос салбий томонлари мавжуд. Зеро, у айниқса этник гуруҳларда тарқалган бўлиб, кўп холатларда кичик этник гуруҳларни таҳқирланишига сабаб бўлади.( Маслан, шу кунгача ҳам Америкада қора танли кишилар ақлий ривожланиши паст деган қарашлар мавжуд.)

**Мулоқот жараёнида инсонга таъсир ўтазишнинг психологик усуллари мавжуд бўлиб, уларга юқиш (таъсирланиш), уктириш, ишони комиллик, танқидчанлик киради.**

Юқиш(таъсирлаш) — онгсиз билмаган, англамаган ҳолда индивидларнинг ҳаракати, ҳолати бўлиб, унга саросима мисол бўла олади. Саросима маълум бир эмоционал ҳолат бўлиб, у маълумотнинг етарли, тушунарли эмаслиги ёки жуда кўплиги натижасида вужудга келади.

Катта шов-шув оммавий саросимага 1938 йилнинг 30 октябрида Ақш нинг Эн Би Си телерадиокомпаниясини Г.Уэлснинг «Дунёлар уруши» китоби бўйича тайёрланган эшиттиришдан кейинги ҳодисаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бунда тахминан 1 миллион 200 минг киши марсликларнинг Ерга қилиши мумкин бўлган ҳатти ҳаракатларини ўйлаб, оммавий психоз ҳолатига тушганлар.

Уқтириш- шундай таъсир усулики, унда мақсадга қаратилган таъсир инсонга инсон томонидан амалга оширилади.

Иймони комиллик — инсонни мустақил фикр юритиш ва бир фикрга келиши бўлиб, бунда маълумот қабул қилувчи маълумот қабул қилибгина қолмай, унга ўз фикри, қараши ва хулосаларини киритади. Иймони комиллик бу ақлий таъсир, уқтириш эса эмоционал иродавий таъсирдир. Иймони комиллик азалдан халқимиз орзуси, маънавиятининг бир қисми бўлиб келган. Бу ғоя буюк мутафаккирлар Абу Наср Форобий, Алишер Навоий кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Тақлидчанлик инсонларни жамоадан ташқарида бир-бирига таъсир этиш механизми бўлиб, албатта бунда жамоанинг роли ҳам инкор этилмайди. Уни ўзига хос хусусияти шундаки, инсонлар фақат хусусиятларигагина эмас, балки хатти-ҳаракатга тақлидни ҳам намоён қиладилар. Тақлид болалик даврига хос хусусият бўлиб, у борлиқни билиш, англаш ва ўзлаштириш сифатида намоён бўлади. Бунда болаларда тўғридан-тўғри нусха кўчириш мотивлашган тақлидчанлик кузатилади. Кўп ҳолларда катталарда тақлидчанлик таъсирнинг бошқа усулига ўтмаган ҳолларда ишлатилади.

<u>Педагогик мулоқот</u> — педагогик таъсирнинг ажралмас сифатидир. Бу ўқитувчи ва ўқувчининг таълим-тарбия жараёнида профессионал мулоқати бўлиб, унда маълумот алмашинади ва ўқувчиларга ўқув тарбиявий таъсир ўтказилади.

Бунда икки ёқлама мулоқот юзага келиши лозим. Унинг асоси сифатида ўзаро хурмат ва ишонч хизмат қилади.

Педагог ўқувчилар билан мулоқотга киришиши жараёнида улардан хурмат кутади. Ўқувчилар ҳам ўқитувчидан хурмат ва ишончни талаб этадилар. Бу педагогик таъсирда самарали йўл бўлиб, тажрибали педагоглар болани ўз-ўзини хурматлашга асосланган ҳолда муносабатларни ташкил



этадилар ва ва шу орқали мустаҳкам ўзаро муносабатларни амалга оширадилар.

Афсуски, бугунги кунда мактабларимизда маъмурий-буйруқбозлик усуллари тез-тез учраб турмоқда. Бу ҳақда Президентимиз И.А. Каримов «Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи хукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтирган нарсани талаб қилади. Принцип ҳам тайёр « Мени айтганим айтган, деганим деган» ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда тажрибамизда унга риоя этмаймиз» деб жон куйдирганлари бежиз эмас,албатта.

Маъмурий буйруқбозликдан воз кечиб, педагогик ҳамкорликка ўтиш учун ўқув тарбиявий жараённинг муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали йўлидир.

Мулоқотнинг ўзига хос даражалари мавжуд. Психологияда у учта : макро, мезо ва микро даражалардир.

1. макро даражада (катта) — инсонлар билан мулоқот қилиш барча одоб-аҳлоқ нормаларига суянган ҳолда амалга оширилади.
2. мезо даражада (ўрта) — мулоқот маълум мавзу асосида кечади. (масалан асқияда маълум мавзудан чекинмаслик)
3. микро даража(кичик) мулоқотнинг оддий формалари, савол-жавоб тариқасида юз беради.

Мулоқот турлари:

- шахслараро (инсон-инсон)
- шахсий-гуруҳий (гуруҳ-гуруҳ) (масалан, хоккей ўйини)
- оммавий коммуникация (радио, телевидение, рўзномалар ва журналлар).

**Қайтариш учун саволлар**

1. "Мулоқот" тушунчасини ёритиб, уни инсон шаклланишида ролини тушунтириб беринг.
2. Мулоқотнинг асосий функцияларини айтинг.
3. Педагогик мулоқот деганда нимани тушунасиз?
4. Вербал ва новербал нутқ воситаларини айтинг.
5. Нутқ функциялари нимадан иборат?
6. Идентификация деганда нимани тушунасиз?
7. Рефлексия моҳиятини очиб беринг.
8. Стереотипизация нима ва уни мулоқотдаги роли нимадан иборат?

# VII БОБ. Шахс

## Режа:

1. Шахс ҳақида тушунча. Индивид, шахс, индивидуаллик.
2. Шахс структураси.
3. Шахснинг асосий назариялари.
4. Шахснинг намоён бўлиши.
5. Шахс шаклланиши ва ривожланиши.

Шахс мавзуси психологияда энг долзарб ва доимо инсонларда қизиқиш уйғотадиган мавзулардандир.

Аввало, «индивид», «шахс», «индивидуаллик» тушунчаларини кўриб чиқайлик.

**Индивид** – алоҳида олинган одам бўлиб, у ўз ичига биологик, физиологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни жамлайди.

Инсон индивид бўлиб туғилиб, шахс бўлиб шаклланади.

Индивид бўлиб туғилган инсонни шахсга айланиши учун нималар зарур?

Бунинг учун қуйидаги шартлар зарур:

1. **Ижтимоийлик**. Инсон шахс сифатида аввалымбор ижтимоий шарт-шароитда, яъни инсонлар жамиятида шаклланади. Хўш, мия инсонлар жамиятига хос бўлмаган шароитда қандай намоён бўлади?

XX аср бошида ҳинд психолог-врачи Рид Сингх бир қишлоқ яқинида инсонга ўхшаш тўрт оёқлаб юрувчи икки сирли жонзод мавжудлиги ҳақида маълумот олади. Уларни кузатишга муваффақ бўлишади. Кунларнинг бирида Синх бошчилигидаги овчилар бўрилар уясидан бўри болалари билан бирга икки қизчани, бири саккиз, иккинчиси бир ярим ёшли, чиқаётганини кўришади. Синх қизчаларни ўзи билан олиб кетиб, тарбияламоқчи бўлади. Улар тўрт оёқлаб югуришар, одамлардан қўрқишар, яширинишга уринишар, кечалари увиллашар эди.

Кичиги – Амала – бир йилдан сўнг вафот этган. Каттаси – Камала – эса ўн етти ёшгача яшади. Тўққиз йил давомида Камала бўриларга хос хатти-ҳаракатларни унутиши ва инсонга хос одатларни эгаллашга ўргатилди, лекин жуда шошилганида у тўрт оёқлаб ҳаракатланар эди. Лекин Камала қийинчилик билан фақатгина 40 тагина сўзни ўзлаштирди.

Демак, инсон психикаси фақат инсонга хос ҳаёт тарзидагина юзага келар экан.



2. **Онгга эга бўлиш** (атрофдаги билимларни эгаллаш, фаолият мақсадини шакллантириш, муносабатларга хис-туйғуларни киритиш).

3. **Фаоллик**, яъни фаолиятида олдинга қўйилган мақсадга эришишга йўналганлик. Инсон Homo sapiens (онгли инсон) сифатида юқори ривожланган нерв тизимига эга бўлиб, ўта фаолдир. Инсоннинг шахс даражасидаги фаоллиги инсонларни бўйсундиришга, ўз мақсадларига эришиш мақсадида фойдаланишга, ўз фаолиятини ўзгартиришга қодирдир. Хўш, инсон фаоллигининг омили нима? Инсон фаоллиги қандай пайдо бўлади?

4. Инсонни фаолликка ундовчи нарса **эҳтиёждир**. Аввалом бор бу, маънавий, маданий эҳтиёжлар ва ўз-ўзини ривожланиши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлардир.

Эҳтиёж – инсон онгида қандайдир предмет ва ҳодисаларга нисбатан заруриятни акс эттиришдир. Психологияда қуйидаги асосий эҳтиёжлар ажратилади – табиий, моддий, маданий, маънавий, ижтимоий. Табиий ва моддий эҳтиёжларни қондирилиши инсон ва ҳайвонларнинг мавжуд бўлишини таъминлайди.

Ижтимоий эҳтиёж бу- баҳо олишга нисбатан эҳтиёжни. Бирон бир гуруҳ аъзоси бўлишига ҳаракатни, шунингдек раҳбар ва бўйсунувчи муносабатларининг аҳамиятлилигини ўз ичига олади.

Маданий ва маънавий эҳтиёжлар инсон учун зарур ҳисобланиб, уни ҳар томонлама ривожланишини, маънавий бойлиги ва ахлоқий гўзаллиги учун хизмат қилади. Меҳнатга бўлган эҳтиёж, эстетик завқланиш ва бошқа ходисалар инсон ҳаёти ва ривожланишида етакчидир.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжларидан бири – меҳнат қилиш эҳтиёжидир. Усиз инсонни нормал ривожланиши мумкин эмас. Меҳнат асосида инсон шахс сифатида таркиб топади.

Шахс тушунчасига психолог-олимлар томонидан берилган қатор (50 га яқин) тавсифлари мавжуд.

**Шулардан мисоллар келтирамиз:**

«Шахс – ижтимоий муносабатларнинг субъекти ва объектидир»

**(А.Г.Ковалёв)**

«Шахс индивидлараро муносабатларнинг субъекти сифатида»

**(А.В.Петровский)**

«Шахс – жамиятда ўз ўрнини англовчи фаолиятга қодир аъзосидир»

**(К.К.Платонов)**

«Шахс – фаолият субъектидир»

**(А.Н.Леонтьев)**

«Шахс – ташқи хатти-ҳаракатларни ўзгартирувчи ички шароитлар йиғиндисидир»

**(С.Л. Рубинштейн)**

Жуда кўплаб таъриф ва тушунчалар орасида америкалик психолог Г.Оллпорт (1897-1967)нинг таърифи эътиборга моликдир: «Шахс – бу ҳаёт жараёнида шаклланувчи индивидуал ўзига хос психофизиологик тизимлар – шахс хусусиятлари йиғиндиси бўлиб, у асосида ушбу инсонга хос тафаккур ва хулқ-атвор юзага келади».

Шундай қилиб, шахс бу – жамият аъзоси бўлиб, у индивиднинг психофизиологик тизимининг динамик ташкил этувчиси бўлиб, бу унинг хатти-ҳаракати ва тафаккурини белгилаб беради.

**Индивидуаллик** – бу инсоннинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари бўлиб, улар асосида инсонлар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

«Индивидуаллик – бу ўзига хосликка эга бўлган шахсдир»[5]

Бу шахсни атрофдагилардан фарқлаб турадиган нарса бўлиб, унга: ақлининг, хис-туйғусининг, ирода ва бошқа хусусиятларини ўзига хосли ни фаолиятида намоён бўлиши киради. У инсонни ижодий қобилиятлари, уни ижтимоий фаоллиги, оригиналлиги ва ҳ.к.ни намоён қилишига имкон беради.

## ШАХС СТРУКТУРАСИ

Шахс структураси ўз ичига: темперамент, йўналганлик, характер, қобилиятлар каби ўзаро муносабатдаги компонентларини киритади.

Бундан ташқари шахс структурасига психик жараёнлар ва психик ҳолатлар, табиий ва ижтимоий ўзаро боғлиқ хусусиятлар киради.

Барча Россия психологлари шахс структурасидаги етакчи компонент деб йўналганликни оладилар.

Энди кенг тарқалган ва маълум шахс структураси ҳақидаги фикрларни кўриб чиқайлик.

А.В.Петровский шахс 3 та таркибий структурасини ажратди:

1. Индивиднинг ички тузилмаси (интраиндивидлик) – у инсонни темпераменти, характери, қобилиятини тузилишида ўз аксини топиб, у зарур, лекин шахс психологиясини билиш учун етарли эмас.

2. Шахсни реал мавжуд бўлишини уни предметлар билан фаолият жараёнидаги муносабатини ўз ичига олиб, инсонни маълум характеристикаларини «фазо»да индивидни органик танасидан ташқарида излаш лозим бўлиб, у шахснинг интериндивид тузилмасини ташкил этади.

[5] Ковалёв А.Г. «Психология личности». М.: 1970, 20-стр.



3. Индивид усти (метаиндивид) тузилма марказида инсонни фаолият жараёнида инсонлардан мулоқот жараёнида бошқаларга таъсир ва бошқалардан олинадиган таъсир сифатида намоён бўлиб, у персона равишда намоён бўлади.

Шундай қилиб А.В.Петровский ўз структурасига уч тузилмани киритган; бу: шахс индивидуаллиги, уни шахслараро муносабатларда намоён бўлиши ва бошқа инсонларга таъсир эта олиши бўлиб, шахс доимо шу учликда намоён бўлиши ва индивидлараро, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлиши лозим.

С.Л.Рубенштейн бўйича шахс структураси қуйидаги кўринишга эга:

| | |
|---|---|
| Йўналганлик → | Эҳтиёжлар, қизиқишлар, идеал, эътиқод, етакчи мотивлар, хулқ-атвор ва дунёқарашда намоён бўлади |
| Билим, кўникма ва малака → | Билиш, ўқиш фаолияти натижасида ҳаёт жараёнида орттирилади |
| Индивидуал типологик хусусиятлар → | Темперамент, характер ва қобилиятда намоён бўлади |

**А.Г.Ковалев бўйича шахс структурасининг кўриниши қуйидагича:**

***2 – схема***

| | |
|---|---|
| **Инсон йўналганлиги, атрофга бўлган муносабатда намоён бўлади. У ўз эҳтиёжларини қизиқишларини, ақлий ва назарий йўлланмани олади. Етакчи йўналганлик шахсни психик фаолиятини белгилайди.** | **Имкониятлар ўз ичига қобилиятларни киритиб, улар фаолиятни таъминлайди. Турли қобилиятлар ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирига таъсир этади.** |
| **Характер ижтимоий муҳитдаги хулқ-атвор услубини белгилайди. Унда инсонни маънавий ҳаётини мазмуни ва формаси намоён бўлади. Характер тузимида иродавий ва ахлоқий сифатлар ажратилади.** | **Машқ тизими. Ўз-ўзини бошқаришни юзага келтиради ва у ҳаёт ва фаолиятда намоён бўлади.** |

К.К.Платонов бўйича шахс структураси қуйидаги схемада ўз аксини топган бўлиб, у динамик функционал мавжуд бўлган 4 та тузилмани ўз ичига олади:

***3 схема***

**<u>Йўналганлик тизилмаси.</u>**
**Шахснинг ахлоқий сифатлари ва муносабатларини бирлаштиради. Бу ходисаларнинг даражаси, кенглиги, интенсивлиги, барқарорлиги ва мавжудлилигига ажратилади. Йўналганлик формаларида муносабатлар ва ахлоқий сифатлар мавжуд**

**<u>Ижтимоий тажриба тизилмаси</u>**
**Ўз ичига билим, кўникма, малака ва одатларни киритади ва улар билим олиш натижасида орттирилади. Ўқиш йўли билан шахсий тажрибада билим, малака ва одатлар таркиб топади.**

**<u>Акс этиш тизилмаси (психологик)</u>**
Алоҳида психик жараёнларни индивидуал хусусиятларини киритиб, улар ижтимоий ҳаёт жараёнида шаклланади.

**<u>Биологик боғлиқлик тизилмаси</u>**
Шахснинг типологик хусусиятларини бирлаштиради ва бунда жинс ва ёш хусусиятлари ажратилади.

К.К.Платонов шахс структурасидан кўриб турибмизки, у 4 та тизилмани шахс структурасида ажратади:

1-чи тизилма – ижтимоий-боғлиқ хусусиятлар ва ахлоқий сифатлар.

2-чи тизилма – шахснинг тайёргарлиги (билим, малака, кўникма ва одатлар)

3-чи тизилма – шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари, билиш жараёнлари (сезги, идрок, тафаккур, ҳаёл, хотира, диққат).

4-чи тизилма – биологик шартлашган хусусиятлар бўлиб олий нерв фаолияти, темперамент қобилият.

Бундан ташқари ўз шахс структурасига К.К.Платонов 2 жиҳатни (шахснинг умумий хусусиятлари) – бу характер ва қобилиятни киритади.

**Шахс йўналганлиги** – бу барқарор мотивлар йиғиндиси бўлиб, шахс фаолиятини белгилайди.

Шахс йўналганлиги қизиқишлар, дунёқараш, эътиқод, интилиш ва идеалда характерланади.



<u>Қизиқиш</u> – билиш эҳтиёжини намоён бўлиш формаси бўлиб, у янги фактлар билан танишишга, ҳамда борлиқни аниқ, чуқур ва тўлиқ акс этишга ёрдам беради.

Субъектив қизиқиш эмоционал тонда намоён бўлиб, у билиш жараёнида орттирилади. Қизиқишни қондирилиши интилишни сўндирмайди, аксинча янги янада юқори даражадаги билими фаолиятини қондирадиган қизиқишни юзага келтиради. Қизиқиш ўз динамикасида фаолиятни амалга оширадиган йўналганликни юзага келтиради.

Қизиқиш бевосита, объектнинг қизиқарлилиги билан юзага келган ва беносита фаолият мақсадига эришиш воситаси сифатида юзага келади.

Қизиқишнинг барқарорлиги унинг давомийлиги ва интенсивлигида намоён бўлади. Қизиқишни доимийлиги ва барқарорлиги фаолият жараёнида қийинчиликни енгишдан далолат беради. Қизиқишнинг кенглиги ва торлиги қизиқишнинг мазмуни ва шахс ҳаётидаги ўрнини кўрсатади.

**<u>Дунёқараш</u>** – инсонни қарашлари тизими бўлиб, унда инсонни атрофдаги дунёга қараши ва бу дунёда ўзининг ўрнини англаш, кишиларга бўлган муносабати, ҳаётий позицияси, идеаллари, эътиқодлари, қадриятлари ва принциплари намоён бўлади.

Дунёқараш бу акс этиш бўлиб, унда оламни умумий тушуниш намоён бўлади ва у ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний, эстетик ва илмий-назарий йўналганликни аниқлайди.

**<u>Эътиқод</u>** – инсонни англанган эҳтиёжи бўлиб, у фаолиятга ундайди.

**<u>Идеал</u>** – бу намуна, интилишларнинг энг юқори чўққиси. Идеалларни шакллантириш ёш авлодни тарбиялашдаги асосий вазифалардир.

**<u>Интилиш</u>** – бирламчи қизиқиш, эҳтиёжни хиссий кечирилиши, объектга интилишидир. Интилиш динамик тенденция сифатида хохиш, майил сифатида намоён бўлади.

## ШАХС МУАММОСИНИНГ АСОСИЙ НАЗАРИЯЛАРИ

Шахс муаммоси психологияни тадқиқ этиш тарихида учта даврга ажратилиши мумкин:

Бу фалсафий-адабий, клиник ва тажриба. Фалсафий-адабий давр антик файласуфларнинг қарашларидан бошланиб, ўз ичига Шарқ мутафаккирларининг фикрларини қамраб олади (Ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Бобур, Умар Хайём ва ҳ.к.) ва XIX асрнинг бошигача давом этади. XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида фалсафий қарашлар билан бирга шахс муаммосига психиатр врачлар қизиқишлари юзага келди. XX асрнинг

биринчи ярмида шахс муаммосига профессионал психологлар эътибор бера бошладилар. Экспериментал тажриба даври психолог-олимлар А.Ф.Лазурский, Г.Айзенк, Г.Олпорт, Р.Кеттел ва бошкалар номи билан боғлиқдир.

XX асрнинг 30-йилларида психологияда шахсни фаол дифференциал тадқиқ қилиш бошланди. Буннинг натижасида 50 га яқин йўналишлар юзага келди. Шахс назарияларини замонавий классификацияси қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Психодинамик назария, шахсни ва унинг хулқ-атворини унинг психологик, ички, субъектив характеристикаларидан келиб чиққан ҳолда изохлашда ифодаланади.

2. Социодинамик назарияда асосий ўрин хулқ-атворнинг детерминациясига ажратилади ва бунда ташқи омиллар эътиборга олинади.

3. Интеракционистик шахс назарияси ички ва ташқи омилларини ўзаро таъсир омилига асосланади.

4. Шахсни экспериментал (тажриба) назарияси, тажриба асосида аниқланган омилларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга қаратилгандир. Ушбу назарияга структурали назариялар ҳам кириб, ундаги асосий муаммо шахс структураси ва унинг тушунчаларидир.

5. Экспериментал бўлмаган назария ўз муаллифларининг ҳаётий тасаввурларига, кузатувлари ва тажрибаларига асосланиб, тажрибага суянмасликка асосланади. Бу назария гуруҳига динамик назария кириб, унинг асосий мавзуси – шахсни ривожлантиришда ўзгариш, яъни унинг динамикасидир.

Бу классификация асосида энг кенг тарқалган назарияларни кўриб чиқайлик.

1. Америкалик психолог Г.Олпорт «сифатлар назарияси»га асос солади. Ана шу назария асосида Р.Кеттел тажриба тадқиқотларини ўтказиб, *шахсни* фактор таҳлилини, шахс сифатларини аниқлайди ва қатор тестларни (Кеттелнинг 16-факторлик тести) ишлаб чиқади.

2. «Сифатлар назарияси»га альтернатив равишда «ижтимоий ўқув назария»си юзага келади. Ушбу назарияни асосини ягона хатти-ҳаракат ёки хатти-ҳаракат тўплами ташкил этади. Шахсни ҳулқ-атворига атрофдаги инсонларнинг ижтимоий таъсири мавжуддир.

3. З.Фрейд томонидан ишлаб чиқилган психоаналитик назарияга асосан инсонни ички психик хусусиятларини изоҳлаш муҳимдир. З.Фрейд инсонни ўз-ўзини англашни муз бўлагига (айсбергга) ўхшатади. Инсон қалбида юз бераётган энг аҳамиятсиз нарсагина шахс учун муҳимдир ва у англанади. Қолган хатти-ҳаракатларини инсон тушуниш, англаш



имкониятига эга эмас. Фрейд фикрича шахс структураси уч асосга эга: У «Мен», «У (оно)» ,»Ўта– Мен», - онгсизлик бўлиб, унга қизиқишлар, мотивлар ва эҳтиёжлар киради.

«Мен» - онглилик, «Ўта-Мен» -онглилик ва онгости ҳолатида мавжуд. «У (оно)» - завқланиш принципига асосан ҳаракатланади. «Мен» реалистик принципига ва «Ўта Мен» идеал тасаввурларига суянади.

4. Гуманистик (инсонпарварлик) психологиясининг вакиллари ҳам ўзига хос шахсга ёндашувни таклиф этадилар. Ушбу назария тарафдорлари шахсни ўз ҳаётидаги реал воқеаларни қандай қабул қилиш, тушуниши, тушунтириши билан қизиқадилар. Улар шахс феноменологиясини изоҳлашни афзал кўрадилар. Ушбу назариянинг тарафдорлари америкалик психологлар А.Маслоу ва К.Роджерслардир.

5. Россия психологлари томонидан (А.Н.Леонтьев, Л.И.Божович) шахс психологиясини тадқиқ қилиш бўйича қатор изланишлар олиб борганлар. Хусусан, Л.И.Божович, Л.С.Виготскийнинг етакчи фаолият ва ижтимоий вазиятни ривожлантириш назариясига асосланиб, болани боршиққа бўлган муносабати ва ички позициясини ўзаро фаолият ва шахслараро муносабатга асосланиб ёш даврларига бўлиб тадқиқ қилади.

Ушбу позиция шахснинг асосий характеристикаси бўлиб, уни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

А.Н.Леонтьев ўзининг шахснинг ривожланиши ва структураси концепциясида асосий ўринни фаолиятга ажратади.

Унда шахснинг асосий характеристикаси сифатида унинг мотивацион сифати олинади. Шахс фаолиятининг тури қанчалик ранг-баранг бўлса, шахс шунчалик маънавий бой бўлади.

Охирги ўн йилларда шахсни синтезлашган яхлитлигини кўриб чиқиш йўналишлари турли назария ва ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинди.

Ушбу концепциялардан бири америкалик психолог Э.Эриксон назариясида ўз аксини топган. Ушбу назарияда генетик намоён бўлишни эпигенетик принципига асосланиб, ёш даврларини туғилгандан то умрини охиригача таҳлил қилинган. Э.Эриксон шахс ривожланишида 8 та ҳаётий психологик инқирозларни кўриб чиқади. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Ишониш ва ишонмаслик инқирози (ҳаётнинг биринчи йили давомида).

2. Автономия ва уят ҳолида иккиланиш, шубҳаланишга қарама-қаршилик (2-3 ёшлар орасида).

3. Айбни хис қилишга қарши ташаббусни намоён бўлиши (3 дан 6 ёшгача бўлган давр).

4. Тўла қийматга эга бўлмаслик комплексига қарши меҳнатсеварликни намоён бўлиши (7-12 ёшгача).

5. Индивидуал комформизмга қарши, шахсий-ўз-ўзини англаши (12-18 ёшгача).

6. Шахсий психологик яккаланишга қарши муомалалик (20 ёшга яқин).

7. Ўз-ўзини ўйлашга қарши ёки келажак авлод ҳақида қайғуриши, ғамхўрлик қилиш (30 дан 60 ёшгача).

8. Қайғуришга қарши кечирилган умрдан қониқиш (60 дан катта).

Э.Эриксоннинг концепциясига асосан шахсни таркиб топиши бир-биридан сифат жиҳатидан фарқли даврларни босиб ўтиш билан боғлиқ бўлиб, бунда инсоннинг ички дунёси билан уни ўраб турган ташқи олам билан бўлган муносабати тубдан ўзгаради.

Э.Эриксон ўз концепциясида шахс ривожланишида икки бир-бирига қарама-қарши : нормал ва аномал турларини тасвирлайди. Қуйида Э.Эриксоннинг инсонни шахс сифатида шаклланиши концепцияси схемаси келтирилади.

1 – Таблица

**Э.Эриксон бўйича шахс ривожланиши босқичлари**

| № | Ривожланиш босқичи | Ривожланишнинг нормал чизиғи | Ривожланишнинг аномал чизиғи |
|---|---|---|---|
| 1. | Илк гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача) | Одамларга ишонч, ўзаро муҳаббат, боғланиш, ота-онани тан олиш, мулоқатда бола эҳтиёжларини қондириш | Онани болага нисбатан ёмон муносабати натижасида инсонларга ишончсизлик, муҳаббатни йўқолиши, кўкрак сутидан эрта чиқиб кетиши, ёлғизланиш. |
| 2. | Кечки гўдаклик (1 ёшдан 3 ёшгача) | Мустақиллик, ўзига ишонч. Бола ўзига мустақил, алоҳида шахс сифатида қарайди, лекин ҳали ота-онасига боғлиқ | Ўзида иккиланиш, уят ҳиссини ҳис қилиш, ўз қобилиятларидан шубҳаланади, ҳаётга мослашмаганини ҳис қилади. |
| 3. | Илк болалик (3 ёшдан 5 ёшгача) | Қизиқувчанлик ва фаоллик, катталарга тақлид қилиш, фаол ҳаёт, ролли хатти-ҳаракат | Инсонларга нисбатан бефарқлик, ташаббусни сусайиши, бошқа болаларга нисбатан ҳасад, бекарор- |



| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | лик, ролли-жинсий хатти-ҳаракатни сусайиши |
| 4. | Ўрта болалик (5 ёшдан 11 ёшгача) | Меҳнатсеварлик, бурч ҳисси ва муваффақиятга эришишга интилиш, билим ва коммуникатив қобилиятларни ривожланиши. Реал вазифаларни бажариш. Мақсадга йўналтирилган ўйин, предметли ҳаракатлар, тез ўзлаштириш | Шахсий камчиликларни ҳис қилиш, пассив меҳнат вазифаларидан қочиш, комформлик, қулларга хос хатти-ҳаракатлар |
| 5. | Жисмоний етилиш, ўсмирлик ва ўспиринлик (11-ёшдан 20 ёшгача) | Ҳаётий ўз-ўзини англаш, келажакка режалар тузиш, қандай бўлиш? Ким бўлиш? каби саволларга фаол жавоб қидириш. Ўқиш. Жинсий етилиш. Дунёқарашни шакллантириш. Гуруҳда сардорликка интилиш | Ролларда иккиланиш, келажак ҳақида фикрларни аралашиши, ўз-ўзини тушунтириб олган ҳаракат. Меҳнат фаоллигининг сусайиши. Жинсий роли хатти-ҳаракатларда тушунмовчилик, дунёқараш ва ахлоқий нормаларда тушунмовчилик |
| 6. | Эрта етуклик (20 ёшдан 45 ёшгача) | Одамларга яқинлик. Одамларга интилиш, ўзини одамларга бағишлаш ҳисси, хоҳиши. Болаларни туғилиши ва уларни тарбиялаш. Севги ва иш, шахсий ҳаётидан қониқиши | Одамлардан қочиш, айниқса яқинларидан. Характерда қийинчиликлар, тушунарсиз муносабатлар, психик ўзгаришлар, бунда ташқи босимни ҳис қилиш |
| 7. | Ўрта етуклик (40-ёшдан 60 ёшгача) | Ижодкорлик устида ижодий ишлаш, атрофдагиларни ижодкорликка ундаш. Етук, тўла ва ранг-баранг ҳаёт. Оилавий ҳаётидан қониқиш. Янги авлодни тарбиялаш ва ўқитиш. | Худбинлик ва ўз-ўзига эътиборни қаратиш, ишда бесамарлик, эрта инвалидлик, ўзи ҳақида қайғуришни йўқолиши |

Фрустрация – шахсни агрессив ёки апатик хулқ-атвори сифатида кечади. Шу билан бирга шахсда толерантлик каби хусусият ҳам учрайди. Бу шахсни у ёки бу факторга бефарқлиги ёки муносабатнинг мавжуд эмаслигидир. У уч турда намоён бўлади – мувафиқиятсизлик, фикрловчи муносабат, ички бехаловатлилик ва осойишталик.

## Шахснинг ижтимоийлануви

Ижтимоийлашув – жараён бўлиб, у асосида индивид билим олади, қадрият орттиради, ижтимоий малака ва сезгирликни ҳамда мослашувчанликни намоён қилади. Ижтимоийлашув остида бола томонидан ижтимоий тажрибани орттириш, унинг ақлий, психик ва шахсий ривожланиши, таълим-тарбия остида шаклланиши, ижимоий-ахлоқий қадриятларини ўзлаштириши, хулқ-атвор норма ва қоидаларини, дунёқараш ва эътиқодни таркиб топтиришлазарда тутилади.

Ўз-ўзини аниқлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, шахс ўз ҳаётий йўлини, қадриятларини, ахлоқий нормаларини, касб ва ҳаёт тарзини мустақил аниқлаш имкониятига ҳам эга.

Шахс ўзининг психологик ҳолатини бошқариш, ўз имкониятларини ошириш, ўз фазилатларга баҳо бериш, имкониятига эга.

<u>Ўз-ўзини бошқариш</u> – шахснинг ўз психологик ва физиологик ҳолати, хулқ-атворини бошқаришидан иборатдир.

<u>Ўз-ўзини актуаллаштириш</u> – шахсни максимал ривожланиши учун лаёқат ва қобилиятларини амалда қўллашидир. Бу шахснинг доимий малака ошириш ва ўз устида ишлашидир. А. Маслоунинг назариясига асосан шахсни ўз-ўзини актуаллашиши ривожланишининг энг юқори чўққисидир, унда шахс потенциали тўла намоён бўлади. Бу А. Маслоунинг шахс эҳтиёжлари иерархиясида ўз аксини топган.




Инсон эҳтиёжлари иерархияси (пирамидаси). (А. Маслоу бўйича)



## <u>Шахснинг жамоадаги ўрни</u>

Гуруҳ деганда психологияда инсонлар йиғиндиси тушунилиб, улар маълум умумийлик ёки умумий сифатлар асосида бирлашадилар. Гуруҳда шахс маълум бир ўринни эгаллайди. Инсоннинг ўзгалар кўзи ўнгидаги гуруҳ ички муносабатларида тутган ўрни шахс статуси дейилади. Инсонларни гуруҳда мавжуд бўлиши ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, бунда шахсларни бир-бири билан ҳамкорлик қилиши, ишчан ва шахсий бир-бирини қўллаб қувватлаши, психологик мослашувчанликдир. Гуруҳий фаолиятда психологик иқлимнинг аҳамияти катта. Ҳар қандай гуруҳни одатда сардор бошқаради.

<u>Сардор</u> – бу гуруҳнинг шундай аъзосики, унинг обрўси ва имкониятларини гуруҳ аъзолари сўзсиз қабул қиладилар ва бажарадилар.

Аммо, гуруҳда келишмовчиликлар ҳам юз бериб туриши мумкин. Шахслараро келишмовчилик бу кишилар орасида қийин ечимга эга бўлган, бир-бирига мос тушмаслиги туфайли юзага келган муносабатдир.

Шахсни шакллантирувчи омиллар:

А) Ҳаётнинг шарт-шароити билан ўзаро муносабат(маданий, моддий ва ижтимоий)

Б) Ёш авлодга ижтимоий –тарихий тажрибаларни ўтказиш, инсон онги ва хулқ-атворига уни ҳаёт ва меҳнатга тайёргарлигини ривожлантириш учун керакли шарт-шароитларни таъминловчи тушунча, принцип ва қадриятларни сингдиришдан иборат бўлган тарбия.

В) Шарт-шароитни ўзгариши билан шахс ҳам ўзгаради.(ривожланиш юзага келади.)

Г) Ўз-ўзини тарбиялаш – онгли фаолият бўлиб, инсонни шахс сифатида тўла намоён бўлишини таъминлайди. (ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш).

Шахсни ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар:

А) Фаолиятда ўзгарувчи эҳтиёжлар орасида қарама-қаршиликлар ва уларни қондириш;

Б). Фаолиятдаги фаоллик натижасида қондириладиган эҳтиёжлар асосида янги эҳтиёжларни юзага келиши.

Қарама-қаршиликларни енгиш махсус усуллар, йўллар, ҳаракатлар, билим ва малакалар асосида, таълим жараёнида амалга оширилади.

Шахс шаклланишида етакчи ўрин – тарбияга ажратилади. Тарбия шахс ривожланишини ташкил этади , йўналтиради ва жамият талабларига мослаштирилади. Демокрит айтганидек:»Инсонни инсон қилиб етиштирувчи нарса тарбиядир».Бугунги кунда бизнинг вазифамиз Президентимиз

И.А.Каримов айтганларидек:«Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб уларни Ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялашдир.»

### Қайтариш учун саволлар

1. Шахс тушунчасига тушунтириш беринг.
2. Шахс тизимидаги биологик ва ижтимоий томонларини бир-бирига боғловчи ва муносабатларини тушунтиринг.
3. Шахснинг индивидуал ривожланишига таъсир этувчи шартларни айтинг.
4. "Индивид", "Шахс", "Индивидуаллик" тушунчалари бир-бирига боғлиқ, қарама-қарши эмаслигини тушунтиринг.
5. Шахс фаоллигининг асосий омили нима?
6. Инсон эҳтиёжларини бошқариш аҳамияти ҳақида нима дейсиз?
7. Ишонувчанлик ва ўз-ўзини ишонтиришнинг кучи нимада?
8. Шахс конформлиги деганда нима тушунасиз?
9. Шахс шаклланишида ижтимоийлашувнинг роли нимадан иборат?
10. "Ўз-ўзига баҳо бериш" тушунчасини изоҳланг.
11. Шахснинг фрустрацион ҳолати - бу нима?
12. Шахснинг барқарорлик ва беқарорлик хусусиятларини аҳамиятини тушунтиринг.
13. Э.Эриксон назариясини эсланг ва уни характерлаб беринг.



## VIII БОБ "Диққат"

### РЕЖА:

1. Диққат ҳақида тушунча.
2. Диққатнинг физиологик асослари.
3. Диққат ҳақида психологик назариялари.
4. Диққатнинг хусусиятлари.
5. Диққатнинг турлари.

Психологияда диққатдай одатий, шу билан бирга мураккаб ва драматик тақдирга эга бўлган тушунчани топиш қийин. Психология тарихида "юқориларга кўтарилиб, ер билан тенглашган, унинг мазмунига кескин ўзгаришлар киритилган, диққат тушунчаси гоҳ психологиянинг марказидан ўрин эгалларди, гоҳ психологиядан бутунлай олиб ташланган.

Хўш диққат ўзи нима?

Диққат — бу инсон онгини маълум бир вақтда, бир объектда тўпланиши ва йўналтирилишидир. Зарур информацияни танланиши, танланган дастур асосида хатти-ҳаракатларни таъминланиши ва уларни назорат қилинишини диққатдир.

Билим жараёнларидан фарқли ўлароқ диққат маълум мазмунга эга эмас. У шу жараёнларда, улардан ажралмаган ҳолда, уларнинг динамикасини ва ривожланишини характерлаган ҳолда мавжуд бўлади. Диққат доимо инсоннинг амалий фаолиятига киритилган бўлиб, уларни муваффақиятини таъминлайди, ўқиш фаолияти ҳам ўқувчиларнинг диққатисиз самарали бўлиши мумкин эмас.

Одатда диққатни жалб қилувчи уч гуруҳ омилларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ — қўзғатувчи характери билан боғлиқ. Бунда қўзғатувчи кучли, янги, антиқа асосида йўналиш берувчи рефлекс ("Бу нима экан") ётиши лозим.

Иккинчи гуруҳ — қўзғатувчи ҳамда инсон эҳтиёжини ўзаро муносабати олинади (бунда сабаблар ташқи омилга эмас, балки субъект эҳтиёжи, қизиқишларига боғлиқ).

Учинчи гуруҳ — диққатни жалб қилиш билан боғлиқ сабаблар билан характерланади. Бунда диққат инсон фаолиятига, мақсадга қаратилади. Шундай қилиб, диққат фаолият тизимини ташкил қилиб, унинг кечиши ва жараёнини назорат қилади.

Маълум миқдорда диққат фаолиятнинг муваффақияти ва муваффақиятсизлигини таъминлайди. Ишнинг муваффақиятли якунланиши

диққат ҳолатини тўхтатади. Ва аксинча, якунланмаган фаолият диққатнинг давомийлигига асос солади.

## Диққатнинг физиологик асослари

Жуда узоқ муддат давомида психолог ва физиологлар диққатнинг пайдо бўлиши ва кечиш жараёни сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Аммо, лекин улар шунчаки тушунтирувчи характерга эга бўлиб, диққатнинг физиологик асослари унда ёритилмаган.

Умумий тушунтирувчи характерга эга бўлган И.П.Павловнинг диққат ҳақидаги тушунчасида берилиб, унингча диққат бу қўзғалишнинг "оптимал" (юқори) маркази бўлиб, у бош мияда образли қилиб айтганда "ёруғ доғ" сифатида қўзғалиб юради. Ушбу ғоя диққат тушунчасини ва унинг физиологик асосларини тушунтириб берди.

Диққатнинг физиологик механизмини ёритилишига рус физиологи А.А.Ухтомский катта ҳисса қўшган бўлиб, унинг тушунчасига асосан қўзғалиш нерв тизими бўйича потекпе бўлиниб,ҳар қандай фаолият нерв тизимида қўзғалишнинг оптимал марказини ярата олади ва у доминанта (ҳукмрон қилиш) эга бўлади. Ушбу доминанта бошқаларга ҳукмрон бўлиш билан бирга, бошқа қўзғалувчилар таъсирида кучайиши ҳам мумкин.

Ушбу қобилиятни қўшимча рефлекслар сусайтириши мумкин бўлиб, бу А.А.Ухтомский томонидан доминантани диққатнинг физиологик асоси сифатида баҳоланган. Лекин бунинг ўзи етарли эмас эди. Энди диққатнинг нейрофизиологик асосларини топиш лозим эди. Бу иш нейрофизиологларимиз томонидан XXасрнинг 60- йилларидан бошлаб илгари сурилгандир.

Замонавий нейрофизиологларнинг тадқиқотларидан шу нарса аниқландики, диққат учун зарур бўлган психик жараёнлар мия қобиғининг уйғоқлигида юзага келади ва у қўзғалувчанликнинг оптимал даражасини таъминлайди

Диққатнинг физиологик асосларини аниқлашда электрофизиологик кўрсаткичларнинг роли муҳим. Булар:

а) биохимик характердаги ҳаракат (кислород алмашинувининг кучайиши);

б) юрак фаолиятидаги ўзгаришлар;

в) мускул тонусининг ўзгариши, масалан, бўйин мускулларининг тонуси ўзгариши;

г) Тери-гальваник рефлекси - терининг электроҳаракатининг кучайиши;



д) хис-туйғунинг фаоллашиши;

ЭЭГ (электроэнцефалография - миянинг биоэлектрик фаолиятини текшириш) уйқу ҳолатидан уйғоқликка ўтишда қуйидаги ўзгаришлар кузатилади:

1. Уйқу ҳолати -- Дельта-ритм - секундига 1-4 тебраниш;

2. Эмоция ҳолати - Тэта- ритм - 4-8 тебраниш;

3. Декрли тинчлик ҳолати -- Альфа-ритм - 8-14 тебраниш;

4. Фаолият ҳолати -- Бета ритм - 14-35 тебраниш;

5. Нормал бўлмаган кучли қўзғалиш ҳолати -- Гамма-ритм - 35-55 тебраниш;

П.К.Анохиннинг фикрича, миянинг ретикуляр формациясида нерв катакчаларини йиғилиши бир неча тизимнинг комплексини намоён қилиб, улардан бири йўналтирувчи рефлекснинг фаоллигини таъминлайди, иккинчиси - ҳимояланади, учинчиси - озиқлантирувчи рефлексга таъсир этади.

Диққатнинг контрол функцияси қайтар афферентация таълимда (П.К.Анохин) ўзининг физиологик асосини намоён қилади.

Мияга субъект фаолияти натижасида келувчи импульслар хатти-ҳаракатдаги камчиликларни тўғрилашга имкон беради. Бу сигналлар инсонни кейинги фаолиятга ундайди.

## Диққат ҳақида психологик назариялари

Энг таниш назариялардан бири Француз психологи Т.Рибо (1839-1916) назариясидир. Унинг фикрича диққат кучайган ёки сусайганига қарамай доимо эмоциялар билан боғлиқдир. Т.Рибо хис-туйғу ва ихтиёрий диққатни бир-бирига бениҳоя боғлиқлигини таъкидлайди. Ихтиёрсиз диққат эса аффектив ҳолатларга боғланади.

Т.Рибонинг таъкидлашича диққат эмоционал ҳолатлагина эмас, балки организмнинг жисмоний ва физиологик ҳолатига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ушбу назарияни психофизиологик назария ҳам деб аташ мумкин. Йўлланмалар назариясига грузин психологи Д.Н.Узнадзе (1887-1950) асос солган бўлиб, у диққатга йўлланма бериш инсонда ўз диққатини бошқариш имконини беради деб ҳисоблайди. Ва ниҳоят, рус психологи П.Я.Гальперин (1902-1988) назариясида тўхталамиз. Ушбу назариянинг асосларига қуйидагилар киради:

1. Диққат йўналтирувчи - тадқиқот фаолиятининг бир ҳолатидир. У психик хатти-ҳаракатни намоён қилиб, у ўз ўрнида мазмунга йўналтирилгандир.

2. Ўз функциясида диққат ушбу мазмунни назорат қилади. Инсонни ҳар бир ҳаракатида йўналтирувчи, бажарувчи ва назорат қисми мавжуд.

3. Бошқа хатти-ҳаракатлардан фарқли ўлароқ диққат алоҳида натижага эга эмас.

4. Диққат мустақил жараён сифатида хатти-ҳаракат ақлий ва қисқарганда амалга оширилади.

5. Диққатда меъон, мўлжал, намуна асосида назорат амалга оширилади.

6. Ихтиёрий диққат бу олдиндан тузилган режа, намуна асосида амалга оширилади.

7. Янги ихтиёрий диққат юзага келиши учун одамга фаолият билан бирга унинг борини, натижаси, мақсадни амалга ошириш ишлари тавсия этилиши лозим.

8. Барча диққат жараёнлари назорат функциясини бажариб, ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққатда ҳам янги "ақлий хатти-ҳаракатлар амалга оширилади"[1]

### Диққатнинг хусусиятлари

Диққат турли одамларда, бир одамда турли вақтда, турли вазият, турли хусусиятлар ва шу билан бирга психик жараёнларни кечиши билан турлича бўлади. Диққатни характерлаб уни турли хусусиятларини ажратадилар: концентрацияси,интенсивлиги, тақсимланиши, ҳажми, барқарорлиги, давомийлиги ва кўчишидир.

Диққатнинг зарур хусусиятларини қуйидаги таблицада кўриш мумкин.

**Диққатнинг хусусиятлари**

| Кучи | | Кенглиги | | Динамикаси | |
|---|---|---|---|---|---|
| Концентрацияси | Интенсивлиги | Ҳажми | Тақсимланиши | Барқарорлиги | Давомийлиги |

Таблицадан кўриниб турибдики, диққатнинг кучини концентрация ва интенсивлик белгилар экан.

Концентрация (жамлатиалик, тўпланганлик) - диққат доимо аниқ объектга тўпланади (Масалан, қизиқарли китобни ўқиш жараёни). Диққатнинг юқори даражадаги концентрацияси ўрганилаётган объектни чуқур ўрганилишини таъминлайди.

[1] Гальперин П. "К проблемме внимания", Хрестоматия по вниманию. - М.: 1976, 221-224 стр.



Фаолиятнинг ҳар-хил турларида диққат хилма-хил интенсивликда (кучликда) кечади. Диққатнинг интенсивлиги турли вазиятда бир инсонда турлича кечади (масалан, талабани предметга имтиҳонлардан олдин ва кейинги диққати).

Диққатнинг кенглиги унинг ҳажми ва тақсимланишига боғлиқдир.

Диққанинг ҳажмини бир вақтнинг ўзида диққат марказида бўлиши мумкин бўлган объектлар сони билан характерланади. Унга асосан нарсаларни тез ва чуқур тушуниш мумкин. Диққатнинг ҳажмини тахистоскоп (тахис - тез, скопео - кўраяпман) асбобида ўлчанади.У 5±2 яъни 3 дан 7 та объектгача ўзига жамлашга эга.

Диққатнинг ҳажмини ўлчаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда қуйидаги натижалар намоён бўлган.

Тахистоскоп орқали 30 та синалувчига 20 та ажралган ҳарфлар кўрсатилгани (1-серия) бу ҳарфлар:

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| КЖР | БГ | ВШД | ЦАШ | ЁЛХ | ПЩМ | ЗУТ |

Тадқиқотда иштирок қилганлар 151 ҳарфни қайтаришган, яъни 30 та кишига ўртача 5 тадан ҳарф айтган.

Диққат ҳажми қабул қилинаётган предметни маълум тизимда идрок қилинишига қараб ортади.

2 серияда 20 та ҳарфдан иборат сўзлар тавсия этилади:

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| БОБ | ОТ | ТОҒ | БОҒ | АҚЛ | СОН | СЎМ |

Тадқиқот қилинувчилар 305 ҳарфни қайтардилар, яъни 30 тадқиқ қилинувчига ўртача 10,2 та ҳарф тўғри келади. Бу биринчи натижадан икки баробар ортиқдир.

3 серияда учта сўздан иборат гап берилади. Бунда 20 ҳарф иштирок этади.

| |
|---|
| ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК ДАВЛАТ |

28 та тадқиқ қилинувчи барча ҳарфларни қайтардилар, яъни 560 та ҳарфни, фақат иккита тадқиқ қилинувчигина 32 та ҳарфни қайтарадилар.

| |
|---|
| ЎЗБЕКИСТОН –ДАВЛАТ |

Шундай қилиб,3-серияда 20 та ҳарфдан 19,7 таси тўғри қайтарилди.

**<u>Диккатнинг тақсимланиши</u>** бир вақтнинг ўзида бир неча объект, фаолият тури ва хатти-ҳаракатни диққат марказида ушлаб туришидир. Бундай тақсимланиш бир хатти-ҳаракат англанилган, қолганлари эса автоматлашган усулда бажарилади.

**<u>Диккатнинг динамикаси</u>** унинг барқарорлиги, ўзгариши ва кўчишида намоён бўлади.

**<u>Диккатнинг барқарорлиги</u>** диққатни узоқ муддатда сақлаб туришида намоён бўлади. Барқарорлик ишга йўналганлик жараёнида объект ва хатти-ҳаракат характерини ўзгаришида кўринади. Масалан, иншо ёзиш жараёнида диққат ўқиш, асосий мазмунини баён этиш, цитаталарнинг қайтарилиши билан бир қаторда барча хатти-ҳаракатлар ишшони муваффақиятли якунлашга қаратилгандир.

<u>Диққатнинг тебраниши</u> - доимий кучсизланиш жараёнидан кейинги пайтида кучайишидир. Масалан,бирор бир нарсани такрорлаш жараёнида жуда яхши таниш материалда ҳам қандайдир янгиликлар юзага келади. Шунинг учун бир маротаба ўқиш билан чегараланиш керак эмас.

<u>Диккатнинг кўчиши</u> - фаолият мақсадини ўзгаришига қараб диққатни бир объектдан иккинчи объектга ўтишидир. Масалан, дарс жараёнида ўқувчи диққатини доимо бир саволдан иккинчи саволга кўчишига тўғри келади. Диққатни кўчиш тезлиги диққатнинг тўпланганлигига, дарсга бўлган қизиқишига, ўқувчи учун уни муҳимлигига боғлиқ.

Тарихда Юлий Цезар бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиш, ҳам гапириш, ҳам эшитиш, ҳам фикрлаш қобилиятига эга эканлиги ҳақида маълумотлар бор. Эҳтимол бу ҳолат Цезар диққатининг кўчиш хусусияти жуда яхши ривожланганлигидадир.

Диққатнинг индивидуал хусусиятлари билан ўқитувчи доимо дуч келади. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини тарқоқлигига алоҳида эътибор бериши лозим. Диққатнинг тарқоқлиги - диққатни тўплай олмаслигидир. Диққатнинг тарқоқлиги ҳақида бир иши қилиш жараёнида кишини бошқа нарсани кўрмаслиги, эшитмаслиги, ҳаёли кўпроқ бошқа нарсаларда бўлишидир.

## ДИҚҚАТ ТУРЛАРИ

Психологияда диққатнинг уч тури мавжуд: **ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёрийдан сўнгги** диққат турлари.



<u>Ихтиёрсиз диққат</u> - иродага зўр бермаслик, онгли мақсадни кўзламаган ҳолда юзага келади. Кўп ҳолда янги, рангдор, ёрқин, ҳажми, ҳаракатланиши, эмоционаллигида қарама-қарши фарқ бўлган нарсалар ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Ихтиёрсиз диққат янгиликнинг юзага келтирувчи бошланғич рефлексидир, унинг асосида доминантани қўзғатувчи жараён ётади.

Ихтиёрсиз диққатни юзага келтиришга реклама, мода психологияси, тарғибот психологияси ва таълимда кўрсатмалилик қаратилгандир.

Ихтиёрий диққат - мақсад ва иродага зўр беришга асослангандир. <u>Ихтиёрий диққатда</u> бирор-бир объектга диққат онгли равишда йўналтирилади, субъект томонидан бошқарилади, аммо бундай диққат жараёнида иродага зўр берилади ва кўп энергияни талаб этади.

Ихтиёрий диққат жараёни қанча давом этиши мумкин? Бундай саволга жавоб Ўзбекистон психологи М.Х.Рахманова тадқиқотларида берилган бўлиб, кичик мактаб ёшида болаларда ихтиёрий диққат 10 минутга, талабалик даврида 20-22 минутгача давом этади. Бундан сўнг чарчаш, толиқиш юзага келади.

Шунинг учун ушбу чарчаш, толиқишни камайтириш, йўқотиш усулини топиш эҳтиёжи юзага келади. Рус психологи Н.Ф.Добринин ихтиёрий диққатдан сўнгги диққат концепциясини тавсия этади. У ҳам бирор бир мақсад асосида юзага келади, лекин иродага зўр берилмайди. У фаолият билан ўта қизиқиб кетиш натижасида юзага келади.

Ихтиёрийдан сўнгги диққатда муваффақиятли фаолият учун диққатнингниҳоятда тўпланганлиги билан характерланади ва у ўқув фаолиятида муҳимдир.

Диққат турларининг қиёсий характеристикаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

**Диққат турлари ва уларни қиёсий характеристикаси**

| *Диққат тури* | *Пайдо бўлиш шартлари* | *Асосий характеристикаси* | *Асослари* |
|---|---|---|---|
| Ихтиёрий | вазифани қабул қилиш | Вазифага асосан йўналганлик, иродавий зўр бериш, узоқ муддатли диққатнинг тўпланганлиги толиқтиради. | Иккинчи сигнал системасини етакчи ўрни |
| Ихтиёрийдан | қизиқиш | Мақсадга йўналганлик | Фаолият |

| | | | |
|---|---|---|---|
| сўнгги диққат | билан юзага келган фаолиятга “кириш” | сақлаб қолинади, толиқиш бўлмайди, қизиқиш ортади. | жараёнига бўлган қизиқиш доминантасидир. |
| Ихтиёрсиз диққат | кучли қўзғатувчи асосида юзага келади. | Беихтиёрийлик, енгиллик, бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тез ўтилади. | Шахсни қизиқишини намоён қилувчи ёки характерловчи доминанта. |

Диққатни барқарорлиги ва интенсивлигининг шартлари нимадан иборат?

Қисқача ушбу шартларни қайд этамиз:

1. Нерв тизимининг ҳолати;
2. Объектнинг мазмуни;
3. Фаолият мазмуни;
4. Ушбу фаолият амалга ошириладиган шароит;
5. Хис-туйғунинг намоён бўлиши;
6. Иродага зўр бериш;
7. Шарт-шароит;
8. Қизиқиш.

Диққатнинг илк даврида ривожланиш жараёнини А.Н.Леонтьев таъкидлашига кўра қуйидагича тасаввур этиш мумкин: бола улғайган сари диққати ортади, лекин танқи диққатни намоён бўлиши ичкига нисбатан тездир.

Бола диққатининг ривожланиши босқичлари:

1. Ҳаётнинг биринчи ҳафталари ва ойлари. Ихтиёрсиз диққатнинг туғма, объектив йўналтирувчи рефлекс сифатида намоён бўлиши.

2. Ҳаёти биринчи йилининг охири. Йўналтирувчи - тадқиқот фаолиятининг юзага келиши муносабати билан ихтиёрий диққатни пайдо бўлишига замин яратилади.

3. Ҳаётнинг иккинчи йилини боши. Катталарнинг нутқий йўлланмаларига асосан ихтиёрий диққатнинг юзага келиши.

4. Ҳаётнинг иккинчи-учинчи йили. Ихтиёрий диққатнинг бошланғич ҳолатини етарли даражада ривожланиши.

5. Тўрт ярим - беш ёш. Катталарнинг мураккаб йўлланмасига асосан диққатни йўналтириш қобилиятини юзага келиши.



6. Беш - олти ёш. Ўз-ўзини йўналтириш асосида ихтиёрий диққатни оддий турини намоён бўлиши.

7. Мактаб ёши. Ихтиёрий диққатнинг ривожланишиўзга ироданинг жамланиши.

Фаолиятнинг маълум турларида диққатнинг ривожланиши шахснинг эътиборлилик каби хусусиятини шакллантиради. Зеро, И.П.Павлов Санкт-Петербург яқинидаги Колтушадаги лаборатория биноси қуршишида «Кузатувчанлик, кузатувчанлик ва яна кузатувчанлик» деган фикрни ёзиб қўйган.

## Қайтариш учун саволлар

1. Диққат тушунчасини П.Я.Гальперин гипотезага асосланиб тушунтиринг.
2. Диққатнинг психик фаолиятидаги роли ва ўрни нимадан иборат?
3. Диққатни юзага келтирувчи факторлар нима.
4. Диққатнинг асосий хусусиятларини тасвирлаб беринг.
5. Диққатнинг қандай турларини биласиз.
6. Ўқувчининг дарсдаги диққатсизлиги нимага боғлиқ? Уни енгиш йўллари борми?
7. Диққатнинг барқарорлиги ва кучининг шарт-шароитлари нимадан иборат?

## IX боб. Сезги ва идрок

### РЕЖА:

1. Сезги ҳақида тушунча.
2. Сезгилар классификацияси.
3. Сезгиларда қонуниятлар.
4. Идрок ва унинг хусусиятлари.
5. Фазони, вақтни ва хатти-ҳаракатни идрок этиш.
6. Ижтимоий перцепция.

Бизни ўраб турган ва мавжуд бўлган барча нарса ва ҳодисалар ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусиятлар бу предметларнинг белгиларидир. Белги бу предметни бошқаларидан ажратадиган омилидир. Хусусиятлар бевосита бизнинг онгимизда акс этиб, бунда сезги органлари кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва тери туюши роли катта. Бу энг оддий психик жараён бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятлари-физик жараёнларни сезги органларига бевосита таъсир этиши натижасида уларнинг хусусиятларини алоҳида- алоҳида намоён бўлиши сезги деб аталади.

Сезгини пайдо бўлиши учун нима зарур?

1) бунинг учун бирор бир сезги органига таъсир этувчи предмет зарур. Сезгилар ҳамиша бизнинг сезги органларимизга : кўзимиз, қулоғимиз, теримиз ва бошқа органларимизга таъсир этиш асосида вужудга келади.

Масалан, ёруғлик, ранг, овоз, терига тегиш, ҳид билиш, ширин, аччиқ ва ҳ.к.

2) сезувчи аппарат зарур. Сезги органидан, (сезги органи) – рецептордан иборат (у сезувчи нервнинг қисми бўлиб, у орқали қўзғалиш анализаторнинг периферия қисмлари орқали марказга узатилади, мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги махсус қисмларда психик ҳодиса сезги юзага келади).

Бу уч қисм битта қабул қилувчи аппаратни ташкил этиб, И.П. Павлов буни анализатор деб атайди.

Сезги жараёнида қуйидагиларни ажратиш лозим:

а) қўзғовси предмет ва ҳодисаларнинг физик хусусиятлар бўлиб, улар сезги органларига таъсир этадилар.

б) қўзғалувчанлик - қўзғовчининг таъсири (физик жараён).

в) қўзғалиш - қўзғовчи таъсирида юзага келадиган физиологик жараён.

г) сезиш - ташқаридаги таъсир асосида бош миянинг маҳсули сифатида юзага келадиган психик жараёндир.



Инсон бирор бир нарсани унга таъсир этгандагина акс этади ва англайди.

Сезгининг пайдо бўлиши схемасини қуйидагиса кўрсатиш мумкин:




Сезги жараёни объектив оламни тўғри акс этишини таъминловчи ташқи қўзғатувчиларни танлаш ва энергияни қайта ишловчи сенсор ҳаракатлар тизимидан иборатдир. Рецепторлар экстрорецепторлар (ташқи органларда жойлашган рецепторлар), интрорецепторлар (ички органларда жойлашган рецепторлар) ва проприорецепторларга (мускуллар ва боғловчи пайларда жойлашган рецепторларга) бўлинади.

Сезгиларни ўта миқдорда кўплиги, ҳамда ташқи олам энергиясин онгнинг ҳодисасига айланиши ҳақида аниқ фикрларни И.М.Сеченов берган. Агар инсонни уйғоқлик вақтини ўта ҳисобда 12 соат деб олинадиган бўлса ва ҳар бир фаза бўйича ўрта сонни оладиган бўлсак, масалан кўриш сезгисини 5 қисмчаларга бўлсак кўз орқали 8000 сезги, қулоқдан ундан кам эмас, мускуллар ҳаракатидан ундан ҳам кўп сезги юзага келар экан. Бир ҳафтада у 56 мингни, бир ойда 204 мингни, 1 йилда 2 миллионга яқин сезги ҳосил бўлади.

Бу катта миқдордаги сезгилар турли сифатлар билан ассоциацияланади, идрок жараёнларида синтез бўлади, тасаввурлар юзасида мустаҳкамланиб фикрлаш гуруҳига умумлашган ҳолда киради.

Инсоннинг барча сезгилари қуйидаги сифатларга қараб классификацияланади:

1. Экстероцептив сезгилар - ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг сифатларини акс этади. Улар контакт ва дистант бўлади. Уларга кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш ва тери сезгилари киради.

2. Интероцептив сезгилар - ички органларнинг турли ҳолатларини акс этади (органик, оғриқ сезувчи).

3. Проприоцептив сезгилар турли ҳаракат органларининг ҳолатларини акс этади (мускул- ҳаракат, кинетик ва мувозанат). Энди алоҳида сезги турларини кўриб чиқамиз.

Экстероцептив сезгиларга кўриш, эшитиш, таъм билиш, хид билиш ва тери сезгилари киради.

**Кўриш сезгиси.** Кўриш сезгисининг органи кўз. Кўз пардадан иборат: ташқи, томирлари ва тўр парда. Ташқи парда олди қисми билан мугуз пардага, томирли парда камалак пардага ўтади. Камалак пардада тешик (туйнук, тирқиш) мавжуд бўлиб - бу қорачиқдир, ундан кўзнинг ички қисмига ёруглик ўтади. Қорачиқ тирқиши ва камалак ортида иккиламчи бўртиб чиққан тиниқ парда - хрусталик мавжуд. Бу ёруғликни синдирувчи аппаратдир. Учинчи парда - тўр парда марказида жойлашган колбачалардан (7 миллионга яқин бўлиб, улар кундузги ёруглик ва хроматик рангларни қабул қилади) ҳамда тўр парда ички қисмидаги таёқчасимон аппаратдан (123 миллион қоронғулик ва ахроматик ранглар) иборатдир. Таёқча ва колбачаларнинг энг кўп тўпланган жойи - сариқ доғдир. Кўр доғда - нервнинг чиқиш жойида таёқча ва колбачалар мавжуд эмас. Тўр парда ҳамда хрусталик оралиги ойнасимон танадан иборат. Кўриш сезгисининг физик сабабчиси - ёруғлик тўлқинларидир (турли узунлик ва тебраниш частотасидаги электромагнит тўлқинлари). 380 миллимикронгача бўлган тўлқинлар - ультрасиёҳранг, 780 миллимикрондан ортиқ тўлқинлар эса - инфрақизилдир. Уларни инсон кўзи илғамайди.

Ранглар ахроматик (қора, оқ, кул ранг) ҳамда хроматик (қизил, оч қизил, сариқ, ҳаво ранг, кўк, сиёҳранг)га бўлинади.

Хроматик рангларни кўриш сезгиси қуйидаги хусусиятлар билан характерланади: а) ранг тони (тўлқин узунлигига боғлиқ); б) ёруғлиги – ушбу рангни қорадан фарқи, рангнинг қандай процентни акс этади (оқ қоғоз 85%, қора бахмал - 0,03%); в) тўйинганлиги - ушбу рангни худди шундай ёруғликка эга бўлган кул рангдан фарқи.

Кўриш сезгисининг ўзига хос ҳодисалари - ранг контрасти - бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет; шапкўрлик - таёқча аппарати ёмон ишлаганда юзага келади; ранг кўрлиги - масалан, дальтонизм (қизил рангни ажрата олмаслик).



Кўриш сезгисининг маркази - мия катта ярим шарларининг энса бўлагидир.

**Эшитиш сезгиси** - овозларни сезиш (мусиқий ва шовқин), органи - қулоқ. Ташқи қулоқ - қулоқ чаноғи ва эшитиш бўшлиғидан иборат. Ўрта қулоқ - учта суякчага маҳкамланган қулоқ пардаси, ички юпқа парда, ички тоғай. Ўрта қулоқнинг эшитув суякчасидан иборатдир (улар ҳаво тўлқинларини қулоқ ичкарисига ўтказади). Ўрта қулоқ оғиз бўшлиғи ва бурун билан бирлашгандир. Ички қулоқ учта бўлимдан иборатдир, бу - 3 та яримшар каналлар, қулоқ лабиринтини бошланиши ва чиғаноқдан иборат. Уларнинг барчаси эндолимфа билан тўлдирилгандир. Чиғаноқнинг ичида - Кортиев органи мавжуд бўлиб, у мембранали толалардан иборат.

**Физик сабаб** - ҳаво тўлқинларининг ҳаракати бўлиб, улар овоз чиқарувчиларнинг тебраниши натижасида юзага келади (16-20 дан 20-22 минг бир секундига тебраниш) 20-22 минг Герцдан юқори овозлар ултратовушлар ҳисобланса, 16-20 дан пасти - инфратовушлардир. Инсон қулоғи ултра ва инфратовушларни эшитмайди. Эшитишнинг мия маркази - бош миянинг чакак қисми.

Эшитиш сезгиларининг сифати:

а) овоз баландлиги (секундига тебраниш миқдори):

б) овознинг кучи - интенсивлиги:

в) овоз тембри - махсус сифат бўлиб, у таркиби бўйича ўхшмча тебранишларни частота ва интенсивлиги бўйича ажратилади. Оддий товушлар тонлар, мусиқий товушлар тон ва обертонлардан иборатдир.

**Хид билиш сезгиси** - хидни билиш билан харктерланади. Органи бурун бўшлиғининг юқори қисми бўлиб, унда хид билиш катаклари мавжуд.

Хидлар предметлар бўйича классификацияланади - нон ҳиди, сирен хиди, эфир ва ҳ.к. Физик сабаби - газга ўхшаш моддаларни бурун бўшлиғига тушуши ва хид билиш рецептори катакларига таъсир этиши.

Хид билиш маркази – миянинг энса бўлагининг пастки қисмида жойлашган.

**Таъм билиш сезгиси** - аччиқ, ширин, нордон, шўрни сезиш. Органи - тилнинг устки қисми ва танглай.

Таъм билишнинг физик сабаби - сувда ва сўлакда эрийдиган моддалар. Таъм билишнинг маркази хид билиш марказига яқиндир.

**Тери туйиш сезгиси** - температура, тактил сезгилари. Температурани сезиш - иссиқ ва совуқни тери орқали бевосита сезиш билан боғлиқ физик сабаби - терига бошқа моддаларни тегиши. Терида 250 мингта совуқ ҳамда 30 мингта иссиқни қабул қилувчи нуқта мавжуд. Тактил сезги - тегиш ва

босимни сезиш. Органи - алоҳида туюш таначалари бўлиб, улар тана бўйлаб нотекис жойлашган. Ўрта ҳисобда танада 1 кв.см.га 25 нуқта мавжуд. Бармоқлар, тил, лабда ушбу нуқталар кўпроқ.

Эстизиометр приборида тактил сезги текширилганда бармоқларда бу нуқталар 1-2- мм 2 тадан жойлашганини кўрсатса , белда улар 60 мм.да аниқланади. Тери сезгисининг маркази бош мия пустлоғининг энса қисмида жойлашган.

**Интероцептив ёки органик сезгилар деганда** - оч қолиш, чанқаш, соғлиқ, касаллик, чарчоқ кабиларни организмимиз ёки алоҳида органлар сезиши назарда тутилади. Рецепторлар - ички органларнинг деворларидир. Физик сабаби - ички органлардаги турли химик ва механик таъсирларга қўзғалувчанлик. Органик сезгилар дифференциллашмаган. Оғриқни сезишнинг ташқи сабаби физикавий-химик жараёнлар бўлиб, улар органларни бузилиши ёки лат етишида юзага келади. Рецепторлари - терининг сезги нервларининг учи, шиллиқ қоплама, ҳамда ички органлардир.

<u>Проприоцептив ёки мускул - ҳаракат сезгилар (кинетик)</u>. Ташқи сабаб мускулларининг сусайиши, тортилиши, қотиб қолиши, шунингдек, мускулларга предметларнинг механик таъсири бўлади. Органлари - мускуллар пайлар. Мускул - ҳаракат сезгилари координацияни талаб этувчи мураккаб ҳаракатларда катта аҳамиятга эга.

**Мувозанатни сезиш** - органи- вестибуляр аппарат бўлиб, у ички қулоқнинг бош қисмида жойлашган бўлиб, ярим доира шаклидаги каналлар ва атолит (эндолимфада сезувчи таёқчалар) аппаратидан иборатдир.

Ташқи сабаб - тўғри ва қия тезланишлар. Вестибуляр аппарат танани бошқаришига, мускул аппаратини импульслари ва сезувчанлиги ҳақида маълумот олишга ёрдам беради.

Сезгилар қатор характеристикалар ва қонуниятларга эга.

1. **Тезлик ва давомийлик.** Таъсир қилувчининг рецепторга таъсир қилиши ва сезгини ҳосил бўлиши орасидаги вақт бир-бирига мос тушмайди: сезги таъсиридан сўнг 0,02 дан 0,01 секундга қадар ҳосил бўлади. Давомийлик таъсир этувчини таъсир этиш давомийлигига боғлиқ.

Сезгининг тамом бўлиши ва таъсир этувчининг ҳаракатларини тугатилиши вақти ҳам бир-бирига мос тушмайди. Таъсир тугаши мумкин, лекин сезги давом этаверади. Бундай сезгининг давомийлиги қолдиқли сезгилар дейилади. Уларнинг давомийлиги 0,05 дан 1 секундгача.

2. **Сеги остонаси**. Сезгилар турли куч даражасиг эга. Сезгининг кучи таъсир этувчининг кучига боғли. Ҳар қандай таъсир ҳам сезгини юзага келтиравермайди (остона ости таъсир этувчилар). Таъсир кучи паст ва



билинар-билинмас сезгини юзага келиши сезгининг абсолют паст остонаси дейилади (м-н, 6 гр. шакар 1 стакан чойда илк бор ширин бўлиб туюлиши мумкин. Таъсирнинг энг юқори катталиги таъсир этишнинг давом этишига қарамай сезгининг абсолют юқори остонаси дейилади. Бундай сезгидан сўнг оғриқ юзага келади.

Анализаторнинг абсолют сезгирлиги сзгининг абсолют паст остонасига пропорционал тескари равишда характерланади. У алоҳида формула билан ўлчанади:

$$E = \frac{1}{P}$$

бунда Е - сезгирлик, Р - сезгининг паст бсолют чегараси.

Таъсир кучи ўзгариши билан сезги кучи ҳам ўзгара бошлайди, лекин ҳамма ҳолларда ҳам бундай эмас. Сезги кучини аниқлаш учун эшитиш сезгисини $\frac{1}{10}$ қисмини; кўришни $\frac{1}{100}$ ни; таъм билишни $\frac{1}{3}$ ни ва тери туюшни $\frac{1}{30}$ ни қўшиш керак. Вебер ва Фехнерларнинг қонунига асосан сезги кучи таъсир этувчи кучига логарифмик пропорционалдир. “Сезгилар арифметик прогрессияда ўзгарган ҳолда,таъсир этиш кучи геометрик прогрессияда ўзгаради”.

Масалан, агар сезги кучи 1 га тенг бўлса, таъсир этувчининг кучи эса 2 бўлса, уларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидагича бўлади:

1 — 2 ёки $2^1$
2 — 4 ёки $2^2$
3 — 8 ёки $2^3$
4 — 16 ёки $2^4$
5 — 32 ёки $2^5$

Иккинчи тахрирда бу қонун қуйидагича бўлади “Сезги таъсир этувчи кучининг логарифмига тенг». Бу қонун формуласи:

$$S = K \lg J + C$$

Бунда: “S” - сезги кучи.
“С” ва “К” - константалар.
J - таъсир этувчининг кучи .

Сезгилар учун қуйидаги хусусиятлар хос - адаптация, сенсибилизация, сенестезия.

**Адаптация** - сезги органларини уларга таъсир этувчи стимулларга мослашиши, бунда уларни акс эттиришини яхшилаши ёки ортиқча оғриқдан ҳолос этилиши назарда тутилади (қоронғулик, ёруғлик, ҳидга мослашиш).

**Сенсибилизация** - маиқ қилши ёки анализаторларии ўзаро таъсири натижасида сезги органларини сезувчанлигини оргтиридир (м-н, овоз таъсирида кўришни ўткирлашиши).

**Сенестезия** - бир сезгига таъсир этувчи қўзғатувчи иккинчи сезгини юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, "юмшоқ овоз", "рангли товушлар" ва ҳ.к.

Ёрқин мисол рус композитори Скрябининг "Оловни бўйсундирилиши" ранг мусиқа асаридир. Сезгининг ривожланиши турмуш тарзи, шуғулланган фаолият билан боғлиқ ҳолда ҳам бўлиши мумкин (масалан, текстил комбинатида шиловчи мутахассислар қора матони 40 дан ортиқ рангларини ажрата оладилар, ун шилаб чиқарувчи комбинатларда шиловчи мутахассислар унни қўли билан ушлаб сифатини айтиб бера оладилар).

Бир сезгининг йўқлиги бошқа сезги органини компенсация қилади. Масалан, Ольга Скороходова - кўр, соқов, кар бўлишига қарамай "Мен оламни қандай идрок қиламан, тасаввур этаман ва тушунаман" деган китоб орқали ўзининг оламнии акс этиш хусусиятларини очиб берган.

## Идрок

Идрок - бу нарса ва ҳодисаларни бизни сезги органларимизга таъсир этиш асосида уларни яхлит образларини юзага келиш жараёнидир.

Идрокда: а) образни шаклланиш тугаши билан боғлиқ идрок жараёни;

б) идрок қилинаётган предметнинг субъектив образини ажратиш лозим.

Идрокнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

а) предметлилиги;

б) яхлитлиги;

в) структуралилиги;

г) константлиги;

д) мантиқийлиги;

е) танланганлиги.

**Предметлилик** - бу объективлаштириш акти бўлиб, у ташқи оламдан олинган маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Предметлилик перцептив жараёнларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Одатда биз предметларни ташқи кўринишига қараб эмас, уларни амалиётда қўлланилишига ҳам эътибор берамиз.

**Яхлитлик** - предметларни у ҳақидаги маълумотларни жамлаган ҳолда яхлит идрок этиш.



**Тизимлилик** — биз предметларни сезгилар йиғиндиси сифатида эмас, балки бу сезгилар асосида предмет структурасини маълум бир вақт оралиғида шаклланувчи унинг элементлари орасидаги боғлиқликни идрок этамиз. Биз ушбу сезгилар абстрактлашган умумлашган сезгилар тизимини акс этамиз.

**Константлилик (доимийлик)** - идрок этилган предмет хусусиятларини доимийлиги (масалан, қоронғида ҳам ёруғда ҳам оқ қоғоз оқ бўлиб, қолам 20 см, 1 м ёки 5 м узоқликда ҳам бир хил катталикда идрок этилади).

**Англанилганлик** - англанган ҳолда идрок этиш, яъни предметни аниқ гуруҳ, синфга киритган ҳолда умумлаштириш.

**Танланганлик** - кўп объект ичида бошқалар билан солиштирилганда конкрет объект "фон"дан ажратилиши.

Идрокда апперцепция ҳодисаси юзага келади (немис психологи Г.Лейбниц томонидан киритилган). Бу идрокни мазмунини олинган билимлар, малакалар, қарашларга, шахсни атрофга бўлган муносабатига боғлиқлигидаги ифодаланади (идрокка қўшимча маълумот). Масалан, тахистоскопда «педунверситет» деб хато билан ёзилган сўз кўп ҳолларда тўғри «педуниверситет» деб ўқилади.

Идрок фаол жараён бўлиб, у аниқ ҳаракатлардан иборатдир. Уни 2-схемада кўриш мумкин.

### Идрок жараёни

| | |
|---|---|
| Сигнални кўриш | - идрок объекти |
| ↓ Фарқлаш | - образни фарқларини ажратган ҳолда шакллантириш |
| ↓ Идентификация қилиш | - хотирада сақланаётган образ билан идрок қилинаётган предметни тенглаштириш. |
| ↓ Сигнални аниқлаш | - кўрсатилаётган предметни бирор-бир синфга киритиш |

### Идрокнинг классификацияси.

Идрок жараёнида иштирок этувчи анализаторларга кўра кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, кинетик ва тери туюш каби идрок турлари мавжуд. Бошқа классификация асосида материянинг мавжуд бўлиш ёъиб - у вақтни идрок этиш, фазони, хатти-ҳаракатни идрок этиш турларига бўлинади.

**Фазони идрок этиш** - форма, катталик, объектларни жойлашиши, уларнинг рельефи ва йўналганлигини идрок этишда ифодаланади.

Фазони идрок этиш кучини, тери туюш ва мускул ҳаракат органлари асосида юзага келади.

2 механизм кўзнинг фазони кўз орқали идрок этишга мосланганлиги бўлиб,бири аккомодация - кўз хрусталигини ўзгаришларидир (яқин предметлар - бўртирилган, узоқлари ингичкалашган) бўлиб у 5-6 метрлар оралиғида юзага келади. Иккинчиси конвергенция - кўзни идрок этилаётган предметга нисбатан ичига ҳаракатланиши, дивергенция - кўзни идрок этилаётган предметга нисбатан ичига қаратилиши . Чуқурлик бинокуляр кўриниши орқали юзага келади.

**Вақтни идрок этиш** - объектив вақтни, уни тезлиги ва ритмини акс этишидир.

**Ҳаракатни идрок этиш** – объектив фазодаги жойлашиши ва ўзгаришини акс этиш бўлиб, бунда кўриниш ва кинетик анализатор муҳим аҳамиятта эга.

Ҳаракатнинг параметрларига ҳаракатнинг характери (эгилиш, итариш, чўзилиш ва ҳ.к.), тури (тўғри, эгри, думалоқ), амплитудаси, йўналиши (ўнга, чапга, тўғри пастга, юқорига) давомийлиги (узоқ муддатли ва қисқа муддатли) тезлиги (тез ёки секин) тезлашиши киради.

Инсонни инсон томонидан идрок этилиши (ижтимоий перцепция) - А.А.Бодалев томонидан тадқиқ этилган.

**Идрокнинг сифати** бу тезлиги, аниқлиги, тўлалиги.

**Тезлиги** - идрок этишнинг бошланишидан уни англаш бўлиб, у минудан 1 секунддан 1 секундгача чўзилиши мумкин.

**Тўлалиги** - тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган идрок бўлиши мумкин.

**Аниқлиги** - идрок этилаётган объектни мавжуд образга мослигидир.

Идрокнинг сифати ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, бунга нарса ва ходисаларни сифат, турган жойи, органик факторларга - сезги органлари ва нерв системасининг ҳолатига; субъектив факторлар - билим, тасаввур, қизиқиш ва тафаккур ривожланиши билан боғлиқдир.

Идрокнинг индивидуал хусусиятлари мавжуд бўлиб унга:

а) аналитик турдаги идрок- элементларга, қисмларга диққат қилиш.



б) Синтетик турдаги идрок (идрок қилинаётган объектнинг тўлиқ идрок этиш) тушунтирувчи тур.

в) аналитик-синтетик идрок қилиш турлари киради.

Идрокнинг объектив ва субъектив турлари ҳам мавжуд.

**Объектив тур** - аниқ, батафсил, қизиқишлар аралашмаган ҳолда идрок этиш.

**Субъектив** - идрок қилишда ўз фикрларини ва қарашларини ҳам киритиши.

Шу билан бирга эмоционал идрок этиш тури ҳам мавжуд.

Идрокдаги алоҳида ходисалар - иллюзия, галлюцинация ва субсенсор идрокдир.

**Иллюзия** – инсон онгида бирор бир ҳодиса ёки объктга мос тушмайдиган, хотира, тасаввур ва идрок феноменини мавжуд бўлиши.

Бу нотўғри идрок бўлиб ,унга контрастлар иллюзияси мисол бўла олади. Аристотель иллюзиясини ҳам бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўрта ва кўрсаткич бармоқларни крест симон тури билан (бир нўхат айлантирилса, у иккита бўлиб, идрок этилади.

**Галлаюцинация** - перцептив фаолиятини патологик бузилиши бўлиб, бунда идрок этилаётган объекти ўзи мавжуд бўлмайди. Алаҳлаш, мастликда ўзини билмай валдираш унга мисол бўлиши мумкин.

**Субсенсор идрок** миявга хос этиш органлари орқали етиб келадиган сигналларни инсон томонидан онгсиз равишда идрок этилиши ва қайта ишланиши.

## Қайтариш учун саволлар

1. Сезгининг материяни акс этиш формаси сифатидаги ўзига хос хусусияти нимадан иборат?
2. Сезгиларнинг классификациясини беринг.
3. Сезгиларни пайдо бўлишининг принципиал схемасини тушунтиринг.
4. Сезги жараёнининг асосий хусусиятларини айтинг.
5. Вебер - Фехер қонунини психофизиологик моҳиятини очиб беринг.
6. Адаптация ва сенсибилизацияни тушунтиринг.
7. Субсенсор сезги деганда нимани тушунасиз?
8. Идрок деганда нимани тушунасиз?
9. Идрокнинг хусусиятларини айтинг.
10. Перцептив харакат деганда нимани тушунасиз?
11. Иллюзияга мисоллар келтиринг.

## X боб. Хотира ва хаёл

### РЕЖА:

1. Хотира ҳақида тушунча.
2. Хотира назариялари.
3. Хотира жараёнлари.
4. Хотира турлари.
5. Хотиранинг индувидиал фарқлари.
6. Ҳаёл ва унинг хусусиятлари.
7. Ҳаёл турлари.
8. Ҳаёл ва ижодиёт

Инсон ҳис қилган барча нарса ва ҳодисалар изсиз йўқолмайди. Улар маълум миқдорда хотирада сақлаб қолинади, мустаҳкамланиб ва керак бўлганда қайта эсга туширилади.

Эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутишда намоён бўладиган ақлий фаолият <u>хотира</u> дейилади.

Хотирани тажриба асосида психология фанида тадқиқ этиш XIX асрнинг 80 – йилларига тўғри келади. 1885 йилда немис психологи Эббингаус хотирлаб қолиш жараёнлари ҳақида китобини яратади.

XXасрнинг 30-йилларида Россия психологлари Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, А.П. Занков, П.И. Зинченко, А.А. Смирнов хотиранинг турли жиҳатларини ўрганадилар.

Кейинчалик оператив ва узоқ муддатли хотира муаммоси юзага келганлиги туфайли ҳамда ЭҲМ ларни тез тараққий этиши туфайли хотирани тадқиқ қилиш ишлари авж олади. Ҳозирги замон хотирани тадқиқ қилиш билан боғлиқ тадқиқотларда марказий ўрин хотира жараёнининг асосларига ажратилган. Хотира жараёнининг асослари уч йўналишда ўрганилган: психологик, нейрофизиологик, биохимик.

1. <u>Хотиранинг психологик</u> назариялари инсонни фаоллиги билан боғлиқ бўлган хотира жараёнларини шаклланишини тадқиқ этади. Улардан биринчиси ассоциатив назариядир. Маълум бир билимлар инсон онгида бири-кетин ўрин олиши туфайли уларда ассоциатив боғлиқлик юзага келади ва ушбу боғлиқликдаги бирор бир нарса эсга туширилганда қолган нарсалар ҳам хотирада намоён бўлади. Ушбу ассоциацияларни уч турга бўлиш мумкин – объектларнинг фазовий-вақт боғлиқлиги, бир-бирига мослиги, фарқи ва қарама-қаршилигидир. Бундан учта ассоциация келиб чиқади – бир-бирига боғлиқлик, ўхшашлик ва қарама-қаршилик.



Ассоциация назарияси бўйича хотира ассоциатив боғланишлар асосида мавжуд маълумотни сақлаш ва қайта тиклаш имкониятига эга.

<u>2.</u> Иккинчи психологик назария хотиранинг гештальт назариясидир. (Gestalt – образ). Ушбу назариянинг асосий таълимоти нарсанинг синтези, яхлитлиги, йиғиндиси. Ушбу назарияга асосан, хотира яхлит ҳодиса сифатида таҳлил этилади .

<u>Бихевиоризм –</u> инсон хотирасида эсда олиб қолишда такрорлаб олишнинг ажратилмайдиган диққатни қаратади.

<u>Фрейдизм</u> – хотирани эмоциялар, мотивлар ва эҳтиёжлар билан боғлайди.

Хотираларнинг мантиқий назарияси (Бине, Бюлер) хотиранинг материалини, хотиранинг мантиқий эсда олиб қолиниши билан боғлайди.

<u>Фаолият назарияси</u> (А.Н. Леонтьев, П.И. Зинченко, А.А. Смирнов) – фикрича, турли тасаввурлар орасидаги боғлиқлик эсда олиб қолинаётган материалнинг қандайлигига эмас, балки одамнинг у билан нима қилишига боғлиқдир. (материал хатти- ҳаракат мақсади сифатида намоён бўлади).

II. Хотира жараёнлари асослари ҳақидаги физиологик назариялардир. Вақт оралиғида хотирада олиб қолиш, сақлаш ва эсга тушириш хотиранинг асослари физиологик назариясини ташкил қилади. Ҳар қандай ташқи таъсир нерв тизимида изсиз ўтмайди ва қандайдир «из» қолдиради, уларни ташқи таъсирсиз қайта гавдалантирши ҳам ўзига хос нерв жараёнидир. «Из» нинг физик таъсири қайта импульс ҳаракатини енгиллайди.

Вақтинчалик нерв муносабатларини юзага келиши, уларни «изини» ва кейинчалик актуаллаштирилиши хотира жараёнлари асослари назарияси сифатида кўриб чиқилади.

Замонавий нейрофизиологик тадқиқотлар нейрон ва молекуляр даражада изларни сақлаш ва қайта эсга тушириш жараёнлари билан суғорилгандир.

<u>III.Биохимик назария</u> ташқи таъсир остида нерв ҳужайраларида юз берадиган ўзгаришларни қайд қилиш ва унда хотира жараёнида ДНК ва РНК аҳамиятини аниқлашга қаратилгандир. Дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) хотирани генетик туғма ташувчи сифатида, рибонуклеин кислота (РНК) эса индивидуал хотиранинг онтогенетик асоси сифатида қабул қилинади.

<u>Кибернетик назарияда</u> – хотира маълумотни қабул қилиб олиш, сақлаш, қайта эсга тушириш ва унитишдир.

<u>Хотира жараёнларига эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унитиш жараёнлари киради. Эсда олиб қолиш</u> – қабул қилинаётган предмет ва ҳодисаларни тасаввурлар сифатида қабул қилишдир. Эсда олиб

қолиш – хотира материали бўлиб, қайта эсга тушириш хотира мазмунидир. Эсда олиб қолиш механик ва мантиқий, ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлади.

Механик эсда олиб қолиш ташқи боғланишлар орқали хотирлаб қолиш билан боғлиқдир.

Мантиқий эсда олиб қолиш ички маънога эга бўлган боғланишларни хотиралашдир.

Бунда тафаккурни аҳамияти жуда каттадир. Педагогикани олтин қоидаси бор. ( Ян Амос Коменский) « яхши тушунилган нарсадан бошқа ҳеч нарсани ёдлашга мажбурлаш мумкин эмас».

Ихтиёрсиз хотира олдиндан мақсад қўйилмаган, материал танланмаган ҳолда юз беради.

Ихтиёрий хотира мақсад қўйилиб, материал танланган ҳолда амалга оширилади.

Хотирада олиб қолишнинг тезлиги, тўлалиги, аниқлиги ва мустаҳкамлиги шартлари нимадан иборат? Биринчидан хотирада олиб қолишда бошқа жараёнлар хусусияти, иккинчидан махсус усулларни қўллаш, учинчидан инсонни эсда олиб қолинаётган материалга бўлган муносабатига боғлиқдир.

1. <u>Хотирада олиб қолишда бошқа психик жараёнларнинг аҳамияти</u> материал қандай қалинаётибди (қанча кўп сезги органлари иштирок этса шунча яхши); қандай тушунилаяпти (Рибников Н.А нинг тадқиқотида англанилган материал 22 марта англанилмаган материалга нисбатан кўпроқ хотирада сақланади); диққатнинг мавжудлиги; эмоционал ҳис қилиш; иродавий сифатларнинг намоён этиш.

2. <u>Махсус усуллар</u> – бу актив (қайта гавдалантириш) ва пассив (битта материални қайта идрок этиш)

Ўзбекистонлик психолог В.П. Ивановнинг тажрибаларида материални 4 маротаба оддий идрок этиш ва материал 52,5 % хотирада сақланган, 2 марта идрок этиш ва 2 марта қайта эсга туширишда эса 75 % материал хотирада сақлаб қолинган, бир кун ўтгач хотирада биринчи усулда 27,5 %, иккинчи усулда 72,5 % материал хотирада сақлаб қолинган.

Хотира жараёнида вақтнинг аҳамияти катта. У узлуксиз ва тақсимланган бўлади. Вақтнинг тақсимланишини М.Н. Шардаковнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Хотирада материални тақсимлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Кичик материал яхлитлигича, катта материал эса бўлинган ҳолда хотирада олиб қолиниши ёки унда қўшма усулни қўллаш самаралидир (ўқиш, англаш, қисмларга бўлиб ёдлаш).



Бошқа ёрдамчи усуллар (ёзиб олиш, конспектлаш, цитата кўчириш) ҳамда мнемоник усуллардан фойдаланиш(мнемонизина – юнонча- фикрлар худоси ) ҳам фойдалидир.

3. <u>Эсда олиб қолинаётган</u> материалга шахсий муносабат – бу шахсий йўналиш бўлиб, ҳар бир одамда ўзига хос ҳолда намоён бўлади.

<u>Эсда олиб қолинган</u> материални сақлаш – хотира жараёни бўлиб, унда онг ҳаракати юзага келади. Хотирада инсон томонидан қабул қилинган барча нарса қолади ва маълум миқдори эсдан чиқади.

<u>Қайта эсга тушириш</u> – эсда олиб қолинган материални актуаллаштириш бўлиб, у узоқ муддатли хотирадан оператив хотирага ўтади. Эсга тушириш таниш ёки хотирлаш, ихтиёрий ёкт ихтиёрсиз бўлиши мумкин.

Таниш – бу қайта кўрганда эсга тушириш бўлиб, у қайта обьектни идрок этиш натижасида юзага келади.

Хотирлаш – қайта идрок этишсиз эсга туширишдир. У ихтиёрсиз (ассоциациалар асосида) ва ихтиёрий (продуктив вазифа юзага келганда) бўлади.

Қайта эсга тушириш қийинчиликларга дуч келганда юз беради.

<u>Эсдан чиқариш</u> - қайта эсга туширишдаги қийинчиликлар бўлиб, у таъсир изларни йўқотиш натижасида юз беради.

Эсдан чиқариш тўла, қисман, узоқ муддатли ва қисқа муддатли бўлади. Эсдан чиқаришда тормозланиш юзага келиши мумкин. Тормозланиш икки хилда: ретроактив (қайта таъсир этувчи) – вақт боғлиқлигини юзага келиши туфайли хотирада тормозланиш юзага келади. (масалан,тарих дарсидан сўнг адабиёт дарси таъсирида)

Проактив тормозланиш – олдинги фаолиятни кейинги ёд олиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши.

Ретроактив ва проактив тормозланиш катта миқдорда материални ўзлаштиришда намоён бўлиши мумкин, бунда материални боши ва охири секин эсдан чиқади.

Яхши бошланган ва хотирага киритилган материал бош қисмида – проактив тормозланиш ва яхши якунланган материал охирида ретроактив тормозланиш юз бермайди. Бу Г. Эббингаус тадқиқотида ўз аксини топган. Ушбу тадқиқотга асосан қайта эсга тушириш:

1/2 соатдан –59 %, 1соатдан – 44 %, 9 соатдан – 36 %, 24 соатдан – 34 %, 48 соатдан – 28 %, бир ҳафтадан сўнг – 25 %, бир ойдан сўнг 21 % материал эсда сақлаб қолинганлиги кузатилган.

... ...чанинкининг таъкидлашича, эсдан чиқиб кетгунга қадар такрорлаш зарур. "билимларни мустаҳкамлаш зарур, тўкилиб йўқ бўлиб кетганини тўғрилашнинг фойдаси йўқ."

<u>Хотира тасаввурлари.</u> – ўтмишда идрок этилган образларни эсга туширишдир. Хотира тасаввурлари идрокдан ёрқинлиги, аниқлиги тўлалиги билан фарқ қилади. Хотира тасаввурлари сезги органлари билан боғлиқ ҳолда – кўриш, эшитиш, ҳаракат, вақт, фазо, техник, мусиқавий ва бошқа бўлиши мумкин.

<u>Хотира турлари.</u>

Психик фаоллигига кўра хотира ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлиши мумкин.

Фаолият мақсадига кўра – ҳаракат, эмоционал, образ ва сўз-мантиқ хотирага ажратилади.

Муддатига кўра узоқ муддатли, қисқа муддатли ва оператив хотира турларига бўлинади.

<u>Ихтиёрсиз хотира- эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш оралиғида бирор бир мақсадсиз юз бериши билан боғлиқ хотирадир.</u>

Ихтиёрий хотира – мақсад қўйилади, материал танланади ва махсус усуллар асосида хотирада сақлаб қолинади.

<u>Ҳаракат хотира</u> – эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва эсга туширишлар ҳаракат билан боғлиқ бўлади. «Олтин қўллар» яхши хотира мисолидир.

<u>Эмоционал хотира</u> – ҳис туйғуга асосланган хотирадир. (Масалан,у маъруза қилаётганда уялиш, қўрқув, ишончсизликни эслаб қолади.)

<u>Образ хотира</u> – тасаввурлар, табиат ҳаётига боғланган хотира. Масалан,рус рассоми Н.Н.Ге Петр I нинг саройига бориб, бир кўришдаёқ хонанинг барча кўринишларини эсда сақлаб қолган.

Эйдетик хотирага (юнон. Eidos-образ,тур) эга бўлган кишилар кам учрайди. Бу хотира турида идрок қилинган образлар аниқ ва равшан бўлиб сақланади.

<u>Сўз-мантиқ хотира</u> – хотира асосида фикрлар, сўзлар, тушунчалар ётади. (педагогик фаолиятнинг асосий хотира тури).

<u>Қисқа муддатли хотира</u> – жуда қисқа эсга олиб қолиш ва эсга тушириш билан боғлиқ бўлган хотира. Қисқа муддатли хотирада иконик хотира тури мавжуд бўлиб, у 0,1 – 0,5 секунд вақтда ўз ичига олади. Қисқа муддатли хотиранинг ҳажми 7+2 сонлар билан эсга аниқланиб, америкалик психолог олим Дж. Миллер ўзининг «7 +2 сирли сонлар» мақоласида «... бу сонлар менинг орқамдан изма-из юради. Мен барча ишларимда уларга дуч келаман» деб ёзади. 7 сони фақат психологларни



изидан эмас, мақол, маталларда ҳам ўз аксини топади. Масалан: «Етти марта ўлчаб, бир марта кес», «Етти киши бирини кутмайди» ва ҳ.к. Ислом динида ҳам 7 сони ўзига хос ифодаланган.

<u>Узоқ муддатли хотира</u> – турли маълумотларни инсон томонидан узоқ муддатга сақланишида ифодаланади. У жуда кўп қайтариш ва эсга тушириш эвазига юзага келади.

<u>Оператив хотира</u> – узоқ муддат хотирада сақланиб зарур вақтда эсга тушириш билан боғлиқ бўлган хотира туридир. (масалан, математик мисолларни ечишда, оператив хотиранинг роли жуда катта)

Генетик хотира тури мавжуд бўлиб, у генотип билан шартлашган бўлиб, авлоддан-авлодга ўтади.

<u>Хотиранинг индивидуал хусусиятлари</u>

Психологияда хотиранинг қуйидаги индивидуал турлари ажратилади – кўриш,эшитиш, мотор ва аралаш.

1) кўриш тури – кўриш орқали материални тез эслаб қолиш.
2) Эшитиш тури – эшитиш орқали материални яхши эсда олиб қолиш.
3) Мотор тури – одамни қайта такрорлаш ёки ёзиб олиш орқали эсда олиб қолишидир.
4) Аралаш тури – бунда кўриш-эшитиш, кўриш-мотор, эшитиш мотор турлари ҳақида гапириш мумкин.

Нейтрал хотира тури ҳам мавжуд. Бунда кўриш, эшитиш ва моторик турларининг аҳамияти бир хил бўлади.

Индивидуал фарқлар даражаси ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин: а) бир шеърни ёдлашда турли кишиларда 10 дан 26 маротабагача қайтариш зарур бўлган; 2) бир текстни ўқиб бир киши 127 та, бошқаси 45 сўзни эслаб қолган; 3) турли фигураларни эслаб қолиш учун уларни 33 дан 75 маротабагача кўрсатиш зарур бўлди.

Хотира сифати хотирада олиб қолиш тезлиги, эсда олиб қолиш мустаҳкамлиги, эсга тушириш тезлиги билан характерланади.

Эсда олиб қолиш ва эсдан чиқариш тезлигига кўра хотиранинг қуйидаги индивидуал хусусиятлари мавжуд.

2 схема

| № | Эсда олиб қолиш | Унитилиши | Хотира номи |
|---|---|---|---|
| 1. | Тез | Тез | Тез эсда олувчи хотира |
| 2. | Тез | Секин | «кучли» хотира |
| 3. | Секин | Секин | «Узоқ ёдловчи» хотира |
| 4. | Секин | Тез | «кучсиз» хотира |

Хотира инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. У орқали инсон дунёқараши кенгаяди. Усиз билимни мустаҳкамлаш мумкин эмас.

## Ҳаёл.

Инсонлар борлиқни англаб, унда юз бераётган нарсаларни қабул қилиб қолибгина, уни ўзгартиришга ҳам ҳаракат қиладилар. Борлиқни амалиётда ўзгартириша олишни билиш билан бирга ҳаёлан ҳам ўзгартиришни билиш лозим.

/ Ҳаёл – онг фаолияти бўлиб, мавжуд тасаввурлар орқали янги, ҳаётида мавжуд бўлмаган образлар, объектларни яратишдир. |

**Ҳаёлнинг функцияси – ўтган тажриба натижаларни қайтма ишлашдир. Ҳеч нарсасиз хаёл мавжуд бўлиши ва яратилиши мумкин эмас. ушбу тасаввурлар хотира тасаввурларидан фарқ қилади ва хаёл тасаввурлари деб аталади.**

...Ҳаёлнинг нерв-физиологик асослари инсон онгида ўтган илгари мавжуд бўлган боғлиқликларни вақт боғлиқликларни асосида қайта ишлаш ва янги бирикмаларни яратишдир.

Ҳаёлнинг ўзига хос фаолияти хотира тасаввурларини таҳлил ва синтезида намоён бўлади. Ҳаёлнинг жараёнларида агглютинация, акцентирлаш, схематизация, типиклаштиришдир.

Агглютинация – бир неча предметларни қисмларини алоҳида бир янгина образда бирлаштириш (ёпиштириш)дир (сувпари – боши, танаси – аёл, думи - балиқ, сочи сувўтлари; Сфинкс -- танаси – шер, боши, кўкраги аёл, қаноти қуш).

Ҳаёлнинг мураккаб хусусиятлари адабий образларни яратишда акс этади. Масалан, Л.Н. Толстой «Уруш ва Тинчлик» романидаги Наташа Ростова образини икки киши характери хусусиятларининг бирлаштирган ҳолда яратган, бири хотини – Софья Андреевна, иккинчиси унинг синглиси Татьяна эди.

Ҳаёл жараёнида хотира тасавурлари катталаштириш ёки кичиклаштиришда, предмет қисмларини кўпайтиришда ифодаланишини мумкин.

Акцентрлаштириш – у ёки бу хусусиятларга урғу бериш орқали янги образларни яратиш. Масалан, Баҳодирлар, лилипутлар, Гулливер образлари бунга мисол бўла олади.

Схемалаштириш - бирор бир образларни тасвирлашда умумий бош хусусиятларга тўхталиш.



Типиклаштириш – бир хилда қайтарилувчи фактларни конкрет образда намоён бўлиши. М.Ю. Лермонтов «Печорин – бу ўша давр ёш авлодларининг камчиликларини ўзида мужассамлаштирган инсон портрети» деб ёзган эди.

А.С. Пушкин «асл ҳаёл гениал билимларни талаб этади» деб ёзган бўлса, К.Д.Ушинский «Кучли ҳаёл фаолияти ақлнинг маҳсули» деб айттан.

## Ҳаёл турлари

Ҳаёлнинг қайта тикловчи, ихтиёрий ва ихтиёрсиз (продуктив ва репродуктив, пассив ва актив) турларига бўлинади. Туш, орзу, галлюцинация пассив ҳаёл турларига киради.

**Тушлар** – уйқуда юзага келадиган ихтиёрсиз образлар бўлиб, улар тез унутилиши ёки узоқ муддатга сақланиши мумкин. Бунда уларнинг ситуатив характердалиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Орзу ҳам инсон онгидаги реал ва нореал тасаввурлар билан боғлиқдир.

Актив ҳаёл инсонни ҳаётий режаларини, хохиш истакларини амалга оширишда ўз аксини топади. Масалан, янги автомобил яратиш, ГЭС қурилиши режаси тузиш шуларга мисолдир. Репродуктив ҳаёлда аниқ реал васифани амалга ошириш мақсад қилиб қўйилади, унда фантазия элементлари мавжуд бўлади. Бундай ҳаёл хотира ёки идрокка ўхшаб кетади.

Масалан, Амир Темур юришлари, бадиий адабиётда табиат манзараларининг ифодаланиши шулар жумласига киради.

Продуктив (ижодий) ҳаёл – бизнинг тажрибамизда мавжуд бўлмаган образ ва объектларни яратиш билан боғлиқ бўлган ҳаёл туридир. Масалан, ихтирочи, ёзувчи янги нарса яратади.

**Ижодий хаёл санъатнинг барча турларида ифодаланади ва акс этади.**

Ҳаёл жараёни натижасида ҳаёл образлари юзага келади. Улар эртак, илмий-фантастик, мистик бўлиши мумкин. Бадиий образ яратилиши жараёни маълум технологияга эга бўлиб, аввал образга асос солинади, кейин у устида аналитик иш олиб борилади, сўнг ғоя амалга оширилади.

Ижодий ҳаёлда руҳланиш, илҳомнинг роли жуда катта бўлиб, у психик ва нерв қўзғалиши, диққатни максимал тўплаш, иродага зўр бериш, фикрни аниқлиги, хотирани тезлиги билан ифодаланади. Ижодий ҳаёлда интиуцияни роли мавжуд. Масалан, Бетховен шундай кучга эга эдики, кар бўла туриб ҳам, буюк «Тўққизинчи симфония»ни ярата олган.

Реал ҳаёл тез амалга ошади. Масалан, буюк келажак, Республикамиз ҳақидаги ҳаёллар бизнинг кўз олдимизда амалга ошди. Реал бўлмаган ҳаёл ҳаётда ўз аксини топмайдиган, мантиқсиз, маъносиз образлар бўлиб, масалан Маниловнинг «Осмонўпар саройлар»и унга мисолдир.

Ҳаёл инсонни барча фаолият турларида муҳим (ўйин, ўқиш, меҳнат) аҳамиятга эга.

Бадиий адабиётни ўқиш – хаёлни ривожлантиришнинг энг яхши мактабидир, у ҳаёлни тарбиялашнинг кучли воситаси ҳам.

Ҳаёл бу буюк қадриятдир. Ушбу хусусиятни ёш авлодда ривожлантириш – педагогик амалиётнинг муҳим вазифасидир.

## Қайтариш учун саволлар

1. Хотиранинг асосий хусусиятларини айтинг. Психологик-биохимик, физиологик ёндашувларни солиштиринг.
2. Хотиранинг асосий жараёнлари нимадан иборат?
3. Хотира турларини асосий хусусиятларини очиб беринг.
4. Хотиранинг индивидуал тури деганда нимани тушунасиз? Қандай турларини биласиз?
5. Эслаб қолишнинг асосий шартлари нима?
6. Ҳаёлнинг бошқа билим жараёнлари билан солиштиринг.
7. Ҳаёлнинг турлари классификациясини келтиринг.
8. Ҳаёлнинг асосий психологик механизмлари нимадан иборат?
9. Инсоннинг ижодий фаолиятида ҳаёлнинг ролини айтиб беринг.
10. Ўқувчиларни ҳаёл қобилиятини таҳлил қилинг ва уни ривожлантириш йўлларини айтинг.
12. Орзу, фантазия, тушнинг фарқи нимада?



# XI БОБ «ТАФАККУР»

**Режа:**

1. Тафаккур хакида тушунча.
2. Психологияда тафаккур назариялари.
3. Тафакур операцияси.
4. Тафаккурнинг мантиқий шакллари.
5. Тушунча.
6. Тафаккур турлари.
7. Тафаккур ва масалаларни ечиш.
8. Мустақил тафаккурни шакллантириш.

Тафаккур-инсоннинг ақлий фаолиятининг юқори шакли,реал оламни акс эттиришнинг умумлашган ва бевосита усули бўлиб,объектлар орасидаги боғлиқлик,билиш жараёни,янги билимларни очиш,ижодий,муаммоли масалаларни ечишга қаратилган жараёндир.

Тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари уни тил билан бевосита боғлиқлигидир. Тафаккур нутқда намоён бўлади.Тафаккур инсон хаёти тажрибасида сезги,идрок ва тасаввурлар асосида юзага келади,ва ривожланади.Тафаккур туфайли сезги ва идрок асосида оламни акс эттириш янада аниқ ва тўғри бўлади. Тафаккур борлиқни умумлашган холда акс этишидир.

Тафаккур ёрдамида биз предметлар орасидаги боғлиқлик ва муносабатларни яна ҳам чуқурроқ англаймиз ва очиб берамиз.

Тафаккур биз бевосита кузатмаган нарсаларни ҳам билишимизга имкон яратади.

## ТАФАККУР НАЗАРИЯЛАРИ

Тафаккур муаммоси доимо олимлар диққатини ўзига тортиб келган.Уни талқин этишда турли ёндашувлар мавжуд.

Тафаккур ассоциатив психологияда ассоциациялар билан боғланилади.Бунда ўтмишдаги идрок ва тасаввурлар хозирги замон тажрибасидан келиб боғланади.Ушбу назария тафаккурнинг фаоллиги,унинг ижодий характерини очиб бера олмаган.

**Бихевиоризмда** тафаккур предмет ва реакциялар орасидаги мураккаб боғлиқликни шаклланиши,масалаларни ечими билан боғлиқ амалий кўникма ва малакаларни юзага келиш жараёни сифатида намоён бўлади.

**Гештальтпсихологияда** тафаккурни масалани интуитив олдиндан ечиш усули сифатида қабул қиладилар.

**Психоаналитиклар** хам тафаккур муаммосини хал этишда ўз хиссаларини қўшганлар. Улар диққатни тафаккурнинг онгсиз турларига қаратганлар ва тафаккурни мотивлар ва эхтиёжлар билан боғлиқлигини аниқлаганлар.

**А.Н.Леонтьев** ўзининг тафаккур **концепциясида ташқи ва ички фаолият** тизимлари орасидаги **аналогик** муносабатлар **мавжудлигига,назарий фаолиятига ташқи амалий хатти-харакатларни ва аксинча амалий фаолиятга ички тафаккур операцияларини киритган.**

Тафаккурнинг фаолият назарияси болаларни **ақлий ривожланиши** ва таълими билан боғлиқ бўлган **муаммоларни хал қилишга** ўз хиссасини **қўшган.** У асосда П.Я.Гальпериннинг ақлий **хатти- харакатларни** этапма-этап шакллантириш назарияси, Л.В.Занковнинг «юқори даражадаги мураккаблик» тизимига асосан таълимни ташкил этиш назарияси, В.В.Давыдовнинг ўқувчиларда **тафаккурни** шакллантириш назариялари юзага келган. Охирги йилларда **тафаккурнинг** информацион-кибернетик назариялари хам пайдо бўлмоқда. ЭХМда қўлланиладиган операциялар инсон тафаккур этишда қўллайдиган операцияларга жуда ўхшайди.

**Тафаккур операциялари.** Тафаккур жараёни махсус ақлий операциялар кўринишида юзага келади. Улар асосида бунга янги фикрлар, тушунчалар, хулосалар пайдо бўлади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. **Таққослаш.** Бу фикрлаш операцияси бўлиб, предмет ва ходисалар орасида ўхшашлик ва фарқлар, тенглик ва тенгсизликлар, қарама-қаршиликларни номоён бўлишида кўринади.

2. **Анализ (тахлил)**-яхлит предметларни қисмларга бўлиш ва уларни алохида хусусиятлари ва элементларини ажратиш. Анализнинг схемаларини қуйидагича келтириш мумкин:






Сакраш хақида ўйлар эканмиз ҳаёлан уни биз – югуриш, итарилиш, учиш фазаси, ерга тушиш каби қисмларга ажратибанализ (тахлил) қиламиз.

3. **Синтез** – анализ (таҳлилга) қарама-қарши операция бўлиб, унда анализ жараёнида ажратилган бўлаклар асосида предмет яхлитланади.




Масалан югуриш, итарилиш, учиш фазаси, ерга тушиш каби қисмларнинг яхлитланишида сакраш юзага келади.

**4. Мавхумлаштириш**-объектдан бирор-бир хусусиятни ақлий ажратишда номоён бўладиган фикрлаш операциясидир. Масалан, досканинг қоралиги, хамда харакатланиши хакида фикрлаш.

Мавхумлаштириш схемаси




Масалан, ойна қатор хусусиятларга эга-шаффоф, қаттиқ, тез синувчи ва х.к. биз эса уни мавхум «шаффоф» хусусиятини ажратамиз ва абстракт фикрлаймиз.

**5. Умумлаштириш**- ўхшаш, боғлиқ хусусиятларни бир тушунчага жамлаш, яъни бир турдан предметларни фикран бирлаштириш. Масалан, олма, олхўри, узум, нок-мева: дарахт, гул, ўт-ўсимликлар.

Умумлаштириш схемаси қуйидаги кўринишга эгадир:



6. Аммо умумлаштириш ва мавхумлаштириш - **конкретлаштириш** каби уларга қарама-қарши операцияни юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, умумлашган "уй ҳайвонлари" тушунчаси, "от, "қўй", "мушук" каби тушунчаларда конкретланади. Конкретлаштиришни мавжуд бўлмаслиги ўқувчи билимида формализмни юзага келтиради.

**7. Классификация** - умумий, ўхшаш хусусиятли предмет ва нарсаларни гуруҳларга бўлиш.

Масалан, кутубхонада китобларни жойлаштириш, фанлар классификацияси.

**8. Систематлаштириш** - умумий қонуниятларга асосан фикран гуруҳларга бўлинган предметларни тартибга келтириш, систематлаштириш белгилари-хронологик, фазовий, мантиқийдир.

Тафаккурнинг мантиқий шакллари тафаккур жараёнида алоҳида фикрлаш операциялари асосида бизда алоҳида фикрлар хукм сифатида юзага келади.

**Хукм** - тугалланган фикрдир. Хукм - предмет ёки хусусиятни тасдиқлаш ёки инкор этиш билан боғлиқ фикрдир.

Масалан, "Тошкент - Ўзбекистон пойтахти", "Тош сувда сузмайди".

Хукмнинг қуйидаги турлари мавжуд: бирламчи (ягона предмет ҳақида), хусусий ёки қисмий (предмет ёки ҳодиса қисмига хос), умумий (умуман предмет ҳақида). Улар таъкидловчи, инкор этувчи, рост, ёлғон, шартли. айирувчи (передметга бир неча хусусиятдан ягонаси тегишли бўлиши), ҳақиқий, зарурий ва ҳ.к. Хукмлар хулоса йўли билан юзага келиши мумкин.

**Хулоса** - тафаккурнинг мантиқий шакли бўлиб, бир неча маълум хукмдан *ягона* хулоса қилинади. Хулосалар - индуктив, дедуктив, аналогия турларига бўлинади.

**1. Индуктив хулоса** - бир неча бирламчи хукмлардан ягона хулоса қилишдир. Масалан, "Дарахт қиздирилганда кенгаяди", "Темир қиздирилганда кенгаяди", «Сув иситилганда кенгаяди", хулоса- «барча жисмлар қиздирилганда кенгаяди».

**2. Дедуктив хулоса** - умумий хукмдан бирламчи хукмга хулоса қилинади. "Барча металлар электр токини яхши ўтказади: Алюминий металл". Демак "алюминий - яхши электр ўтказувчидир".

**3. Аналогия** - бирламчи, ягона хукмдан ягона, бирламчи хукмга чиқарилади: "Қуёшда ердаги каби элементлар мавжуд", "Қуёшда гелий мавжуд" хулоса "демак, ерда ҳам гелий мавжуд бўлиши мумкин".

Шундай қилиб, ерда гелий элементи очилган.



Айрим ҳодисаларни тушунтириш учун фанда қўлланиладиган, лекин уларнинг тўғрилиги етарли даражада асослаб берилмаган тахминий фикрлар фанда гипотезалар (фаразлар) дейилади.Амалиёт ва фанга қарши бўлмаган ва амалиётда ўз тасдиғини топган гипотезалар **назарияга** айланади.

**Тушунча.** Тафаккур жараёнида тушунчалар пайдо бўлади, улар ўзаро боғлиқлик ва муносабатларни янада яққолроқ, чуқурроқ англашга имкон беради. Бирор бир предмет ёки ҳодисанинг тушунчасини билиш - бу бир неча хукмга эга бўлишдир.

**Тушунча** - миянинг олий маҳсули, ақлий образи умумлашган шаклидир.

Тушунчалар предметли (конкрет) ва абстракт (мавхум) турларига бўлинади. Тушунча ичига кирувчи объектлар миқдори тушунча ҳажмини ташкил этади. Ҳажмига кўра тушунчалар ягона ва умумийга бўлинади. Тушунчалар илмий бўлмаган, оддий, ҳаётий, илмий, кенг ва тор бўлиши мумкин.

Тушунчаларни оғзаки шаклда ифодаланиши аниқланишдир (хусусиятни тури ифодаланади). Масалан, от - нутқнинг қисми бўлиб, предмет белгисини билдиради ва ким? нима? сўроғига жавоб беради. Тушунчалар тарих ривожланиши асосида инсон онгида юзага келади.

Тушунчалар сўзлар ёки сўзлар гуруҳида ифодаланади. Улар сезги, идрок ва тасаввурлар асосида юзага келади. Уни қуйидаги схемада кўриш мумкин:




**Тушуниш** - мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, асл муносабат ва боғлиқларни очишдир. Тушиниш предметни тасвирлаш, у ҳақда хукм чиқариш асосида юзага келади. У ҳодисанинг тўғрилигига ишончни юзага келтиради.

**Тафаккур жараён сифатида.** Тафаккур мураккаб жараёндир. У нимадан бошланади? Тафаккур муаммоли вазият юзага келишидан бошланади. У янги мақсадлар юзага келганда, эски воситалар ва усуллар етарли бўлмаганда пайдо бўлади. Бундай вазиятлар муаммоли вазият деб аталади.

Муаммоли вазият - фикрлаш масаласи юзага келиб, у ақлий фаолият билан боғлиқ бўлса, ҳамда уни ечишда инсонда ноаниқлик, эски усуллар ўз самарасини бермаса юзага келади. Муаммони ечиш жараёнида инсон гипотезани олдинга суради, яъни масалани ечиш лойиҳасини. Ушбу этапдан инсон ўз тафаккурининг схемасини шакллантиради, мантикан фикрлайди. Муаммоли вазият бу инсон учун тушунарсиз, илгари учрамаган, уни ҳавотирга солувчи вазиятдир. Муаммони ечиш бу "хатолар" усули ҳамда "вазифани ечиш стратегиясини» ечиб чиқишдир. Бунда инсон унга таниш ва нотаниш барча усулларни қўллаб тўсатдан муаммони ечиши мумкин. Вазифани ечиш стратегиясини ишлаб чиқишда инсон маҳлум асосга ёндошади, уни ечиш тўсатдан, дақиқадаги "инсайт", "ёруғлик" сифатида намоён бўлади.

Тафаккурда интуиция ҳодисасининг ўрни мавжуд. **Интуиция** - мураккаб вазиятларда тўғри йўналиш олиш, тўғри ечимни топиш, ходиса йўналиши ва ечимини олдиндан кўра олиши.

Кейинги йилларда муаммони ҳал этишда "онгга хужумли таъсир этиш" (брейнсторминг)методидан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Ушбу метод ижодий гуруҳда ишловчи кишилар ақлий фаолиятини фаоллаштиришга қаратилгандир. Инсоннинг ақлий фаолиятини аниқлашда биз тез-тез "ақл", "интеллект" каби тушунчаларни қўллаймиз.

Ақл-фаросат - бу борлиқни назарий эгаллашнинг олий формаси бўлиб, у инсоннинг фикрлаш қобилиятида намоён бўлади.

Интеллект - умумий билим қобилияти бўлиб, инсонни билимни эгаллашга тайёргарлиги ва бунда ақлий хатти-ҳаракатларни намоён қилишда ифодаланади.

**Тафаккурнинг асосий механизмлари**. Тафаккур жараёнида объект янги алоқаларга киришади ва янги тушунчаларни кашф этади, бунда объектдан янги мазмун намоён бўлади, уни янги қирралари, янги хусусиятлари очилади. Айтилган асосий тафаккур механизми "синтез орқали анализ қилиш" деб аталади. Янги хусусиятларни анализ қилиш объектларни синтез асосида амалга оширилади. Мияниг аналитик-синтетик фаолияти уч звенодан иборат - аввал "Синтез-1" (тадқиқ қилинувчи объектни бошқа объект билан солиштириш), сўнг "анализ" (объектнинг хусусиятларини намоён қилиш) ва ушбу асосда "Синтез-2"(қўйилган



вазифани ҳал этиш). Шундай қилиб, тафаккур механизми "Синтез-1 - анализ - "Синтез-2" сифатида ифодаланиши мумкин.

**Тафаккур турлари.**

Инсон тафаккури қуйидаги турларга бўлинади.

Мураккаблигига қараб у - оддий (жавоб дарҳол тайёр) ва мураккаб (жавобни излаш, уни ечиш, ундан сўнг эса жавобдир).

Аслигига қараб - ихтиёрий (савол қўйилади, жавоб эса продага зўр бериш орқали берилади) ва ихтиёрсиз худди Архимед қонуни ёки Менделеев таблицасининг топилиши (очилиши).

Умумлаштириш даражасига кўра - конкрет - предметли - ҳаракат, предметли - кўргазмали - образли турларга бўлинади.

Абстракт, мавҳум тафаккур абстракт тушунчалар сўзлайди. Масалан, "x+5=10" тенгликни ечиш.

Тафаккур назарий бўлиши мумкин, бунда "Бу нима?", "Нега у рўй берган?" деган саволларга жавоб беришга қаратилган.

Амалий тафаккур "Бу ҳодисани қандай ўзгартириш мумкин?", "Бу мақсадга эришиш учун нима қилиш керак?" деган саволларга жавоб топишда намоён бўлади.

Ва ниҳоят, тафаккур репродуктив ва ижодий бўлиши мумкин.

**Репродуктив тафаккур** - бу стандарт тафаккур бўлиб, унда қайта машқлар асосида эгалланган усуллардан масалани ечишда фойдаланилади.

**Ижодий** - янгиликни очиш билан боғлиқдир. Продуктив, ижодий тафаккурни ўрганувчи фан эвристика фани деб аталади.

Тафаккур турлари таълим характерига боғлиқдир.

Қуйидаги таблицада биз буни келтирамиз.

| Таълим тури | Таълим олувчи нима қилади | Қандай тафаккур тури шаклланади |
|---|---|---|
| Алгоритмик таълим | Дарслик ёки ўқитувчидан нусҳа олинади | стандарт репродуктив тафаккур |
| Тушунтирувчи-ифодаловчи, йўналтирувчи | Ярим мустақил фикрлаш, яъни ўқув материалларини ўзлаштириш Репродуктив, ярим мустақил тафаккур | Репродуктив, ярим мустақил тафаккур |
| Муаммоли излаш | Мустақил равишда янги тушунчаларни синтез қилиш | Продуктив тафаккур |

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" (1997 йил) таълим муассасалари олдига мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш муаммосини қўйгандир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак, аммо, билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлик"[6].

Ҳозирги замон олий ўқув юртларининг вазифаси ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатишдир. Албатта фикрлашда ҳам индивидуал фарқлар мавжуд. Фикрлашни билиш - бу инсоннинг ақлидир.

Ақлнинг қуйидаги сифатларини ажратиш мумкин:

1. Мазмундорлик (бойлиги, чукурлиги, хукмга бойлиги).

2. Фикрлаш кенглиги (кенг ва тор) фикрлашнинг кенглиги ва чуқурлиги назария ва амалиётнинг узвийлигига боғлиқдир. Амалиёт, хукмнинг тўғрилиги мезонидир.

3. Фикрлашнинг мустақиллиги - умумий тажрибани қўллай олиш, шахсий фикрга эга бўлиши, тажрибага муносабат билдириш.

4. Ақлий ташаббускорлиги.

5. Ақлий эгилувчанлиги, вазифани стандарт ечишдан қочиш.

6. Ақлнинг танқидийлиги, ўз ишини аниқ баҳолай олиш, уни ўлчаш.

7. Ақлнинг маҳсулдорлиги.

8. Фикрнинг кетма-кетлиги.

9.Тафаккурнинг тезлиги.

Ақл ҳақида айрим олимлар ва арбобларнинг фикрлари келтирамиз.

"Улуғ ақл эгалари ўз олдиларига мақсад қўядилар, қолган одамлар ўз истаклари ортидан эргашадилар" (Вашингтон Ирвинг).

"Ақл - бу яхши ташкил этилган билимлар тизимидир" (К.Д.Ушинский).

Юқорида айтиб ўтилган барча сифатлар ёш ўзгарган сари ўзгариб боради. Ижодий ишда фикрлашнинг мустақиллиги ва танқидийлиги зарур бўлиб, у ақлий фаолиятнинг продуктивлигини таъминлайди.

[6] И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т.: 1998, 16- бет.



**Қайтариш учун саволлар.**

1. Тафаккур бошқа ҳиссий билиш жараёнларидан нимаси билан фарқ қилади?
2. Инсон тафаккурининг моҳияти нимадан иборат?
3. Тафаккурнинг субъектилиги нимада намоён бўлади?
4. Масала деганда нимани тушунасиз?
5. Масала ечиш усулларини солиштиринг ва тушунтиринг.
6. «Интуиция», «Гипотеза», «Режа»,»Стратегия» тушунчаларини изоҳланг.
7. Ақлий фаолият бу нима?
8. Таҳлил, синтез, умумлаштириш, хулоса, классификация ва систематлаштиришга мисоллар келтиринг
9. Таҳлил ва синтез моҳиятини тушунтиринг
10. Ўқувчи ўқув материалини тўғри тушунганини қандай текшириш мумкин?
11. Тафаккурнинг асосий турларини тахлил қилинг
12. Дўстларингизнинг тафаккур хусусиятларини тавсифланг.
13. Ақлни мустақиллиги ва танқидийлигини тарбиялаш йўллари борми?
14. Ушбу тушунчага изоҳ беринг:»Мустақил тафаккур ҳам катта бойликдир».

## XII боб. Мавзу: « Мотивация, ҳис-туйғу ва ирода»

### РЕЖА:

1. Мотив ва мотивация.
2. Мотивациянинг психологик назариялари.
3. Ҳис-туйғу ва эмоциялар.
4. Инсоннинг олий ҳислари.
5. Ҳис-туйғу назариялари.
6. Ирода
7. Ирода назариялари.
8. Ирода хусусиятлари.

Маълумки, мотив — инсон хулқ-атворининг ички барқарорлигидир. Мотивация эса хулқ-атворни психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни бўлиб, унга ташаббус, йўналганлик, ташкилотчилик, қўллаб-қувватлаш киради.

Мотивировка деганда инсон хулқ-атворини тушунтириш бўлиб, унда «Нима учун?», «Қандай мақсад билан?», «Қандай маънода?» каби саволларнинг мотивацияга боғлиқлигидир.

Инсон эҳтиёжлари, мақсади, истаги, қизиқишлари шахсий ҳолатлардир. Эҳтиёж — бу организмни нормал мавжуд бўлиши билан боғлиқ ҳолатдир. Американлик психолог А.Маслоу « Инсон эҳтиёжларини иерархия тизимларини қуйидагича тавсия этади:

1. Физиологик эҳтиёжлар- очлик, чанқаш,жинсий ҳохиш.
2. Хавфсизлик эҳтиёжи- ўзини ҳимояда сезиш, қўрқувдан холи бўлиш.
3. Ҳурматда бўлиш эҳтиёжи- муваффақиятга эришиш, обрўга эга бўлиш.
4. Билим эҳтиёжлари- кўп билишга интилиш, тушуниш, тадқиқ қилиш.
5. Эстетик эҳтиёжлар- гўзалликка. Тартибга интилиш.
6. Ўз-ўзини актуаллаштириш, ўз қобилиятларини намоён қилиш, ўз шахсини ривожлантириш эҳтиёжи.

Инсон мотивлари орасида муваффақиятга эришиш мотиви — муваффақиятсизликдан қочиш мотивидан устун бўлиб, муваффақиятга эришиш мотиви шахснинг барқарор хусусиятидир.

Мотивациянинг бир неча психологик назариялари мавжуд.

1. Қарор қабул қилиш назариясида таъкидланишича, инсон онги тафаккурга, ирода ва хатти-ҳаракатни танлаш имкониятига эга.



Демак, инсон хулқи мотивининг асоси ақл, онг ва инсон иродасидир.

2. Инстинктлар назариясида (З.Фрейд, У.Макдаугалл) — биологизатор нуқтаи назар мавжуд бўлиб. Унга асосан инсонга, ҳайвонларга хос инстинктлар бирлаштирилган.

XX асрнинг 20-йилларида инстинктлар назарияси ўрнига инсон хулқ-атворини биологик эҳтиёжлар билан боғловчи концепция юзага келади.

3. Хулқ-атвор мотивацияси назарияси ва олий нерв фаолияти назарияси XX аср бошида пайдо бўлиб, хулқ-атвор «стимул-реакция» схемада кўриб чиқилади. И.П.Павлов ва унинг издошлари (Н.А.Бернштейн, П.К.Анохин) хулқ-атвор динамикаси функционал системаси моделини ишлаб чиққанлар.
4. Мотивацияга когнитив ёндашув назарияси- инсон хулқ-атворини тушунтиришда унинг онги ва билими билан боғлиқ феноменларга алоҳида эътибор берилади.( Л.Фестингер — когнитив диссонанс назариясининг асосчиси) Ушбу назарияга асосан инсонни олам ва ўзи ҳақидаги билимларни бирлаштиришга интилади. Ўзаро дисбаланс юз берганда хулқ-атворнинг кучли мотиви юзага келади. Д.Аткинсоннинг мотивациянинг умумий назарияга асосан маълум даражада инсон хулқ-атворини қўллаб-қувватлаш зарурдир.
5. Фаолият назарияси(А.Н.Леонтьев)га асосан мотивларни юзага келтирувчи кучлар эҳтиёжлардир. Бундан шундай қонуният юзага келадики, мотивлар ривожланиши фаолият кенглигининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у предмет фаолиятини ташкил этувчисидир.

### Ҳис-туйғу ва эмоциялар

Инсоннинг эмоционал ҳаёти, унинг ҳис-туйғулари , қувонч-ташвиши, хурсандчилиги азал-азалдан инсонлар эътиборини ўзига тортиб келган.

Ҳис-туйғу бу нима? Бу —борлиқни ўзига хос акс этиши бўлиб, унда инсоннинг оламга субъектив муносабати акс этади.

Ҳис-туйғу — психик жараён бўлиб, унда инсонни борлиққа ўзининг шахсий. Ички субъектив муносабатини акс этади.

Эмоциялар — оддий психик ҳолат бўлиб. У инсонни организмини умумий ҳолатидан юзага келади ва эҳтиёжларни қондириш жараёнида мавжуд бўлади. Ҳис-туйғу психик жараёнгина бўлиб қолмай, психик ҳолат ҳамдир. У хусусият билан характерланади: а) қониқиш ёки қониқмаслик

ҳолатини мавжуд бўлиши; б) ижобий ва салбий ҳислар; в) нерв кескинлигини юзага келиши ва бу кескинликни юмшатиш.

Эмоционал ҳолатларнинг 4та хусусияти мавжуд: 1) шахснинг объектга ижобий муносабати; 2) салбий муносабати; 3) иккиламчи муносабат (севиш ва нафратланиш, хурсанд бўлиш ва қайғуриш).

Ҳис-туйғуни юзага келтирувчи сабаб- стимуллардир. Фаоллигига кўра ҳислар стеник (кучли) ва астеник (кучсиз) турларга бўлинади.

Стеник ҳислар инсон фаоллигини оширувчи, унинг умумий энергиясига асос солувчи ҳислардир. Улар қувонч, кўтаринкилик ва ҳ.к.

Астеник ҳислар (пассив) – тинчлик, хотиржамлик, ўкинч, ишончсизлик ва ҳ.кҳ Бефарқлик, бепарволик ҳолати апатия деб аталади.

**Ҳисларнинг ташқи ифодаланиши.**

Ҳислар ташқи жиҳатдан намоён бўлиб, улар хатти-ҳаракатларда, юзда намоён бўлади. Уни ташқи ифодаланганлик ёки экспрессия деб аталади.

Экспрессия – ҳисларнинг специфик намоён бўлиши бўлиб, у овозда, мимика,пантомимика, юришда, йиғи, кулгуда намоён бўлади.

Мимика- инсонни юз тузилишида ифодаланиши бўлиб, унда идрок этилаётган нарсага нисбатан муносабат акс этади.

Пантомимика – тана, жестларни ифодаланиши бўлиб, психолог Р.С.Янкелевич тадқиқотида Л.Н.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романида инсонлар табассуми ва юз ифодаланишини 85 та кўз қараш ва 97 та табассум намоёнлиги аниқланган.

**Ҳислар турлари .**

Ҳислар мазмунига ва қўзғалувчанлигига қараб бўлинади. Ҳислар қўзғалувчанлиги тезлигида, кучи ва давомийлигида намоён бўлади. Тезлик кучли, секин; кучига кўра кучли ва кучсиз; барқарорлигига кўра барқарор ва беқарор бўлади. Куч ва барқарорлик чуқурлигига кўра тасаввурлар, фикрлар, интилишларга бой бўлади.

Ҳақиқий севги – бу чуқур ҳисдир.

Кучи, тезлиги, барқарорлигига кўра қуйидаги эмоционал ҳолатлар ажратилади.

1. Кайфият- эмоционал ҳолат бўлиб, у кучсиз ва ўртача барқарорликда бўлади. Кайфият хусусияти- ноаниқлик, уни юзага келтирувчи сабабни баъзан ноаниқлигидир. У- кўтаринки, ёмон, ғазабли, яхши ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

2. **Кўтаринкилик** – эмоционал ҳолат бўлиб, у бирор бир мақсадага интилганда юзага келади. У қисқа муддатли ва давомли бўлиши мумкин.



3. **Кучли ҳоҳиш-истак** – давомли ва барқарор, кучли эмоционал холат бўлиб, у маълум хатти-харакатга интилишда намоён бўлади.

4. **Аффектлар** ўта кучли тез пайдо бўлувчи ва қисқа муддатда эмоционал холатда кечувчи (ғазаб, нафрат, қотиб қолиш) холатдир. Аффектлар ирода сусайганда, одамни ўзини ушлай олмаганда юзага келади. Аффектда одам ўзини англамайди деган фикр нотўғридир. Фақат бетоб кишиларгина англамасликлари мумкин. Аффектив холатни олдини олиш учун уни пайдо бўлишига асос яратмаслик керак.

Қадимдан бир ўгит бор : «Жаҳлинг чиқишидан аввал ўнгача сана». И.С. Тургенов, мунозарада асабийлашиб аффектив холатга тушган кишини тилини оғиз бўшлиғида 10 мартаба айлантиришини тавсия этади. Ушбу тавсияларни асосида диққатни бир жойга тўплаш, ўзини совитиш холатига олиб келиш ётади.

5. **Стресс** – эмоционал холат бўлиб, кескинлик вазиятида юзага келади. (инглизча Stress- кескинлик). Стресс хавф олдида, жисмоний ва психик чарчоқда, тез ечим топа олмайинган пайтда юзага келади. Стресс холати инсон фаолиятига салбий таъсир этиб, уни емириши мумкин – бу холат дистресс деб аталади.

Ҳислар мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

А) **Аҳлоқий ҳислар** – улар жамият аҳлоқ тамонларига бўйсиниш ёки бўйинмаслик билан намоён бўлади. Улар аҳлоқли ва аҳлоқсиз бўлиши мумкин. Уларга ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий тилга ҳурмат, тарих, маданият, миллий қадриятларга ҳурмат, мустақиллик идеалларига содиқлик, табиатга ҳурматда намоён бўлади. Бу аҳлоқий бурч ҳисси – меҳнатга, халқига, конституцион мажбуриятларга муносабатдир.

Бу ота-онага, опа-сингил, ака-укага муҳаббат, бу эркакни аёлга севгиси, бу инсонни онгли, ақлли, иродасини кучли мазмун билан тўлдирувчи ҳислардир.

Ушбу гуруҳга уят ва виждон ҳисси ҳам киради.

**Виждон** – ички баҳоловчи «овоз» бўлиб, у яхши ёки ёмон деб баҳо беради.

**Уят** – ички номутаносиблик холати бўлиб, у ҳаловатсизликда, ноқулайликда ифодаланади.

Б) **Интелектуал ҳислар** – инсон томонидан билиш фаолияти жараёнини ҳис этиш холатидир. Бу ҳис ҳайрат, қизиқиш, ишонч, қувонч, ғурур, янгиликка интилишдир.

В) **Эстетик ҳислар** – ижобий ҳислар бўлиб, гўзал предметлар улар орасидаги муносабатни акс этиш билан ифодаланади. Ушбу ҳислар табиат инсонлар, фолият, ҳаётдан баҳраманд бўлганда юзага келади. Бу бирор бир

гўзалликдан баҳраманд бўлишдир. Ахир, Н.Г. Чернышевский « Гўзаллик – бу ҳаёт» деган эди. Чуқур эстетик маъноні билдирувчи ҳислар объект ёки предметга нисбатан юзага келиб, уни сифати – кўтаринкилик, гўзаллик, нафосат, эстетик кечинмалар билан боғлиқ бўлади.

Г) **Праксис ҳислар** (юнончада praxis – иш, фаолият), фаолият натижасида юзага келиб, иш жараёнида ўзгаради, унинг муваффақияти, қийинчилиги, тугалланганлигига боғлиқ бўлади.

А.Н. Лук 70 дан ортиқ инсон ҳисларини ажратади.

Эмоционал холатларга боғлиқ бир неча назариялар мавжуд. Улардан иккитасини келтирамиз.

Бири Джеймс – Ланге ва иккинчиси Кеннон – Бард назарияларидир. Г. Лангега асосан эмоция оралиқ жараёнларни субъектив акс этиши бўлиб, у ихтиёрий характерга эгадир ва организмда юзага келади деб таъкидлайди. Аввал ташқи стимуллар таъсирида организмда ўзгариш юз беради, сўнг эмоция юзага келади. «Биз йиғлаганимиз учун хафа бўламиз, қалтираганимиз учун қўрқамиз, кулганимиз учун хурсанд бўламиз» дейди ушбу назария асосчилари.

Кеннон ва Бард назариясида эмоция сигналларни қайта тиклаш ва уни организмда акс этишидир.

Американлик психолог Йоркс Додсоннинг қонуниятига асосан эмоционал қўзғалувчанлик билан инсонни ижобий фаолияти орасида эгричизиқли қўнғироқсимон боғлиқлик мавжуд. У бўйича, оптимал қўзғалувчанлик даражасидагина инсон фаолияти маҳсулдор бўлиши мумкин экан.

## Ирода

**Ирода** – бу қийинчиликларни енгиш, қўйилган мақсадларга эришишга йўналтирилган, олдиндан ўйланган, онгли хатти-ҳаракатни амалга оширилидаги ҳаракатда намоён бўладиган инсон фаоллигидир. Иродавий жараёнлар хатти-ҳаракат, фаолият билан боғлиқдир. Ҳаракатлар ихтиёрий ва ихтиёрсиз ( инстинктив ва рефлектор) бўлиши мумкин.

Иродавий жараён ҳаракат интилишлар билан узвий боғлиқдир. Ҳаракатлар ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлиши мумкин.

Ихтиёрий ҳаракатлар англанилган ҳаракатлар бўлиб, у қўзғалувчанликда, мақсадда, воситаларда, иродавий зўр беришда, ўзаро харакатда юзага келади.

Ирода икки функцияни бажаради: қўзғалучанлик ва тормозлаш. Инсонни психик бошқарувчанлигини бузилиши **абулия** деб аталади.



**Ирода турлари.**

Оддий иродавий акт, мураккаб иродавий жараён ва экстермал холатлар билан боғлиқ иродавий жараён ажратилади.

**Оддий иродавий жараён** –мақсадни аниқлаш ва дарҳол вазифани ечиш;

Мураккаб иродавий жараён қуйидаги тизимга эга:

А) **интилишини англаш** – қизиқиш, ва хоҳишга бўлинади.

Б) **мақсад ва воситаларни танлаш.** Мотивлар кураши (мақсад ва вазифани танлаш жараёни).

В) **қарор қабул қилиш.** Бундан сўнг кейинги этап бошланади.

Г) **қарорни бажариш, ижро этиш.** Баъзан қарор англанилган ҳолда бажарилмаслиги мумкин.

**Ирода назариялари.**

Психологияда шахснинг иродавий характеристикаларини ажратиш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Кейинги йилларда тарқалган концепцияга асосан инсон хулқ-атвори фаоллик, инсоннинг ўзи эса қобилият ва онгли танлаш имкониятига эга эканлиги билан кўриб чиқилади. Нерв фаолиятини тадқиқ қилувчи физиология (Н.А. Бернштейн, П.К. Анохин) бу нуқтаи назарияни қўллаб қувватлайди.

В.М. Селиванов иродани инсон хулқ-атворини онгли бажарилиши деб тушунтиради ва уни олдиндан кўра олиш ва ташқи тўсиқларни енгишда ифодалайди. Психологлар инсонларни масъулиятли вақтда ўз хатти-хараатларини ташқи кучларга ёки ўзларига боғлаб олишларига қараб икки турга ажратадилар. Бу жараён « назорат локализацияси» деб аталади. «Назорат локуси» американлик психолог Ю. Роттер томонидан киритилган.

Назоратнинг ташқи локусида (экстернал) масъулият ташқи сабабларга боғланади. Масалан, вазифани бажармадим, чунки қўшнилар чиқиб қолишди.

Назоратнинг ички локусида (интернал) масъулият шахсий хатти ҳаракатларда боғланади. Масалан, унитиб қўйиш, диққатсизлик, қобилиятнинг сустлиги

Шундай инсонларнинг хусусиятларини солиштирайлик.

***Назорат локусига боғлиқлигига кўра инсонлар хусусиятлари таблицаси***

| Назоратнинг ташқи локуси | Назоратнинг ички локуси |
|---|---|
| 1. Шахсий имкониятларига ишончсизлик. | 1. Ўзига ишонч |
| 2. Харакатларда бетартиблик | 2. Тартиб |

| | |
|---|---|
| 3. Ўз имкониятлари даражасидаги ишни кейинга қолдириш | 3. Мақсадга интилишда қатъийлик |
| 4. Беқарорлик | 4. Барқарорлик |
| 5. Хавотирланиш | 5. Киришимлилик |
| 6. Шубҳаланувчанлик | 6. Ўз-ўзини таҳлил қилиш |
| 7. Агрессивлик | 7. Кўнгли очиқлик |
| 8. Конформлилик | 8. Мустақиллик, ўз хатти-ҳаракатларига қатъий масъулият |

**Ирода сифатлари.**

А) Ирода кучи – кучли, кучсиз, кучли қатъийлик, мардлик, чидамлилик.

Кучсиз ирода бу абулиядир.

Б) Ахлоқий ирода – иродавий интилиш сабаби, тамойили ва қабул қилинган қарори билан характерли.

В) Иродани мустақиллиги- ташаббускорлик, масъулиятни англаш, кишилар фикрини таҳлил қила олиш. Мустақил бўлмаслик - бу негативизм, қайсарликдир.

**Негативизм** – инсонни бошқа инсонларга нисбатан намойишкорона қаршилиги, маслаҳатларни очиқ тан олмаслиги.

**Қайсарлик** – бу мотивлаштирилган қаршилик.

Демак, кучли иродани психологик хусусияти – бу принципиаллик, танқидийлик, доимийлик, қатъийлик, қарор қабул қила олиш.

Ўқувчиларда иродани ривожлантириш воситалари бу – бўйсуниш, тақлид қилиш, ихтиёрий ҳаракатларни катталар назоратида бажариш, иродани тарбиялашдир.

**Қайтариш учун саволлар**

1. «Мотив», «мотивация», «мотивировка» тушунчаларини изоҳланг.

2. А.Маслоунинг инсон эҳтиёжлари иерархиясини эсланг.

3. Мотивациянинг қандай назарияларини биласиз?

4. Мотивацияни бошқа билиш жараёнлари билан боғлиқлигини тушунтиринг.

5. Хис-туйғу билан шахснинг билиш жараёнлари ва шахс хусусиятлари орасидаги боғлиқлик нимадан иборат?

6. Хис –туйғунинг физиологик асоси нимадан иборат?

7. Хис-туйғулар қандай сифатларга кўра классификацияланади? Хис-туйғуларни асосий функцияларини ва эмоционал ҳолат турларини айтинг ва тавсифланг.



8. Шахснинг эффектив ҳолатларига мисоллар келтиринг.

9. Шахснинг ахлоқий, эстетик ва интеллектуал хислари деганда нимани тушунасиз?

10. Иродани билиш жараёнлари билан боғлиқлиги нимада?

11. Қатъийликни қайсарликдан, мардликни кўзбўямачиликдан фарқи нимада?

12. «Назорат локуси» нима? Ички ва ташқи назорат локусини тушунтиринг.

## XIII боб. Маъруза : «Темперамент»

**Режа:**

1. Темперамент ҳақида тушунча.
2. Темпераментнинг физиологик асослари.
3. Темперамент турлари ва уларнинг психологик характеристикаси.
4. Темпераментнинг ўзгарувчанлик муаммоси.

**Темперамент** (юнонча. Temperamentum – сифатлар муносабатига берилган, бунда tempero – кераклн муносабатларни аралаштираман) – инсон психик фаолиятининг динамик хусусиятлари, жумладан темпи, тезлиги, ритми, интенсивлиги жиҳатидаги характеристикасидир.

" Темперамент – ҳар бир инсоннинг алоҳида умумий тавсифи бўлиб, нерв тизимининг асосий тавсифидир ва у индивиднинг фаолиятига алоҳида тус беради."[7] Бундай изоҳни И.П. Павлов берган.

Артур Ребернинг катта психологик изоҳли луғатда берилган яна бир изоҳини келтирамиз: «Темперамент – шахс тизимининг аспекти бўлиб, у маълум моделларга эмоционал муносабат билдириш, кайфият ўзгариши, кучли ҳис-туйғунинг намоён бўлиши, қўзғалувчанлик билан характерланади. Темперамент туғма асосга эга эканлигини туғилга чақалоқларни қўзғалувчанлигида, кучли овоз, ёрқин ранг, жисмоний таъсир каби стимулларга бўлган жавоб реакциясида кўриш мумкин. [8]

Шундай қилиб, темперамент - бу шахснинг индувидуал хусусияти бўлиб, у психик жараёнларнинг динамикасида намоён бўлади.

Темперамент сифатлари, бу шундай психиканинг индивидуал сифатики, улар психик фаолиятнинг оқимини ифодалайдилар. Психологик жиҳатдан темперамент эмоционал қўзғалувчанликдаги индивидуал хусусиятларда ифодаланиб, у инсоннинг умумий қўзғалувчанлик тезлиги, кучи ва барқарорлигида намоён бўлади. Улар турли мазмунда, вазиятга қарамай, нисбатан ўзгармас доимий бўлиб, улар темперамент турини ифодаловчи мотив ва фаолият мақсадларида мавжуд бўлади.

Юқорида айтилганлардан шу нарса аён бўладики, эмоционал қўзғалувчанлик турли одамларда қўзғалиш кучи, тезлиги ва барқарорлигига кўра турлича бўлади. Шундай одамлар борки, уларда қўзғалиш тез юзага келади, кучли ва барқарор бўлади. Ва унга тескари қўзғалувчанликка эга бўлган кишилар ҳам бор. Бу холатлар айниқса, ҳис-туйғулар юзага

[7] И.П. Павлов. Собр. Сог. Т. книга 2 страница 103.
[8] Большой толковой психологический словарь Артура Ребера. Т. 2 Изд. Вега; Аст-м. ;2000 г страница 345



келайтган ихтиёрсиз холатларда яққол намоён бўлади. Ташқи жиҳатдан қўзғалувчанлик юз тузилиши, мимика, пантомимика, турли хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бу холатлар диққат, ирода, нутқ тезлигида ҳам ўз ифодасини топади.

Темперамент хақида таълимот илк бора юнон табиби Гиппократ ( эрамиздан аввалги 460-356 йиллар) томонидан яратилган бўлиб, унинг таълимотига асосан "темперамент" тушунчаси пайдо бўлди ва темперамент турларининг номлари сақланиб қолди.

Бу қадимий гуморал (суюқликка асосланган) назария бўлиб, у темперамент ҳусусиятларини организмдаги суюқликлар билан боғлайди. Гиппократ фикрича инсон организмида тўрт хил суюқлик мавжуд:

Сафро (юнон chole)

Қон (лотин Sanguis)

Қора ўт (юнон melaine chole)

Шилимшиқ (юнон phlagma)

Ҳар бир суюқлик ўз хусусияти ва ўрнига эга.

Сафро хусусияти – қуруқлик. Унинг ўрни организмда қуруқликни сақлаш.

Қоннинг хусусияти – иссиқлик. У организмни иситади.

Қора ўт хусусияти – намлик. У организмдаги намликни сақлашга хизмат қилади.

Шилимшиқнинг хусусияти – совуқлик. У организмни совутишга хизмат қилади.

Гиппократ фикрича инсон организмида мана шу тўрттадан битта суюқлик устуворлик қилади. ушибу суюқликлар муносабати юнон терминологиясида «красис» деб аталиб, (арлашма, қоришма) таржима қилинганда «темперамент» тушунчаси юзага келади.

Гиппократ назарияси асосида 4 та темперамент турлари хақидаги таълимот юзага келди ва темперамент турларига асос солинди. Унга асосан сангвиник (сангвиник лотин Sanguis – қон), холерик (юнон chole – сафро, сариқ ўт), меланхолик (юнон melaina chole – қора ўт), флегматик (юнон phlegma – шилимшиқ) турлари юзага келди.

Темпераментга таллуқли Абу Али Ибн Сино қарашлари (980-1037 й) ҳам жуда қизиқарлидир. У темпераментга табиий ва психологик тушунтириш беради. Ибн Сино таълимоти Гиппократ таълимотига асосланган бўлиб, унинг фикрича темперамент бир-бирига қарама-қарши сифатлар муносабатида юзага келадиган хусусиятдир. Улардан бирининг устуворлиги темперамент турини юзага келтириб, бунда организмдаги 4 та

суюқликдан бири устувор бўлади. Абу Али Ибн Сино фикрлари темперамент ҳақидаги таълимот тарихида ўзига хос аҳамиятга эга.

Иак бора темперамент хусусиятларининг психологик тавсифи немис файласуфи И. Кант («Антропология» 1789 й) томонидан берилган бўлиб, унинг фикрлари, ғояларида темперамент ва характер сифатларининг аралашиб кетиши намоён бўлади. И.Кант ҳам ўз ғояларида гуморал назария асосчиларига суянади.

Гуморал назария яқинроқ фикрларни П. Ф. Лесгафт (1837-1909) илгари суриб, у асосан темперамент турларини намоён бўлишини қон алмашинишни билан боғлайди.

Бунда у темперамент турлари қон томирларининг диаметри, юрак формаси ва тузилишига боғлиқ дейди. Унинг фикрича, қалин қон томирларига эга бўлганлар холериклар, тор қон томирликлар меланхоликлар ва ҳ.к. дир.

Темпераментни тадқиқ қилишнинг иккинчи йўналиши конституционал назарияга боғлиқдир. Унинг асосчиси Э. Кречмер (1888-1964) бўлиб, у темперамент типларини морфологик конституцияга қараб аниқлашга эътиборни қаратди. Унга асосан, масалан, конституциянинг астеник типи узун ва тор кўкрак қафаси, узунчоқ юз тузилиши, суст мускулларга эга бўлиб, Кречмерга асосан, улар шизоид темпераментга хос бўлиб, улар ҳис-туйғуга берилувчан, совуққон, ўз ички дунёси билан банд, хатти-ҳаракатлари чегараланган кишилардир.

Бошқа конституционал турига – пикник тури киритилиб, унга асосан бу турдагилар кенг кўкрак, гавдали, думалоқ каллали, қорни чиққан бўлиб, уларда доимо кайфият кўтаринкилиги очиқлик,атрофдагиларга киришимлилик, табиийлик, юмшоқлик намоён бўлади.

Э.Кречмернинг хатоси шундаки, у конституционал хусусиятларни шахс психик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Морфологик назарияга америкалик психолог У. Шелдоннинг (1898-1974) ҳа концепциясини киритиш мумкин бўлиб, унга асосан темперамент уч соматик конституцияга эга: эндоморф, мезоморф ва эктоморф.

Эндоморф турга – юмшоқлик, думалоқ тана тузилиши, суст ривожланган суяк ва мускул тизими, севги ва комфортга интилувчанлик, хис-туйғуга берилувчанлик, секин харакатланиш хосдир. У висцеротоник темпераментдир.

Мезоморф турга – қатъийлик, бешафқатлик, қатъий хатти-ҳаракатлар, суяк, мускул тизимининг яхши ривожланганлиги, кучлилик, атлетик тана тузилиши, севги иштёқларига қизиқиш, таваккалчилик,



фаоллик, қўрқмаслик ва агрессивлик хосдир. Бу сомототоник темпераментидир.

Эктоморф турга – нозиклик, мускулнинг намоён бўлмаслиги, кам киришимлилик, одамовилик, ёлғизликка интилиш, юқори реактивлик хосдир. Бу церобротоник темпераментидир.

Морфологик ва гуморал назария тарафдорларининг асосий камчилиги шундан иборатки, темперамент хусусиятларни тавсифлашда ҳеч қачон организм тузилишини устувор қилиб олиш мумкин эмас. Улар ҳеч қачон бирор бир хусусиятни ифода этиб бера олмайди.

Темперамент ҳақидаги илмий назарияга И.П. Павлов (1948-1936) таълимоти асос солган бўлиб, у нерв тизимининг типологик хусусиятларини – олий нерв фаолиятининг таълимотида ифодалаб беради. Олий нерв фаолиятида И.П. Павлов қуйидаги нерв жараёнларини ажратди.

А) қўзғалиш ва тормозланиш кучи бўйича;

Б) оғир, вазминлигига кўра;

В) хатти-харакатчанлигигига кўра.

Нерв тизимининг кучи нерв катакларида физиологик модданинг кўплигига қараб аниқланиб, унга асосан кучли нерв тизимининг турида – моддалар заҳирасининг кўплиги ва кучсизда – камлиги кузатилади.

Нерв тизимининг кучи қўзғалиш жараёнига боғлиқ бўлиб, у тормозланишида ифодаланади.

Нерв тизимининг оғир, вазминлиги қўзғалиш ва тормозланишини бир хилда ифодалаш қобилиятида намоён бўлади. Нерв тизимида оғир, вазминлик қўзғалиш ва тормозланишни бир хилда кучли ёки кучсизлигида ва сигилик қўзғатилишини тормозланишда ошиб ёки камайиб кетишида ифодланади.

Нерв тизимининг харакатчанлиги (мобиллиги)

Тезлик билан қўзғалиш холатидан тормозланиш ва тормозланиш холатидан қўзғалиш холатига ўтишда намоён бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган сифатларга асосланиб, И.П. Павлов олий нерв фаолиятининг асосий турини ажратади, улар Гиппократ темперамент турларига мос келади.

1. Кучли, оғир вазмин эмас. (қўзғалиш тормозланишдан устувор). Тез қўзғалувчан тур. У холерик турга хос.

2. Кучли, оғир вазмин, харакатчан тур. Жонли тур. Сангвиник турига хос.

3. Кучли, оғир вазмин, босиқ, секин ҳаракатланувчан. Флегматик турига хос.

4. Кучсиз тур. Меланхолик турига хос.

Шундай қилиб И.П. Павлов таълимотига асосан темперамент олий нерв фаолиятининг инсон хатти-ҳаракатида намоён бўладиган индивидуал хусусиятидир.

**Темперамент турларнинг психогик характеристикаси.**

Темпераментнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар(В.С.Мерлин бўйича):

А) сензитивлик – ташқи таъсирларга маълум миқдордаги психик жавоб бериш кучи. (кучсиз ҳис-туйғу)

Б) реактивлик – эмоционал реакция кучи, эмоционаллик, таъсирчанлик, таассуротга берилиш.

В) фаоллик – ташқи оламга таъсир этиш фаоллиги.

Г) реактивлик ва фаоллик муносабати.

Д) таъсирга жавоб темпи – психик жараёнлар ва таъсирлар кечиши тезлиги. (ақл тезлиги, нутқ тезлиги ва ҳ. к.)

Е) пластиклик – эгилувчанлик, берилувчанлик.

Ж) ригидлик – инертлик, хулқ-атвор иккиланувчанлиги.

З) экстравертлик – инсон реакциясини ташқи таъсирга боғлиқлиги.

И) интровертлик – инсон реакциясини ички образлар, фикрлар, ўтмиш ва келажакка боғлиқлиги.

К) эмоционал қўзғалувчанлик – эмоционал жараёнларининг кечиши ва ташқи ифодаланиши.

Юқорида келтирилган сифатлардан келиб чиқиб, темперамент турларига психологик характеристика қуйидаги жадвалда берилган.

| **Асосий сифатлар** | **холерик** | **сангвиник** | **флегматик** | **Меланхолик** |
|---|---|---|---|---|
| 1.Сензитивлик | Паст | Паст | Паст | Юқори |
| 2.Реактивлик | Юқори | Юқори | Паст | Паст |
| 3.Фаоллик | Юқори | Юқори | Юқори | Паст |
| 4.Реактивлик ва фаоллик муносабати | р>ф | Оғир вазмин | ф>р | Паст фаоллик ўрта реактивлик |
| 5.Реакция тури | Тезлашган | Тезлашган | Секинлашган | Секинлашган |
| 6. Пластиклик | - | + | - | - |
| 7.Ригидлик | + | - | + | + |
| 8.Экстравертлик | + | + | - | - |
| 9.Интровертлик | - | - | + | + |
| 10.Эмоционал қўзғалувчанлик | Юқори | Юқори | Паст | Секинлашган |



**Г. Айзенк шахснинг иккита асосий ўлчовини белгилаган . Экстроверсия – стабиллик, инроверсия ҳамда невротизм – стабиллик. Бу назария куйидаги схемада тарзида кўриш мумкин.**




**Энди** темперамент турларини батафсил психологик характеристикада **тўхталсак:**

**1. Сангвиник.**

**Юқори реактивлик, бесабаб ҳахолаб кулиши мумкин, арзимаган нарса қаттиқ жаҳлини чиқариши кузатилади. Барча нарса фаоллик ва интилиш билан муносбат билдиррадн. Унинг юзидан кайфиятини билиш мумкин. Диққатини тез тўплайди. Паст сенситивлик. Ҳис-туйғуга берилади. Паст овоз, паст ёруғлик қўзғатувчиларни илғамайди. Юқори фаоллик жуда харакатчан, фаол, узоқ вақт ишлаб чарчамаслиги мумкин, ишига иштиёқ билан киришади. Тартиб интизомли. Тез харакат қилади, тез гапиради, фикрлар тезлиги жуда юқори. Одамлар билан жуда тез киришади, янги одамлар, вазият, холатга тез кўникади. Экстраверт. Тез ишга киришиши ва тез совиши мумкин. Бир йўналишда узоқ ишлай олмайди. Ваъда бериб, баъзан бажра олмаслиги мумкин. Йиғлаб туриб, кулиб юбориши мумкин.**

**(Н.В. Гоголнинг « Ўлик жонлар»ида Чичиков, Ноздрёв образлари.)**

**2. Холерик.**

Паст сензитивлик, юқори реактивлик ва фаоллик. Реактивлик фаолликдан юқори, шунинг учун, кутилмаганда портловчан, қизиққон, бетоқат. Эгилувчан эмас, регид. Кучли қатъийлик мавжуд, диққатнинг

кўчишида қийинчиликлар мавжуд. Юқори тезликда иссиқ темпга эга, экстраверт. Тез қўзғалувчан, у мимика жестларида ифодаланади. Қатъий, тез, инсонларга нисбатан киришувчан.

**(Амир Темур, А.В Суворов, Петр I) .**

### 3. Флегматик.

Паст сензитивлик. Кучсиз эмоционаллик. Кулдириш, жаҳлини чиқариш ва хафа қилиш қийин. Қашшоқ мимикага эга. Ҳаракатлари ифодасиз. Ишчан. Фаоллик реактивликдан устувор. Сабр-бардошли, ўз-ўзини бошқара олади. Нутқи секин, ригид, диққатни секин тўплайди. Бир ишдан иккинчи ишга секин ўтади. Янги иш, вазиятга секин кўникади. Иш бошласа қатъий ва бир йўналишда иш қилади.

**(М.И Кутузов)**

### 4. Меланхолик.

Юқори сензитивлик, юқори ҳис-туйғуга берилувчанлик. **Уятчан**, тез хафа бўлади. Мимика ва жестлари яхши намоён бўлмайди. Суст фаоллик. Ўз-ўзига ишонч йўқ, арзимаган нарсалардан тушкунликка тушади. Қатъий эмас, тез чарчайди, ишчан эмас. диққати тез бузилади. Ригид, интроверт.

**(П.И. Чайковский, Н.В. Гоголь).**

Шуни айтиш лозимки, темперамент бир гурух хусусиятларнит ўзида бирлаштиради. Хар бир инсон темпераментида ўзига хос такрорланмас хусусиятлар мавжуд. Бир инсонда бир неча темперамент хусусиятларини кўриш мумкин.

Масалан, холерикда флегматик ва меланхолик хусусиятлари, сангвиникда холерик ва флегматик хусусиятлари намоён бўлади.

Лекин бир характер хусусиятларининг устиворлиги асосида одамни у ёки бу типига киритиш мумкин.

Шуни айтиш мумкинки, темперамент хусусиятлари хам ташқи таъсир, ҳаёт жараёнида, тарбия таъсирида ўзгариши мумкин. Ҳар бир темпераментда ижобий ва салбий хусусиятлар мавжуд. Ижобийларни ривожлантириш, салбийларини эса бошқариш лозим. Масалан, холерикда ўзини ушлаб тура олиш хусусияти, сангвиникда бошланган ишни охирига етказиш, флегматикда фаолиятга тез кириша олиш, меланхоликда қатъийлик ва ҳ. к. каби сифатларни ривожлантириш лозим.

Ривожлантиришни биринчи йўли темперамент хусусятига хос фаолиятни танлаш. Иккинчи йўли қўйиладиган талабларни индивидуаллаштиришдир.



Лекин энг асосий йўли бу – фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантириш бўлиб, бунда темперамент хусусиятларини билиш жараёнлари, мулоқат ва хатти-ҳаракатда намоён бўлиши ҳисобга олинади. Бу ҳақда батафсил Е.А. Климов[9]нинг ишида танишиш мумкин.

## Қайтариш учун саволлар

1. Темперамент хусусиятлари нимада ва қандай намоён бўлади?
2. Нерв тизими хусусиятлари ва темперамент орасидаги фарқ нимада?
3. Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Сино темпераментга қўшган хиссаси қандай?
4. Темперамент турларига мисол келтиринг (адабиёт, кинофильм, шахсий кузатув).
5. Турли темперамент хусусиятига эга бўлган кишиларга характеристика беринг.
6. Турли темперамент хусусиятига эга бўлган кишиларни иш услуби қандай бўлади?
7. «Бу киши темпераментли» деган иборани қандай тушунасиз ва уни қўллаш тўғрими?
8. «Темперамент»нинг этнопсихологик хусусиятларини кўрсатиб беринг.
9. Фаолиятнинг индивидуал услубини темпераментга боғлиқлигини очиб беринг.

[9] Климов Е.А.Индивидуалний стиль деятелности. Психология индивидуальных различий. Тексты. М.: 1982 г

## XIV боб. Характер

### Режа:

1. Характер ҳақида тушунча.
2. Характер муаммосини ўрганиш тарихидан.
3. Характер тузилиши.
4. Характер турлари.
5. Характер акцентуацияси.
6. Характерни шаклланиши.

**Характер** – шахснинг барқарор индивидуал хусусиятлари йиғиндиси бўлиб, у фаолият ва мулоқотда юзага келади ҳамда шахсга хос хулқ-атвор усулларини намоён қилади.

**«Характер»** термини фанга илк бора қадимий юнон олими ва файласуф Теофраст томонидан киритилган.

**«Характер»** сўзи юнонча «чизиқ», «белги», «сифат», «хусусият» маъносини билдиради. Бу сўз «харассо» феълидан келиб чиқиб, уни учламоқ, чизмоқ, қирқмоқ деб таржима қилиниши мумкин.

Ҳаётий тажриба асосида характер тушунчасини икки мазмунда тушуниш мумкин: кенг ёки умумий махсус, ўзига хос маънода.

**Кенг** ёки **умумий** маънода инсон характери деганда унинг хатти-ҳаракати ва хулқ-атворига таъсир этувчи индивидуал яққол намоён бўлган ва сифат жиҳатдан турлича бўлган белгилари тушунилади.

**Тор** ёки **махсус** маънода олинган характер деганда шахснинг психик тузилиши назарда тутилиб, у инсоннинг иродаси ва йўналганлигида намоён бўлади.

Йўналганлик – бу инсоннинг характерли хусусияти бўлиб, фаолиятига таъсир этади ва борлиққа нисбатан танланган муносабатида акс этади. Ўзига хос психологик тузилишни инсон курашда таркиб топтиради ва бу эса ўз ўрнида инсондан иродавий кучни талаб этади.

Ҳаётда бу кўп, «кучли характер», «характерли киши», «кучсиз характерли» деган терминларни эшитамиз ва бунда иродага урғу берилади.

Характерни ўрганиш тарихи қадимларга бориб тақалади.

Теофраст (эр. ав. 372-287 йиллар) – қадимги юнон файласуфи Аристотелнинг шогирди ва дўсти бўлиб, у ёлғончи, маҳмадона, ҳасис, мижғов кишиларнинг 31 турига тавсифнома беради. ( Афина жамиятининг салбий аъзоларига).



Жан де Лабрюйер (1645-1696 й) – француз ёзувчиси, артистик публицистика устаси ўзининг «характерлар ёки бизнинг асримизнинг аҳлоқи» китобида юқори табақа кишиларига сатирик баҳо беради. Бунда у банкирлар, савдогарлар, амалдорлар ва аъёнларга 1120 хил характеристика беради.

XVIII асрда яшаган швейцариялик ёзувчи Лафатер И.К. (1741-1801 й) физиогномикага доир ёзилган машҳур «Физиологик парчалар» трактатида ўзининг физиогномикага доир таълимотини асослаб беради.

**Физиогномика** – инсоннинг ўзига хос жиҳатларини юз қомат, ташқи кўриниш орқали тасвирлаш ҳақидаги таълимот бўлиб, уни кенг маънода оладиган бўлсак, у кузатилаётган ҳодисаларни ташқи жиҳатдан ифоҳлаш санъати, воқеъликни ташқи формаларда тушунтириш ҳақидаги таълимотдир.

Физиогномистларнинг фикрича, характер бу тақдирнинг белгиси, бу тақдири азалдир.

Француз психологи, биринчи француз лабораториясининг директори (1889 й) Рибо Т.А. (1839-1916 й) инсон характерларини икки гуруҳга бўлади: ҳиссиёти кучли, сезгирлар, (юмшоқ, беозор, эмоционал) ва иродалилар (бевосита фаол ва ўта фаол) характерлилар.

XX асрда немис психологи Э. Шпрангер (1882-1963 й) характернинг 6 типини ажратади: 1) амалиётлар (иқтисодиёт, хўжалик, худбинлар); 2) назариётчилар (интеллектуаллар, якка, амалий фаолиятда ёрдамга муҳтожлар); 3) эстетлар – ҳаётдан лаззатланадиганлар; 4) диндор кишилар; 5) ҳокимиятга интилувчилар, доҳийлар; 6) ижтимоийлар – жамият манфаатлари учун яшовчилар.

Рус психологи А.Ф. Лазурский (1874-1917 й) илмий изланишлари характерология ва шахс классификациясига бағишланган бўлиб, у одамларни 3 гуруҳга (даражага) ажратади:

– паст даража – самарали, фаол, фикрловчи, ҳисоб-китобли худбинлар;

– ўрта даража – назариётчилар, олимлар, идеалистлар, ҳукмдор, тадбиркорлар;

– юқори даража – жамоатчилар, интеллектуаллар, ҳокимиятда маълум мазмуни кўра оладиган, гўзалликка интилувчилар.

Рус психологи А.Н.Нечаев (1929 й) ўзининг «Инсон характери» китобида оғир вазмин, серҳаракат, интилувчан ҳарактерга эга бўлган кишиларни аниқлашга интилган. Характернинг моҳиятига доир конституционал назарияда (Шелдон, Кречмер) инсон характери унинг тана тузилишига қараб аниқлашга интилишлар бўлган. (атлет, астеник,

шкини) аммо шу вақтгача характер классификацияси аниқ тизимга эга эмас.

**Характер тизими.**

Инсон характерининг тизимини ўрганишнинг асосий вазифаси характер хусусиятлари маълум тизимга солиш ва улар орасидаги боғлиқликни аниқлашдир.

Характер хусусиятлари бу шундай индивидуал хусусиятларки, улар инсоннинг маълум вазиятдаги хулқ-атворини кўра олиш, аниқлашга ёрдам беради. Инсонни борлиққа бўлган ҳаётий муносабатига кўра унинг характер йўналганлигини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

**А. Жамиятга бўлган муносабат**, атроф оламдаги нарса ва ҳодисаларга муносабат. (масалан, ватанпарварлик, ватанга муҳаббат, тилга, келажакка, она тупроққа муҳаббат).

**Б. Меҳнатга муносабат.**

**В. Бошқа одамларга муносабат.**

**Г. Ўз-ўзига муносабат.**

А. **Жамият, оламдаги нарса ва ҳодисаларга бўлган муносабат:** бу авваламбор ватанпарварлик, ватанга бўлган муҳаббатдир. Инсон алоҳида ватанпарварлик ҳисларини туғилган, яшаган ерларига нисбатан намоён қилади. бу муҳаббат ўз халқининг тарихий ўтмиши, унинг бой маданияти, тили, унинг порлоқ келажагига нисбатан ифода этилади. Бу муҳабат Республикамизни мустақилликка эришиши билан янада мустаҳкамроқ, ёрқинроқ бўлиши лозим.

Б. **Меҳнатга бўлган муносабат:** меҳнат - хаёт асоси, меҳнатга бўлган муносабат – меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишчанлик, меҳнатда ички қондирилганлик ҳолати, меҳнатдан қувониш, меҳнат қилишга эҳтиёж сезиш ва қарама-қарши сифатлар – меҳнатга юзаки муносабат, дангасалик ва ҳ. к.

В. **Бошқа кишиларга муносабат:** бу очиқлик ва дилкашлик, қарама-қарши сифатлар – юзакилик, манманлик.

Бу сезгирлик, тезкорлик, қарама-қаршиси – ўз қобиғида ўраниб олган одамовилик. Ва ниҳоят, бу мулойимлик ва берилган ишни вақтида бажариш тезкорликдир.

Г. **Ўз-ўзига бўлган муносабат**: ушбу муносабат асосида инсоннинг ўзига ва бошқаларга нисбатан кўплаб характер асоратлари шаклланади, улар ўз ўрнида шахс учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Буларга инсонни ўз-ўзига берган баҳоси, ўз устида ишлаш эҳтиёжи киради. Бу авваломбор камтарликдир.



Камтарлик қуйидаги қисмларни ўз ичига олади: 1) ўз-ўзини намоён қилиш, ўзини кўрсатишга салбий муносабат; 2) ўз имкониятлари чегарасини билиш; 3) эҳтиёткорлик, сезгирлик, бировни дилини бесабаб оғритмаслик; 4) ўз имкониятлари, муваффақиятлари сабабини яхши шарт-шароитлар билан боғлаш.

Камтар киши жуда оддий, табиий, баландпарвоз гапларни ёқтирмайди, ўз хусусиятини билади ва ўз кучига бўлган ишончни йўқотмайди.

Камтарликдан ўз-ўзини баҳолай олмасликни, ўз-ўзига ишончни йўқлигини ажрата олиш лозим.

Баъзи одамларда ўз-ўзига юқори баҳо бериш, ўзини севиш, такаббурлик, манманлик каби сифатларни ҳам кузатиш мумкин.

Инсонни зарур сифатларидан бири ўз-ўзига танқидий қараш – бу доимий ўз устида ишлашга ундовчи асосий омилдир.

Инсонни ўзига бўлган муносабати характеристикасида мустақиллик ва тақлидчанлик маҳим ўрин эгаллайди.

**Мустакиллик** – инсоннинг ижобий характер сифати бўлиб, у масъулиятлилик, ўз-ўзига ишонч билан боғлиқдир. Бу сифат ижодий иш билан машғул бўлган кишиларга хосдир.

**Тақлидчанлик** – ўз фикри ва хатти-харакатларини бошқа кишилар хатти-харакатларидан кўчиришга мойиллик. Яхши одатларга тақлидчанлик барча кишилар учун зарурдир. Кўр-кўрона тақлидчанлик, айниқса ёмон одатларга тақлид қилишга олиб келиши мумкин.

Мустақил одамлар ўз олдиларига қўйилган мақсадларга қатъийлик билан эришадилар. Мақсадни аниқлиги ва юксаклиги характер сифатларни шаклланишти учун жуда зарурдир.

**Инсоннинг иродавий характер сифатлари** – бу фаоллик, қатъиятлилик, жасурлик, оригиналлик, ташаббускорлик, ўз-ўзига ишониш, тартиб-интизомлилик, чидамлилик, матонатлилик ва ҳ. к.

Ушбу иродавий сифатларга қайсарлик қарама-қарши бўлиши мумкин.

Қайсарлик жуда паст ва англанилмаган мотивация билан ажралиб туради.

«Мен қандай истасам, шундай қилдим», бу тафаккурнинг торлиги, бошқаларга талабчанлиги, ақлли фикрларга берилишнинг ўзига нисбатан пастлигидан далолат беради. Одатда характер тизимида баъзи сифатлар устивор бўлади.

**Характер тузилишини** бир бутунлиги аниқликда, мақсадга эгаликда, оригиналлик ва динамикада намоён бўлади. Характернинг асосий хусусиятларидан унинг аниқлигидир. Аниқлик бир ёки бир неча сифатларни устиворлигида намоён бўлади. Масалан Ҳамза характерининг

асоси бу ақл ва эҳтирос ихтилофлари ҳамда ҳаётдан қўрқишдир. Аниқ намоён бўлмаган сифатлар ўз ёрқинлигини йўқотади.

Бир бутунлик – ички бутунлик, сифатларда қарама-қаршиликларнинг мавжуд эмаслиги, йўналганлик ва фаолият ўртасида боғлиқлик, айниқса ва хатти-ҳаракатлардаги узвийликдир.

**Характер мураккаблиги** – бу турли туман қизиқишларни онг ва фаолиятга фаол таъсир кўрсатишидир. Масалан, М.В. Ломоносов характерининг мураккаблиги бунга мисол бўла олади. (Турли илмий қизиқишларга эгалик, унда чидамлилик ва қатъиятлилик, кучли эҳтирос ва эмоционаллик, руҳий юмшоқлик лирика билан алмашиниши).

**Оригиналлик** – индивидуал ўзига хослик бўлиб, у жуда кам ҳолларда учрайди.

Характернинг динамик ҳолати – характерни маълум ўзгарувчанлиги, бу ташқи ва ички сабаблар ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатни ўзгарганлигида намоён бўлади.

Жўшқинлик –характернинг маълум ўзгарувчан сифати бўлиб, у ташқи ўзгаришлар ҳамда ўз устида ишлаш натижасида юз беради. Жўшқинлик ҳақида гапирилганда унинг бўйсунувчанлигига алоҳида тўхталиш лозим.

Ҳаётий воқеаларга боғлиқ ҳолда характер инсонларни онгида ва фаолиятида, маълум қисмида унинг ташқи кўринишида намоён бўлади.

Характер бутун кучи билан инсон фаолиятининг хулқ-атворида ифодаланади. Хулқ-атвор деганда аҳлоқий ва юридик баҳога эга бўлган хатти-ҳаракат тушинилади. Характер инсон нутқида, унинг баландлигида, темпида, тезлигида, кўпсўзлигида, эмоционаллигида намоён бўлади.

Маҳмадонагарчилик, кўп сўзлаш инсонни ўз-ўзига ишончида, ўзини намоён қилишида, ўзини севишида, худбинлигида ва шу билан бирга одамларга ёқишга интилиши учун хизмат қилади.

Индамаслик ўзининг гапираётган гапига бўлган масъулиятда, «гапирдинг тутилдинг, индамадинг қутилдинг» деган мақолдан фойдаланишга, ўз фикрларини яширишга интилишида намоён бўлади, баъзан у қўрқув, шубҳаланишида ҳам ифодаланади.

Характер мимика, пантомимика, қўл харакатларида ҳам намоён бўлиб, масалан юздаги ажинлар ёш билангина эмас, балки жаҳл чиққанда, кулганда ҳам пайдо бўлади.

«Кўз – қалбнинг кўзгусидир» деган халқнинг ибораси бор. Улар айёр, ёрқин, ўйноқи, совуқ, маъюс ва ҳ.к. бўлади ва у бу борада А.Н. Толстой: «Шундай одамлар борки, уларнинг кўзларигина кулади. Бундай одамлар айёр ва худбин бўлади. Шундай одамлар борки, уларнинг фақат оғзи



кулади – улар кучсиз, қатъиятсиздирлар ва бу иккала кулгу ҳам жуда ёқимсиздир» деган эди.

Характер ташқи кўринишда ҳам намоён бўлади. Масалан, манманлик, баландпарвозлик кўкракни олдинга чиқариб, бошни тик тутиб юришда кўринади.

Ҳатто инсоннинг кийими, унинг ранги, кийимларнинг айрим қисмлари унинг характери ҳақида нималардир дейиши мумкин.

Инсонни ташқи белгиларидан характерини аниқлаш – графология, хиромантия каби йўналишларда харакат қилинади.

**Графология** – (юнонча grapho – ёзаман, logos – таълимот) – ёзув шакли ҳақидаги таълимот, у орқали психик холатни аниқлаш мумкин деб ҳисоблайди.

**Хиромантия** – (юнонча che! –қўл , manteia – фол очмоқ ) қўлнинг чизиқлари, қадоқлари орқали инсон характерини аниқлаш, тақдир ҳақида фол очиш.

**Характер акцентуацияси** (урғу бериш) – бу характер сифатларини бирортасини кучайтириш, урғу бериш бўлиб, бунинг натижасида маълум психогенлик нозик танловганликни намоён қилинади ва шу вақтнинг ўзида бошқа характер сифатлари барқарор бўлиб, қолаверади. (А.Е. Личко)

А.Е.Личко қўллаган тизимда П.Б. Ганнушкин, Ч.Е.Сухарова классификацияси ва К. Леонгарднинг катталарда характер акцентуацияси турларига асосланади.

Аммо А.Е.Личконинг тизими ўзининг икки хусусият билан ажралади. Биринчидан, у махсус ўсмирларга мўлжалланган. Иккинчидан, у психопатияни, яъни характер ва унинг акцентуациясини патологик ўзгаришларини барча норманинг хилларини ҳисобга олади.

А.Е. Личко қуйидаги акцентуация турларини (11 турлар) ифодалайди:

1. **Гипертим турлари** – ушбу турдаги ўсмирлар ҳаракатчан, киришимли, шўх бўладилар, улар бор жойда доимо шовқин сурон бўлади. Умумий қобилиятларини асосида улар барқарорлик, тартиб-интизомсизликни намоён қиладилар, бир текис ўқимайдилар. Кайфиятлари доимо яхши. Уларда тез-тез катталар билан келишмовчиликлар пайдо бўлиб туради. Уларнинг қизиқишлари турли-тумандир, лекин улар юзаки ва тез ўтадигандир. Ушбу турдаги болалар ўз қобилиятларига ортиқча баҳо берадилар, ўзларини кўрсатишга интиладилар, мақтанчоқлар, бошқаларда ўзлари ҳақида яхши фикр уйғотишни истайдилар.

2. **Циклоид тури.** Юқори даражада асабийлашувчан, апатияга мойил. Улар уйда ёлғиз бўлишга интиладилар. Нохушликларни бошдан оғир

асабийлашадилар. Уларнинг кайфиятлари тез кўтарилиб, тез пастга тушади.

3. **Лабил тури.** Ушбу тур кайфият жиҳатидан жуда ўзгарувчан ва олдиндан айтиб бўлмайдиган хусусиятларга эга. Уларни кайфиятини ўзгаришига хаттоки жуда арзимас турли сабаблар таъсир кўрсатиши мумкин. «Уларнинг ҳаммаси жиддий муваффақиятсизлик ва нохушликларсиз ҳам ғамгин, хафа, маъюс бўлиб қолишга мойиллар.» (А.Е. Личко). Уларнинг кайфияти хулқ-атвор билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам улар кайфиятларидан келиб чиққан ҳолда келажакларини гоҳ ёрқин, гоҳ аксинча тасаввур қиладилар. Бундай ўсмирлар кўпинча психологик ёрдамга муҳтождирлар. Улар атрофдагиларни уларга бўлган муносабатларини яхши ҳис қиладилар.

4. **Астеноневротик тури.** Ушбу тур шубҳаланувчан, тажанг, қайсар, тез чарчовчи, асабийлашадигандир. Айниқса, қийин ақлий иш уларни толиқтиради.

5. **Сензитив тури.** Уларга сезгирлик хосдир. Ушбу ўсмирлар катта давраларни, таваккалчиликни, ҳаракатчанликни ва шўх ўспиринларни ёқтирмайдилар. Уларга уятчанлик хос бўлиб, кўп ҳолларда улар одамови кишилар каби қабул қилинадилар. Улар фақат ўзларига яхши таниш кишилар, болалар билан очиқ муносабатда бўладилар. Улар бўйсунувчан бўлиб, ўз ота-оналарига жуда боғланганлар. Ўспиринликда «қониқмаслик комплекси» юзага келиши мумкин. Улар масъулият ҳисси, ўзига ва атрофдагиларга бўлган аҳлоқий талабларни эрта англайдилар. Ўз қобилиятидаги камчиликларни мураккаб фаолият турларини танлаб тўлдирадилар.

Ушбу ўсмирлар дўстларини танлашда ўта талабчан, дўстга боғланган, ўзларидан катта дўстларини ҳурмат қиладилар.

6. **Психоастеник тури** ушбу ёшларга илк интеллектуал ривожланиш, ўйловчанлик, ўз-ўзини таҳлил қилиш, бошқа одамларга, уларни хатти-ҳаракатларига баҳо бериш хосдир. Улар ишдан кўра сўзда ўткирлар. Улардаги ўз-ўзига бўлган ишонч қобилиятсизлик билан, асоссиз фикрлар – тезкор ҳаракатлар билан намоён бўлади.

7. **Шизоид тури.** Уларнинг ёрқин намоён бўладиган сифати одамовиликдир. Улар ўз тенгдошларидан кўра катталарга интиладилар. Улар ўз дунёси, ўз оламида яшайдилар. Уларда одамларга нисбатан ташқи бефарқлик мавжуд. Бундай ўсмирлар ҳамдард бўла олмайдилар. Уларнинг ички дунёси фантазияга тўла, улар доимо ўзларини ушлаб тура оладилар, ўз тенгдошларига кўпинча ёқмайдилар.



8. **Эпилептоид тури.** Бу ўсмирлар ёшлигида жуда йиғлоқи бўлиб, катталарни қийнайдилар. «бундай болалар ҳайвонларни қийнашни, ўзларидан кичкиналар устидан кулишни ёқтиришади, булар болалар орасида сардоргина эмас балки, ҳоким бўлишга интиладилар.» (А.Е. Личко). Уларни турига қаҳрлилик, ўзини севиш ва ҳукмдор бўлишлик мансубдир. Улар бошқараётган болалар гурухига террористик тартиб-интизом, бўйсунувчанлик мансуб.

Ўта қаттиқ тартиб интизом тизимида улар ўзларини баланд тутадилар, шу билан бирга «Раҳбарга ёқиш, баъзида ўзига мос мансаб ёки ҳурмат эътиборга эга бўлишга эга бўла оладилар.» (А.Е. Личко).

9. **Истероид тури.** Ушбу турнинг асосий хусусияти – худбинлик, ўзига бўлган муҳаббатдир. Уларга театраллик, таваккалчилик хосдир. Бундай болалар ўз олдиларида ўртоғини мақтаганини кўтара олмайдилар. «диққат эътиборни тортиш, мақтовлар эшитиш, улар учун аҳмиятли эҳтиёждир.» (А.Е. Личко). Диққат эътиборни тортиш мақсадида улар шовқин кўтаришлари, жанжал бошлашлари мумкин. Кўп ҳолларда сардорликни эплай олмай, норасмий обрўга эга бўлмай мағлуб бўладилар.

10. **Беқарор тур.** Кўпинча уларни иродасиз, оқим билан юрувчи деб характерлайдилар. Бундай ўсмирлар ўйин-кулгуга, байрамларга интиёқмандирлар. Уларда жиддий, шу жумладан касбий қизиқишлар мавжуд эмас, улар ўз келажаклари хақида ўйламайдилар.

11. **Конформлилик тури.** Ушбу гурухга кирувчи болалар тўғридан-тўғри бўйсинишга мойиллар. Уларни асосий ҳаётий шиори «Ҳамма каби бўлиш...». Улар мосланувчан ўз манфаати йўлида дўстини ҳам сотишдан қайтмайдиган ва шу билан бирга ўз хатти-ҳаракатларига оқлов ҳам топадилар.

Характерни шаклланиши маълум ижтимоий муҳитда юз беради. Характер жамиятдаги тарбиянинг акс этилишидир. Авваломбор бола характери оила, ота-онага боғлиқдир. Мактабдаги таълим-тарбия етакчи аҳамиятга эгадир. Характерда ўз-ўзини тарбиялаш ҳам муҳимдир.

Характерни тарбиялаш йўллари – бу одат ва тақлидни шакллантиришдир.

Характерни шакллантиришда меҳнатни роли жуда катта. Характерни шаклланишининг асосий шарти уни чиниқтиришдир, бунда можароли вазиятларнинг роли ҳам каттадир. Ва ниҳоят, ҳаёт жараёнида характерни қайта тарбиялаш муаммоси ҳам вужудга келади.

Ўзбек халқи ўзининг азалий миллий ғурур, ватанпарварлик, ўз тарихи, тили, анъаналарига бўлган чуқур ҳурмат, ўз тарихини ҳурматлаш каби характер хусусиятларини сақлаб қолган. Бугунги кунда ёш авлодни

тарбиялашда ўзбек халқига хос бўлган меҳнатсеварлик, довюраклик, дилкашлик, хушчақчақлик ва инсонийлик каби фазилатларни шакллантириш таълим-тарбиянинг асосий вазифаларидан биридир.

### Қайтариш учун саволлар

1. Характерга тушунча беринг ва уни инсон ҳаётидаги ролини изоҳланг.
2. Характер асослари нимадан иборат?
3. Шахс структурасида характернинг роли нимадан иборат?
4. Ўзбек халқининг характер хусусиятларини айтинг.
5. Характерни етакчи фаолият билан боғлиқлигини ва уни турли ёш даврларда ифодаланишини тушунтиринг.
6. Характер шаклланишида оила, маҳалла, ўқув муассасаси, тенгдошларининг таъсирини тушунтиринг.
7. Характерни тарбиялашнинг асосий усулларини ажратинг.
8. Характер акцентуацияси деганда нимани тушунасиз?



## XV боб. Қобилиятлар.

### Режа:

1. Қобилиятлар ҳақида тушунча.
2. Қобилиятлар тизими.
3. Қобилиятнинг сифат ва миқдор характеристикаси.
4. Лаёқатлар, қобилиятлар ва инсонларнинг индивидуал фарқлари.
5. Қобилиятларни ривожлантириш.

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" (август 1997 йил) таълимнинг узлуксиз ўзбек моделига асос солиб, унинг асосий вазифаси комил шахсни шакллантиришдир.

Дастурнинг муҳим вазифаларидан бири таълим олувчиларнинг ақлий индивидуал хусусиятлари ва қобилиятларини таркиб топтириш бўлиб ҳисобланади.

Қобилиятлар муаммоси психология фанида қизиқарли ва маълум даражада тадқиқ қилинган муаммолардан биридир. Бу муаммо юзасидан қадимдан то шу кунга қадар олимлар изланишлар олиб борганлар. Инсоннинг имкониятларини ўрганишга Шарқ мутафаккирлари (Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Сино), Россия психологлари (Б.М.Теплов, Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузмина, С.Л.Рубинштейн, А.Г.Ковалев, В.Н.Мясищев), Ғарб олимлари (А.Бине, Т.Симон, Ф.Гальтон, В.Штерн, У.Оллпорт, К.Роджерс) кабилар катта хисса қўшганлар. Ушбу муаммо устида Ўзбекистон психолог олимлари (Э.Ғозиев, Р.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, Б.Р.Қодиров, В.А.Токарева ва бошқалар) ҳам изланиш олиб борганлар.

Маълумки, турли кишиларни бир хил шароитларга ва вазиятларга қўйилганда улар турли муваффақиятларга эришадилар. Бундай пайтларда "қобилиятлар" тушунчасига суянамиз ва муваффақият асосини қобилият деб тушунтирамиз. Бу тушунчадан баъзи одамларни янгиликни бошқалардан кўра тезроқ ва яхшироқ ўзлаштирганларида ҳам фойдаланамиз.

Қобилиятлар ўзи нима? "Қобилиятлар" психологияда кенг ва анчадан бери фойдаланганлигига қарамай турли адабиётларда турлича талқин этилади. Агар барча тушунчаларни бирлаштириб, мўъжаз классификацияни фараз қиладиган бўлсак, "Қобилият" тушунчаси узоқ муддатнинг ривожланиш жараёнида юзага келганига амин бўламиз.

"Қобилиятлар - инсон руҳиятининг хусусияти бўлиб, у барча психик жараёнлар ва ҳолатларнинг йиғиндиси сифатида тушунилади".

Ушбу тушунчанинг камчиликлари нимадан иборат? Бу тушунча асосчиси Христиан Волф (1679-1751) хисобланиб, унинг назариясига кўра барча психик ходисалар қобилиятлар категориясига киритилган. Бундай ёндашувда муайян қобилиятлар тизимини аниқлаш мумкин эмас эди. Қобилиятларни инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳам аниқланмаганди. Шунинг учун бу тушунча психологияда кенг тарқалмади.

XVIII - XIX асрларда "Қобилият бу умумий ва махсус билим, малака ва кўникмалар йиғиндиси бўлиб, у турли фаолият муваффақиятини таъминлайди. Янги қарашлар юзага келади.

Ушбу тушунча тўғримикан? Унинг камчилиги нимада?

Амалиётда биз маълум қобилиятга эга бўлган, лекин етарли билимга эга бўлмаганлиги туфайли ўзини намоён қила олмаган кишиларни биламиз.

Юқорида айтилган фикримизнинг далили сифатида ёш В.Суриковни (рус рассоми) Санкт Петербург рассомчилик Академияси ўқишга қабул қилмаганда, у бир йил икона чизиш устахонасида рассомчилик кўникмаларини эгаллайди ва келаси йилга худди ўша имтиҳондан йиқитган домлалар уни Академияга ўқишга қабул қиладилар.

Альберт Эйнштейн ўрта мактабда ўқиб юрганида ўртача ўқувчилардан бўлиб, унинг генналлигини намоён қилувчи ҳеч нарса бўлмаган.

Қобилиятлар билимлар, кўникмаларда эмас, балки уларни эгаллаш динамикасида яъни билим, кўникмалар қандай шароитда тез, чуқур ва осон эгалланишида намоён бўлади. Бу тушунчадан бугунги кунда ҳам фойдаланилади.

Ва ниҳоят, яна бир тушунчани кўриб чиқамиз. "Қобилият - бу билим кўникма ва малакаларни намоён бўлиши эмас, балки уларни тез ўзлаштирилиши ва уни амалиётда самарали қўлланилишидир".

Ушбу тушунчанинг янгилиги ва тўлалиги нимада?

Ушбу тушунчада қобилиятлар билим, кўникма ва малакаларга тенглаштирилмай, уларга нисбатан инсоннинг муносабати, билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш енгиллиги, тезлиги ва чуқурлиги, ҳамда уларни маълум бир фаолиятни енгил ўзлаштиришида ва шу фаолиятнинг муваффақиятли бажаришда намоён бўлади.

Шундай қилиб, қарама-қаршиликларни енгиш ҳамда ҳақиқатни излаш оқибатида олимлар қуйидаги хулосага келдилар, "Қобилиятлар - шахснинг индивидуал психологик хусусияти бўлиб, унга билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштирилишининг тўлиқлиги, тезлиги, енгиллиги, чуқурлиги, ҳамда турли фаолиятни ўзлаштириш ва уни муваффақиятли



бажаришга боғлиқдир"[10]. Бу тушунчани психологияга йирик Россия олими Б.М.Теплов (1896-1965) киритган бўлиб у бугунги кунда кенг тарқалгандир.

Юқорида айтиб ўтилганидек Б.М.Теплов қобилиятларнинг умумий назариясини ишлаб чиқишга ўз хиссасини қўшган Б.М.Тепловнинг фикрича "Қобилиятлар" тушунчаси ўз ичига уч белгини қамраб олди: "Биринчидан, қобилиятлар деганда бир одамни бошқасидан ажратиб турадиган индивидуал психологик хусусиятлар тушунилади.....

Иккинчидан қобилият деганда ҳар қандай индивидуал психологик хусусиятни эмас бирор бир фаолиятни муваффақиятли бажарилишини таъминловчи хусусият тушунилади.

Учинчидан "Қобилиятлар" одамнинг билимлари, кўникмалари ва малакаларига тенглаштирилмаслиги лозим"

Б.М.Тепловнинг фикрича қобилиятлар доимий ривожланишдагина мавжуд бўлиши мумкин.

Ривожланмаган, амалиётда қўлланилмайдиган қобилият вақт ўтиши билан йўқолади.

Энди замонавий психологияда қобилиятларнинг классификациясини кўриб чиқамиз. Психологияда табиий ва махсус инсоний қобилиятлар ажратилади.

**Табиий қобилиятлар** - бу идрок, хотира, тафаккур ва бошқа оддий психик жараёнида намоён бўлиш қобилиятидир. Улар инсон ва ҳайвонларда табиийдир.Инсонда ижтимоий муҳитга мослаша олиш қобилияти мавжуддир. Бу умумий ва махсус ақлий қобилиятлар, нутқ ва мантиқдан фойдаланганда, шахсларaро, предметлараро муносабатларда намоён бўлади.

**Умумий қобилиятлар** инсонни турли фаолият йўналишларда муваффақиятини таъминлайди.

Махсус қобилиятлар инсонни бирор-бир махсус фаолият йўналишидаги муваффақиятини таъминлайди ва унинг намоён бўлиши учун махсус лаёқат бўлиши лозим.

Бундай қобилиятларга мусиқавий, математик, техник, адабий-ижодий, педагогик ва бошқалар киради.

Психологик адабиётларда махсус қобилиятларни ривожлантиришга доир кўплаб тажрибавий ишлар қилинган. Уларга хос бир неча ишларда тўхтаймиз.

[10] Б.М.Теплов "Способность и одаренность" // христоматия по возрастной и педагогической психологий М.: 1981, 32-стр.

Мусиқавий қобилиятлар Б.М.Теплов томонидан ўрганилиб, "Психология музыкальных способностей" китобида кенг очиб берилган.

Унда мусиқий қобилиятлар заминида индивидуал-психологик хусусиятлар комплекси ётиб, улар шахсда мусиқавий шаклланганлигига хизмат қилади деб кўрсатилиб ўтилади.

Б.М.Тепловнинг фикрича, мусиқавийликнинг асосий намоён қилиб турадиган нарса мусиқани хис қилиш, шунингдек мусиқани эмоционал хис қила олишлик мусиқавий қобилиятнинг асосий мазмунидир.

Б.М.Теплов мусиқавийликни тизимини кўриб чиқади ва қуйидагиларни киритади: мусиқани эшитиш хусусияти, мусиқа ритми ва мусиқий хотира.

Математик қобилиятлар устида В.А.Крутецкий ишлаган. Жумладан у "Математик қобилиятлар психологияси"[11] монографиясида математик қобилиятлар ва уларнинг тизимини кенг ёритиб берган.

У идрок, тафаккур, хотира-хаёлнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаб, уларни математик фаолиятда намоён бўлишини (математик ўзлаштиришда) тадқиқ қилган.

Математик материални ўзлаштиришда идрокнинг аҳамиятини аниқлаган В.А.Крутецкий қобилиятли ўқувчиларда ўзига хос материални "ичкп" аналитик-синтетик таҳлил қилиш, қайта ишлаш хусусияти, "жойида" масалани тизимини идрок этиб, уни асосий муносабатларини очадилар деб ҳисоблайди. Математикага алоҳида истеъдоди бўлган ўқувчилар ўзига хос "математик ақл" билан характерланадилар - улар борлиқнинг мантиқий ва математик мазмунини топа оладилар, улардаги мантиқий ва математик категорияни аниқлайдилар, кўпинча ходисаларни математик муносабатлар нуқтаи-назарияси орқали қабул қиладилар.

Тасвирий санъатга хос қобилиятларни В.И.Кириенко ўрганган. Унинг "Тасвирий фаолият қобилиятлари психологияси"[12] китобида тасвирий қобилиятнинг психологик таҳлили берилган. Тасвирий фаолиятда идрокнинг хусусиятларини ўрганиш жараёнида В.И.Кириенко тасвирий санъатда қобилият ходисаларни яхлит ва синтетик кўринишда идрок этишда намоён бўлиб, у бадиий талантнинг асосий мазмуни эканлиги ҳақидаги хулосага келади.

Тасвирий фаолиятдаги қобилиятлардан бири пропорцияларга баҳо беришдир. Яна бир тасвирий қобилиятларнинг характерли томони ранглар муносабатини баҳолай олиш ва перспектив қисқартиришларга баҳо беришдир.

[11] Теплов Б.М. "Психология музыкальных способностей". Изд. АПН РСФСР. М - Л.; 1947 год.
[12] Кириенко В.И. Психология способностей к изобразительной деятельности. Издательство АПН РСФСР М.: 1959.



Перспектив қисқартиришларга баҳо бериш – тасвирий санъатнинг асосий вазифаларидан биридир ва уни тўғри ҳал қилиниши тасвирий санъатдаги қобилиятларнинг асосий кўринишидир.

Бадиий ижодиёт жараёнида кўриш тасаввурлари муҳим аҳамиятга эги. Бирор бир материални олиб уни англанилган ва мақсадга йўналтирилган ижод орқали баддиий образ юзага келади ва предметнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

А.Г.Ковалев тасвирий фаолиятда асосий таянч сифатида - қўллар чаққонлиги деб ҳисоблайди. Бундан ташқари ижодий қобилиятларнинг намоён бўлишида ҳам инсоннинг эмоционал кайфияти муҳимс аҳамиятга эгадир.

Ташкилотчилик қобилиятларни узоқ вақт Л.И.Уманский ўрганган[13]. Муаллиф ташкилотчилик қобилиятларининг тизимини яратади. Унинг фикрича ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган кишилар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

а) шахснинг йўналганлиги;

б) унинг тайёргарлиги;

в) умумий хусусиятлар (киришимлилик, ривожланишнинг умумий даражаси, амалий ақл, кузатувчанлик, фаоллик, ташаббускорлик, қатъийлик, ташкилотчилик, ўз-ўзини бошқара олиши).

г) махсус хусусиятлар (ташкилочлик хис, психологик кашфиётчилик, психологик такт: эмоционал – иодавий таъсир этиш, талабчанлик, танқидийлик, ташкилотчилик фаолиятига моиллик);

д) шахсий индивидуал хусусиятлар.

Педагогик қобилиятларни Н.В.Кузьмина, Ф.Н.Гоноболинлар тадқиқ этганлар[14].

Улар педагогик қобилиятларнинг тизимида қуйидаги қисмларни киритганлар:

а) дидактик қобилиятлар - ўқув материални ўқувчиларга тушунарли, аниқ, ёшига мос ҳолда ўқитиш, таълимга қизиқишни уйғотиш, уларда мустақил фикрлашни шакллантириш;

б) академик қоблиятлар – турли фанлар (математика, физика, биология, тарих ва ҳ.к.)га доир билимларга эга бўлиш.

в) Перцептив қобилиятлар - ўқувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти, психологик кузатувчанлик, унинг психологик ҳолатини тўғри англай олиш;

[13] Уманский Л.И.Организаторские способности и их развитие. Курск, 1967.
[14] Кузьмина Н.В. – Способность, одаренность и талант учителя. Л.: 1985. Гоноболин Г.Н. Книга об учителе. М.:, 1965.

г) нутқ қобилияти – фикрларни тўғри, аниқ, эмоционал нутқ орқали етказа олиш ;

д) ташкилотчилик қобилияти – ўқувчилар жамоасини бирлаштира олиш ва орасидан етаклаш;

е) авторитар қобилиятлар – бевосита ўқувчиларга эмоционал – иродавий таъсир кўрсата олиш ва шу асосда ҳурмат, эътиборга эришиш;

ж) коммуникатив қобилиятлар – болалар билан мулоқотга кириша олиш қобилияти, педагогик тажрибага эга бўлиш;

з) педагогик ҳаёл – бу махсус қобилият тури ташхис қўя олиш қобилияти асосида ўқувчи келажагига, унинг ривожланишига олдиндан кўра олиш орқали замин яратилади.

и) диққатни тахсимлай олиш қобилияти – бир вақтнинг ўзида диққатни турли фаолиятлар орасида тақсимлай олишдир.

Техник қобилиятлари муаммоси билан М.Г.Давлетшин[15] шуғулланган.

Техник қобилиятлар тизимида муаллиф ёрдамчи, таянч ва етакчи сифатида ажратади.

Техник қобилиятларнинг таянч сифати – техник кузатувчанлик бўлиб ҳисобланади. Етакчи сифатга техник тафаккур ва техник ҳаёлни киритиш мумкин (техникани тушуниш, техник масалаларни таҳлил қила олиш, фазовий тасаввурларни аниқлиги, форма ва масофани эсда олиб қолиш, конструктив фантазия). Ёрдамчи сифатта қўл (мануал) эпчиллигини киритиш мумкин.

Энди қобилиятларнинг сифат ва миқдор характеристикасини кўриб чиқайлик. Қобилиятларнинг сифат характеристикаси ҳақида гапирилганда кишининг қайси фаолиятда ишлаётганлиги (конструкторлик, педагогик, спорт, иқтисод ва ҳ.к.) қайси фаолият турида ишлаб ўзини топиши, муваффақиятга эришиши мумкинлиги назарда тутилади.

Қобилиятларнинг бу характеристикаси ҳақида турли махсус қобилиятлар ва уларнинг тизими ҳақида гапирганимизда тўхталганмиз. Қобилиятларда бир неча даражаларни ажратиш мумкин: истеъдод, талант, даҳолик.

Истеъдод - инсонда қобилиятлари ривожланишининг табиий замини.

Талант - инсон қобилиятларини ривожланишининг юқори босқичи бўлиб, у бирор бир фаолият турида (юқори муваффақият) катта ютуқларга эришишга хизмат қилади.

Даҳолик - инсонда бирор бир қобилиятнинг энг юқори босқичи бўлиб, у инсонни бирор бир фаолият турида буюк шахс қилиб ифодалайди.

---

[15] Давлетшин М.Г. Психология технических способностей школьников. Ташкент: Фан, 1971.



Инсонни етуклик даврида юқори даражадаги ривожланиши билан психологиянинг махсус фани акмеология шуғулланади.

Қобилиятларнинг сифат характеристикаси унинг миқдор характеристикаси билан узвий боғлиқдир.

Қобилиятларнинг миқдорий ўлчами ўзига хос тарихга эга XIX асрнинг охири XX аср бошларида Д.Кеттел, Л.Термен, Б.Скиннерлар инсонни ўзи шуғулланаётган фаолиятга яроқлиги, унинг қобилитлари даражасини аниқлаш таклифи билан чиқадилар. Бунинг учун ақлий истеъдод тестларидан фойдаланиш тавсия этилган.

Буни қандай аниқланганлигини кўриб чиқамиз. Тадқиқ қилинувчи тестларни тугутгач, унинг натижалари стандартлашган ҳолда баллари ҳисоблаб чиқилади. Бу ақлий истеъдод коэффициентини (JQ – «ай-кью») аниқлаш имкониятини беради.

JQ ни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$JQ = \frac{\text{ақлий ёш}}{\text{аниқ ёш}} \times 100$$

Ақлий ёш – интеллектни аниқловчи биро – бир шкала асосида белгиланади. Масалан, 11,5 ёшли боланинг ақлий ёши 120 бал шкала билан аниқланади.

Агар икки бола 120 баллдан йиққан бўлса, лекин уларнинг бирини ёши 10,5 иккинчисининг ёши 14 да бўлса, у ҳолда

Биринчи боланинг $JQ = \frac{\quad}{10,5} = 109,5$ га

Иккинчи боланинг $JQ = \frac{\quad}{14} = 82,1$ га тенгдир.

Аммо бу борада Л.С.Виготскийнинг танқидий фикрлари мавжуд, зеро агар бола берилган вазифани бажармаса, у унинг қобилият даражаси аниқланади деб ҳисоблаш нотўғри. Л.С.Виготский истеъдодни аниқлайдиган тадқиқотларни такрорлаб ўтказиш лозимлигини айтади, аввал мустақил, сўнг катталар ёрдамида. Истеъдод даражаси эса аввал мустақил, сўнг катталар ёрдами билан ўтказилган тажрибалар натижаларини солиштириш асосидаги фарқ орқали аниқланади. Истеъдод даражасини аниқлашнинг ушбу усули Л.С.Виготский томонидан "бола ривожланишининг яқин зонаси" деб аталган.

Психология фани дифференциал қобилиятларнинг туғма бўлишини инкор этмаган. Қобилиятларнинг ривожланишига табиий замин бўлувчи хатти-ҳаракат, хис қилиш органлари ва мия тузилишидаги бу морфологик ва функционал хусусиятлар лаёқат деб аталади.

Лаёқатлар турлича йўналишда бўлади. бир лаёқат заминида турли қобилиятлар шаклланиши мумкин, бу фаолият «характер»ига боғлиқдир. Бугунги кунда қобилиятларни ривожланишида табиий асоснинг моҳияти ҳақидаги фаразларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида кўплаб гапириш мумкин. Албатта қобилиятлар тушунчаси каби лаёқат муаммоси ҳам ўз тарихига эга. Лекин, ушбу масаларнинг тўғри ечими ҳали ҳам охирига етмаган.

Қобилиятни ирсий асослари бўйича фанда турли қарашлар мавжуд. Австралия олими Ф.Галл (1758-1828) мия ва алоҳида қобилиятлар орасида боғлиқлик бор деган фаразни илгари суради. Ушбу фараз тўғрими? Қачонлардир бу фараз жуда машҳур эди, у қобилиятларни мия билан боғлаган эди. Лекин Ф.Галлнинг ақлнинг, талант ва қобилиятларнинг сифати миянинг катта ярим шарларида айрим жойларда жойлашган деган фикри фанда инкор этилган. Лекин ҳали ҳам мия оғирлиги ва қобилиятлар орасида боғлиқлик бор деган фикрлар мавжуд. Катта пешонали кишиларни ақлли, ақл-фаросатли, муаммоларни тез ҳал қилувчи бўлади деган фикрларга ҳали ҳам дуч келамиз ва аксинча пешонаси тор бўлган кишиларга нисбатан эса қарам-қарши фикрлар билдирилади. Албатта, бу фикрлар ўз тасдиғини топмаган. Инсон миясининг оғирлиги ва қобилиятлар ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги фикрлар ҳам тасдиқланган эсам. Маълумки, катта киши мияси 1400 г оғирликка эга. Шу жумладан, И.С.Тургеневнинг мия оғирлиги 2012, Д.Байронники - 1800г., Н.Франеники 1017, машҳур химик Ю.Либихники 1362 г. бўлганлиги аниқланган.

Яна шу ҳам маълумки бир ақли заиф кишининг мия оғирлиги катта бўлган (2 кг.га яқин). Демак юқорида гапирилган фикрлар ўз исботини топмади. Фан эса изланишларни давом эттирмоқда.

Бугунги кунда лаёқатларни миянинг микротизими ва сезги органлари орасидаги боғлиқлиги ҳақидаги фараз ўзининг маҳсулдорлигини намоён қилмоқда.

Бу борада ОНФнинг (умумий) турлари, шунингдек, ОНФнинг махсус турлари, психик фаолияти устунлик қилувчи биринчи сигналлар системаси (бадиий тур) ва иккинчи сигналлар системаининг (фикрловий тур) устиворлиги ҳақидаги таълимотлари назарда тутилган.

Шуни унутмаслик керакки ҳар қандай лаёқат қобилияти даражасига етиши учун маълум ривожланиш йўлини босиб ўтиши лозим.

Ҳар қандай қоблиятнинг биринчи этапи зарур органик тизимлар ва функционал органлар етишиши билан боғлиқ (туғилгандан то 6-7 ёшгача). Махсус қобилиятларнинг шаклланиши кичик ва ўрта мактаб ёшигача давом этади. Кузатувлар шуни кўрсатадики, қобилиятларни фаол шаклланиши



шахс ривожланишининг илк босқичларида намоён бўла бошлайди. Шундай вақеалар маълум жумладан, Моцарт 9 ёшида мусиқий пьессаларни чала бошлаган. Рафаэль 8 ёшида, Репкин - 4 ёшида расм чиза бошлаган, Пушкин 7 ёшида, Лермонтов эса - 8 ёшида шеър ёзган. Кибернетика отаси Винер 12 ёшида университетга ўқишга кирган. Лекин қобилиятларни кечроқ намоён бўлиши ҳам мавжуд (Акеаков, Шишков).

Инсоннинг қобилиятларини ривожлантирувчи фаолиятга қўйиладиган асосий талаблар:

- фаолиятнинг ижодий характери:
- ижрочи учун унинг юқори қийинлиги:
- зарур мотивация ва зарур эмоционал тайёргарликни таъминлашни.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агар бажарилаётган фаолият юқори қийинчиликда бўлса, у боланинг қобилиятларини ривожланишига асос бўлади, буни Л.С.Виготский ривожланишнинг яқин зонаси деб атаган.

Шуни унутмаслик керак-ки бола учун, унинг қобилиятларини ривожланиши учун энг ҳал қилувчи шароит таълим ва тарбиядир.

Бугунги кунда Республикамизда қобилиятларни шакллантириш муаммоси ижтимоий ва давлат муаммосига айланган. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида Республика ТАШХИС марказлари ва барча вилоят ва туманларда шундай марказлар ташкил қилинган.

Бугунги кунда махсус қобилиятлари аниқланган ўқувчилар ўзларини иқтидорини намоён қилган ҳолда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ихтиёрий-мажбурий равишда ўқишларини давом эттириб, йўлларини танламоқдалар. Бугунги кунда психология фани бу йўлда муҳим ўринларини эгалламоқда.

Зеро, Президентимиз И.А.каримов бу борада: «Биз ўз истеъдодли, фидоий болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак»[16], деган фикрлари юқорида баён этилган мулоҳазаларнинг ёрқин далилидир.

**Қайтариш учун саволлар**

1. Қобилиятни билим, кўникма ва малака билан боғлиқлиги нимадан иборат?
2. Қобилият структурасини очиб беринг.
3. Ўқувчилар қобилиятини шакллантириш усуллари ва йўллари нимадан иборат?
4. Қобилиятни сон ва сифат тавсифи нимадан иборат?

[16] Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси». Т.: «Шарқ» нашриёт матбаа концерти. 1998 й.

5. «Қобилият», «Лаёқат», «Талант», «Иқтидор», «Даҳолик» тушунчаларнинг моҳиятини очиб беринг ва уларни бир – бири билан боғлиқлигини тушунтиринг.

6. Ахмеология нимани ўргатади?

7. Инсонни фаолиятга тайёрлиги схемасини тушунтиринг.

8. Бир қобилиятни бошқа қобилият билан компенцациялашни тушунтиринг.

9. Иқтидорли болаларни танлаш муаммоси моҳияти нимадан иборат?

10. Республикамиздаги ТАШХИС марказларининг асосий вазифаси нимадан иборат?

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Анастази А. Психологическое тестирование в 2х томах. М. 1982.
2. Атлас по психологии. Под редакцией М.В.Гомезо. М. 2000
3. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчиси психологияси. Т. 1997
4. Каримова В.М., Акрамова Ф. Психология. Т. 2000.
5. Психология - қисқача изоҳли луғат. Т. 1998.
6. Шоумаров Г.Б. тақризи остида. Оила психологияси. Т. «Шарқ» 2000.
7. Шоумаров Г.Б. Муҳаббат ва оила. Т. «Ибн Сино» 1994.
8. Шоумаров Г.Б. ва бошқалар. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Т. «Меҳнат». 2000.
9. Гозиев Э. Психология. Т. 1994.
10. Қодиров Б.Р. Способности и склонности. Т. «Фан». 1990.




## МУНДАРИЖА:


| | | |
|---|---|---|
| Кириш | | 3 |
| I БОБ | Психология фанининг предмети ва унинг амалий вазифалари | 5 |
| II БОБ | Психологиянинг табиий-илмий асослари | 18 |
| III БОБ | Замонавий психология фанининг методлари | 28 |
| IV БОБ | Психик тараққиёт | 37 |
| V БОБ | Фаолият | 44 |
| VI БОБ | Мулоқот | 53 |
| VII БОБ | Шахс | 62 |
| VIII БОБ | Диққат | 77 |
| IX БОБ | Сезги ва идрок | 86 |
| X БОБ | Хотира ва ҳаёл | 96 |
| XI БОБ | Тафаккур | 105 |
| XII БОБ | Мотивация, ҳис-туйғу ва ирода | 114 |
| XIII БОБ | Темперамент | 122 |
| XVI БОБ | Характер | 130 |
| XV БОБ | Қобилиятлар | 139 |
| Адабиётлар | | 149 |

вбатида лаззатланиш (праксик) хисни вужудга келтиради. бунинг натижасида фрустрация (рухи тушиш) унинг шахсиятини эгаллайди.

Қизикишни психологик моҳиятининг учинчи кўриниши-унинг иродали сифатлари билан ёнки ирода акти билан умумлашган тарзда вужудга келишидир. Иродавий зўр бериш, муайян карор бўйича интилиш, баъзи кийинчиликларни енгиш, мустакиллик намоён килиш кизикишни карор топтиради, шахсни максад сари етаклайди.

Қизикишни психологик моҳиятининг тўртинчи кўриниши- уни олий нерв фаолияти хусусиятлари ва темперамент типлари билан бирга мужассамлашган холда намоён бўлишидир.

Кизикишнинг нерв-физиологик механизмлари тўғрисида мулоҳаза юритилганда, даставвал рус олими И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти ҳакидаги таълимотини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг «бу нима?» рефлекси, яъни ориентировка (мўлжал олиш) рефлекси кизикишнинг моддий негизини тушунтиришда мухим аҳамият касб этади. И.П.Павлов ва унинг шогирдларидан кейин П.К.Анохин, Н.А.Бернштейн, Б.М.Теплов, В.С.Мерлин, В.Д.Небилицин ва бошкалар инсондаги кизикишнинг нерв-физиологик механизмларини бош мия катта ярим шарлари пўстлоғида ориентировка рефлекси негизида мураккаб мувакқат богланишларнинг вужудга келишидир, деган йўсинда талкин килмокдалар. Қизиқишнинг моддий асослари- ўзаро индукция конуни, пўстлокдаги оптимал кўзғалиш ўчоғи ва динамик стереотиплар (И.П.Павлов), доминанта (А.А.Ухтомский), ориентир мураккаб психофизиологик ходиса эканлиги (Е.Н.Соколов) ва бошкалар бўлиб хисобланади.

Ҳозирги даврда кизикиш шахснинг индивидуал психологик хусусиятидан иборатдир, деган хулоса одатий нарсага айланиб колди.Шунга карамасдан, баъзи манбаларда қизикиш-муайян соха бўйича тўғри мўлжал олишга, янги омиллар билан танишишга, воқеликни тўла ва чуқур акс эттиришга ёрдам берадиган мотивдир, деган таърифга хам эгадир. Шунга мутаносиб тарзда кизикиш билиш жараёни туснни кашф этадиган, ижобий хис-туйғуларда йўналтирилган объект билан чукуррок танишишга, у ҳақда кўпрок маълумотга эга бўлиш, уни моҳиятини англаб етишга нисбатан шахснинг истагида намоён бўлади, қабилида мулоҳазалар ҳукм суради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахснинг интиёғини кондиришга йўналтирилганлигини акс эттирувчи қизикишнинг кондирилиши, ҳеч қачон унинг сўнишини ифодаламайди, аксинча объектнинг номаълум кирраларини аниклашга нисбатан интилиш давом этаверади. Шу билан бирга кизикишлар билишнинг, унинг жараёнлари функционал холатининг доимий кўзғатувчи механизми сифатида вужудга келади ва акс эттиришда давом этади.

Психологияда кизикиш мана бундай типларга ажратилиши мумкин: 1) мазмунига кўра: шахсий ва ижтимоий; 2) максадига биноан: бевосита ва билвосита; 3) кўламига караганда: кенг ва тор; 4) кизикишлар даражаси бўйича: баркарор ва бекарор ва бошқалар.

Қизикишнинг мазмун жиҳатидан ўзаро тафовутланиши куйидагиларда мужассамлашади: билиш эхтиёжларининг объектлари кайсилар, билишнинг мазкур фаолият максади билан мутаносиблиги, шахснинг яшаётган муҳитига нисбатан муносабати кабилар. Шахсда нималарга нисбатан кизикиш уйғонади, унинг билиш эхтиёжлари объектининг ижтимоий киймати кандай аҳамият касб этади? Инсоннинг шахсий кизикиши келиб чикишига кўра бирламчи бўлишига карамасдан, у бир даврнинг ўзида ижтимоийлик хусусиятини касб этаверади. Унинг касбий фаолиятига нисбатан кизикиши охир окибатда жамият учун наф келтириши, равнаки учун кийматлидир. Ижтимоий хусусиятли кизикишларнинг пайдо бўлиши шахсий аҳамият касб этиш сари етаклаши мукаррар. Чунки умумийлик (ижтимоийлик) билан хусусийлик (шахсга оидлик) уйғунлашган холда ҳукм суради ва улар бир боскичдан бошка бир боскичга автоматик равишда ўтаверади ёки улар доимо ўрин алмаштириб туришади. Шахс ўз кизикиши туфайли бирон-бир нарсани кашф этса, индивидуал эхтиёжини кондиради, шунингдек, жамият, жамоа учун ишлаб чикаришни такомиллаштиришга бу нарса хизмат килади. Шу боисдан жамиятнинг, жамоанинг энг долзарб вазифаларидан бири-ёшларнинг мустакил, фаол билишга, ижтимоий аҳамиятга мойиллик мехнат фаолиятига нисбатан кизикиш уйғотишдан иборатдир. Токи уларда жиддий, сермазмун, жамият томонидан рағбатлантирилувчи, мехрмуҳаббатга сазовор кизикишлар шаклलансин.

Қизикишнинг максад жиҳатидан фарки бевосита ва билвосита намоён бўладиган кизикишларнинг мавжудлигини аниклайди. Бевосита кизикишлар воқеликнинг, жисмлар ва ходисаларнинг эмоционал жозибалилиги, ҳис-туйғуларга эга бўлишлиги, ташки таъсирларга берилувчанлиги туфайли вужудга келади. Бевосита қизикишлар ўрганилаётган нарсанинг маъноси билан унинг шахс фаолияти учун аҳамияти мос тушган тақдирда пайдо бўлиши мумкин. Психологияда бевосита кизикишнинг юзага келишини фаолиятнинг максадини англаш билан боғлик бўлган билишни эхтиёж деб аташ кабул килинган.

Меҳнат ва ўқиш фаолиятида ҳамиша ҳис-туйғуга, жозибага таяниб иш тутиш имконияти мавжуд бўлмаслиги сабабли жисмоний ва ақлий меҳнатни онгли идора қилишда муҳим аҳамият касб этадиган бавосита қизиқишларни таркиб топтириш масаласи ишлаб чиқариш ҳамда таълим тизими олдида турган муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, у ёки бу нарсаларни (ҳодисалар моҳиятини) билиш, кўриш, идрок қилиш, англаб етиш учун қизиқарли туюлган ички кечинмалар бевосита қизиқишни акс эттиради. Билвосита қизиқишлар меҳнат фаолияти ёки таълим олиш жараёнининг муайян ижтимоий аҳамияти билан унинг шахс учун субъектив аҳамияти ўзаро мос тушганида билвосита қизиқиш юзага келади. Бинобарин, шахс мазкур жараёнда бу нарсалар мени қизиктиргани учун жуда қизиқарлидир, деган хулосага келади. Меҳнат фаолияти ва таълим жараёнини онгли ташкил этиши етакчи ва устувор роль ўйнайдиган билвосита қизиқишларни таркиб топтириш учун махсус тренингларга, омилкор йўл-йўрикларга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Одамларнинг қизиқишлари ўзининг кўлами билан бир-биридан фарқ қилади. Шундай шахслар тоифаси ҳам мавжудки, уларнинг қизиқишлари фақат биргина соҳага қаратилган бўлади. Бошқа бир тоифага тааллукли одамларда эса қизиқишлар қатор соҳаларга, фанларга, объектларга йўналтирилганлигини учратиш мумкин. Лекин турли соҳага нисбатан қизиқишларнинг бири иккинчисига салбий таъсир этиши мумкин эмас, агарда улар оқилона бошқариш имкониятига эга бўлса. Қизиқишнинг торлиги кўпинча салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши мумкин, лекин айни чоғда уларнинг кенглиги ҳам нуқсон тарикасида таҳлил қилинса бўлади. Бироқ шахснинг баркамол шахс бўлиб камол топиши қизиқишлар кўламини тор эмас, балки кенг миқёсда бўлишини тақозо этади.

Қизиқишлар ўзларининг даражасига қараб барқарор ва бекарор турларга ажратилади. Барқарор қизиқишга эга бўлган шахс узок вакт давомида ёктирган предметларига, объектларига, ҳодисаларга нисбатан ўз майлини хеч ўзгаришсиз сақлаб тура олади. Шу боисдан инсон эхтиёжларини ўзида мужассамлаштирувчи, шахснинг руҳий фазилатига айлана бошлаган қизиқишлар барқарор қизиқишлар дейилади. Барқарор қизиқиш шахс қобилиятининг ривожланганлигидан дарак бериши мумкин. Ана шу нуктаи назардан олиб қараганимизда, мазкур қизиқиш ташхис қилувчанлик хусусиятига эга. Бироқ инсонларда барқарор қизиқишнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун уларнинг меҳнат фаолияти ва ўқув жараёнидаги қизиқишларининг ташқи ифодасини атрофлича ўрганишга тўғри келади. Одатда қизиқишнинг ташқи ифодаси шахснинг ўзига ўзи баҳо бериш, ўзини ўзи таҳлил қилиш фаолиятларида намоён бўлади. Барқарор қизиқиш тўғрисида мулоҳаза юритилганда, унинг бошқа таркибий қисмлари ва қирраларини ҳисобга олиш лозим, чунки бу нарса кўп жиҳатдан шахснинг иродавий сифатлари, характерининг вазминлигига боғлиқ.

Қизиқишнинг барқарорлиги унинг нисбатан жадал тарзда намоён бўлиши ҳамда узоқ давом этиши билан ифодаланади. Шахснинг зарурий эхтиёжларини юксак даражада акс эттирадиган, шунингдек, унинг психологик тузилишига хос хислатларга айланиб борадиган қизиқишлари барқарор қизиқиш дейилади. Барқарор қизиқиш қобилиятнинг бир кўринишига ўхшаш бўлиб, мақсадга йўналганлиги билан муҳим ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий аҳамиятга, қийматга эгадир.

Қизиқишларнинг баъзи ҳолатларда бекарор бўлишлиги инсонларнинг ёш, жинс, типологик хусусиятига боғлиқдир. Бундай тоифадаги одамларда қизиқишлар ғоятда эхтиросли кечади, бироқ қисқа муддатли бўлиши мумкин. Масалан, бир вақтнинг ўзида улар бир нечта фанларга, табиат ҳодисаларига қизиқади, барча нарсага иштиёқ билан киришиб, муаммо моҳиятига чуқур кириб бормасдан, бошқа ҳолатлар билан машғул бўлиб кетадилар. Ундай хусусиятли шахслар машғулотларга тез киришади ва шундай йўсинда сўниб туради ҳам. Қизиқишлар салоҳиятли вояга етган одамларнинг, ёшларнинг ўз истеъдодларини мақсадга йўналтирган тарзда амалга оширишини таъминлайди.

Шахсдаги қизиқишларни ривожлантириш ва барқарорлаштириш учун уларнинг негизини ташкил этадиган фаолият билан машғул бўлишга, мақсадга мувофиқ равишда шуғулланишга, майл уйғотишга пухта замин ҳозирлаш зарур, токи қизиқишлар мотив, эхтиёж, эътиқод функциясини бажаришга айлансин.

Шундай қилиб, қизиқишлар-шахс фаолияти асосларининг танҳо йўналиши эмас, лекин унинг энг муҳим жиҳатидан иборатдир.

Психология фанининг сўнги даврдаги маълумотларига асосланган ҳолда қизиқишнинг бир нечта даражаларга ажратиш мумкин: а) синчковлик, б) қизиқувчанлик, в) билишга қизиқиш, г) турғун ёки касбий қизиқиш. Синчковлик қизиқишнинг бирор нарсага нисбатан кучли интилишдан иборат қисқа муддатли тури ёки даражасидир. Қизиқувчанлик шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, уларнинг билишга нисбатан фаол муносабатидан иборат қизиқиш даражасидир. Билишга қизиқиш англашинилган даражадаги, мақсадга мувоф-

фиклашган, жисмоний ва ақлий фаолиятнинг янги қирраларини эгаллашга йўналтирилган қизиқиш туридир. Турғун қизиқиш шахснинг касбий кўникмалар, малакалар ва билимларни эгалашга йўналтирилган, касбий тайёргарлик даражаси билан уйғунлашган, мақсадга эришиш йўлида фаоллик кўрсатувчи қизиқиш туридир.

Шахслар ихтиёрига пиктограмма, анаграмма, турли хусусиятли тестларни ҳавола қилиш уларда қизиқишнинг ички механизмларини келтириб чиқаради. Бу нарса ўз навбатида уларда ўз қизиқишини ўзи бошқариш кўникмасини шакллантиради, ҳар қандай кўзғалувчига жавоб беришдан иборат стереотип ҳосил бўлади.

Қизиқишнинг бу тури ва унинг юқори босқичи шахснинг вокеликдаги ички боғланишларни, муносабатларни билиб олишга йўллайди ҳамда руҳий тўсиқлар ва қийинчиликларни енгадиган, муваффақиятсизликлардан чўчимайдиган, катъиятлик, интилувчан, толикмас индивидуал хусусиятни шакллантиришга ёрдам беради. Одамларда ўзини ўзи бошқариш, шахсий қизиқишини идора қилиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини қўлга олиш, ўзини ўзи такомиллаштириш сингари шахс хусусиятларини шакллантириш ижтимоий, тарихий ҳамда ижтимоий психологик аҳамият касб этади.

## 3. Шахснинг установкаси ёки англанилмаган майллари

Психология фанида хулк-атвор ва фаолиятга қаратилган англанилмаган майллар орасида муайян даражада тадқиқ этилгани установка (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) муаммоси ҳисобланади. Ушбу умумий психологик масала грузин психологи Д.Н.Узнадзе ва унинг шогирдлари томонидан кенг кўламда ўрганилгандир.

Установка инглизча set дейилади, ўзбек тилида эса кўрсатма бериш, англанилмаган майллар, йўл-йўриқ кўрсатиш маъносида қўлланилиб келинади. Лекин кейинги атамалар унинг ҳақиқий моҳиятини, маъносини ўзида мукаммал акс эттирмайди, шунинг учун терминни ҳеч ўзгаришсиз қолдирса ҳам бўлади.

Одатда установка деганда, билиш фаолияти билан бевосита боғлик бўлган эҳтиёжни маълум услубда қондиришга руҳий жиҳатдан тайёр туришлик тушунилади. Установка шахснинг ўзи англаб етмаган муайян руҳий ҳолати ёки майлидир. Бундай ҳолатда шахс бирон бир эҳтиёжни қондириш мумкин бўлган маълум фаолиятга нисбатан руҳан тайёр туради. Установканинг мавжудлиги ва унинг қонуниятлари экспериментал тарзда таъкидлаб ўтилган илмий мактаб намоян-



далари томонидан аниқланган. Мазкур тажрибада синалувчига иккита, биттаси катта, иккинчиси эса кичикрок соққачани узлуксиз равишда бир нечта (10-15) марта кўзи юмуқ ҳолда пайпаслаб таққослаш таклиф қилинади. Экспериментнинг навбатдаги босқичида соққачалар алмаштирилиб, баравар жисмлар ҳар хил туюлади, яъни синалувчида иллюзия (нотўғри акс эттириш) ҳолати юзага келади. Бундай психологик вокеанинг вужудга келишига асосий сабаб шуки, объектив жиҳатдан ўзаро тенг соққачалар таққосланганлигида улар бир бирига тенг эмас, деган майл билан фавкулодда субъектив шароитда иш тутилганлигидир. Ушбу ҳолат оддийрок қилиб тушунтирилганда, таққослаш жараёни установка (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) асосида амалга оширилганлиги учун шундай оқибатга олиб келгандир.

Д.Н.Узнадзенинг таъкидлашича, инсонда установка билан боғлиқ психофизиологик ҳолат марказий нерв системасигина эмас, балки унинг периферик қисми фаолиятини ҳам маҳсули бўлиб ҳисобланади. Д.Н.Узнадзенинг тажрибаларида синалувчининг ўнг қўлига навбат билан аввал катта, кейин кичик соққачалар бериб турилади ва бу вазият 10-15 марта такрорланади. Тажрибанинг охирги босқичида синалувчининг чап қўлига бир-бирига тенг соққалар берилади. Бунинг натижасида унинг чап қўлида ҳам иллюзия, яъни нотўғри идрок қилиш вужудга келади. Кўз билан идрок қилишда иккита ўзаро тенг объектларни қайд қилишдаги установка ўнг кўзга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Экспериментал тарзда ўрганилган установкали вазиятларни такрорлаш эвазига инсонинг ўзига сезилмаган ҳолда муайян объектларда субъектга тааллуқли «фиксал установкалар» (қайд этилган установкалар) вужудга келганлиги аниқланган. Демак, установкани экспериментал тадқиқот этиш натижасида англанилмаган майллар аста-секин қайд қилинувчи (фиксацион) даражасига ўсиб ўтиш мумкин.

Ижтимоий турмушда Д.Н.Узнадзенинг натижаларига ўхшаш катор маълумотлар шахсда мустаҳкамланиб қолганлиги туфайли установка функцияларини бажариб келмоқда: 1) бошланғич синф ўкувчиларининг олдида турган установкалар худди шундай тоифага кирганлиги сабабли ўқитувчининг барча топшириқларини дарҳол бажаришга тайёр турадилар; 2) ҳисобчиларга нисбатан кўрс, расмиятчи дейишлик; 3) олимларга нисбатан паришонхотирлик; 4) савдо ходимларига нисбатан уддабуронлик, даромат қилишга устаси фаранглик; 5) боланинг ҳақгўйлиги, сир тутмаслиги; 6) қариянинг сўзи тугагунча-ўсалнинг жони узилиши тўғрисидаги фикр мулоҳазалар установкага яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, баъзи жамоаларда, гуруҳларда, оилаларда установкага асосланиш, уларга ишонч нохуш оқибатларга олиб келади. Авторитар тафаккур, миллий стереотип, этник расм-русумлар ҳам установкага мисолдир. Даволовчи шифокорнинг установкаларига беморнинг риоя қилиши, иркчилик муносабатлари, илмий унвонли зиёлиларга берилган супер (орттирма) баҳолар ва бошқалар установканинг англанилмаган шаклини ўзида мужассамлаштиради. Шуни таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда шахс учун англанилмаган установка ўз позициясини аниқ намойиш қилишда эътиқод сифатида гавдаланади, англанилмаган омиллар тарикасида акс этади.

Грузин психологлари томонидан установканинг турлича хислатлари (кўзғалувчанлик, динамиклик, статиклик, пластиклик-дағаллик, лабиллик-стабиллик, иррадиация-генерализация) ва типлари (диффуз, дифферианциаллашган, фиксациялашган) аниқланган. Уларнинг фикрича, установканинг баъзи бир хислатлари мутаносиблиги унинг ҳар хил типларининг вужудга келтиради. Психоз ва неврозлар установканинг патологик ўзгаришларида ўз ифодасини топади. Шунингдек, установка инсон ҳукмронлигини ва кудратини ташкиллатиришнинг юксак даражаси саналади. У хулқ-атворнинг батартиблиги ва изчиллигининг асоси ҳисобланади.Уларнинг мулоҳазаларича, установка инсоннинг муайян шаклда муносабат билдиришга юксак йўсинда умумлашган тайёргарлик ҳолати, реакциянинг яққол натижасининг кодлаштирилган нейродинамик модели, мазкур реакция вақтини олдиндан пайқаш, қолаверса яхлит фаолият тузилишининг ажралмас жабҳаси ҳисобланади. Шунинг учун установка ўзгарувчанлик ва барқарорлик жипс бирлигини аниқлашга хизмат қилади. У ўзининг ўзгарувчанлик билан муносабат билдириши жавоб қайтаришнинг барқарорлигини таъминлайди.

Установканинг юксакрок боскичи англаниш кўринишга эга бўлади. Гуруҳий ва жамоавий муносабатларда унинг аъзоларини ишонтириш (уларга таъсир ўтказиш) орқали муайян йўналишга сафарбар қилиш; фикрларда умумийликни вужудга келтириш ҳолатлари бунга ёркин мисолдир ишониш ва ишонтириш одамларнинг характер хислатига, хулқ-атворига бевосита боғлиқ. Бу ҳолат психологияда экспериментал тарзда тадқиқ этилган. Масалан, синалувчиларга маълум вақт оралиғида соатига қарамай, секундларини ўз ичида санаш орқали бир минутнинг чўзилишини аниқлаш имкониятига эга бўлганлар. Кейинчалик бу санаш сигнал бериш билан текширилиб турилган, баъзан «ёлғон» сигналлар, яъни лампочка ёниш билан тажриба бўлинишга йўл қўйилган. Қатнашчиларда экспериментаторга ишонч бўлганлиги сабабли хатоларга йўл қўйишган.



Ишонувчанликни аниқлашда «конформизм» (келишув, муросаю мадора) дан фойдаланилган. Ички ва ташқи келишувчанлик (конформизм).ичдан келишмовчилик (ноконформизм) гуруҳий ишонувчанлик моҳиятини ўрганиш учун объект сифатида фойдаланишган. Бир гуруҳ одамларнинг очиқ овоз бериш конформизмнинг намоён бўлишидир. Лекин конформизм «сохталик»ни ҳам келтириб чиқариш мумкин, унинг акс эттирувчиси эса конформист деб аталади, кўпинча идеаллардан воз кечиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Хулқ-атвор ва фаолиятнинг англанилмаган омиллари қаторига майллар киради. Ҳали дифференциялашмаган, етарли даражада англанилмаган эхтиёждан ташкил топган хулқ-атвор ва фаолиятини амалга оширишга ундовчи омил майл деб аталади. Мойиллик ҳолатига кириб бораётган шахс учун жалб қилаётган объектида уни нима қизиктираётгани ва қайси аломат ўзига тортаётгани сабаби ноаниқлиги. Фаолият мақсади субъектига номаълумлиги туфайли майл ҳукм суради. Бундай психик ҳолат инсонларда тез-тез учраб турса-да, лекин ўзининг тезкор ўткинчлиги билан бошқа воқеалардан ажралиб туради. Одатда ушбу моҳиятли психик ҳолатни ҳаракатлантирувчи эҳтиёж сўнгги ёки тилакка айлантириш мумкин. Бинобарин, у хоҳиш, ният, орзу, фантазия каби шаклларга айлантириш туфайли шахс томонидан англанилади. Бундай шакллаги майлларнинг одамларда мавжуд бўлиши уларнинг яқин ва узоқ келажакка интилишлардан далолат беради.

З.Фрейд майлларга нисбатан ўзига хос назария яратган бўлиб,у аксарият ҳолатда жинсий (инстинктив) майллар тўғрисида мулоҳаза юритади (либидо-жинсий майл), «эдип комплекс» («Шоҳ Эдип» асари бўйича), «психоанализ» атамалари орқали кўркиш, ҳимоя, бегоналашиш сингари инстинктив мойилликни талқин қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлик, ҳар қандай англанилмаган майллар ўзидан ўзи йўқолиб кетмайди, балки улар бир босқичдан, кўринишдан иккинчи турга, шаклларга алмашади, мутлақо бошқача янги сифатга эга бўлади. Улар мақсадга, талабга ўсиб ўтиши билан англанилганлик даражасига эришади. Кўнгил ғашлик, руҳан безовталаниш, номаъум хатти-ҳаракатлар сабаби инсонга номаълум бўлса, улар англанилмаган даражада эканлигини билдиради ва майл функциясини бажаради.

## 4. Шахснинг эътиқоди ва дунёқараши

Жаҳон психологияси маълумотларининг кўрсатишича, хулқ-атворнинг муҳим мотивларидан бири бўлиб эътиқод ҳисобланади. Баъзи манбаларда унга мана бундай таъриф берилган: эътиқод шахсни ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда қарорга келишга ундайдиган муҳим мотивлар тизимидир. Бошқа сўз билан айтганда, эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни-бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнинг муайян тарзда тушунилиш демакдир. Бу билимлар фалсафий, эстетик, табиий-илмий нуқтаи назардан тартибга солинса ва ички уюшган тизими ташкил этилса, у тақдирга шахснинг дунёқараши сифатида талқин қилинишини мақсадга мувофиқ.

Психология фани дунёқарашнинг шаклланиш жараёнини тадқиқот қилади, ижтимоий-тарихий тараққиёт ҳодисаларининг тўғри баҳоланишини, эволюцион йўсинда тарқиб топишини, ахлоқий принциплар, идеаллар юз беришини, табиат ҳодисаларига ва жамиятнинг қонуниятларига нисбатан қарашларнинг шаклланиши қай тарика юз беришини ва бошқаларни аниқлайди.

## 5. Мотивация

### 5.1. Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммолари

Мотив ва мотивация муаммоси жаҳон психологиясида турли туман нуқтаи назардан ёндашиш орқали тадқиқ қилиб келинмоқда. Узоқ ва яқин чет элларда ўзига хос психологик мактаблар вужудга келган бўлиб, уларнинг негизида илмий позициялар ва концепциялар моҳияти жиҳатдан фарқланувчи ғоялар ва йўналишлар мужассамлашган. Ҳозир уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Рус ва собиқ совет психологияси намояндалари К.Д.Ушинский, И.М.Сеченов, И.П.Павлов, В.М.Бехтерев, А.Ф.Лазурский, В.Н.Мясищев, А.А.Ухтомский, Д.Н.Узнадзе, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, П.М.Якобсон, В.С.Мерлин, Л.И.Божович, В.Н.Селиванов, В.Г.Асеев ва бошқалар мазкур муаммо юзасидан тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ушбу муаллифларнинг қарашлари олдинги бобда берилганлиги учун уларга қайтатдан тўхталишга ҳожат йўқдир.

Рус ва собиқ совет психологияси вакилларидан ташқари Европа ва Америка мамлакатларида мотивацияга оид 30 (ўттиз)дан ортиқ илмий концепциялар мавжуддир. Ана шу психологик мактабларнинг



айрим намояндаларининг тадқиқотлари юзасидан мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламиз: интроспектив психология, бихевиоризм, гештальтпсихология, психоанализ, структуравий психология, ассоцианистик психология, эмпирик психология, аналитик психология, гуманистик психология, антропологик психология ва ҳоказолар.

Бихевиоризмнинг асосчиси ДЖ.Уотсон (1878-1938) психология фанининг бош вазифаси хулқни тадқиқ этишдан иборат деб тушунади. У психик ҳодисалардан мутлақо воз кечиб, хулқни икки шаклга, яъни ички ва ташқига ажратади, улар ўзаро жавоблар стимули билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади. Бихевиоризм учун «хулқ» асосий тушунчага айланиб, унинг психикаси билан алоқаси четлаб ўтилгандир. Шунга қарамасдан, баъзи бихевиаристлар, жумладан Э.Торндайк, Э.Толмен, К.Халл, Д.Хебб кабилар хулқ мотивациясига муайян даражада эътибор қилганлар. Улар ўзларининг изланишларида хулқ мотивациясининг «қуйи даражалари» ни ўрганиб, каламушларда тажриба ишларини олиб бориб, жониворда очлик, ташналик ва уларнинг турлича даражаларини реакция тезлигига нисбан намоён бўлиш хусусияти, ҳар хил шароитда мотивациянинг кучи тўғрисида муайян қонуниятлар очишга интилганлар. Ҳозирги замон бихевиористлари стимулни ташқи қўзғатувчи сифатида талқин қиладилар ва организмнинг ички энергиясини фаоллаштирувчи деб ҳисоблайдилар. Необихевиористик назариялар янги қўзғатувчилар, драйвлар пайдо бўлишига асосланган бўлиб, улар инсоннинг органик эҳтиёжларини қониқтириш билан стимул натижасининг уйғунлашуви тарикасида таҳлил этилади. Уларнинг таъкидлашига кўра, иккиламчи қўзғовчилар органик қўзғатувчиларнинг тўёки қобиғига ўхшайди, холос. Вильям Макдугалл (1871-1938) мотивациянинг ирсий (табиатдан берилган) хусусиятга эга деган ҳолатни асослаш учун туғма инстинктлар масалалари билан мазкур воқеликни боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, туғма инстинктлар ҳам инсонларга, ҳам ҳайвонларга бир текис тааллуқли бўлиб, улар одамларнинг мотивида олдин 14 та, кейинчалик эса 18 тагача «асосий инстинктлар» сифатида ҳукм суриши мумкин. Умуман олиб қараганда, бихевиористлар учун бир қатор ҳолатлар ўзига хосликка эга:

1. Бихевиоризм мотивация моделини топиш билан шуғулланиб ва хулқ принципларини вужудга келтира бориб, ҳайвон хулқи ҳамда уларда кашф этилган хулқ мотивацияси қонуниятларига асосланиб инсоннинг хулқ мотивацияси юзасидан хулоса чиқаришга ҳаракат қилади.

2. Бихевиоризм инсонни биологик мавжудод сифатида караб, унга биологик жабҳада ёндашади, окибат натижада унинг ижтимоий моҳияти тадкикот предметидан четда колиб кетади.

3. Бихевиоризм ҳам инсонга, ҳам ҳайвонларга хос бўлган хулк нинг умумий принципларини топишга интилади.

4. Бихевиористлар инсонни шахс сифатида тараккий этиш жараёнини ифодаловчи ўзига хослигини ё четлаб ўтадилар ёки ўта содда тарзда изоҳлашга мойилдирлар.

5. Ҳайвонларнинг хулк мотивацияси шаклларини жуда содда тарзда тушунтиришга асосан тадкикот натижаларини инсоннинг мураккаб ва бошка бир сифат боскичидаги мотивациясига кўчириш ишончли далилларга эга эмас.

6. Инсон мотивациясини ўрганишда фойдаланилаётган бихевиоризмнинг тушунчалари, чунончи, бирламчи майллар, организмни кўтикловчи туғма эхтиёжлар кабилар оламнинг мотивация доираси тузилиши моҳиятини жуда юзаки оча олади, холос.

Психоаналитик концепциялар негизида мотивация ортганлик равишда инсон майлларига хосдир, деган ғоя ётади. Уларнинг манбаи майлни акс эттирувчи кайсидир органдаги ёки унинг кисмидаги соматик жараён тушунтирилади.

З.Фрейднинг концепциясида майллар ва инстинктлар тушунчалари ўртасида хеч кандай тафовут йўкдир. Онгсизлик таълимотининг асосчиси З.Фрейд хулк мотивлари ва эхтиёжлари муаммосини ишлаб чикаётиб, мотивациянинг манбаи инстинкт, у тур ва индивиднинг сакланиш шартидир деб таклирлайди. Мазкур ҳолатни муаллиф индивиднинг энергетик потенция сифатида талкин этади. Энг асосий масала шуки, З.Фрейд мотивация регулятори ва мотивация энергиясининг ирсий манбаи сифатида «у» тушунчасига кандай маъно юкламокчи. Унингча, «у» тушунчасининг мазмуни туғма ва ўзгармасдир. Худди шу боис мантик конунлари ва акл даражалари, кўрсаткичлари унга хеч кандай аҳамият касб этмайди З.Фрейд аффектив, импульсив шаклдаги мутлаклашган кўзғовчиларни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Ушбу кўзгатувчилар (турткилар) нинг импульсивлик, тахминийликнинг аффектив моҳияти, нотанкидийлик, онгли ва иродавий назоратга итоат этишда кийинчилик кабиларнинг динамик хусусиятларини мутлаклаштириш бўлиб, уларнинг асосида куйи генетик ва структуравий даражадаги кўзғатувчилар ётади. З.Фрейд таъкидлаб ўтган динамик хусусиятлар ва хоссалари моҳиятида мотивациянинг чукур асосий манбасини кўради. Унинг концепциясида инсон хулки



ва ҳаракатининг двигатели жинсий инстинкт ҳамда унинг трансформацияси устувор ўрин эгаллайди.

Ушбу мулоҳазани янада мукаммаллаштириш максадида неофрейдистлар ҳисобланмиш А.Адлер, К.Юнг кабиларнинг назарияларини таҳлил килишга ўтамиз. А.Адлернинг фикрича, инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч, унинг фаолияти максадини аникловчи, уларга эришиш йўллари ҳукуматга ва кудратга эркдир. Хорни. Фромм ва бошкаларнинг асарларида ўз ифодасини топган маълумотлар моҳияти Фрейд томонидан киритилган психика тушунчаси ва унинг ҳаракатлантирувчи назариясини алмаштиришга интилиш яккол кўзга ташланади. Хорнинг нуктаи назарича, инсон канчалардир туғма кучларга эга бўлиб, унинг негизи болаларча ёрдамга муҳтожликка курилгандир, бу ҳолатлар бирламчи безовталаниш туйғусида ва туғма кўркинч ҳиссида ўз ифодасини топади. Хорнинг таъкидлашича, инсон хулкининг мотивацияси бошка мотивлар ёрдами билан аникланиши мумкин, жумладан, бирламчи безовталаниш (болаларча ёрдамга муҳтожлик келтирувчи) атроф-муҳитга нисбатан душманлик ҳиссини туғдиради, хавфсизликка эхтиёж эса инсонни бошка одамлар томонидан баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашга нисбатан ички интилишни вужудга келтиради. Фромм ҳам ўз карашларида либидо масаласига катта эътибор бермайди, чунки уни кизиктирган муаммо инсон хулки жабҳаларда ижтимоий ва психологик омилларнинг ўзаро таъсир ўтказиш жараёнидир. Инсонни индивидуализациялаш унда танҳолик ҳиссини вужудга келтиришга олиб келади, шунингдек, ўз кадр-кимматини англаш сари етаклайди. Танҳолик ҳиссиётидан фориғ бўлишга интилиш туйғуси инсон мотивациясини ва унинг хулк шаклларини аниклайди. Неофрейдистларнинг илмий асарларида инсон хулкига таъсир килувчи интим омилларига ва унинг мотивациясига муайян даражада аҳамият берилган бўлса-да, лекин окибат натижада хулкнинг ҳаракатлантирувчиси сифатида англашилмаган туғма кучлар асосий ўринда туради.

Гештальтпсихология мактаби намояндалари учун мотивация ўзига хос талкинга эга бўлиб, унинг моҳиятини экспериментал тарзда ўрганишга, очиб беришга интилиш кўрсаткичи билан бошкалардан ажралиб туради. К.Левин (1890-1947) мотивларни экспериментал ўрганиш методикасини ишлаб чикиб, уларни мутлако мустакил ҳолат сифатида тушунтиришга ҳаракат килган ва бу борада муайян муваффакиятларга эришган. Гештальтпсихология мактабининг намояндаларига образ тушунчаси канчалик ўта аҳамиятли бўлса, К.Левиннинг

майдон назарияси учун мотив категорияси худди шундай муҳим хусусият касб этади. Образ ва мотив ўзаро алокасиз ҳукм суриши таъкидланади, мотивацияни амалга оширувчи вазиятнинг предметли, маъновий мазмуни эса инкор килинади. К.Левин халкни мана бундай изоҳлашга интилади, муайян муваккатли микроинтервалда шахснинг бевосита яккол муҳит билан муносабатларидан келиб чикувчи воқеликдир. Унинг мазкур назариясида инсонда ҳар хил маъно англатувчи иккита мотивацион ўзгарувчи ҳукм суриши тан олинади, уларнинг биттаси туғма, ҳайвонлар турткисига ўхшаш ва турмуш давомида эгалланган фақат инсонгагина хос бўлган. Гештальтпсихологларнинг асарларида шундай ҳолатлар ҳам мавжудким, уларда хулк мотивацияси муаммолари шахснинг муҳим (асосий) хусусиятларини таҳлил килиш негизидан келиб чикиб каралади. Ушбу ҳолат Г.Оллпорт концепциясида яккол кўзга ташланади, унингча, энг муҳим жиҳат бу инсон хулкини ўзгариш сабабларини очишдир. Шунинг билан бирга мазкур вазиятга олиб келувчи мотивларнинг омилларини текшириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини англаб олиш кийин эмас. Бу борада индивиднинг жавоблари ўзига хослиги билан ўзаро таъсир ўтказиш ўртасида кандайдир алока мавжудлигини ўрнатиш ҳам иккинчи даражали нарса сифатида талкин килинмайди.

Собик совет психологиясида инсон хулк-атворини ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган мотивлар чуқур ва етарли даражада тадкик килинмаган. Уларнинг психологик механизмлари, узлуксизлигини таъминловчи омиллар, зарур шарт-шароитлар моҳияти, вужудга келиш имкониятлари тўғрисида жуда юзаки маълумотларгина муайян даражада тартибга келтирилган, туб маънодаги мотивлар табиати изчил равишда, педагогик ва ёш психологияси фанлари конуниятларига асосланган ҳолда тадкик килинмаган. Бу эса республикамизда уларнинг кенг кўламда ўрганишга салбий таъсир кўрсатмокда. Мотивларнинг фалсафий методологик аҳамияти шундан иборатки, улар сабаб-окибат, ички мураккаб боғланишлар тузилишини юксак даражада ривожланган тизим сифатида талкин килинади. Бундай ёндашув эса ўз навбатида материя ривожланишининг олий махсули эканлиги тўғрисидаги хулосага олиб келади. Чунончи, максадга йўналтирилган ва максадга мувофиклаштирилган ҳар хил мазмундаги саволлар, ахборотлар, маълумотлар, хабарлар кишилар фаолиятининг онгли хусусияти таъкидлаб ўтилган мулоҳазалар моҳияти таркибига киради. Мотивлар тузилишини амалий (татбикий) йўналишга каратиш-инсон шахсига мотивацион, иродавий, ахлоқий, ҳиссий, когнитив, регулятив



таъсир ўтказишининг омилкор шаклларининг илмий асоси юзага келишига муҳим имкон ва зарур шарт-шароитлар яратади. Инсоннинг меҳнат фаолияти тизимининг мураккаблашуви ишлаб чикаришда ахлокий, маънавий, нафосат, руҳий тарбия жабҳалари ҳамда радио, телевидение ва тарғибот-ташвикот таъсирини самарали олиб бориш, касбий тайёргарликнинг экстремал ва стресс ҳолатларнинг шароитлари баркарорлашуви, такомиллашуви, яхшиланиви, максадга мувофиклашуви каби омилларнинг барчаси шахс мотив доирасининг ўзгаришига боғлик. Шахснинг мотив доираси унинг эҳтиёжларида, иродавий сифатларида (актларида) ва функционал имкониятларида ўз аксини топади.

Мотивнинг талкикот тарихидан келиб, унга ёндашсак, бу ҳолда у инсонлар (гоҳо ҳайвонлар хатти-ҳаракати) ҳаёти ва фаолиятини руҳий жиҳатдан бошкарувчиси сифатида талкинидан иборат ўзига хос туридир. Мотив тушунчаси, асосан, сут эмизувчи ҳайвонларга тааллукли эканлиги илмий манбаларда таъкидлаб ўтилади. Инсонларга алокадор мотивлар тушунчаси кўзғатувчилар ва кўзговчиларнинг барча турлари (кўринишлари, модалликлари, шакллари) ни ўз ичига олади (чунончи, мотивлар, эҳтиёжлар, кизикишлар, максадлар, интилишлар, мотивлашган установкалар ва бошкалар).

Мотив кенг маънода хулк-атвор детерминацияси белгиланишига карамай, кўпгина чет эл тадкикотчилари шахс мотивларини жуда тор маънода талкин килиб, уни илмий жиҳатдан текширадилар, ҳаттоки улар шартсиз рефлектор актларининг микдорини, аффектив, стресс ва экспрессив реакцияларни мотив тизимига киритмайдилар. Бир катор психологлар мотивни энергетик, маъновий ва маънавий томонларини ўзаро солиштирадилар, улар мотивни соф маънодаги энергетик бноқувват фаоллигининг манбаи сифатида талкин килиб, унинг маъновий ва маънавий жабҳаларини ҳисобга олмай туриб, ўзига хос равишда тушунтиришга интиладилар. Жумладан, З.Фрейд (856-1939) мотивнинг конун -коидаларини факат динамик энергетик ҳолат таркибида талкин килади. Бир гуруҳ чет эл психологларининг фикрига караганда, мотив – бу тажриба ва реакцияларнинг энергетик жабҳасидан иборатдир (ушбу таърифга нисбатан муносабат ўта баҳсли бўлганлиги сабабли муаллифларга танкидий фикр билдиришни тадкикотнинг бошка бўлимида билдирамиз).

Собик совет психологлари мотивларни тушунтиришда ва унинг таркибий кисмларини белгилашда динамик ва маъновий (маънавий) томонларининг уйғунлигидан келиб чиккан ҳолда талкин киладилар.

Уларнинг айрим намояндалари карашларини тахлил килиш билан чекланамиз, холос.

С.Л.Рубинштейн мотивнинг психологик мохияти тўгрисида куйидаги мулохазаларни билдиради: мотивация – бу психика оркали хосил бўладиган детерминациядир; мотив – бу шахс хулк-атворининг когнитивистик жараёнини бевосита ташки олам билан боғловчи субъ-ектив тарзда акс этиш демакдир. Бизнингча, шахс ўзининг мотивлари ёрдамида борлик билан узвий алокада бўлади. Инсоннинг хулк-атвори (хулки)ни харакатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлувчи мотивлар шахснинг тузилишида (таркибида) етакчи ўрин эгаллайди. Мотивнинг тузилиш (структуравий) таркибига шахснинг йўналиши, унинг характери, эмоционал холати (хис-туйгуси), кобилияти, ички кечинмалари, фаолияти ва билиш жараёнлари киради. Психология фанида тўпланган назарий маълумотларнинг кўрсатишича, шунин-гдек, бир катор психологларнинг фикрича, характер шахс мотивлари-нинг динамик томонлари асосини ташкил килади, деган таълимот мавжуд. Жумладан, характернинг у ёки бу сифатлари соф динамик хусусиятли тавсифларни ташкил килса, колганлари эса факат динамик табиатинигина эмас, балки унинг маънавий ва маъновий жабхаларини хам юзага келтиради.

Мотив хиссиёт билан хам боглик бўлиб, улар хулк-атвор мохия-тидан ташкарида бўлмайди, балки хиссий кечинмалар, мотивлашган омиллар тизими билан узвий алокага эгадир. Хиссиётнинг энг мухим функцияларидан бири шундан иборатки, унда инсон учун мухим аха-мият касб этувчи дакикалар унинг учун канчалик зарурият эканлиги-ни белгилашга хизмат килади. Хиссиётнинг бу сохадаги бошка бир функцияси нисбатан умумийрок бўлиб, одамнинг ташки оламга, шахслараро муносабатга, хис-туйғуларга негизлик муаммоси хисоб-ланиб, унинг учун ахамиятли вокеа ва нарсаларга нисбатан боғловчи-лик хусусиятига эга бўлган мулокоти заиф эмоционал холатлар доирасидан ташкарига чикиб, фаол, баркарор, гургун жараёнларни ўз ичига олади.

Юкоридаги мулохазалардан ташкари, мотивлар функционал-энергетик томонларини динамик бошкариш вазифасини амалга оши-ради.

Инсоннинг қобилияти бевосита мотивлашган механизмлар би-лан узвий боғлик бўлиб, уларнинг мухитини белгилайди ва динамик, маънавий таъсир этиш муносабатини ўзида акс эттиради. Мотив би-лан кобилиятнинг муносабатлари психик фаолликнинг бевосита ба-



жариш негизи хисобланган фаолият оркали намоён бўлади. Мотив-лашган тизимнинг таркибларини амалиётда рўёбга чикарувчи нафакат фаолиятнигина аниклаш билан чекланиб колмасдан, балки фаолият-нинг кейинги истикбол ривожи ёки унинг бошка сохалар билан ко-ришиб кетиш эхтимоли даражасини хам белгилайди. Лекин муайян инсоннинг функционал имконияти, фаолияти ва худди шу фаолият-нинг объектив томонларининг яккол рўёбга чикиши мотив баркарор-лашуви, ривожланиш (такомиллашув) га йўналганлиги хам фаолият-нинг объектив шарт-шароитига мослаша боради. Умуман шаклланиш жараёни, шахснинг ривожланиши мотивнинг фаолиятига, фаолият-нинг эса мотивга ўзаро таъсири билан тавсифланади, бизнингча, маз-кур таъсирнинг кўрсаткичи, мезони вазифасини бажаради. Мотивлар-нинг ривожланиши туфайли тарбиявий талабларни англашда, эхтиёж-ларни ичдан кайта кўришда хулк-атвор коидалари, мезонлари ёрдами билан фаолият доирасининг кенгайишида, шахснинг борлик билан муносабати кабиларда ўзгаришлар содир бўлади.

Шуни хам таъкидлаб ўтиш керакки, мотивларнинг ривожлани-ши, мотивлашган янги маълумотларнинг пайдо бўлиши, фаолият мухити доирасидаги ўзгаришлар туфайли амалга оширилади. Мотив механизми шахс сифатларини кайта куриш, уларни ривожлантириш жараёнининг фаоллашуви тарзида юзага чикади, шу билан бирга ин-сон камол топиш жараёнига, фаолият мухити ва шароити аста секин ёки тез ўзгариши – мотивларнинг такомиллашуви, баркарорлашуви каби омилларга таъсир этади. Инсонни мехнат фаолиятида кайта тар-биялаш ва муайян фазилатларни шакллантириш юкоридаги мулохаза-лар мохиятидан иборатдир. Бу ўринда фаолият фаол вазият хисобланиб, мавжуд эхтиёжлар, кизикишлар доирасидаги психологик холатлардан узоклашиб боради, сўнгра янги кизикиш, эхтиёж ва ин-тилишларни шакллантиради, мотивлар мохияти ва шаклларни ўзгартиради.

Ушбу мулохазани алохида таъкидлаб ўтиш жоизки, мотивация-нинг фаолият даражасидан ташкари чикиши эхтимоли ёки фаолият-нинг мотивация доирасидан ташкари чикиши имконияти тўғрисидаги талкинлар нисбий хусусиятга эга. Бинобарин, мотивация фаолиятдан ташкарида ва фаолият эса мотивациядан алохидаликка эга деган ху-лосага келмаслик максадга мувофик. Бу холатни якколрок намойиш килиш ниятида куйидаги хаётий хакикатга мурожаат киламиз. Хар бир талаба олий мактабга ўкишга кираётганида унда диплом олиш мотиви пайдо бўлади, ўкишга жойлашганда эса ўкув предметларини

ўзлаштириш жараёни ўкишга нисбатан интилиш, эҳтиёж, қизиқиш, сафарбарлик каби психик омиллар юзага келади.

А.Н.Леонтьевнинг фикрича, фаолиятнинг тузилиши: мақсадга қаратилган хатти-ҳаракатлар ва операциялардан иборатдир. Одатда фаолият ўзининг предмети ва мотивига эга бўлиб, агарда мотив билан предмет (жисм, нарса) ўртасида мутаносиблик (мослик) вужудга келса, демак шундагина у туб маънодаги фаолиятга айланади. Масалан, бир талаба имтиҳондан (рейтингдан) ўтиш учунгина бирламчи манбаларни ўқийди, лекин бошқаси эса ўзини текшириш ва ҳақиқий билимларни эгаллаш учун дарс тайёрлайди. Биринчи ҳолатда талаба ёки ўқувчида мотив имтиҳонга қаратилган бўлиб, ўқув предмети мазмуни бундан мустаснодир, худди шу боисдан унинг фаолияти фақат хатти-ҳаракатлар тизимидан иборатдир, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Иккинчи ҳолатда эса мотив ўқув предметини ўзлаштиришга қаратилганлиги сабабли унинг интилиши фаолиятига ўсиб ўтади (Э.Ғ. курсив бизники бу мезон вазифасини ўтайди), деган фикрга келишга кафолат беради.

### 5.2. Мотив муаммоси ва унинг ечимига доир мулоҳазалар

Собиқ совет психологияси мотивлар муаммосини диалектик материализм принципларига асосланиб тадқиқотлаган. Бу эса энг аввало мотивлар тизими инсон ҳаёти ва фаолиятига мураккаб тузилган бошқарувчиси (регуляторы) сифатида тушунишни билдиради. Мазкур йўналишга дахлдор психологлар ўртасида шахснинг фаоллиги, онгнинг фаоллиги ҳақидаги ғоялар кенг тарқалган. Жумладан, С.Л.Рубинштейн мотивлашган тизимнинг инсон борлиқни акс эттиришдаги асосий ролини кўрсатиб, шундай мулоҳазаларни таъкидлаб ўтади: биринчи бўлиб кузатиш объектлари эмас, балки эҳтиёж объектлари ва инсон хатти-ҳаракатлари берилади. Мотивлашган установкаларнинг фаолликка оид ўзига хослиги ҳам шундай тузилган ва у ўзи хоҳлаган борлиқнинг элементи ва ҳолатини белгилашга хизмат қилади. Уларнинг фикрича, ташқи оламга муносабатнинг фаол мотивацион хусусиятини кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоя. С.Л.Рубинштейн «онг-бу муносабати ҳамдир» деб ёзади.

Мотивларнинг тузилиши билан бевосита боғлиқ онгнинг босқичли тузилиши муаммоси психологлар томонидан тезкорлик билан ҳал қилиш, ечиш, текшириш, тадқиқ этиш зарур бўлган долзарб масалага айланиб бормоқда.



С.Л.Рубинштейн онгнинг ролини кўрсатиш билан бир қаторда психиканинг кўпқирралилиги нуқтаи назаридан турли босқичларда психик жараёнларнинг вужудга келиши, кечиши ҳолатларини тушунтириб беришга эришган. Ҳар қандай шахснинг хулқ-атворини психологик жиҳатдан тушунтиришда қўзғатувчилар (қўзғовчиларни) турли босқичларда ўзаро мураккаб боғлиқликда олиб қараш, кўриш лозим, деб таъкидлайди. Бу кўп босқичли тузилма бошқаришни англашилган босқичи сингари англанмаган мотивацион тенденцияларни ўз ичига олади.

Собиқ совет психологлари мотив тузилишининг босқичли концепциясини ишлаб чиқаришда қуйидаги мулоҳазаларга таянганлар:

а) онгнинг тарихий келиб чиқиш жараёни билан инсон хулқ-атворини бошқаришнинг мураккаб тизимига эга эканлиги;

б) онтогенезда бола шахсининг индивидуал (яккаҳол) шаклланиш жараёни бўлмиш генетик далилларга асосланганлиги ва бошқалар.

Мотивлар тузилишини генетик босқичда шаклланиш эҳтимолини таҳлил қилиш натижасида унинг содда, бир босқичли тизимдан мураккаб, кўп босқичли юксак даражага ўсиб ўтиш жараёни ишончли омиллар ёрдами билан яққол кўрсатиб берилади. Умумлаштирилган маълумотларга кўра, собиқ совет психологлари мотивларнинг тузилиши муаммосини тадқиқ қилишда уларнинг динамик ва маънавий томонларининг бирлиги принципидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Улар фаол мотивнинг динамик ҳолати ҳақида мулоҳаза юритганларида мазкур фаолиятнинг баъзи жараёнларида унинг динамикаси ўта бўрттириб талқин қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқки, собиқ совет психологлари мотив тузилишига оид масалага ёндашиш жараёнида бутун эътиборини унинг мазмуний жабҳасини алоҳида кўрсатишга, маънавий томонларининг бирламчилигини белгилашга йўналтиради.

### 5.3. Шахснинг шаклланишида мотивациянинг роли

А. Инсоннинг мотивлар оқими тўғрисида мулоҳазалар

Инсоннинг мотивлари тузилишини, уларнинг асосий функционал механизмларини ҳамда шаклланиш жараёнига йўналтиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш муаммосини психологик жиҳатдан тушунтириш учун боланинг психик ривожланиши таҳлилига ўзига хос равишда тактик ёндашиш маъқул.

Шахснинг мотивлари оқими муаммоси унинг ҳам методологик, ҳам назарий муносабатни текшириш демакдир. Чунки то хозирги даврга собиқ совет психологиясида унинг кўпгина қисмлари ўз ечимини топа олмаган.

Ғарб мамлакатлари ҳамда АҚШ психологлари орасида «биологик эхтиёжлар асосида инсон мотивлари ётади», деган қарашлар мажмуаси кенг кўламда қўлланиб келинмоқда. Чунончи, АҚШ психологи Б.Дамелнинг фикрича, тўқимада вужудга келган эхтиёжлар кўзғатувчининг асосий манбаи ҳисобланади. Мазкур ғоя юзасидан мулоҳаза юритган Данлэп эса «кўзғалиш биологик тўқималардан четга чиқмайди», деган фикрга қатъий ишонади. Гильфорднинг таъкидлашича, фаолликнинг бирламчи манбаи овқатдан» иборатдир. Лекин муаллиф ўз фикрини изчил очиб беришга интилмайди.

Бу вазиятни баҳолашда психологик муаммолар оқими билан мотивларнинг биологик оқими ўртасида юз берувчи ўзаро ўрин алмашишнинг содир бўлишини мулоҳаза доирасидан ташқари чиқмаслик лозим. Чунки биологик шартланган режа фаоллик манбаи ўзаро ўрин алмашиш жараёнлари ассимиляция ва диссимиляция сифатида намоён бўлади. Ҳолбуки биологик ҳолатлар психик жараёнларнинг моддий асосини ташкил қилади. Худди шу боисдан, улар бирламчи манба ва психик фаолликнинг негизи тариқасида юзага келади.

Б. Илк болалик ёш даврида хулқ-атвор мотивлари

Икки-уч ёшли боланинг мотивлари тузилиши кристаллашмаган (аморф)лиги билан, шунингдек, уларнинг қатъий иерархияси йўқлиги билан тавсифланиши намоён бўлади. Бола шахсига алоқадор мотивлар тизими бир қатор мотивлар йиғиндисини ифодаловчи, ўзаро бирбири билан тасодифий ўрин алмашиб туриш хусусиятига эгадир. Мотивларни ўзаро ўрин алмашиш жараёнида ягона англашиш даражасидаги назорат тизимига бўйсунмайди.

С.Л.Рубинштейн болалик даврининг мотивларига қуйидагича психологик тавсиф беради: «Бевосита болага таъсир этувчи ҳар бир кўзғатувчи (кўзғовчи) илк болалик даврида унинг ўсишида ҳукмронлик қилади. Чунки ундаги ички мотивлар ҳали мустаҳкам эмас, шунинг учун ҳар хил вазиятда бола бошқа кўзғатувчи ҳукмронлигига тобе бўлиб қолиши мумкин. Шу боисдан бекарор, кучсиз, бетартиб мотивлар худди шундай хатти-ҳаракатларга боғлиқ. Муаллиф вазиятнинг стихияли таъсири ҳақида мулоҳаза юритиб, у болалик беихтиёр интилишининг хулқ-атворга таъсирини кўрсатиб туришини таъкидлайди.



Назарий ва амалий малумотларга асосланиб, илк болалик давридаги индивиднинг хулқ-атвори, биринчидан, импульсивлик билан, иккинчидан, вужудга келган вазият хусусияти билан тавсифланади. Шахсни бошланғич генетик қобиғидаги шаклланиш палласидаги мотивининг динамик асоси - хатти-ҳаракати кўзғалишини муваққат, тор муҳитидан ташкил топади. Чунки бола ҳали мотивлашган установкаларни узоқ вақт ушлаб тура олмаслиги сабабли у тез йўқолади. Муҳим аҳамият касб этувчи кўзғалишларда бола чалғиса, демак, уларни у тезда эсдан чиқаради. Эхтиёж қондирилишида, аффектив реакцияларда, чалғиш жараёнида кўзғалиш берилган вақт доирасидан четлашади.

Психологик доирадаги бошқаришнинг ўзига хос воситалари, фаолиятни ташкил этишни таъминловчи мотивлар – инсон фаолиятининг энергетик даражасини структуравий акс эттиради. Боланинг интеллектуал даражаси ва билимларнинг етарли эмаслиги оқибатида кичик бир амалий тажриба яққол амалий фаолият муҳитини сиқиб чиқариши мумкин. Бола бирон-бир объектга йўналтирилган фаолиятни, уни бошқаришни юксак функционал-энергетик босқичида мотивларни ўз ҳолича узоқ вақт сақлаб юриш имкониятига эга эмас.

Инсон фаолиятининг самарадорлиги (маҳсулдорлиги)ни оширишш ҳақидаги психологик усулнинг ролини Л.С.Славина III-IV синф ўқувчиларида тажриба йўли билан далиллаб берди. Л.С.Славина мураккаб ва узоқ давом этадиган фаолиятларни таҳлил қилиш кезида уни нисбатан мустақил ва содда таркибий қисмларга ажратиб чиқади ҳамда уларнинг ҳар бирини алоҳида назорат қилиш керак, бинобарин, уни худди мустақил фаолият структурасининг такомиллашуви ва ривожланиши натижасидагина мотивлар тузилишининг такомиллашуви ва ривожи намоён бўлади. Муаллифнинг фикрига қараганда, хулқ-атворнинг муайян мақсадга бўйсундирилиши кичик мактаб ёшининг пировард босқичида амалга оширилиб, мазкур босқич ихтиёрий хулқ-атвор шаклланишининг бошланғич даври бўлиб ҳисобланади.

## 5.4. Ўқув фаолияти мотивлари тўғрисида мулоҳазалар

Психологик маълумотларга кўра, ҳар қандай фаолият муайян мотивлар таъсирида вужудга келади ва етарли шарт-шароитлар яратилгандагина амалга ошади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўзлаштириш, эгаллаш ва ўрганишни амалга оширишни таъминлаш учун ўқувчиларда ўқув мотивлари мавжуд бўлиши шарт.

Билиш мотивлари шахснинг (субъектнинг) гносеологик максад
сари, яъни билиш максадини карор топтиришга, билим ва кўникма-
ларни эгаллашга йўналтирилади. Одатда бундай турдош ва жинсдош
мотивлар назарий маълумотларнинг кўрсатишича, ташки ва ички
номлар билан аталиб, муайян тоифани юзага келтиради.

Ташки мотивлар жазолаш ва такдирлаш, хавф-хатар ва талаб
килиш, гурухий тазйик, эзгу ният, орзу-истак каби кўзғатувчилар
таъсирида вужудга келади. Буларнинг барчаси бевосита ўкув максад-
га нисбатан ташки омиллар, сабаблар бўлиб хисобланади. Мазкур хо-
латда билимлар ва малакалар ўта мухимрок бошка, хукмрон (етакчи)
максадларни амалга оширишни таъминлаш вазифасини бажаради
(ёкимсиз холат ва кечинмалар ёки нохуш, нокулай вазиятдан кочиш,
ижтимоий ёки шахсий муваффакиятга эришиш; муваккат эришув
муддаоси мавжудлиги ва хоказо). Бу турдаги ёки жинсдаги ташки мо-
тивлар таъсирида таълим жараёнида билим ва кўникмаларни эгаллаш
(ўзлаштириш)да кийинчиликлар келиб чикади ва улар асосий максад-
ни амалга оширишга тўскинлик килади. Масалан, кичик мактаб ёши-
даги ўкувчиларнинг асосий максади ўкиш эмас, балки кўпрок ўйин
фаолиятига мойилликдир. Мазкур вазиятда ўкитувчининг ўкишга
уларни жалб килиш нияти ўкувчиларнинг ўйин максадининг ушали-
шига халакит бериши мумкин, лекин изох талаб далиллар етишмайди.

Мотивларнинг навбатдаги тоифасига, яъни ички мотивлар тур-
кумига индивидуал хусусиятли мотивлар кирадики, улар ўкувчи шах-
сида ўкишга нисбатан индивидуал максадни рўёбга чикарувчи
кўзғалиш негизида пайдо бўлади. Чунончи, билишга нисбатан ки-
зикишнинг вужудга келиши шахснинг маънавий (маданий) даражаси-
ни ошириш учун ундаги интилишларнинг етилишидир. Бунга ўхшаш
мотивларнинг таъсирида ўкув жараёнида низоли, зиддиятли холатлар
(вазиятлар) юзага келмайди. Албатта бундай тоифага тааллукли мо-
тивлар пайдо бўлишига карамай, баъзан кийинчиликлар вужудга ке-
лиши эхтимол, чунки билимларни ўзлаштириш учун иродавий зўр
беришга тўғри келади. Бундай хоссаларга эга бўлган иродавий зўр бе-
ришлар ташки халакит берувчи кўзғатувчилар (кўзговчилар) кучи ва
имкониятини камайтиришга каратилган бўлади. Педагогик психоло-
гия нуктаи назардан ушбу жараёнга ёндашилганда тўлаконли вазият-
гина оптимал (окилона) дейилади.

Таълим жараёнида бундай вазиятларни яратиш ўкитувчининг
мухим вазифаси хисобланиб, унинг фаолияти ички англанилган мо-
тивлар ўкувчилар хулк-атворини шунчаки бошкариш билан чеклан-



масдан, балки улар шахсини шакллантиришга, уларда максад кўя
олиш, кизикиш уйғотиш ва идеалларни таркиб топтиришга каратил-
ган бўлади.

Аник нарсалар, ходисалар ва хатти-харакатлар инсоннинг фаол-
лиги муайян манбалар билан узвий боғланишга эга бўлса, уйғунла-
шиб борса фаолият мотивлари даражасига ўсиб ўтади. Психологияда
манбалар ўз мохиятига кўра туркумларга ажратиб талкин килинади.

А) Инсон эхтиёжлари билан белгиланувчи ички манбалар. Ор-
ганизмнинг табиий эхтиёжларини намоён килувчи туғма хусусиятли
ва жамоада шаклланувчи ижтимоий эхтиёжларни вужудга келтирувчи
орттирма хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Туғма эхтиёжлар орасида ўкишга нисбатан маъно касб этувчи
алохида ахамиятга эга бўлган фаолликка нисбатан эхтиёж ва ахборот,
маълумот, хабарлар олишга эхтиёж мухим роль ўйнайди.

Мотивга генетик ёндашилганда шу нарсани алохида таъкидлаб
ўтиш лозимки, бола туғилгандан эътиборан бевосита фаоллик кўрса-
тишга мойиллик хукм суради: у кулади (новербал муомала шакли),
кимирлайди (фазода ўрин алмашиш), кўл ва оёкларини харакатланти-
ради (мослашиш), ўйнайди (мухит-бола муносабати), гаплашади
(шахслараро муносабатга киришиш), саволлар беради (диалогик му-
локот ва бошкалар). Бунга ўхшаш хатти-харакатларнинг ўзи уларни
кониктиради, вокеликни инсоннинг ахборотларга нисбатан эхтиёжи-
ни тажрибаларда кўрсатиш мумкин: агар текширилувчини маълум
вактга ташки оламдан ажратиб кўйилса, натижада унинг иродасида,
хиссиётида, интеллектида бузилиш содир бўлиши, зерикиши, ирода-
вий акт тизими йўколиши, фикр юритиш жараёни парчаланиши, ил-
люзион, галлюционал холатлар учраши мумкин.

Ижтимоий турмуш шароитида фаоллик ва информацион так-
чиллик одамларни салбий хис-туйғу ва кечинмаларга олиб келади,
фаолият тузилиши ва унинг динамикасига путур етказилади. Ижти-
моий турмушда шаклланувчи эхтиёжлар орасида ўкув фаолиятида
мухим роль ўйновчи ва уни кучайтирувчи ижобий хусусиятли социал
ва гностик эхтиёжлар алохида ахамият касб этади, шахсни камол топ-
тириш жараёнида хукмрон вокеликни эгаллайди. Уларнинг туркумига
билимларга нисбатан эхтиёж, жамиятга фойда келтиришга интилиш,
умумбашарий ютукларга эришишга интилиш кабилар киритилади.

Б) Инсон хаёти ва фаолиятининг ижтимоий шароитларида аник-
ланувчи ташки манбалар. Бундай манбаларни талабчанлик, орзу (ку-
тиш) ва имкониятлар ташкил килади. Жумладан, талабчанлик инсонга

фаолият ва хулк-атворнинг муайян турини ҳамда шакли (кўриниши)ни тақозо этади. Мазкур ҳолатни қуйидаги мулоҳазалар ёрдамида изоҳлаш мумкин: ота-она боладан овқатни қошиқда ейишни, стулда тўғри ўтиришни, «раҳмат» дейишни талаб қилса, мактаб ўқувчидан маълум белгиланган вақтда дарсга етиб келишни, ўқитувчиларга қулоқ солишни, берилган вазифаларни бажаришни қатъий белгилайди. Жамият эса хулқ, феъл-атвор орқали маълум ахлоқий нормалар ва қоидаларга риоя қилишни, шахслараро муомалага киришиш шакллари (воситалари)ни эгаллашни ҳамда аниқ вазифаларни бажаришга амал қилишларини ўз фуқароларига ўргатади.

Психология фанининг атамалари моҳиятида орзу ёки кутиш жамиятнинг шахсга нисбатан муносабатининг ифодаланиш механизми ётади. Этнопсихологик стереотипларда уйғунлашган хулқ-атвор белгилари ва фаолиятнинг шакллари ўзига хосликка эга. Одатда одамлар бир ёшли бола тик юриши керак, деб ҳисоблайдилар ва улар бу тухфани боладан кутганлиги туфайли унга алоҳида муносабатда бўладилар. Психологияда кутиш тушунчаси талабдан фарқли ўларок, фаолият юзага келиши учун умумий муҳит яратади.

Имкониятлар тўғрисида фикр юритилганда маълум фаолиятнинг кишилар иродаси билан боғлик (ирода акти, сифати, принципи) объектив шарт-шароитларни ўзида акс эттиради. Агарда одамларнинг шахсий кутубхонаси бой бўлса, уларнинг ўқиш имконияти юқори даражага кўтарилади. Кишиларнинг хулк-атвори психологик нуктаи назардан таҳлил қилинганда, кўпинча уларнинг объектив имкониятларидан чиқиб, унга ёндашилади. Агарда бола қўлига тасодифан биология китоби тушиб қолса, унинг шу предметга нисбатан қизиқиши ортиши кузатилади.

В) Шахсий манбалар – одамлар қизиқишлари, интилишлари, усталовкалари ва дунёқарашлари жамият билан муносабатини акс эттиришдан иборатдир. Инсон фаоллигининг манбаи - қадрият орқали ифодаланиб, шахс статуси (роли)да эгаллана борилади.

### 5.5. Мотив классификацияси

Жаҳон психологияси фанининг назарий мушоҳадаларига ва ўзимизнинг шахсий маълумотларимизга асосланиб, мотивларни қуйидаги туркумларга ажратишни лозим топдик.

I. Шахснинг ижтимоий эҳтиёжлари билан уйғунлашган, уларнинг моҳияти мезони орқали ўлчанувчи мотивлар:



1) дунёқарашга тааллуқли, алоқадор бўлган ғоявий мотивлар;

2) ички ва ташқи сиёсатга нисбатан муносабатни акс эттирувчи, шахсий позицияни ифодаловчи сиёсий мотивлар:

3) жамиятнинг ахлоқий нормалари, принциплари, турмуш тарзи, этнопсихологик хусусиятларига асосланувчи ахлоқий мотивлар;

4) борлиқ гўзаллигига нисбатан эҳтиёжларда инъикос этувчи нафосат (эстетик) мотивлари.

II. Вужудга келиши, шартланганлик манбаи бўйича умумийликка эга бўлган, бошқарув ва бошқарилув хусусиятли мотивлар:

1) кенг қамровли ижтимоий мотивлар (ватанпарварлик, фидоийлик, альтруистик);

2) гуруҳий, жамоавий, ҳудудий, умумбашарий мотивлар;

3) фаолият тузилиши, моҳияти ва тузимига йўналтирилган процессуал мотивлар;

4) фаолият маҳсулини баҳолашга, мақсадга эришувга мўлжалланган рағбатланув, мукофот мотивлари.

III. Фаолият турлари моҳиятини ўзида акс эттирувчи мотивлар:

1) ижтимоий-сиёсий воқеликларни мужассамлаштирувчи мотивлар;

2) касбий тайёргарлик ва маҳоратни ўзида намоён этувчи мотивлар;

3) ўқишга, билишга (когнитив), ижодга (креатив) оид мотивлар.

IV. Пайдо бўлиш хусусияти, муддати, муҳлати, барқарорлиги билан умумийликка эга бўлган мотивлар:

1) доимий, узлуксиз, лонгитюд хусусиятли мотивлар;

2) қисқа муддатли, бир лаҳзали, бир зумлик ва сониялик мотивлар;

3) узоқ муддатли, вақт тақчиллигидан озод, хотиржам хатти-ҳаракатларни талаб этувчи мотивлар.

V. Вужудга келиши, кечиши суръати биоқувват билан ўлчанувчи мотивлар:

1) кучли, қудратли, таъсир доирасидаги шижоатли мотивлар;

2) пайдо бўлиши, кечиши ўрта суръатли мотивлар;

3) юзага келиши, кечиши заиф, бўш, кучсиз, беқарор мотивлар.

VI. Фаолиятда, муомалада ва хатти-ҳаракатда вужудга келиши хусусияти, хислати ҳамда сифатини акс эттирувчи мотивлар:

1) аниқ, яққол, воқе бўлувчи реал мотивлар;

2) зарурат, юксак талаб ва эҳтиёжларда ифодаланувчи долзарб мотивлар;

3) имконият (потенция), заҳира (резерв), яширин (латент) хусусиятларини ўзида мужассамлаштирувчи мотивлар.

VII. Акс эттириш даражаси, сифати нуктаи назардан иерархия вужудга келтирувчи мотивлар.

1) биологик мотивлар;

2) психологик мотивлар;

3) юксак психологик мотивлар.



# ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

# ШАХСНИНГ ХИССИЙ-ИРОДАВИЙ ЖАБҲАЛАРИ

## VII БОБ

## ХИССИЁТ

### 1. Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча

Ҳиссиёт борликка, турмушга, шахслараро муносабатга нисбатан
шахсни субъектив кечинмаларининг акс эттирилишидир. Шахс тирик
мавжудод бўлиши билан бирга жамият аъзоси хамдир, шунингдек,
яккаҳол (индивидуал) инсон сифатида теварак-атрофдаги нарсалар ва
ходисаларга нисбатан муносабатларини холисона (объектив) акс эт-
тиради, инъикос килади. Акс эттириш жараёни фавкулодда ўз ичига
кўйидагиларни камраб олади: а) шахснинг эхтиёжини кондириш им-
кониятига эгаликни; б) кондиришга ёрдам берадиган ёки каршилик
кўрсатадиган объектларга субъект сифатида катнашишни; в) уни ҳа-
ракат килдирувчи, билишга интилтирувчи муносабатларини ва ҳока-
зо. Субъектив муносабатларнинг инсон миясида хис-туйғулар,
эмоционал ҳолатлар, юксак ички кечинмалар тарзида акс этиши хис-
сиёт ва эмоцияни юзага келтиради. Ҳиссиёт -яккол вокеликнинг эхти-
ёжлар субъекти бўлмиш шахс миясида объектларга нисбатан унинг
учун кадрли, аҳамиятли бўлган муносабатларининг акс эттирилиши-
дир. Мулоҳазалардан кўриниб турибдики, муносабат атамаси бир не-
ча марта матнда кайд килинди, шунинг учун унга айрим изохлар
бериш максадга мувофикдир. Психологияда ҳали бир талай термин-
лар, атамалар, тушунчалар мавжудким, уларга моҳият, маъно, кўлам,
сифат, шакл жиҳатидан кўлланилиши юзасидан баъзи бир тузатишлар
киритилиши айни муддао бўлар эди.

Психология фанида муносабат тушунчаси икки хил маънода
кўлланилиб келинади: 1) субъект (шахс) билан объект (нарса) ўртаси-
да табиий ҳолда (тарзда) юзага келадиган ўзаро алока ўрнатиш (объ-
ектив муносабатлар); 2) ўрнатилган алокаларнинг акс эттирилиши
(уларнинг кечинмаси), хусусий субъектнинг эхтиёжлари ва уларнинг
объектлараро муносабати (субъектив муносабатлар), бинобарин, на-
моён бўлган эхтиёжларни кондиришга шай турган нарсалар билан
одам ўртасидаги муносабат маъносида ишлатилади. Ҳиссиёт тушун-
часи кундалик турмушда ва илмий психологик манбаларда хар хил

маънода кўлланилади. Жумладан, хиссиёт ўрнида сезгилар, англа-
нилмаган майллар, англанилмаган хохишлар, тилаклар, максадлар,
талаблар тушунчалардан фойдаланилади. Бу холатлар ўртасидаги
ўзаро ўхшашликка асосланиб ишлатилиши кундалик турмуш вокеа-
лари бўлиб хисобланади, холос. Илмий нуктаи назардан келиб чикиб
тахлил килинганда «Хиссиёт» одатда тирик мавжудодлар миясида,
яъни шахсларнинг эхтиёжларини кондирувчи ва унга монелик килув-
чи объектларга нисбатан унинг (одамнинг) муносабатларини акс эт-
тириш маъносида кўлланилади.

Жахон психологиясида «хиссиёт» билан «эмоция» терминлари
(айникса чет мамлакатларда) бир хил маънода ишлатилади, лекин
уларни айнан бир хил холат деб тушуниш мумкин эмас. Бундай нук-
сон оммабоп адабиётларда, чет элларда чоп этилган дарсликларда ак-
сарият холларда учрайди. Одатда ташки аломатлари яккол намоён
бўладиган хис-туйғуларни ички кечинмаларда ифодаланишидан иборат
психик жараён юзага келишининг аник шаклини эмоция деб аташ
максадга мувофик. Масалан, рангларнинг ўзгариши, юзларнинг
табассумланиши, лабларнинг титраши, кўзларнинг яркираши, кулгу,
йиғи, ғамгинлик, иккиланиш, саросималик ва бошкалар эмоциянинг
ифодасидир. Лекин ватанпарварлик, жавобгарлик, масъулият, виж-
дон, мехр окибат, севги-мухаббат сингари юксак хислатларни эмоция
таркибига киритиш ғайритабиий ходиса хисобланар эди. Ушбу хис-
сий кечинмалар ўзининг мохияти, куч-куввати, давомийлиги, таъсир-
чанлиги, йўналганлиги билан бир-биридан кескин фарк килишларига
карамай, уларни эмоция сифатида талкин килиш оддий сафсатага ай-
ланиб колган бўлар эди. Шу боисдан уларнинг ўзаро энг мухим фарки
шундаки, бириси ижтимоий (хиссиёт), иккинчиси эса (эмоция) инди-
видуал, хусусий ахамият касб этади.

Таъкидлаб ўтилган мулохазаларга карамасдан, хиссиёт билан
эмоциянинг ўзаро бир-биридан катъий чеклаб кўйиш хам баъзи ан-
глашилмовчиликни келтириб чикариши мумкин. Фаолият, хулк-ат-
вор, муомала субъекти ўзининг шахси хамда жамияти учун ахамиятли
хисобланган нарсалар ва ходисаларни акс эттирувчи муносабати хис-
сиётда мужассамлашади. Шахснинг индивидуал хаёти ва фаолиятига
алокадор (хох фойдали, хох зарарли бўлишидан катъи назар) омиллар,
кўзғовчилар, турткиларни ифодаловчи хамда келиб чикиши инстинк-
тлар, шартсиз рефлекслар, ирсий белгилар (овкатланиш, жинсий, хи-
мояланиш, кўркиш ва бошкалар) билан боғлик содда хиссий холатлар
«эмоция» дейилади. Эмоциялар нафакат инсонларга, балки жонли ри-



вожланган мавжудодларга хам тааллукли рухий (психик) холатлар-
дир. Хайвонлардаги эмоциялар ўзгариши мураккаб бўлган табиийлик
(ирсий) аломатларга асосланувчи содда тузилишга эгадир. Одам би-
лан хайвон эмоциялари ўзларининг мохияти, тузилиши, таъсирчанли-
ги, жадаллиги, сифати, шакли билан кескин тафовутланади.
Эмоциялар ташки кўринишга хослиги билан, муваккат хусусиятга эга
эканлиги билан хиссиётдан фаркланади. Шуни айтиб ўтиш жоизки,
хиссиёт хайвонот оламига хос кечинма эмас, у акл-заковат субъекти
саналмиш хазрати инсонгагина хос, холос, чунки эмпатик (хамдард-
лик) хис-туйғулар шахснинг мукаммаллик боскичига кўтарилишига
кафолат негизидир.

Хиссиёт билан эмоция (унинг юксак даражалари назарда тути-
лади) инсон шахсининг ижтимоий хаётий шарт-шароитларида юзага
келган, одамнинг ижтимоий-тарихий тараккиётида шаклланган (эво-
люцион йўсинда), муайян ижтимоий мухитда (жамиятда) истикомад
килувчи кишилар томонидан ўзлаштирилган ғоялар, меъёрлар, конун-
коидалар, низомлар, кадриятларни акс эттирувчи англанилган хис-
туйғулар, мураккаб ички кечинмаларни вужудга келиш жараёнидир.

## 2. Хиссиётнинг ўзига хослиги

Хиссиётда шахс психикасининг ўзига хос жабхалари, инсон
фаолиятининг айрим жихатлари сифатида харакатдаги, теварак-
атрофдаги вокеликни одам бош миясида турли-туман шаклда ичдан
акс эттирилади. Шунинг учун хиссиёт борликда содир бўлаётган нар-
са ва ходисалар юзасидан шахс учун ахамиятли, кадр-кийматли ало-
матлари туйғусидан дарак берувчи сигналлар системаси тарзида
талкин килинади. Яккол вокеликда сезги аъзоларига таъсир этувчи
хар хил кўзғовчиларидан баъзи бирлари алохидаланади, ўзаро мос
тушганлари эса бирлашади, фавкулодда намоён бўла бошлаган хис-
туйғулар билан улар аралашиб кетади. Бунинг натижасида муайян
кўзғовчилар тирик мавжудодлар учун хотиржамлик ёки безовталик
сигналига айланади, хиссий кечинмалар эса инсоннинг шахсий таж-
рибасини шакллантирувчи шартли рефлекслар тизимини баркарор-
лаштирувчи омил тарикасида акс этади. Хиссиётнинг бундай тарзда
сигнал функциясининг бажариши унинг импрессив (лотинча impessio-
сўзидан олинган бўлиб, таассурот деган маъно англатади) жихати деб
номланишда ўзига хослиги шундаки, хиссиёт тасаввур килинаётган
образларга, фикран режалаштирилаётган максадларга майл, фаоллик,

интилиш уйғотади, шахснинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларининг муваққат ёки узлуксиз мотивига айланади. Ушбу физиологик жараённинг моҳиятини тушунтирилишда И. П. Павлов мана бундай ёндашади: тирик мавжудодларнинг табиий муҳитга мослашувида қатъийлашадиган ёки заифлашадиган динамик стереотиплар туфайли ҳиссий ва эмоционал кечинмаларнинг ижобий ёки салбий кўриниши вужудга келади. И. П. Павловнинг талқинича, динамик стереотип-бу ташқи таассуротларнинг маълум таркибда такрорланиши натижасида ҳосил қилинган шартли рефлекслар таъсиридаги нерв боғланишларининг барқарор тизимидир. Тирик мавжудод ҳаёти ва фаолиятида қийинчиликларга, қаршиликларга учраса, динамик стереотип «заифлашуви» юзага келади, бунинг оқибатида салбий эмоционал ҳолатлар, кечинмалар ҳосил бўлади.

Ҳис-туйғулар ва эмоционал ҳолатлар кечишининг турли шакллари, кўринишлари нафақат сигнал функциясини бажаради, балки улар шахснинг фаолияти, хулқ-атвори устидан бошқарувчанлик функциясини амалга оширади. Юксак ҳислар бу маънода устувор роль ўйнайди (виждон ҳисси, масъулият ва ватанпарварлик туйғуси, эмпатик, яъни ҳамдардлик кечинмалари ва бошқалар). Ҳатто эмоционал ҳолатлар, ҳодисалар, ҳаракатлар шахснинг тана аъзолари ўзгаришида ўз ифодасини топади ва ички ҳиссий кечинмаларнинг ташқи аломатларини акс эттирувчи муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Овоз оҳанги, суръати, тембри, частотаси ўзгариши, мимика, имо-ишора, пантомимика, организмнинг қизариши, оқариши, нафас олиш ва қон босимидаги беқарор ҳолатлар ихтиёрсиз ёки ихтиёрий, онгли равишда кечишидан қатъи назар эмоциянинг экспрессив (лотинча expressio-деган атамадан олинган бўлиб, ифодалаш деган маънони билдиради) жабҳаси дейилади.

Шахс ҳиссиётнинг субъекти ҳисобланиб, мазкур ҳолатнинг намояндаси, уни акс эттирувчи тариқасида оламни англаш, билиш жараёнида ўзининг шахсий фаолиятини (хулқ-атворини) мақсадга мувофиқ амалга ошириш учун ҳиссий кечинмаларни ўзгартириш қудратига эга. Ҳис-туйғулар шахсдан ажралган ҳолда вужудга келмайди, шунинг учун улар ҳиссиёт субъекти билан бирга ҳукм суради, бинобарин, ҳиссий кечинмалар аниқ инсонга тааллуқли бўлади, холос. Инсонда эмоционал таассурот қолдирадиган, юз тузилишида табассум ёки қайғу, гоҳо ажабланиш уйғотадиган нарса ва ҳодисалар ҳиссиётнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Шахсдаги эмоционал ўзгаришлар унинг ҳаёти ва фаолиятида, шахслараро муносабатида, инсонлар би-



лан муомалага киришишда, айрим ҳолларда бирон бир воқелик тўғрисида хаёл сурганда, армон туйғуси одамга хотиржамлик бермаганида юзага келади.

Ҳиссиёт субъектив ички кечинмаларда ифодаланса ҳам уни аниқлаш мумкин, чунки дилдаги қайғу аламлар, афсусланиш, ачиниш, қувониш, ўзидан нолиш, кўз ва юз ҳаракатларидаги безовталаниш, ҳадиксираш, ҳаяжонланиш ташқи тана аъзоларида, нутқ фаолиятида, сустлик, лоқайдлик ҳукмронлик қилганида бевосита ифодаланади. Ҳис-туйғулар ихтиёрсиз равишда вужудга келмайди, шунинг учун улар қатъий равишда детерминациялашган (сабабий боғланган) психофизиологик хусусиятга эгалиги туфайли у ёки бу ташқи қўзғатувчи таъсирига нисбатан муносабат билдириш (жавоб реакцияси) тарзида ҳосил бўлади. Вазият, шарт-шароитлар ҳиссиётнинг механизми тариқасида хизмат қилиши мумкин. Шуни ҳам аниқлаштириш лозимки, вазият ҳам, шароит ҳам табиий (биологик), субъектив (шахслараро муносабат) кўринишларда вужудга келганлиги сабабли ҳиссиётнинг моҳияти, сифати ва шаклига бевосита ўз таъсирини ўтказади. Қаттиқ совуқ, фавқулоддаги чанг-тўзон, хонада ток бўлмаслиги, қўпол муомала, лоқайд муносабат, авторитар хулқ-атвор ва бошқалар вазиятга, шароитга яққол мисол бўла олади.

Ҳиссиётнинг детерминизм (сабабий боғланиш) принципига асосланганлигидан қатъи назар шахс ўзининг фаолиятида, хулқида, муомаласида ҳиссиётини, эмоционал ҳолатларини идора қилишга, баъзи ҳолларда ўзини тутиб туришга, воқеликка ёки ҳодисаларга нисбатан олдинги баҳосини ўзгартиришга, ички мураккаб кечинмаларини онгли равишда бошқаришга интилади. Шахсда вужудга келувчи субъектив ҳолатлар, ҳис-туйғулар ўзининг юзага келиши, намоён бўлиши, моҳияти жиҳатидан ҳамиша объектив воқеликнинг тимсоли, инсон миясига сингдирилган, қайта ишланган кўринишидир. Объектив борлиқ юзага келтирадиган субъектив ҳис-туйғулар, кечинмалар моддий тана аъзоларидагина акс этиш билан чекланмасдан, балки муайян ўзгаришлар шахснинг фаолиятида, нутқида, мулоҳазасида, хулқида бевосита ифодаланади.

Шахс ҳиссиёт объектига нисбатан қандай шахсий муносабатда бўлиши фавқулоддаги ҳолатда «Мен» лик ифодаланиши ҳис-туйғуларнинг сифати дейилади. Масалан, шахснинг муҳаббати, раҳм-шафқати, ҳаяжонланиши, қаҳр-ғазаби, безовталаниши, руҳан эзилиш каби сифатларнинг муайян таснифи (классификацияси) мавжудир. Сифатлар икки хил йўсинда вужудга келиши мумкин, жумладан,

шахсининг ўз эҳтиёжини кондиришга ва унга каршилик (тўскинлик)
килишга алокадор нарса ва ходисаларга нисбатан муносабатлари сон-
санокс из бўлиши мумкин. Ҳиссиётнинг сифатлари шахснинг нарса ва
ходисаларга нисбатан эмоционал муносабатининг ўзига хос ва зару-
рий аломатлари бўлиб ҳисобланади. Психологияда шахснинг ҳаётий
ва таб иатомилларига нисбатан эмоционал муносабатлари ижобий ва
салбий туркумларга ажратилади. Ижобий сифатлар нарса ва ходиса-
ларга нисбатан эҳтиёж максадга мувофик равишда кондирилса, у хол-
да роҳатланиш, кувонч ҳислари ифодаси юзага келади. Эҳтиёжларни
кондиришга тўсиклар, халакит берувчи омиллар намоён бўлса, у так-
дирда нохуш кечинмалари, норозилик ҳислари туғилади. Ижобий ва
салбий сифатлар бевосита йўсиндаги эмас, балки билвосита йўл би-
лан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, ҳаёт кувончларини эслаш
далиллигини уйғотса, муваффакиятсизликни хаёлга келтириш хадик-
сирашни ҳосил килади.

Шахс индивидуал эҳтиёжларидан ташкари, ижтимоий эҳтиёжни
кондириш билан боғлик мотивлар таъсири туфайли ҳам ижобий ёки
салбий ҳиссиёт сифатларини акс эттириши кузатилади. Масалан, та-
лабанинг танловда катнашиши кувонч ҳисларини юзага келтирса, ик-
кинчи турдаги муваффакиятсизлик хафагарчилик туйғусини намоён
этади. Шахснинг маколаси (газета, журналда) босилиб чикса фахрла-
нади, кимнингдир томонидан у танкид килинса руҳан эзилади. Ота-
она фарзандини мактаса кувонади, койиса эса хафа бўлади ва ҳоказо.

Ҳиссиётнинг ижобий ва салбий сифатларидан ташкари, унинг
иккиёкламалик (юнонча amphi иккиёклама вазифа, лотинча valentia
«куч» деган маъно англатиб келади) ва ноаникликдан иборат асосий
хислатлари мавжуддир. Бу руҳий ҳолатларда шахсда иккиланиш ҳол-
лари, ноаниклик тушуниш муносабатлари акс этади, лекин роҳатланиш
билан каноатланмаслик ҳисларини бир-бирига кўшиш мумкин эмас.

Амбивалент (иккиёклама) ҳиссиётда роҳатланиш билан азобла-
ниш туйғулари ўзаро кўшилиб кетиш билан чекланибгина колмасдан,
балки уйғунлашган, аралашган ҳолда уларнинг кечиши муҳим хусу-
сиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Масалан, рашк ҳиссида муҳаб-
бат билан нафрат бир-бири билан узвий боғланиб кетади. Хўранда
корни очлиги учун шўр овкатни еб биологик эҳтиёжни кондириб, бир
томондан роҳатланиши, иккинчи томондан эса нохуш ҳисни кечири-
ши мумкин. Ташналикдан илик сувни ичиб ҳам роҳатланиши, ҳам но-
хушликка берилиши кузатилади. Кийими юпун шахсга калинрок тўн
берилса, бир томондан кувонади, иккинчи томондан эса уялади.



ошикларда севиш ва ўзидан нафратланиш ҳолати кечади ёки ҳижрон ширин кайгу, лекин ёкимли истироб тарзидаги кечинмалар иккиёклама ҳиссиётга ёркин мисолдир.

Шахснинг эмоционал дунёси узлуксиз тарздаги зиддиятлар, низолар ва уларнинг ҳал килиниши, олдининг олинишини акс эттиришдан иборат жараёнлар мажмуасидир. Асосан ижобий, салбий ва иккиёклама ҳиссиётни келтириб чикарадиган омиллар куйидагилардан иборатдир: 1) шахс билан муҳит ўртасидаги (табиий муҳит, ижтимоий муҳит орасидаги) ҳар хил мазмун ҳамда шаклдаги муносабатлар; 2) тана аъзолари, ички организм таркиблари муҳитидаги муносабатларнинг нисбий мувозанати ўзгариб туриши; 3) фавкулоддаги вазиятлар туфайли юзага келадиган ҳар хил кечинмалар ва бошкалар.

Ҳис-туйғуларнинг яна битта (тўртинчи) сифати шахснинг ҳиссиёт объектларига нисбатан эмоционал муносабатларининг киска муддатли акс эттишини таъминловчи ташки таъсирининг ноаниклиги ифодаланишидир. Шунингдек, объектларнинг таассуротлари узок муддатли хусусиятга эга бўлса, бундай эмоционал ҳолатлар муносабатларининг сифати бўлиши мумкин; Шахс ўзининг турмуш тажрибасига номаълум, ял-янги нарсаларга дуч келса, бу воқелик уни тўлкинлантириши, ҳайратлантириши, унда ҳавас ва кизикиш уйғотиши мумкин. Бу ҳиссий воқелик (ҳодиса) янги таассуротни англашнинг ҳиссий жабҳаси бўлиб ҳисобланади. Табиий ва ижтимоий муҳитнинг англаб олиш чигал ҳодисаси эҳтиёж билан боғланишдан ҳамда муайян баркарор муносабат юзага келтиришдан олдин ҳиссий ҳолатнинг предметига айланади. Шунинг учун маълум кечинмаларнинг негизида танҳо «бу нима рефлекс»ини тушуниш эҳтиёжи ётади. Билиш фаолияти билан уйғунлаша борган англаш ҳисси бекарорлиги, киска муддатлилиги билан тафовутланади ҳамда объектга нисбатан енгилрок салбий ёки ижобий муносабат сифатига айланада.

Ҳиссиётнинг мазмуни турли-туман бўлиб, у шахснинг ҳаёти ва тараккиёти имкониятлари билан боғлик объектларга, ҳатто бевосита роҳатланиш (азобланиш) ҳисларини юзага келтирувчи нарсаларга нисбатан муносабатларида ифодаланади. Демак, шахснинг ҳиссиётлари турлича моддий ва маданий эҳтиёжларига асосланади, уларни кондиришга ёрдам берадиган омил ижобий эмоцияни юзага келтиради, сўнг баркарор ҳиссиёт сингари мустаҳкамланади. Инсон эҳтиёжини кондиришга халакит берадиган нарса салбий эмоционал ҳолатни вужудга келтиради ҳамда ҳиссиёт тарикасида мужассамлашади.

Ҳиссиётнинг мазмуни тўғрисида мулоҳаза юритилганда шу нарсани эслатиб ўтиш жоизки, хис-туйғулар баркарорлиги, максадга мувофиклиги: биринчидан, шахсга ҳеч кандай хавф-хатар, таҳдид солмаётганлигини, иккинчидан, инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида уни бахт-омад кутаётганлигини, учинчидан, шахслараро муносабати, жамиятда тутган мавкеини, тўртинчидан, тана аъзоларининг саломатлигини рўй-рост акс эттиради. Бу кўринишларнинг барчаси ижобий сифатлар устуворлик килаётганлигидан дарак беради, бинобарин, ютукларга эришиш эҳтимоли даражаси юксаклиги, ижтимоий ёки шахсий кутилма эса кафолатланганлигини англатади. Шахс шахслараро муносабатнинг маҳсули бўлганлиги туфайли ундаги ҳиссиётларнинг мазмуни, инсон камол топиши билан узвий боғлик тарзда, кўлами кенгайиб боради, бунинг натижасида эмоционал ҳолатлар шахсий тор доирадан ташкари чикиб, табиат ходисалари, жамият муаммолари (иктисодий, сиёсий, тарихий, маънавий жабҳалар) га таалукли муносабатларни ўзида маънавий мазмуний шаклий жиҳатдан мужассамлаштиради. Худди шу боис масъулият ва локайдлик, мулокотмандлик ва оламовилик, ғазаб ва шавк, симпатия ва антипатия, оптимизм ва пессимизм, хурсандлик ва хафалик, каҳрамонлик ва кўркоклик, кувонч ва каҳр, иштиёк ва зерикиш, эгоистлик ва альтуристлик, софдиллик ва ғаразгўйлик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, самимийлик ва лаганбардорлик кабиларнинг барчаси келиб чикиши (генезиси) жиҳатидан ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, куйидаги жабҳалари билан ажралиб турувчи: а)шахснинг шахсий нуктаи назари; б)ижтимоий ҳаётда эгаллаган мавкеи; в)ҳаёт ва фаолиятда фаоллиги; г)жамиятдаги ҳамкорлик фаолиятда катнашиши; д) гуруҳ ёки жамоада шаклланган шахслараро муносабатлари билан боғлик ҳиссиётлардир. Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, шахснинг баъзи хистуйғулари уларни рўёбга чикарувчи омилларнинг такроран таъсири натижасида мустаҳкамланиб, унинг(инсоннинг) ҳукмрон, устувор, баркарор эмоционал хусусиятига айланади. Шу сабабдан шахсларнинг хушфеъл ёки жаҳолатли, кизикувчан ёки совуккон, кўркок ёки жасур, меҳрибон ёки бағритош, хушмуомала ёки кўпол, камгап ёки маҳмадона деган йўсинда инсон (шахс) сифатида тавсифлаш, баҳолаш мумкин. Миллий тарбиянинг, миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз фукароларида миллий истиклол ғояларига содиклик, фидойилик, ватанпарварлик, масъулиятлилик руҳидаги юксак ҳис-туйғуларни шакллантиришдан иборатдир. Мустакиллик идеалларига муносиб шахсларни камол топтириш учун, ватан ишки билан



ёнувчи фаол, шижоатли, иродаси букилмас, баркарор мотивацияга эга бўлган инсоний сифатларни уларда шакллантириш максадга мувофик.

Шуни эслаб ўтиш лозимки, ҳиссиёт ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлиб, унинг кучайиши ёки сусайишига караб кандай окибатларга олиб келишини олдиндан башорат килиш ёки пайкаш мумкин. Шахснинг хис-туйғуларида ҳам баркарор, ҳам ўзгарувчан жабҳалари биргаликда ҳукм суради.

Шу сабабдан шахснинг ҳиссиётида ҳукмрон, устувор хистуйғулар мавжуд бўлишига карамай, улар вазият, шароит янгиланиши боис кескин ўзгаришларга учрайди, динамик стереотиплар заифлаша бошлайди. Шунинг учун психологияда ҳиссиёт ўзгаришининг динамикаси деган атамалар бирикмаси узлуксиз равишда кўлланилиб келинади.

Шахсда намоён бўлаётган ҳиссиёт аста-секин жадаллашиб борgани эвазига у руҳий кечинма сифатида мустаҳкамланиб колиши мумкин. Масалан, жаҳон халкларида ер куррасининг у ёки бу жойларида кўпорувчилик кўринишларига жирканч назар билан караш туйғуси уйғонган бўлса, кейинчалик терроризмга (лотинча terror куч ишлатиш билан кўркитиш демакдир) шафкатсиз кураш, нафрат умумий милитаризмга (латинча militaris харбийлаштириш маъносини англатади) йўналтирилди. Халкларда наркотик (юнонча harkotikos мияни айниталиган) моддаларга нисбатан жирканч туйғуси кучайиб бориши, динамикаси сабабли наркобизнесга (инглизча business фойда дегани)билан аёвсиз кураш инсоният генини (зотини) бузилишига йўл кўймасликка ўсиб ўтди. Шахс кечираётган хис-туйғулар мазмундор, акс эттирилаётган ходисалар ранг-баранг, ўзаро таъсирлар, алокалар, муносабатлар серкирра, кўпёкламалик хусусият касб этса, у ҳолда ҳиссиёт динамикасига пухта негиз ҳозирлайди.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш маъкулки, ҳиссиёт динамикаси ҳар хил кечиши, унинг хусусияти, йўналиши бироз ўзгариши мумкин. Чунки ҳиссиёт бир йўналишда кучайиб бориш билан бир каторда унинг сусайиши, ҳатто сўниб бориши, ҳаддан ташкари заифлашуви ҳам кузатилади. Масалан, интизомни бузган ходимни «хайдаш» билан кўркитиш эмоционал таъсирини йўкотади, агарда бирор жазо чораси кўлланилмаса, мабодо талабани дарс колдириши пўписа килиш билан чекланса, унда кўркинч руҳий ҳолати йўколади. Ана шундай ходисалар ва номутаносибликларнинг такрорланиши сабабли эмоционал мослашув (адаптация) жараёни вужудга келади, демак, ҳиссиётда ўзгариш содир бўлмайди. Агарда ҳиссиёт объектининг (нарса, ходиса,

холат кабиларнинг) мазмуни, маъноси шахсда кизикиш уйғота олмаса, бундай холда эмоцион тўйиниш юзага келади, олдин кизик туюлган нарса кейинчалик зерикарли, ёкимсиз, нохуш кечинмалар хосил кила бошлайди. Шахс бир неча марта сурункасига ахборот, кўшик, хангома эшита бергач, унда хаяжонланиш, рохатланиш, кайфият кўтарилиши пайдо бўлмайди, аксинча инсонда зерикиш хисси уйғонади, уларни эшитиш эса жахл чиказади. Шунинг учун хох маълумот, хох юмор бўлишдан катъи назар янгилик аломатларисиз инсонда кизикиш йўколади.

### 3. Хиссиёт ва эмоционал холатларнинг физиологик асослари

Эмоционал холатлар бошка рухий жараёнлар сингари мия фаолиятининг натижаси ёки махсули бўлиб хисобланади. Эмоционал холатларнинг юзага келишига табиатда ва жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар, муносабатлар, алокалар, таассуротлар асосий сабабчидир. Ўзгаришлар ўз навбатида, биринчидан, шахс хаёти ва фаолиятининг жадаллаши ёки пасайишига, иккинчидан, инсондаги айрим эхтиёжларнинг пайдо бўлишига ёки йўколишига, учинчидан, одам ички органлари функционал холатларининг бекарорлашувига олиб келади. Хис-туйғулар учун энг хусусиятли физиологик жараёнлар негизи сифатида шартсиз ва шартли рефлекслар хизмат килади ва уларнинг муайян тизими бош мия катта ярим шарлари пўстида юзага келади хамда шу жойда мустахкамланади. Мураккаб шартсиз рефлекслар эса: 1) ярим шарларнинг пўстлокости бўшликлари: 2) мия стволига тегишли кўриш тепачалари (дўнгликлари); 3) нерв кўзғалишларини миянинг юкори бўлимларидан вегетатив тизимига ўтказиб берувчи марказлари оркали амалга оширилади. Шахсда хистуйғуларнинг кечиши хамиша мия пўсти билан пўстлокости марказларининг бирликдаги (хамкорликдаги) фаолияти натижасида рўёбга чикади

Шахс рухий оламида, уни куршаб турган теварак-атрофда содир бўлаётган ўзгаришлар (хох табиий, хох субъектив бўлишидан катъи назар) кечинмалар субъекти (инсон) учун канчалик кадр-киймат, юксак ахамият касб этса, хиссий холатларнинг мазмуни шунчали пурмаъно бўлади. Бунинг таъсирида юзага келадиган муваккат боғланишлар тизимининг кайта курилиши кўзғолиш жараёнини хосил килади. Мазкур жараён мия катта ярим шарлари пўстида таркалиб, сўнг пўстлокости марказларини эгаллаб олади. Катта ярим шарлар



пўстидан пастда турувчи мия бўлимларида организм физиологик
фаолиятининг турли марказлари (нафас олиш, овкат хазм килиш ва
хоказо) жойлашган. Шу сабабдан пўстлокости марказларининг
кўзғалиши баъзи ички аъзолар фаолиятининг кучайишига олиб кела-
ди. Жумладан, нафас олиш ритмикасининг ўзгариши (хаяжонланган-
да бўғилиб колишини, оғир ва тартибсиз нафас олишни юзага
келтиради), юрак фаолиятининг бузилиши (юрак уришини тезлашти-
ради), организмни кон билан таъминлаш издан чикиши (уялгандан
кизаришни, кўркандан окаришни келтириб чикаради, ички секреция
безлари ишининг нуксонлари кўз ёшининг окизади, хаяжонланганда
оғизини куритади, кўрканда «совук» тер чикаради ва хоказо.)

Илмий манбаларда талкин килинишича, мия катта ярим шарла-
рининг пўсти мўътадил шароитида пўстлокости марказларига бошка-
рув ва тормозлов йўсинида таъсир кўрсатади хамда хиссиётининг
ташкарида ифодаланишига йўк кўймайди. Мия пўсти кучли даражада
кўзғалса, унинг таъсирида бошкарувчанлик функцияси бузилади.
Шахс каттик чарчаса ёки кучли маст бўлса, иррадиация окибатида
пўстлокости марказлари хам кўзғалади, натижада харакатни назорат
килиши йўколади.

Мия фаолиятининг электрофизиологик тадкикотлари эмоция-
ларнинг пайдо бўлишида гипоталамолимбик (юнонча hypothalamus
бош мия бўлими номи) тизими ва ретикуляр формация (лотинча
reticulum тўрсимон, formatio, боғлам маъносини англатади) нинг роли
кўрсатиб ўтилган. Маълумотларда кўрсатилишича, эмоционал холат-
ларнинг физиологик мохияти катта ярим шарлар пўстининг ва
пўстлокости тизими марказларининг функциясигина эмас, балки
улар: а) мия механизимлари фаолиятини фаоллаштирувчи ретикуляр
формациянинг, б) миянинг таламус (кўриш дўнгликлари) нинг, гипо-
таламуснинг (дўнгликости кисмининг), в) ярим шарлар янги пўстлоғи
орасидаги лимбик системанинг функцияларидир.

Эмоционал холатлар учун пўстлокости тугунчаларининг тарки-
бига кирувчи (мия катта ярим шарларининг ок моддаси билан бирла-
шуви кулранг модда йиғиндиси) марказлар хам мухим ахамиятга эга.
Агарда мия катта ярим шарлари пўстлоғи харакатларини бирлашти-
риб, сезгиларни ва саъи-харакатларни нозик ифода килиб турса, мия
формациялари ташки хамда ички мухитда содир бўладиган ўзга-
ришларга организмнинг жавоб реакцияларини бошкаради.

Маълумотларга караганда, мия катта ярим шарлари пўстлоғи
шикастланса, ташки оламдан хамда ички органлардан келадиган

кўзғовчиларнинг нозик таҳлил қилиниши занфланса ҳам эмоционал ҳолатлар сақланиб қолаверади. Масалан, ҳайвонлар лимбик тизимга, дўнгости (гипоталамус) қисмига, кўриш тепаликларига йўналган электр қўзғатувчиларга, ретикуляр формациясининг қўзғалишларига хурсандлик ёки диққинафаслик, дарғазаблик ёки қўрқоқлик, лаззатланиш ёки азобланиш, роҳатланиш ёки кўнгилхижиллик сифатида жавоб реакцияси ҳосил бўлади.

Психофизиолог олимларнинг маълумотларига қараганда, миянинг муайян жойларидан электрод ёрдамида биотокларни ёзиб олишнинг кўрсатишича, сут эмизувчиларнинг гипоталамусларида ҳам «роҳатланиш», ҳам «азобланиш» марказлари мавжуд экан. Тажрибада «роҳатланиш» маркази қўзғатилганда ёқимли ҳислар уйғонган, электр токи билан «азобланиш» маркази қўзғатилганда эса ҳайвонлар қалтираб, ўзини ҳар томонга ташлаган. Кейинчалик сут эмизувчилар азоблантирувчи эмоциядан қочишга ҳаракат қилганлар.

Юқорида таъкидланганидек, ижобий ва салбий ҳис-туйғуларнинг шунга ўхшаш марказлари бош миянинг бошқа бўлимларида жойлашганлигига қарамай, шартли равишдаги роҳатланиш ва азобланиш марказлари ҳам мавжуддир бўлиб

Эмоциялар бир-бирига яқин масофада фаолият кўрсатадилар. Тажрибада қўш (жуфт) марказларидан бирида электрод билан ҳосил қилинган қўзғалиш эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда салбий ёки ижобий эмоциядан фақат биттасини вужудга келтирган, холос. Баъзида ёндош жойлашган марказларда қўзғолиш тарқалган бўлса, у ҳолда амбивалент ёки иккиёклама реакция рўёбга чиқади. Шартли равишда номланган марказлар (роҳатланиш, азобланиш) бир-бирига яқин жойлашишига қарамасдан, ҳар хил тузилишга эга эканлиги аниқланган. Маълумотларнинг кўрсатишича, «азобланиш» марказлари миянинг турли бўлимларига жойлашса-да, лекин улар ягона тизим билан бошқарилади. Салбий эмоциялардан фарқли ўлароқ ижобий ҳис-туйғулар ва «роҳатланиш» марказлари бир-бирлари билан жипс алоқага эга эмас. Таъкидлаб ўтилган мулоҳазалар эмоциялар жуфт ҳамда қарама-қарши хусусиятга эга эканлигидан далолат бермоқда. Шунинг учун ҳар қайси эмоция қарама-қарши туркумига эга деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин, жумладан, севги-нафрат, ёқимли-ёқимсиз, хотиржамлик-безовталаниш масъулиятлик-лоқайдлик ва бошқалар.

И. П. Павлов, Ч. Шеррингтон, П. К. Анохин, Н. А. Бернштейн, Е. Н. Соколов, Т. В. Симонов, Д. Линдслей, Р. У. Липер, Б. И. Додонов, У. Жемс ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, таҳлил қилинган марказларнинг қўзғатилиши шартли рефлекслари ҳосил қилинишини мустаҳкамловчи омил ҳисобланади. Бунинг натижасида электр қўзғовчи ёрдами билан мия катта ярим шарларининг пўстида билиш жараёнлари ва хатти-ҳаракатлар стереотипларининг негизини ташкил қилувчи муваққат боғланишлар ҳосил қилинади. Шартли рефлексларнинг сўниши, тормозланиши, пўстлокнинг танлаш (селектив) тизими мия стволининг узунаси бўйича тепаликости ва пўстлокости нерв тугунларидаги «марказлар» нинг фаолиятига боғлиқдир. И. П. Павлов ўша даврдаёқ, «динамик стереотип»ни ҳосил қилгандан кейин олий нерв фаолиятида уни бузилиш салбий ҳиссиётлар кечиши учун негиз бўлади, динамик стереотипни олдиндан тайёрлаб, сўнг уни ўзгариши ижобий ҳис-туйғуларни пайдо қилади, деб қатъий ишонтирган эди.



Маълумотларнинг кўрсатишича, миянинг тепаликости қисмида (гипоталамусда) ги марказлар роҳатланиш ёки азобланиш вазиятлари кўп марта такрорланса ҳам ҳеч ўзгармаслиги мумкин, лекин мия катта ярим шарлари пўстлокости нерв тугунчалари бўйлаб ёйилган марказлар қўзғотилиши натижасида эмоционал реакциялар кучсизланиши, ҳатто сўниши ҳам кузатилади. Бу воқелик шу билан изоҳланадики, аклий фаолият ва ахлоқий кечинмалар эмоционал туси ўзининг ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Бинобарин, организмнинг бирламчи эхтиёжлари юзасидан сигнал берувчи эмоционал реакциялар такроран қаноатлантиргандан кейин ҳам сўнмайди. Шунингдек, организм жароҳат туфайли оғриқ камаймайди, муайян реакциялар ўзгармагунча жисмоний машқдан мароқланиш шахс кўнглига тегмайди. Бунинг учун албатта, салбий, ижобий, аралаш (амбивалент) сигналлар инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида ўз аҳамиятини йўқотиш керак.

Турли марказларни қўзғотганда юзага келадиган роҳатланиш ёки азобланиш эмоцияларининг сифатига, даражасига ва барқарорлигига асосланган ҳолда ҳар бир шароитда ҳиссий ифодаланган шартли рефлектор алоқалар бир марта мустаҳкамланганда ҳосил бўлишини бошқа вазиятда мустаҳкамланиш учун кўп уринишга қарамай алоқани тиклаш мушкил эканлигини изоҳлаш мумкин. Бу ўринда шахснинг барқарор эмоционал йўналганлиги, майллар мустаҳкамлиги руҳий ҳодисасини унинг турмуш тарзини, ҳаётий идеалларни тушунтириш мумкин. Масалан, майхўр (алкогол) ёки наркоман учун роҳатланиш билан боғлиқ хатти-ҳаракат бирламчи бўлганлиги туфайли турли ижтимоий воқеалар (оиладаги жудолик, ишхонадаги кўнгилсизлик, табиий офат ва бошқалар) уни бу йўлдан тўхтатиб қололмайди, лекин

мувақкат ҳолат вужудга келиши мумкин (айтайлик бир неча дақиқа ўзини тийиб туриш), бирок тезла табиий эхтиёжга мутелик қилиб, «тарки одат-амри маҳол» йўсинда иш тутаверади.

## 4. Одам ва ҳайвон эмоциялари

Шахснинг эмоционал ҳолатлари ва кечинмаларининг психологлар ва физиологлар томонидан экспериментал тарзда тадқиқот қилинишига қараганда, юксак даражада ташкил топган ҳайвонларга эмоцияларнинг физиологик механизмларидан инсонники жуда катта тафовут қилмайди. Лекин муаммо ҳиссиётнинг мазмуни, сифати, шакли, ифодаланиши нуктаи назаридан таҳлил қилинганда инсон билан ҳайвон эмоцияси (ҳиссиёт) орасида кескин фарқ мавжудлиги намоён бўлади. Табиатшунос ва инсоншунос олимлар ҳайвонларда эмоционал реакциялар, ҳолатлар мавжудлигини тан олсалар-да, бирок уларда мураккаб ҳиссиёт, юксак ҳис-туйғулар борлигига шубҳа билан қарайдилар ёки инкор қиладилар. Бу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин, чунки инсонларда шундай ҳис-туйғулар борки, бундай ҳиссиёт ҳайвонларда бўлиши мумкин эмас, ваҳоланки ғазабланиш, қўрқиш, жинсий майл, қизиқувчанлик, хурсандлик, ғамгинлик ҳар иккаласида учрайди, аммо улар сифат ва мазмун жиҳатдан бир-бирларидан кескин тафовутланади.

Инсон эмоциялари ижтимоий ҳаётнинг шарт-шароитларига мослаштирган (патологик ҳоллар истисно қилинганда), «онгли зот» га тааллуқли табиат ва жамиятга нисбатан муносабатларида намоён бўлади, мақсадга мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш хусусиятига эга. Очлик ҳисси, жинсий майл ва бошқа инстинктлар соҳалардаги эмоциялар ҳайвон билан инсонда ўхшаш бўлса-да, лекин уларнинг ифодаланишида фарқланиши мавжуд. Буларнинг барчаси инстинктив ҳаракат бўлиши билан бирга инсонийлашидан иборат узоқ эволюцион, ижтимоий-тарихий тараккиёт йўлини босиб ўтган, мураккаб кийинчиликларни енгиш эвазига мазкур кўрсатгичга эришган.

Инсон ҳиссиётнинг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари мавжуд бўлиб, улардан энг асосийси сабабий боғланишларга (детерминирлашган) эгаликдир. Худди шу боис инсон ҳиссиётларининг биологик ва физиологик таҳлили, уларнинг туб мазмунини очиб бермайди, шунингдек, ҳиссиётлар инсон шахснинг онгли ва онгсиз хатти-ҳаракатларини амалга оширувчи кучга, яъни мотивга ўсиб ўтиш йўлларини изоҳлаб беришга қодир эмас. Маълумки, эмоцияларнинг



сонийлашуви» ҳиссиётлар ичидан кечиши мазмуни ва сифатлари атидан ҳайвонлариники билан қиёсланганда ўзининг рангванглиги, мураккаблиги билан шахсники устуворлир. Инсонларнг меҳнат, маънавият, сиёсат, оила, ишлаб чиқариш билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, табиат билан одамлар орасидаги, шу билан бирга шахслараро муносабатлар бир қатор инсоний ҳиссиётларни ва уларни ифодалаш, татбиқ этиш воситаларини вужудга келтиради Шахс юз ифодалари, бошини тебратиш билан, хўрсиниш ркали ўзгаларга ҳамдардлик (эмпатия) туйғусини билдиради. Болаларга одоб билан жавоб беришни. суҳбатдошига илиқ. самимий жилмайишини, қария ва ногиронларга ҳурмат билан жой бўшатишни. кичкинтойларга меҳрибонликни шакллантириш лозим. Шахс ўз ҳистуйғуларини ўзи бошқаради, уларни меъёрий ҳужжатлар, ижтимоий турмуш қоидалари, этник расм-русумлар. одатлар, анъаналар, процесуал қонунлар нуктаи назаридан гоҳ маъқуллайди, гоҳ қоралайди. Шу билан бирга инсонлар кучли ва жўшқин эмоциялари кечишида ташқи хотиржамликни саклай биладилар. Уларнинг баъзилари ўз ҳиссиётларини беркитиш учун ўзларини бефарқ туталилар, салбий эмоцияларни ифодалашга интилалилар. Шахс ўзининг мимика ва пантомимикаларини бошқариш имкониятига эга, лекин органлардаги табиий ўзгаришларни ушлаб туриш мумкин эмас. Масалан. нафас олиш, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш, кўз ёшларини ушлаб туриш. рангни кизартириш, оқартириш ва ҳоказо.

Эмоцияларнинг ифодаланиш қуйидаги кўринишларга эга бўлиш мумкин:1) ифодали ҳаракатлар (мимика ва пантомимикалар); 2) организмдаги турли ҳодисалар (ички аъзолар фаолияти ва ҳолатининг ўзгариши: 3) гуморал хусусиятдаги ўзгаришлар (организмнинг қон таркибидаги, суюқликдаги кимёвий ўзгаришлар. модда алмашиш ва ҳоказо). Эмоцияларнинг ташқи ифодасига мимика, имо-ишора. вазият, қадди-қомат ўзгариши. ташқи секреция безлари фаолияти (ёш, сўлак, тер ажралиши), хатти-ҳаракатлар (тезлиги. кучи, йўналиши, мувофиқлашуви). нутқнинг хусусиятлари ва бошқалар. Эмоциялар, ҳис-туйғулар мазмуни, сифати, шакли жиҳатидан этнопсихологик хусусиятига эга.

## 5. Ҳиссий кечинмаларнинг шакллари

Ҳиссиётлар шахс фаолиятининг муҳим жабҳаси сифатида инсонни кенг эмоционал соҳасини ранг-баранглиги, кўпкирралиги хақида ҳиссий тон (юнонча tonos зўриқиш. урғу бериш маъносини

билдиради), эмоциялар (латинча emovere кўзғатиш, ҳаяжонлаш демакдир), аффектлар (латинча affectus руҳий ҳаяжон, шижоат, эҳтирос маъносини англатади), стресс (инглизча stress зўрикиш деганидир) ва кайфият каби тушунчалар муайян тасаввур бир имкониятга эга.

Ҳиссиёт тон (тус). Ҳиссиёт аксарият ҳолларда фақат эмоционал тус сифатида руҳий жараённинг ўзига хос сифат (сифатий) жиҳати тарикасида вужудга келади. Ҳиссиёт бу ўринда ўзига ўзи эмас, балки билишга интилаётган, ўзгартираётган, эгаллаётган шахсда маълум муносабатни намоён килувчи нарсалар, ходисалар ва харакатларнинг алоҳида хоссаси. хислати ҳамда хусусияти маъносида гавдаланади. Мазкур нарсаларга нисбатан инсон шахсининг субъектив муносабатлари тўғрисида мулоҳаза юритилаётганини одам ҳамиша ҳам пайкай олмайди. Масалан, ёкимли мулокотдош, кулгили ҳангома, бадбўй хид. бехаё кино, иштиёқли машғулот, иболи киз, ярамас хулк, хушчак чак йигит, хотиржамлантирувчи хабар, заҳматли меҳнат ва бошкалар.

Эмоционал тон ёки хиссий тус (масалан, аффектив тон) баъзи ҳолларда барча шахсларда туғма. наслий хусусият касб этиши мумкин Жумладан, оғрик хисси ва бошка хусусиятли кучли кўзғатувчилар бир лаврда акс этган ёкимсиз (нохуш) хиссий тон билан ажралиб туради. Масалан, меркаптан (латинча merc симоб, caplans эгалловчи деган маъно англатади). яъни симоб билан бошка органик моддалар бирикмасидан таркалган хидлар ҳар кайси руҳан соғлом инсонлар учун ёкимсиз. жирканч таассурот уйғотади. Шунингдек, баъзи ранглар бирикмаси (омихтаси). шилимшик пардаларнинг кўзголиши, камишларнинг ишкаланиши, эговнинг овози ҳам худди шундай из колдиради. Шу билан бирга идрок образлари ва тасаввурларининг аксарият ҳиссий тонлари (туслари) олдинги эмоционал жараёнларидан сакланиб колган излар. турмуш тажрибанинг сабоклари ((акс садолари) инсонларда ўхшашлиги туфайли «туғма» деб баҳоланиши мумкин. Ҳиссий тон шахснинг эҳтиёжларини атрофдаги нарсалар ва вазиятлар кониктириши ёки коникмаслиги, фаолиятнинг эса муваффакиятли ёки муваффакиятсиз кечишини яккол намойиш этишига хизмат килади. Шахснинг психологик хислатларига биноан ҳиссий тон (тус) ўзига хос идиосинкразия (юнонча idios ўзига хос synrasis кориншмок, коришув маъносини билдиради) хусусиятини касб этади. бундай таъбли одам бошкалар учун бефарк туюлган нарсаларга ҳам жирканч муносабатини намойиш килади, масалан, духобага тегишни, балик, ёғ, гул ҳидларини ёктирмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кўриш, эшитиш, ҳидлаш, кинестетик (харакат) сезгиларга ҳамда идрокларга тааллукли хиссий тон муҳим амалий аҳамиятга эга. Масалан, хоналар, иш жойи, транспорт воситаларининг ранги (туси) таассуротидан вужудга келган ёкимли ва ёкимсиз хиссий тон меҳнат самарадорлигига, хизматчиларнинг кайфиятига сезиларли таъсир ўтказади. Кимёвий ўғитлар, сабзавотлар ёкимсиз хиди, ишлаб чикаришдаги шовкинлар, товушлар хиссий тон жихатидан меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Хотиржамлик, ёкимсиз мусика, илик шахслараро муносабатлар, муомала маромн, аҳиллик муваффакият кафолати, ижтимоий тараккиёт омили ҳисобланади.

Эмоциялар. Эмоционал жараёнлар, холатлар ёки тор маънода эмоциялар ҳиссий кечинмаларининг ўзига хос хусусиятли шаклларидан биттасидир. Эмоция- у ёки бу ҳиссиётнинг инсон томонидан бевосита кечирилиши (кечиши) жараёнидан иборатдир Масалан, шахс томонидан мусикани севиш эмоцияни вужудга келтирмайди. балки бунинг учун мусикани эшитиш, ижрочи маҳоратига тасанно билдириш. ундан ҳаяжонланиш ёки асар ижроси ёкмаса ғазабли ҳиссий кечинма ҳосил бўлиши ижобий, салбий эмоция дейилади. Кўркинч, даҳшат ҳиссий кечинма сифатида объектларга шахснинг муносабатини акс эттириб турлича шаклда намоён бўлиши мумкин: одам дахшатдан кочади, кўркувдан серрайиб колади, ўзини идора кила олмай ҳар томонга уради, ҳатто хавф-хатарга ўзини ташлаши ҳам мумкин.

Кўпинча эмоциялар ўзининг таъсирчанлиги билан бир-биридан ажралиб туришига карамай, бундай сифатли ҳиссий холатлар стеник (юнонча sthenos сўзидан олинган бўлиб, куч деган маъно англатади) хусусиятли дейилади. Бундай эмоциялар дадил хатти-харакатларга, мантикий мулоҳазаларга, ижобий изланишларга куч-кувват, канот бағишлайди. Масалан, хурсандчиликдан шахс «парвоз килади», «юлдузни нарвонсиз олади», кимларгадир холис ёрдам килишга шошади, фаоллик, тиниб тинчмаслик унинг сифатига айланади. Аксарият холларда хушхабар, муваффакият шахсда стеник хусусиятли эмоцияларни вужудга келтиради. Баъзи ҳолларда эмоциялар ўзининг сустлиги, заифлиги, нурсизлиги билан тавсифланади, бундай ҳиссий ҳолат астеник (юнонча actenia сўзидан олган бўлиб, кучсизлик, заифлик маъносини билдиради) деб аталади. Бундай ҳиссиёт инсонни бўшаштиради, уни хаёлга чўмдиради, хаёлпараст килиб кўяди, шу сабабдан фавкулодда шахсдаги раҳмдиллик бефойда эмоционал кечинмага, уялиш виждон азобига, андиша эса кўркокликка айланиб колиш хавфи кучли.

Ҳар кандай вазиятда ҳам эмоционал хатти-ҳаракат, фаолият мотивлари бўлишидан ташкари, улар баъзида фаолиятни ташкиллаштирувчи, гоҳо уни издан чиқарувчи омилга ҳам айланиши мумкин. Эмоционал ҳолатлар ё ҳаддан ташкари кучайса ёки сусайса, хуллас меъёри, мароми издан чикса. у ҳолда шахс фаолияти максадга йўналишини йўкотади, бунинг натижасида объектлар нотўғри акс эттирилади, улар холисона талкин килинмайди, баҳолашда мантикий нуксонларга йўл кўйилади.

Аффектлар. Ҳаддан зиёд тез кечиши билан мияда пайдо бўлувчи, шахсни тез камраб олувчи, жиддий ўзгаришларни юзага келтирувчи, жараёнлар устидан иродавий назоратларнинг бузилишига етакловчи (ўзини ўзи бошкаришни заифлаштирувчи), организм аъзолари функциясини издан чикарувчи эмоционал жараёнларга аффектлар деб аталади. Аффектлар киска муддатли бўлиб, улар фавкулоддаги ёнғинга, яркираган портлашга, тўсатдан келган дўлга, тўфонга, кутилмаган силкинишга ўхшаб кетади. Мабодо эмоция руҳий тўлкинланиш дейилса, унда аффект ҳолатлари турли боскичлардан тузилган бўлиб, улар ўзаро ўрин алмашиб туради. Маълумки, ваҳимага, таҳликага, саросимага тушиб колган, ўта кувонган, кулги нашидаси билан банд бўлган, умидсизлик тузоғига илинган инсон турли вазиятларда борликни бир текис акс эттира олмайди. Чунки у мазкур шароитларда ўз кечинмаларини ҳар хил ифодалайди, ўзини турли даражада ушлайди, ҳаракатларини эса турлича бошкаради. Бундай оралик мия ва мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги маълум марказларнинг кучли кўзғолишини ва бошка марказларнинг тормозланиши меъёрдан чикиб кетиши туфайли ўзаро алмашиниб колади. Ҳаракатчанликнинг аста-секин кўтарилишидан иборат стеник ҳолат астеник ҳолат билан алмашинади (кучли ҳолат кучсиз билан аралашиб кетади), лекин кайта тикланишга улгурмайди. Масалан, жўшкин ҳаракатда, кўз ялтирашида, юз кизаришида вужудга келаётган кучли жахл кўринишлари кўзнинг хираланиши, юз окариши, ранг ўчиши билан боғлик каттик ғазабга айланиши мумкин. Умидсизлик кечинмасида организмнинг жўшкин реакцияси баъзан ҳушидан кетиб колиш ҳолати билан алмашинади. Ушбу вазият лотинча «stupos» ступор, яъни серрайиб колиш. карахт ҳолати деб психологияда кўлланилади.

Аффект ҳолати бошланишида шахс инсоний кадриятларнинг барчасидан узоклашиб, ўз ҳиссиётининг окибати тўғрисида ҳам ўйламайди, ҳатто тана ўзгаришлари, ифодали ҳаракатлар унга бўйсунмай боради. Кучли зўрикиш натижасида майда, кучсиз ҳаракатлар барҳам



юпади. Тормозланиш мия ярим шарлари пўстини тўла эгаллай бошайди, кўзғолиш пўстлокости нерв тугунчаларида, оралик мияда авж олади, холос. Бунинг натижасида шахс ҳиссий кечинмасига(даҳшат, газаб. нафратланиш, умидсизлик ва ҳоказолар) нисбатан ўзида кучли хоҳиш сезади.

Маълумотларнинг кўрсатишича, кўпинча ҳиссиётлар аффектив шаклда ўгиши тажрибаларда синаб кўрилган. Жумладан, 1) театр томошабинларида, 2) тантана нашидасини сураётган оломонларида, 3) эс- хушини йўкотган, телбанома севги афсоналарида, 4) илмий кашфиёт лахзасида, 5) тасодифий кизғин учрашувларда жўшкин шодликлар мужассамлашади.

Аффектлар вужудга келишининг дастлабки боскичида ҳар бир шахс ўзини тутушини, ўзини кўлга олишни уддалаш курбига эга бўлади. Уларнинг кейинги боскичларида иродавий назорат йўкотилади, иродасиз ҳаракатлар амалга оширилади, йўланмасдан хатти- ҳаракат килинади. Аффектив ҳолатлар масъулиятсизлик. ахлоксизлик, мастлик аломатида содир бўлади, лекин шахс ҳар бир хатти- ҳаракати учун жавобгардир. чунки у акл- заковатли инсондир. Аффектлар ўтиб бўлганидан кейин шахснинг руҳиятида осойишталик. чарчаш ҳолати ҳукм суради. Баъзи ҳолларда ҳолсизланиш, жамики нарсага локайд муносабат, ҳаракатсизлик. фаоллик барҳам топиш, ҳатто уйкуга мойиллик юзага келади. Шу билан бирга аффектив шок (французча choc зарба деган маъно англатади) ҳолати ҳам содир бўлади, бунинг окибатида организмнинг ички аъзолари функцияси бузилади. ҳатто юрак хуружи (инфаркт-латинча arctus «хавф тўлдирғич», миокард юнонча mys томир kardia юрак деган маъно билдириб келади) юзага келади. Шуни ҳам унитмаслик керакки, аффектив кўзғолиш муайян давргача давом этиши, баъзан ўктин-ўктин кучайиши ёки сусайиши (пасайиши) содир бўлиб туриши мумкин.

Стресс. Стресс инглизча stress сўзидан олинган бўлиб. жиддийлик, кескинлик, зўрикиш деган маъно англатади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кескин вазият туфайли вужудга келадиган эмоционал ҳолатларни тадкик этиш психология, физиология, тиббиёт фанларида кенг кўламда амалга оширила бошланди. Стресс- оғир жисмоний ва мураккаб аклий юкламалар, ишлар меъёридан ошиб кетиб, хавфли вазиятлар туғилганида зарурий чора-тадбирларни зудлик билан топишга интилганда вужудга келадиган ҳиссий зўрикишлар. Мана шундай шароитлар ва вазиятларнинг барчасини бирон бир эмоция тури рўёбга чикаради. Стресс эмоционал ҳолатининг пайдо бўлиши ҳамда

кечишининг психологик хусусиятларини аниклаш нафакат учувчилар, космонавтлар, диспетчерлар (инглизча dispatcher ишлаб чикаришни мувофиклаштирувчи маъносини англатади) учун, балки судялар, корхона раҳбари, таълим тизими ходимлари учун алоҳида ижтимоий психологик аҳамият касб этади.

Психология фанига стресс тушунчасини олиб кирган олим канадалик физиолог Г. Селье (1936) саналади. У стрессни тадкик килишда мослашув аломати (адаптацион синдром- юнонча syndrome белги, аломат, кўриниш мослашуви демакдир) масаласига, унинг фаолиятга ижобий ҳамда салбий таъсир этишига алоҳида аҳамият берган. Шунингдек, экстремал (латинча extremus фавкулоддаги ҳолат, энг охирги вазият маъносини англатади) вазиятлардаги, мураккаб жараёнлардаги стресснинг ўзига хослиги, фаолиятни кайта ташкил килишгача (дезорганизация латинча de organisation французча ташкилот, тузилма маъносини билдиради) олиб бориши, шунга ўхшаш шароитларда шахс хулкини башорат этиш (прогноз юнонча prognosis башорат маъносини англатади) имкониятлари Г. Селье томонидан ўрганилган.

Тадкикотчи У. Кеннонниинг гомеостазис (юнонча ўхшашлик, stasis маъносини билдиради) ҳакидаги таълимотида стресс ҳолати ҳар томонлама ўрганилган. Ушбу терминни у психологияга 1929 йилда олиб кирган. Гомеостазис механизмда мослашиш хусусиятлари яккол ўз ифодасини топади. Унинг мулоҳазасича, фаолият шаклларини амалиётга татбик этиш жараёнида нерв системаси ва мия функциясини оқилона таъминлаб туришда ҳамда саклашда гомеотазис муҳим роль ўйнайди.

Стресс ҳолатида шахснинг хатти-ҳаракатлари ўзига хос тарзда ўзгаради, унда кўзгалишнинг умумий реакцияси пайдо бўлади, унинг ҳаракатлари тартибсиз равишда амалга оширилади. Стресснинг кучайиши эса тескари реакцияга олиб келади, натижада тормозланиш, сустлик, заифлик, фаолиятсизлик устуворлик кила бошлайди. Лекин стресс ҳолатида физиологик ўзгаришлар ташки томонидан карийб кўзга ташланмаслиги мумкин. Бирок муаммони ечишдаги қийинчилик, диккатни таксимлашдаги саросималик стресснинг ташки ифодаси деб тахмин килинса бўлади. Шахс стресс ҳолатида телефон номерини адаштиради, вактни чамалашда янглишади, онг фаолияти енгил тормозланади, идрок кўлами торайяди ва бошкалар.

Стресс ҳолатида шахснинг психологик хусусиятлари, турмуш тарбияси, шаклланган малакаси муҳим роль ўйнайди. Кескинликнинг



олдини олишда шахснинг олий нерв фаолияти, нерв системасининг хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Ундаги юксак хис-туйғулар (масъулият, бурч, жавобгарлик, ватанпарварлик, садокат ва ҳоказо) стресс ҳолатида хатти-ҳаракат бузилишининг олдини олишга хизмат килади.

<u>Кайфият</u>. Шахснинг хатти-ҳаракатларига ва айрим руҳий жараёнларига муайян вакт давомида тус бериб турувчи эмоционал ҳолат кайфият деб аталади. Шахснинг ҳаёти ва фаолияти давомида шодонлик, ҳазилкашлик, умидсизлик, журъатсизлик, зерикишлик, кайғуришлик сингари хис-туйғулар унинг руҳий ҳолатини умумий тизимига айланади. Ушбу вазият баъзи эмоционал таассуротларнинг вужудга келишига кўлай замин ҳозирлайди, бошкаси учун эса кийинчилик туғдиради. Инсон хафа, маъюс ҳиссий ҳолат ҳукмронлигида бўлса, у ҳолда тенгдошларининг ҳазилига, кексаларнинг ўгит-насиҳатларига, маслаҳатларига кувнок кайфият чоғдагига нисбатан мазмун, сифат жиҳатидан бошкачарок туеда муносабат билдиради. Шунинг учун ишлаб чикариш ва халк таълими тизими жамоаларида расмий, реал гуруҳларида ишчанлик, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳамдардлик, илик руҳий муҳит яратиш, самимий муомала маромини шакллантириш ҳам жисмоний, ҳам аклий меҳнат самарадорлигини оширишнинг кафолатидир.

Кайфият ниҳоятда хилма-хил, узок ва якин манбалар негизидан вужудга келади. Уни баркарорлаштириб турадиган асосий манбалардан бири- шахсларнинг ижтимоий жамиятда ҳукмронлик килаётган умумий нуктаи назарлари, ҳаётнинг турли жабҳаларида акс этувчи таъсирлар, чуночи меҳнат муваффакияти ва таълим ютуғи, раҳбар ва ходим, ўкитувчи ва сабок олувчи ўртасидаги муносабатлари, оиладаги шахслараро муомала мароми, ҳар хил вазиятларда пайдо бўлган турмушдаги карама-каршиликлар, шахснинг эҳтиёжлари, кизикишлари, майллари ва таъбларининг кондирилишидан каноат ҳосил килишлик ёки каноат ҳосил килмаслик кайфиятнинг манбалари бўлиб ҳисобланади. Шахснинг маълум муддат руҳи тушиб, нохуш, заиф кайфиятда юриши унинг турмушида муаммолар юзага келганлигидан ҳаловат, тинчлик бузилганлигидан далолат беради. Бундай вазиятлар намоён бўлганида шахсга оқилона мулоҳаза маҳсулидан келиб чиккан ҳолда хуштавозелик билан ижобий таъсир ўтказиш, руҳини тетиклаштирувчи воситаларни кўллаш, кайфиятини бузиб турган омилларни батамом бартараф этиш максадга мувофик.

Инсон кайфиятининг пайдо бўлишига ва ўзгаришига таъсир килувчи иккита омилни таҳлиллаш мутлако шарт. Улардан биттаси объектив ва субъектив хусусиятли вазиятдир: а) табиий омилларга тааллукли бўлган вазият (ҳавонинг совуклиги ёки иссиклиги, биоритмика ўзгариши). б) шахслараро муносабатнинг нокулайлиги ва бошкалар. Иккинчи бир манба сифатидаги талкин килиш мумкин – бу объектив ва субъектив шарт-шароитлардир. Масалан, меҳнат ва ўкиш фаолиятига керакли воситаларнинг мавжудлиги (иш дастоҳи, меҳнат куроли, ёруғлик, аудитория, парталар ва бошкалар). Иккинчидан, субъектив муносабатлар: илик психологик мухит, мулокотмандлик мароми, рағбатлантириш, мулокот ўрнатиш услуби, шахсиятга тегмаслик, тенг ҳукуклилик, ҳамкорлик, демократия принципларига риоя килишлик, ўзаро тушуниш, шахснинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш ва ҳоказо.

Психология фанида асосий хиссиётлар атамаси кўчма маънода кўлланилиб келмокда. Тадкикотлар ичида К. Изартнинг таснифи муайян кизикиш уйғотади, лекин ҳис-туйғуларнинг барчасини ўзида камраб олмайди. К. Изартнинг талкинича: 1) кизикиш – малака ва кўникмалар шаклланишига, ўкишга мойиллик уйғотадиган билимларни эгаллашга ёрдам берувчи ижобий ҳиссий ҳолатдир; 2) кувонч - кондирилиши даргумон бўлган етакчи (хукмрон) эҳтиёжнинг кондирилиши мумкинлиги билан боғлик ижобий ҳиссий ҳолатдир; 3) ҳайратланиш – фавкулодда рўй берган ҳолатлардан ҳиссий жиҳатдан таъсирланишнинг ижобий ёки салбий жиҳатдан ифода этилмаган белгисидир; 4) изтироб чекиш – ҳозиргача кондирилиш эҳтимоли озми ёки кўпми мавжуд тасаввур килинган, муҳим ҳаётий эҳтиёжларнинг кондирилиши мумкин эмаслиги тўғрисида маълумот олиниши боғлик салбий ҳиссий ҳолатдир; 5) ғазабланиш – объектив тарзида кечадиган, шахс учун ғоят муҳим эҳтиёжни кондириш йўлида тўсикларни енгиб чикадиган салбий ҳиссий ҳолатдир; 6) нафратланиш – объектларга якинлашув субъектнинг маънавий ёки эстетик идеалларга зид келиб колиши окибатида рўй берадиган салбий ҳиссий ҳолатдир; 7) жиркаииш – шахслараро муносабатларда рўй берадиган ва шахснинг ҳаётий нуктаи назарлари, карашлари ва хулк-атворига номутаносиблиги окибатида ҳосил бўладиган салбий ҳиссий ҳолатдир; 8) кўркув – шахс ўзининг хотиржам ҳаёт кечиришига зиён етиши мумкинлиги унга реал таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мавжуд хавф-хатар тўғрисидаги хабарни олиш билан пайдо бўладиган салбий ҳиссий ҳолатдир; 9) уялиш – ўзининг эзгу максадлари, хатти-ҳаракатлари ва ташки киёфаси, нафрати катта муҳит кутилмасига мос келмаганлиги билан эмас, балки ўзига лойик хулк-атвор ҳамда ташки сиймоси шахсий тасаввурларга ҳам мос эмаслигини англашда ифодаланадиган салбий ҳиссий ҳолатдир.



### 6. Юксак хислар

Кишилик жамияти билан ҳайвонот олами ўртасида психологик тафовутлар юксак хисларда ўз ифодасини топади. Юксак хислар онгли ҳаракатларни бажаришнинг объектив шароитлари, йўналишлари, мазмуни билан уйғунлашган шахс эмоционал ҳолатининг баркарор, мураккаб таркибида пайдо бўлади ва кечади. Кўплаб кечирилаётган эмоцияларда, аффектларда, кайфиятларда якколлашган умумлашма хислар юксак хислар деб аталади. Улар ўз таркибига содда тузилган хисларни камраб олади, лекин оддий хислар йиғиндисидан иборат эмас, чунки юксак хислар мазмуни, сифати, шакли билан алоҳидаликка эга

Шахсда топширикни бажариш билан боғлик жавобгарлик ҳисси ҳар хил маънода кечирилади: 1) ташвишланиш эмоцияси (бир томондан, хурсандлик, иккинчи томондан эса кўркиш ҳисси) сифатида; 2) ўз кучига, ғайратига, ифтихорига ишонч эмоцияси тарикасида; 3) вазифага жиддий карайдиган тенгдошлардан ғазабланиш эмоцияси сифатида; 4) шарт-шароитларни ҳисобга олишга нисбатан шубҳаланиш сифатида ва ҳоказо.

Таҳлилдан кўриниб турибдики, жавобгарлик ҳиссининг моҳияти уларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас, балки жамоа аъзоларининг эҳтиёжига айланган вокеликни англашдир. Масалан, китоб ўкиб лаззатланиш билан китобни ўкиб тугатиш шодлик ҳиссини фаркламок лозим.

Психология фанида юксак ҳислар куйидаги турларга ажратилади: 1) меҳнат фаолиятини давомида кечириладиган хислар-праксик хислар (юнонча-praxis сўзидан олинган бўлиб, иш, фаолият, юмуш деган маънони англатади); 2) интеллектуал ҳислар (латинча intellectusгаn сўздан олинган бўлиб, тушуниш, акл деган маънони билдиради); 3) ахлокий ҳислар (латинча moralis сўзидан олинган бўлиб, ахлокийлик деган маънони англатади); 4) эстетик хислар (юнонча aistesis деган сўздан олинган бўлиб, ҳиссий идрок, ҳиссий деган маънони акс эттиради).

Праксик хислар. Шахснинг амалий хаётининг исталган тармоғи, мақсадга мувофиқ онгли фаолияти шахснинг уларга нисбатан муайян муносабатда бўлишининг муҳим соҳасига айланиб қолади.

Меҳнат фаолиятида шахс: 1) бирор мақсадни англайди; 2) уни эътироф қилади ёки инкор этади; 3) мақсадга эришиш йўлларини баҳолайди; 4) унга татбиқ этиш усуллари ва қурол воситаларини маъқуллайди ёки маъқулламайди; 5) уларнинг танланганлигига шубҳаланади; 6) инсон муваффақият ёки муваффақиятсизлик хиссини кечиради ва ҳоказо.

Меҳнат шахс хаётининг негизи ҳисобланиб, унинг меҳнатга бўлган ижобий эмоционал муносабатлари орасида юксак хислар муҳим мавкега эга. Меҳнат жасорат туйғуси, шодлик макони, жанговар кайфият манбаи, муваффақиятнинг тантана ҳиссидан ташкил топгандир. Мамлакатимизда меҳнат зўр кониқиш, кўтаринки ҳис-туйғуни вужудга келтиради. шунингдек, у англашилган эҳтиёж, фаровонлик манбаидир. Халқимиз меҳнат муваффақияти билан келажаги буюк давлатимиз равнақига хисса қўшади.

**Ахлоқий хислар**. Ахлоқий хисларда шахснинг бошқа одамларга, меҳнат ва мактаб жамоасига ҳамда ўзининг ижтимоий бурчига муносабатлари яққол мужассамлашади. Инсон ахлоқий хисларини бутун вужуди билан кечирар экан, албатта у ижтимоий ахлоқ тамойиллари ва меъёрлари мезонларига асосланган ҳолда кишиларнинг хатти-ҳаракатларини, психик хусусиятларини, шахснинг хулқ-атворини баҳолайди.

Мамлакатимиз фуқароларининг етакчи ахлоқий хисларидан бири бурч ҳиссидир. Унинг асосини давлатимизнинг ҳаётий манфаати талаб қиладиган ишларни қилишга катъий ундайдиган жамиятимиз эҳтиёжларини тушуниш ва уларни онгли ҳис этиш мужассамлаштиради. Шахснинг индивидуал ва ижтимоий бурчлари мавжуд бўлиб, ишлаб чиқариш, мактаб, оила, ёшлар ҳаракати манфаатларини ичдан хис этиб яшашдан иборатдир.

Она-Ватанга содиқ хизмат қилишда фаол намоён бўладиган, жонажон юртга муҳаббат хисси ватанпарварлик деб аталади. Бу хис ўз халқига, ўз Ватанига, мамлакатимиздаги барча (130 га яқин элат ва миллат) меҳнаткашларига бўлган биродарлигида, дўстлигида акс этади. Ватанпарварлик туйғуси энг муҳим мотив ҳисобланиб, у халқимизнинг жанговар ва қаҳрамонона меҳнатининг манбаидир.

Ахлоқий ҳислар таркибига масъулият, жавобгарлик, фидойилик, виждон, адолат, ибо, иффат, ор-номус, уялиш, симпатия, эмпатия, гу-



рур, ўртоқлик, дўстлик, муҳаббат ва бошқалар киради.

Ҳақиқий муҳаббат хисси шахснинг ақлий ва жисмоний кучларини фаоллаштиради, уни ижодий юксакликка кўтаради, ўз ички кечинмалари оламига берилиб кетишдан асрайди, фаолликка ундайди, унга ҳам руҳий, ҳам биологик куч-қувват бағишлайди.

**Интеллектуал хислар**. Мазкур хисларда шахснинг ҳам ҳаққоний жонли, мантиқий мушоҳадалари, ҳам сохта, юзаки, ажабланарли, шубҳали, гоҳ тушунарли, гоҳо тушуниб бўлмайдиган, баъзида хайратда қолдирадиган фикрларга нисбатан муносабатлари ифодаланади. Интеллектуал ҳисларга ҳаяжонланиш, ажабланиш, шубҳаланиш, қизиқиш, қизиқувчанлик, шодланиш, иштиёқмандлик ва бошқаларни киритиш мумкин. Ҳаяжонланиш ва ажабланиш шахсни билиш фаолиятининг ажралмас жабҳасидир. Ажабланиш ва ҳаяжонланиш эмоциясига берилиб кетган шахс ўзининг билиш эҳтиёжларини қондиришга интилади. Шахснинг ҳақиқатни излаш фаолияти шубҳаланиш хисси сифатида кечиши мумкин. Ҳақиқатни топиш эса ишонч ҳисси билан бир даврда амалга ошади.

**Эстетик хислар.** Маълумки, эстетик ҳисларга ҳамиша таянган ахлоқий хислар ўзларининг тараққиётини мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширади. Шахслар табиатнинг ва жамиятнинг турли омилларига ҳамда уларнинг санъаткорона акс эттирилишига гўзаллик ёки хунуклик; фожиали ёки кулгили, олижаноб ёки разил, нозик ва дағал, хушбўй ёки нохуш, ёқимли ёки ёқимсиз ҳодисалар, ҳолатлар сифатида муносабатда бўлади. Эстетик ҳислар муайян мезондаги баҳоларда, нафосат меъёрларида, маълум таъб ва дидда рўёбга чиқади ва ўзига хос бадиий лаззатланиш, гўзалликни хис этиш ҳолатида кечади. Ушбу туйғулар ижобий ва салбий сифати билан бир-биридан ажралиб туради. Нафосат туйғулари шахснинг маданий савияси, унинг онги шаклланганлиги даражаси маҳсули саналади.

Эстетик ҳис-туйғуларнинг ривожланганлиги ва мазмундорлиги кўрсаткичи шахснинг собитқадамлиги, унинг ижтимоий етуклигини ҳақиқий мезони ҳисобланади.

Психологияда шахснинг ҳодисалардан ҳиссий таъсирланиб, уларнинг кулгили жиҳатларини пайқаш хусусиятига асосланган хазил-мутойиба, яъни юмор туйғу ўзига хос эстетик ҳис-туйғу намунаси сифатида талқин этилмоқда. Лекин ҳазил-мутойиба туйғуси унинг субъектида ижобий намуна мавжуд бўлишини тақозо этади. Инсонда бундай туйғунинг пастлиги унда шахс фазилатларининг ривожланганлигидан далолат беради.

## 7. Шахс фидойилик туйғусини психологик баҳолаш

Умумий психология асосларини пухта эгаллаш орқалигина ҳар бир шахсда юксак ҳис-туйғулар, меҳнатга ижобий муносабат, ижтимоий фаоллик, комфорт ҳисларини шакллантириш мумкин. Ўзини ўзи англаш ва миллий онгни қарор топтириш орқали меҳнатсевар, ватанпарвар, фидойи инсонларни таркиб топтириш лозим. Бозор иқтисодиётининг бирмунча мураккаб механизмлари қай йўсинда ишлашини тушуниб етиш, муваффақиятли фаолият кўрсата олиш учун нималар қилиш заруратини англаш, унга тўғри йўл топа билиш шахсдан муайян юксак туйғу ҳамда хислатни тақозо этади.

Ҳозирги ижтимоий муҳитда шахслараро муносабатлар силсиласида «бирдамлик руҳи» ва «муштараклик туйғуси» сингари ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйишнинг самарали усуллари ва услублари психология фанида ишлаб чиқилишига қарамай, бугунги кун талабига жавоб берадиганлари етарли эмас.

Умумий психология фанида халқ хўжалиги тармоқларини ташкил қилиш ва уларни бошқариш жараёнида «инсон-техника» тизимидан ташқари («инсон-табиат», «инсон-образ» сингари ёндашиш бундан истисно) муносабатлари муҳим аҳамият касб этиш, уларнинг таҳлили кўп жиҳатдан эмпирик, амалий, миқдорий, татбиқий маълумотларга асосланиши муайян даражада ёритилганлигига қарамай, ҳозирги даврда «инсон-инсон», «инсон-жамоа», «жамоа-инсон», «жамоа-жамоа» муносабатларининг бошқарув имкониятларини текшириш талаб қилинади.

Хўжаликни бошқаришнинг янги қонуниятлари, механизмлари, омиллари ижтимоий манбалари, шахслараро муносабат усуллари, якка шахснинг ижтимоийлашуви хоссалари, раҳбар ва тобе кишилар ўзаро муомаласининг мароми, низоли вазиятларнинг олдини олиш, мазкур жараёнда илиқ психологик муҳитнинг роли, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятларига доир эмпирик ва методологик материаллар тўплашнинг қулай шарт-шароити юзага келади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хўжалик ёки муассасини бошқариш учун раҳбар қуйидагиларга асосланиши керак:

-демократик децентрализм (маҳаллий бошқарув устунворлиги);

-бошқарувда яккабошчилик;

-сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий маъмуриятда хўжалик юритишнинг бирлиги;

-хўжалик ҳисобининг оқиллиги;



-омманинг бошқарув жараёнида фаол қатнашуви;

-ҳамкорлик фаолиятининг иштирокчиларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш;

-кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жойлаштириш жараёнларида психодиагностикага асосланиш.

Меҳнат ва таълим жараёнлари бошқарув предмети ҳамкорлик фаолиятида шахснинг хулқига ва онгига гуруҳий таъсир ўтказишнинг хусусиятларини, раҳбар билан ижрочи ўртасидаги муомала маромини текшириш, шахслараро муносабатлар босқичлари, шакллари ва руҳий муҳитни таъминлаш механизмлари тадқиқ этишдир. Худди шу сабабдан шахс хислатларини ўлчаш тизимини яратиш долзарб муаммолардан бир ҳисобланиб, уларнинг айрим кўринишларини амалиётга тавсия қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шахснинг фидойилиги жамият тараққиёти, ватан гуллаб яшнаши учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, альтруизм тушунчасига жуда яқин туради.

## 7. Шахс фидойилик туйғусини психологик баҳолаш

Умумий психология асосларини пухта эгаллаш оркалигина ҳар бир шахсда юксак хис-туйғулар, меҳнатга ижобий муносабат, ижтимоий фаоллик, комфорт ҳисларини шакллантириш мумкин. Ўзини ўзи англаш ва миллий онгни карор топтириш оркали меҳнатсевар, ватанпарвар, фидойи инсонларни таркиб топтириш лозим. Бозор иктисодиётининг бирмунча мураккаб механизмлари кай йўсинда ишлашини тушуниб етиш, муваффакиятли фаолият кўрсата олиш учун нималар килиш заруратини англаш, унга тўғри йўл топа билиш шахсдан муайян юксак туйғу ҳамда хислатни такозо этади.

Ҳозирги ижтимоий муҳитда шахслараро муносабатлар силсиласида «бирдамлик руҳи» ва «муштараклик туйғуси» сингари ҳамкорлик фаолиятини йўлга кўйишнинг самарали усуллари ва услублари психология фанида ишлаб чикилишига карамай, бугунги кун талабига жавоб берадиганлари етарли эмас.

Умумий психология фанида халк хўжалиги тармокларини ташкил килиш ва уларни бошкариш жараёнида «инсон-техника» тизимдан ташкари («инсон-табиат», «инсон-образ» сингари ёндашиш бундан истисно) муносабатлари муҳим аҳамият касб этиш, уларнинг таҳлили кўп жиҳатдан эмпирик, амалий, микдорий, татбикий маълумотларга асосланиши муайян даражада ёритилганлигига карамай, ҳозирги даврда «инсон-инсон», «инсон-жамоа», «жамоа-инсон», «жамоа-жамоа» муносабатларининг бошкарув имкониятларини текшириш талаб қилинади.

Хўжаликни бошкаришнинг янги конуниятлари, механизмлари, омиллари ижтимоий манбалари, шахслараро муносабат усуллари, якка шахснинг ижтимоийлашуви хоссалари, раҳбар ва тобе кишилар ўзаро муомаласининг мароми, низоли вазиятларнинг олдини о.чш, мазкур жараёнда илик психологик муҳитнинг роли, ишлаб чикариш самарадорлигини оширишнинг имкониятларига доир эмпирик ва методологик материаллар тўплашнинг қулай шарт-шароити юзага келади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хўжалик ёки муассасини бошқариш учун раҳбар куйидагиларга асосланиши керак:

-демократик децентрализм (маҳаллий бошқарув устунворлиги);

-бошқарувда яккабошчилик;

-сиёсий, иктисодий, маънавий, маърифий маъмуриятда хўжалик юритишнинг бирлиги;

-хўжалик ҳисобининг оқиллиги;



-омманинг бошкарув жараёнида фаол катнашуви:

-ҳамкорлик фаолиятининг иштирокчиларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш;

-кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жойлаштириш жараёнларида психодиагностикага асосланиш.

Меҳнат ва таълим жараёнлари бошкарув предмети ҳамкорлик фаолиятида шахснинг хулкига ва онгига гуруҳий таъсир ўтказишнинг хусусиятларини, раҳбар билан ижрочи ўртасидаги муомала маромини текшириш, шахслараро муносабатлар боскичлари, шакллари ва руҳий муҳитни таъминлаш механизмлари тадкик этишдир. Худди шу сабабдан шахс хислатларини ўлчаш тизимини яратиш долзарб муаммолардан бир ҳисобланиб, уларнинг айрим кўринишларини амалиётга тавсия килиш муҳим аҳамият касб этади.

Шахснинг фидойилиги жамият тараккиёти, ватан гуллаб яшнаши учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, альтруизм тушунчасига жуда якин туради.

## Филонийлик хислатини баҳолаш шкаласи

Йўрикнома: Сиз куйида бериладиган психологик вазиятларни ўқиб чикинг ва ўзингизни шу дақикада кандай фикрлаяпсиз, шунга караб ўнг томондаги тегишли жавоб олдидаги рақамнинг тагига чизиб қўйинг.

Шкаладаги ҳар бир рақам бир баллни билдиради (масалан, 1-1 балл, 2-2 балл, 3-3 балл, 4-4 балл).

| № | | Асосан хеч качон | Баьзан | Тез-тез | Ҳамма вакт |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1. | Иш вакти билан ишдан кейинги вактнинг фаркига борасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 2. | Иш давомидаги юмушлар самараси сизни коникртирадими? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 3. | Ишхонангизни расмий манзилгох деб хисоблайсизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 4. | Бажарилмай колаётган ишларни эртанги кунга колдирасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5. | Моддий етишмовчиликларни шахсий хисобингиздан гўлдиришга харакат киласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 6. | Ишхонада ва ундан ташкарида кўшган улушингизни расмийлаштиришни ёктирасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 7. | Офисни ташкарисидан таъмирлашни бошлайсизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 8. | Бир неча йўналишда иш юритишни истайсизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 9. | Бошка муассасалар билан низоли вазият юзага келса, хотиржам тура оласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 10. | Иш юзасидан Сизни ортикча безовта килинса, гашингизга тегадими? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 11. | Телефон оркали хушхабар олсангиз ўзгача холатга тушасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 12. | Ходимларингизнинг ёшига, меҳнат стажига аҳамият берасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 13. | Аёллар таъбининг нозиклиги кечинмаларингизга ўз таъсирини ўтказадими | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 14. | Шахслараро низолар ечимига эътибор берасизми | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 15. | Куч-кувватингизни аямасдан сарфлашга ўрганганмисиз? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 16. | Бўш вактингизни максадга мувофик ўтказишни режалаштирасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 17. | Иш вактингиз чўзилиб кетишини ёктирасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 18. | Объектив ва субъектив кийинчиликларга муносабатингиз бир хилдами? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 19. | Иш юзасидан расмий ва норасмий ташрифлар Сизда кандай таассурот уйғотади? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 20. | Муассасанинг бугунги ахволи Сизни коникртирадими? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 21. | Истикбол режа тузилишга ва уни рўёбга чикаришга ҳаракат киласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 22. | Захиралар ва имкониятлардан узлуксиз фойдаланишга интиласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 23. | Ходимларингиз турмуш шароити ва тарзи билан кизикасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 24. | Фасллар алмашишига шахсий муносабатингизни билдирасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 25. | Келажак авлод баркамол ўсиши учун махсус чора ва тадбир кўллаш керакми? | 1 | 2 | 3 | 4 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 26. | Ободончилик ишлари ташкилотининг расмий иши деб ҳисоблайсизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 27. | Қишлоқ хўжалиги ва унинг компанияси билан қизикканмисиз? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 28. | Юқори ташкилотларга таклиф ёки илтимос билан мурожаат қилганмисиз? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 29. | У ёки бу номидаги муваккат компанияни баҳолайсизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 30. | Сизнинг тасарруфингизда бўлмаган ташкилотлар фаолиятини яхшилаш ҳақида мулоҳаза юритасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 31. | Исрофгарчилик арзимаган бўлса-да, лекин Сиз унга жиддий масала сифатида қарайсизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 32. | Бўш вақтингиз ва ҳордиқ чиқаришингизда ишхона муаммолари хаёлингизга келадими? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 33. | Жамоат иши билан ўта бандлигингиз шахсий армонни келтириб чиқарадими? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 34. | Умрингизнинг асосий қисмини ишхонада ўтказишингиз ички норозиликни уйғотганми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 35. | Шахсий режалаштирилган ишингиз рўёбга чиқишига жамоат талаби халал берса афсусланасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 36. | Ихтисослик бўйича рақибингизнинг муваффақиятлари Сизни ичдан қувонтирадими? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 37. | Маҳаллангиз ҳаёти ва фаолиятида ҳам жонбозлик кўрсата оласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 38. | Қайта лавозим эгаллаш имконияти берилса, худди шу амални танлаган бўлармидингиз? | 1 | 2 | 3 | 4 |



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 39. | Кишиларнинг юриш-туришига, атрофга муносабатига ва маънавиятига разм соласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 40. | Фавқулоддаги вазиятда бор бисотингизни ҳадя қилишга тайёрмисиз? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 41. | Вужудингиз билан ишга киришиб кетганингиздан чарчаш, саломатлик хаёлингиздан фаромуш бўладими? | 1 | 2 | 3 | 4 |

Ушбу бахолаш шкаласи ёрдамида олинган микдорий натижаларни хисоблаш, уларнинг ишончлилик даражасини аниклаш ва изохлаш куйидагича амалга оширилади.

Тест, асосан икки кисмга, яъни тўғри (адекват, умумий фидойилик) ва тескари (контр. индивидуал фидойилик) таркибга ажратилади.

Сиз мазкур саволларнинг санок номерларига эътибор билан йиғиндисини хисобланг: 6, 9, 10, 15, 17, 18, 24, 25, 26, 27, 28, 30, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 39, 40, 41, Сўнгра колган савол номерлари жавоби йиғиндисини хисобланг: 1, 2, 3, 4, 5, 7, 8, 11, 12, 13, 14, 16, 19, 20, 21, 22, 23, 28, 31, 38. Хар иккала йиғинди орасидаги тафовутга 35 ракамини кўшинг.

Тажриба катнашчилари томонидан тўпланган максимал кўрсаткичнинг умумий йиғиндиси 164 балл кийматини, минимал 82 баллни, энг паст даража эса 41 баллни ташкил килиши мумкин. Биз ишлаб чиккан жадвалга, яъни натижаларни хисоблаш принципига биноан куйидаги даражаларга ажратилади:

1) 123 баллдан 164 баллгача-юксак даражадаги фидойилик хислатига эга бўлган рахбар;

2) 82 баллдан 123 баллгача-ўрта кўрсаткичдаги фидойилик хислати мавжуд рахбар;

3) 41 баллдан 82 баллгача-фидойилик хислати паст даражадан рахбар тоифаси намоён бўлади.

## 8. Ватанпарварлик хис-туйғусини бахолаш мезонлари

Инсон ер куррасининг хокими, кудратли табиат томонидан инъом килинган бетакрор неъмати, акл-заковати билан мўъжизалар яратувчи, биосфера ва неосфера тўғрисидаги бой билимлар, таассуротлар, тажрибаларнинг эгаси бўлишдан катъи назар – у муайян фазонинг, вактнинг, харакатларнинг хукми остида хаёт ва фаолият кўрсатишга мослашган, узок ижтимоий-тарихий тараккиёт даврида унга одатланган. Инсон органик ва ноорганик дунё ажойиботлари, хоссалари хамда хусусиятларини ўзлаштирганлигига карамасдан, у кучкувват сохиби, муким заминда яшашга, уни авайлашга, сифат жихатидан ўзгартиришга, унга мехр-мухаббатини, салохиятини бағишлашга карор килган онгли зотдир.

Худди ана шу ижтимоий-тарихий тараккиёт палласининг синовларига бардош бериб, табиат офатларини енгиб, унга ажлодлар хоки, хотираси олдида касамёд килинган, улуғланган муътабар замин Ватан деб аталади. Нафакат Ватаннинг бир кисм тупроғи, бир томчи суви, заррин нури, мусаффо хавоси, балки аждодларнинг тажрибаси, маънавияти, маданияти, донолар бисоти халк, элат учун бутун калб хароратини унга бахшида этади. Ўзбекистон ўзбекларнинг ва унда яшовчи бошка халкларнинг она диёри хисобланиб, ахолининг унга нисбатан илик, самимий хис-туйғулари вужудга келиши табиийдир.

Мустакил Ўзбекистон Республикасининг халкларида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва уни бахолашга ўргатиш болаларда, ўкувчи ёшларда, вояга етган кишиларда Ватанга мухаббат, садокат, ғурур каби юксак хислар таркиб топишига хизмат килади.

Куйида республикамиз фукароларида ватанпарварлик хиссининг шаклланганлик даражасини аникловчи мезонлар тизимини хукмингизга хавола киламиз. Мазкур тест-сўровда хис-туйғунинг мотиви (харакатга келтирувчи туртки), иродавий жабхаси (катъиятлик), билишга оид томони (когнитивлик), хулк-атворни бошкариш (регулятивлик) вазифаси камраб олинган.

Йўрикнома. Диккат билан куйидаги келтирилган гапларни ўкиб чикинг ва асосан хар доим ўзингизни кандай хис киласиз, сезасиз шунга мос келадиган ўнг томонда берилган жавоблар каторидаги сон тагига чизиб кўйинг.

Тест-сўров шахснинг рухий холатларида ватанпарварлик хистуйғусини вужудга келиш даражасини аниклашга ёрдам беради.

Тест-сўров ёрдамида олинган микдорий натижаларни кискача изохлаш куйидагича амалга оширилади.

Тест-сўров варакаси, асосан, икки кисмга бўлинади. Уларнинг биринчиси шахснинг хаяжонланиш даражасини кўрсатади, иккинчиси эса хиссий холатлари.

## Саволларга тез ва аниқ жавоб қайтаринг.

| № | | Ундай эмас | Баъзан | Кўпинча | Ҳамиша |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Ватан тушунчасининг ибтидоси бешикдан бошланади. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 2 | Ватан дахлсизлиги, унинг митти чегараси, посбони кўлбоғ, бешикпеч остидаги мурғак гўдакдир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 3 | Бешикнинг безакларига тикилиш болада ғурур ҳиссини уйғотади | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 4 | Уйинчоққа нисбатан муносабат юксак туйғуни вужудга келтиради. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | Дастлабки қувонч Ватан туйғуси бўлса, ажаб эмас. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 6 | Уйга, хонага самимий муносабат Ватан рамзи аломатидир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 7 | Гузар ёки маҳалла чиройининг мадҳи идрок кўламининг кенгайишидир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 8 | Туман ва вилоятга нисбатан илиқ муносабат ватанпарварлик туйғусининг вужудга келишидир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 9 | Маҳаллий гўзалликни эътироф этиш ва баъзан уни мақташга тўғри келади. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 10 | Кичик муҳитни мақташ Ватанга муҳаббат ҳиссини намоён этишдир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 11 | Диёримиз ҳудудларидаги эътиборли кишилар билан ва унинг обидаларидан ғурурланиш Ватанни мадҳ қилишдир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 12 | Тарихий саналар қийматини оқилона баҳолаш-фахр туйғусини вужудга келтиради. | 1 | 2 | 3 | 4 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 13 | Тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолияти ҳозирги замон кишисининг мақтовига лойиқдир | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 14 | Ватан бойлиги (фойдали қазилмалар) фахрланиш туйғусини уйғотади. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 15 | Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотининг сифати қувонтиради ёки ташвишлантиради. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 16 | Ватан фани ва техникаси аҳволи фахр (истиғфор) туйғусини намоён қилади. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 17 | Спорт, маданият ва санъатга бефарқ қарайсизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 18 | Ватан табиатининг гўзаллиги ёки бузилишига локайдмисиз? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 19 | Ватанимиз мадҳияси, байроғи ва гербининг мазмуни ёдимда туради. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 20 | Ватан тарихини тўғри баҳолай оласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 21 | Турон ёки Хуросон билан ҳамиша фахрлансизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 22 | Қадимий диёримиз фани, маданияти ва диний тарихи билан қизиқасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 23 | Ватанимиз тарихида юксалиш ва инқироз сабаблари ҳақида ўйлаганмисиз? Аждодларимиз эгаллаган мавкесини баҳолай оласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 24 | Яхлит тизимнинг парчаланиши сабабларини изоҳлай биласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 25 | Фан ва адабиётнинг ютуғи билан қувонасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 26 | Аждодларимиз удуми, анъаналари Сизда илиқ таассурот қолдирадими? | 1 | 2 | 3 | 4 |

**Саволларга тез ва аниқ жавоб қайтаринг.**

| № | | Ундай эмас | Баъзан | Кўпинча | Ҳамиша |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Ватан тушунчасининг ибтидоси бешикдан бошланади. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 2 | Ватан лахлсизлиги, унинг митти чегараси, посбони кўлбоғ, бешикпеч остидаги мурғак гўдакдир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 3 | Бешикнинг безакларига тикилиш болада ғурур ҳиссини уйғотади | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 4 | Уйинчокка нисбатан муносабат юксак туйғуни вужудга келтиради. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | Дастлабки қувонч Ватан туйғуси бўлса, ажаб эмас. | | | | |
| 6 | Уйга, хонага самимий муносабат Ватан рамзи аломатидир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 7 | Гузар ёки маҳалла чиройининг мадҳи идрок кўламининг кенгайишидир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 8 | Туман ва вилоятга нисбатан илиқ муносабат ватанпарварлик туйғусининг вужудга келишидир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 9 | Маҳаллий гўзалликни эътироф этиш ва баъзан уни мақташга тўғри келади. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 10 | Кичик муҳитни мақташ Ватанга муҳаббат ҳиссини намоён этишдир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 11 | Диёримиз ҳудудларидаги эътиборли кишилар билан ва унинг обидаларидан ғурурланиш Ватанни мадҳ қилишдир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 12 | Тарихий саналар қийматини оқилона баҳолаш-фахр туйғусини вужудга келтиради. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 13 | Тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолияти ҳозирги замон кишисининг мақтовига лойиқдир | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 14 | Ватан бойлиги (фойдали қазилмалар) фахрланиш туйғусини уйғотади. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 15 | Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотининг сифати қувонтиради ёки ташвишлантиради. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 16 | Ватан фани ва техникаси аҳволи фахр (истиҳоб) туйғусини намоён қилади. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 17 | Спорт, маданият ва санъатга бефарқ қарайсизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 18 | Ватан табиатининг гўзаллига ёки бузилишига локайдмисиз? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 19 | Ватанимиз мадҳияси, байроғи ва гербининг мазмуни ёдимда туради. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 20 | Ватан тарихини тўғри баҳолай оласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 21 | Турон ёки Хуросон билан ҳамиша фахрланасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 22 | Қадимий диёримиз фани, маданияти ва дини тарихи билан қизиқасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 23 | Ватанимиз тарихида юксалиш ва инқироз сабаблари ҳақида ўйлаганмисиз? Аждодларимиз эгаллаган мавқесини баҳолай оласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 24 | Яхлит тизимнинг парчаланиши сабабларини изоҳлай биласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 25 | Фан ва адабиётнинг ютуғи билан қувонасизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 26 | Аждодларимиз удуми, анъаналари Сизда илиқ таассурот қолдирадими? | 1 | 2 | 3 | 4 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 27 | XX асрда Ватанимиз тарихида содир бўлган воқеаларга локайдмисиз? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 28 | Миллий мустақиллик руҳиятингизга таъсир қиладими? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 29 | Қатағон қилинган зиёлилар ғоясини шарҳлай оласизми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 30 | Уруш ва меҳнат қаҳрамонлари тўғрисида таассуротларингиз. Ўтмиш ижобийми? даврининг гуллаганлиги нисбийми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 31 | XX асрдаги халқимиз жасорати Сизда қандай туйғу кўзғатади? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 32 | Халклар дўстлиги Ватан бойлиги. Ватаннинг гўзаллашуви- миллий ифтихордир. Ватанпарварлик барча ютуқларнинг гаровидир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 33 | Демократия учун инсонда ички туғён бўлиши шартми? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 34 | Мустақиллик туйғуси- ватанпарварлик хосиласидир. | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 35 | Тил ва маданият ривожига муносабатингиз оқилонами? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 36 | Виждон эркинлигини қандай баҳолайсиз? | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 37 | Истиклол-юксак туйғунинг манбаидир. | 1 | 2 | 3 | 4 |

Сиз ушбу саволларнинг санок номерларига эътибор билан йиғиндини ҳисобланг: 3, 4, 5, 6, 8, 10, 11, 12, 14, 15, 16, 22, 27, 28, 30, 34, 35, 37, 38, 39, 42. Сўнгра колган савол номерлари жавоби йиғиндисини ҳисобланг: 1, 2, 7, 9, 13, 17, 188, 19, 20, 21, 23, 24, 25, 26, 29, 31, 32, 33, 40, 41. Ҳар иккала йиғинди орасидаги тафовутга 35 ракамини қўшинг. Тажрибаларда иштирок этган шахслар томонидан тўпланган умумий йиғинди биз ишлаб чиккан жадвалга биноан 75 балл кийматига тенг бўлса, у ҳолда иштирокчиларда хавотирланиш, ҳаяжонланиш кучли, юксак ҳис-туйғу эса паст кўрсаткичга эга эканлигини билдиради. Синалувчилар йиққан баллар миқдори 75 дан то 115 ғача қийматдни ташкил этса, у тақдирда қатнашчиларнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари ўртача кўрсаткичга эга эканлигини англатади. Агарда улар томонидан жамғарилган баллар қиймати йиғиндиси 115 дан юқори бўлса, натижалар таҳлилига кўра ундай тоифадаги инсонларнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуси юксак кўрсаткичга эришганлигини кўрсатади.

Шундай килиб, ватанпарварлик ҳис-туйғуси паст даражада шаклланган фукаро билан алоҳида тарбиявий тадбирларни татбиқ килиш, индивидуал ёндашишни амалга ошириш зарур бўлиб, уларга ёрдам бериш учун самарали психологик таъсир ўтказувчи, ҳиссиёт динамикасини мақсадга мувофик йўналтирувчи, миллий киёфа хусусиятларини ўзлаштиришга ундовчи кечалар, учрашувлар ташкил килиш, иштирокчиларни фаоллаштирувчи ижтимоий-психологик вазиятлар юзага келтириш таълим ва тарбия самарадорлигини оширади.

Ушбу тест-сўровдан амалиётда фойдаланиш натижасида ватанпарварлик ҳис-туйғусининг мотивацион, иродавий, когнитив ва регулятив жабҳаларини психологик таҳлил килиш оркали унинг шаклланганлик даражаси бўйича инсонлар ўртасидаги индивидуал фарклаш имконияти туғилади.

# VIII БОБ

# ИРОДА

## 1. Ирода тўғрисида тушунча

Борликни акс эттириш, фаолиятни муайян йўналишда ташкил килиш, муаммолар ечимини эгаллаш юзасидан маълум бир карорга келиш, уни амалга ошириш жараёнида кийинчиликларни енгиш харакатлар ёрдами билан рўёбга чикади. Турли эҳтиёжлар (шахсий, жамоавий, табиий, маданий, моддий, маънавий) туфайли вужудга келадиган, максадга йўналганлик хусусиятини касб этадиган шахснинг фаоллиги ўзининг тузилиши, шакли ранг-баранг бўлган харакатлар, хатти-харакатлар ва саъи-харакатлар ёрдами билан табиат, жамият таркибларини максадга мувофик келмаганлиги сабабли кайта куради, такомиллаштиради, эзгу ниятга хизмат килдиришга бўйсундирилади. Эҳтиёж, мотив, кизикиш, англашилмаган, англашилган майллар негизидан келиб чикадиган барча кўринишдаги харакатлар ўзларининг юзага келишига биноан ихтиёрсиз ва ихтиёрий туркумларга ажратилади. Одатда психологияда ихтиёрсиз харакатлар англанилган ёки етарли даражада англанмаган истак, хоҳиш, тилак, майл, установка ва шу кабиларнинг ички туртки таъсирида пайдо бўлиши натижасида рўёбга чикарилади. Мазкур истак ва унинг бошка шакллари импульсив (лотинча impulsus ихтиёрсиз кўзғолиш маъносини англатади) хусусиятига эга бўлиб, инсон томонидан англанилмаганлиги учун маълум объектга каратиш юзасидан режалаштирилмаган, хатто кўзда тутилмаган бўлади. Инсоннинг фавкулоддаги вазиятда юзага келадиган саросималик аффекти, даҳшат, ҳаяжонланиш, ажабланиш, шубҳаланиш ва шунга ўхшаш бошка моҳиятли, хар хил шаклдаги хатти-харакатлари ихтиёрсиз туркумдагиларга ёркин мисолдир. Ундаги атамалар маъноси, акс этиш имконияти бундан олдинги хиссиёт тўғрисидаги маълумотларда кенг кўламда баён килинган.

Бошка категорияга тааллукли харакатлар ихтиёрий харакатлар деб номланиб, улар максад кўзлаш, максадни англашни ва уни амалга оширишни таъминловчи операциялар, усуллар ва воситаларни шахс ўз миясида тасаввур килишни, самарадорлигини тахминан баҳолашни такозо этади. Ўзининг моҳияти билан тафовутланиб турувчи ихтиёрий харакатларнинг алоҳида гуруҳини иродавий харакатлар деб аталувчи туркум ташкил килади. Психологик маълумотларга асосланган



холда уларга куйидагича таъриф бериш мумкин: «Максадга эришиш йўлида учрайдиган карама-каршиликларни бартараф килиш жараёнида зўр бериш билан уйғунлашган, муайян максадга йўналтирилган онгли харакатлар иродавий харакатлар дейилади».

Шахснинг иродавий фаолияти ўз олдига кўйган англанган максадларни бажаришдан, амалга оширишдан иборат содда шаклдаги харакатларнинг мажмуасидан иборат эмас. Зўр беришни такозо этмайдиган иш-харакати (масалан, шкафдан чойнак олиш, сочикни козикка илиш ва ҳоказолар) билан иродавий фаолият таркиблари ўртасида кескин тафовут мавжуд. Иродавий фаолият ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, бунда шахс ўз олдига кўйган ва унга муҳим аҳамият касб этувчи максадларига ўзи учун камрок кийматтга молик хатти-харакат мотивларини бўйсундиради. Устувор (етакчи) мотивлар кўшимча кўмакчи мотивларни муайян йўналишга сафарбар килиб, умумий максадга хизмат килдиради.

Шахс фаоллигининг хар хил кўришлари мавжуд бўлиб, улар функционал томондан бир-биридан фаркланади, лекин ирода инсон фаоллигининг алоҳида ўзига хос шаклидан иборатлиги ажралиб туради. Ирода инсоннинг ўз хатти-харакатларини (хулк-атворини) ўзи бошкаришини, у ёки бу хусусиятли интилиш ва истакларини тормозлашни талаб килади, бинобарин, у англанилган турлича харакатлар тизими мужассам бўлишини назарда тутади. Иродавий фаолият моҳияти шунда кўзга ташланадики, бунда шахс ўзини ўзи бошкаради, ўзини кўлга олади, ўзининг хусусий ихтиёрсиз импульсив томонларини назорат этади, хатто зарурат туғилса, у холда уларни тамоман йўкотади ҳам. Иродани пайдо бўлиши бош омили-инсон томонидан фаолиятнинг турли таркибларининг иродавий харакатларнинг тизимли тарзда татбик этилиши бундай иш-харакатларда онг билан мужассамлашувчи шахснинг фаоллигидир. Иродавий фаолият шахс томонидан кенг кўламда англанилган ва руҳий жараёнларни амалга ошириш хусусияти бўйича иродавий зўр беришни талаб киладиган аклий амалларни такозо этади. Бундай аклий амаллар фавкулоддаги вазиятни баҳолаш, келгусида амалга оширишга мўлжалланган харакатлар учун воситалар ва операциялар танлаш, максад кўзлаш ва унга эришишнинг усулларини саралаш, уларни татбик этиш учун муайян карор кабул килиш кабилар бўлиб ҳисобланади. Ушбу амалларнинг барчаси иродавий фаолиятнинг операционал томони деб баҳоланади.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, баъзи психологик холатлар-
да, вазиятларда иродавий фаолият инсоннинг бутун хаёт йўлини
аниклаб берадиган, унинг ижтимоий психологик киёфасини (сиймо-
сини) намоён киладиган ва маънавий-ахлокий кадриятини рўёбга
чикаришга ёрдам берадиган карорга келиш билан уйғунлашади. Шу-
нинг учун бундай иродавий харакатларни амалга ошириш жараёнида
шахс онгли харакат килувчи субъект тарикасида хам уларнинг каш-
фиётчиси, хам бир даврнинг ўзида ижрочиси (бажарувчи) бўлиб иш-
тирок этади. Мазкур холатда шахс ўзида тўкис мужассамланган ка-
рашлари тизимига (динамик стереотипига), иймон-эътиколга, ишонч
ва дунёкарашига, кадриятига, хаётий муносабатлари мажмуасига, акл-
заковатига, маънавиятига асосланган холда онгли йўл тутади. Шахс-
нинг умр (хаёт) йўлида кадрий хусусият касб этувчи жавобгарлик
хисси иродавий харакатларни татбик килишда унинг миясига мужас-
самлашган, англанилган барча ижтимоий психологик шартланган фа-
зилатлар (караш, эътикод, кадрият, маънавият ва хоказолар) соғлом
фикр, устувор (юксак туйғу) хиссиёт тарикасида фаоллашади, мус-
тахкамланади хамда бахолаш, карорга келиш, танлаш, ижро этиш (ба-
жариш) жараёнларига таъсир килиб, умумий хамкорлик тизимида ўз
изини колдиради. Жавобгарлик хисси шахс маънавияти, рухияти,
кадрияти намоён бўлиши, кечиши, такомиллашиши боскичларининг
бошкарувчиси, онгли турткиси, сифатининг кўтарувчиси функциясини бажаради.

Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараккиётининг йирик намо-
яндалари ижодий фаолиятига таалукли маълумотлар, карорга келиш
намуналари уларнинг ижтимоий психологик киёфаларини акс этти-
риш имкониятига эгадир. Масалан, буюк саркарда Амир Темур
Кўрагонийнинг «Куч адолатдадир» деган хикмати, Алишер Навоий-
нинг «Занжирбанд шер-енгаман дер» хитоби, Чўлпоннинг «Халк ден-
гиздир, халк тўлкиндир, халк кучдир» чакириғи жавобгарликни юксак
хис этган холда халкининг хохиш иродасини ифода килиб, катъий
иродавий хатти-харакатларини амалга оширганлар, шу билан бирга
улар ўзларининг маънавий, кадрий, рухий киёфаларини чукур ва
кўпёклама очиб беришга мушарраф бўлганлар. Ижтимоий-тарихий
сахифаларимизда, якин ўтмишимизда ва истиклол даврида кўплаб ва-
тандошларимиз иродавий хатти-харакатларининг намунавий кўри-
нишларини намойиш килганлар, булар расмий манбаларда ва бадиий
адабиётларда кенг кўламда ёритилган.



Юкоридаги мулохазалардан ташкари, иродавий фаолиятнинг ўзига хос психологик хусусиятлари хам мавжуддир ва улар муайян тавсифларга асосланиб талкин килинади. Иродавий фаолиятни ёки алохида ирода актини (латинча actus харакат деган маънони англатади амалга оширишнинг хусусиятларидан бири-бу бажарилаётган харакатларнинг эркин эканлигини шахс томонидан англаш (бундай килса хам бўлади ёки ундай килса хам) иборатлигидир. Ушбу жараёнда шахс хеч бир нарсани уддасидан чикмайдиган ёки вазиятга тўла-тўкис тобелик киладиган, колаверса юзага келган шароит талабларига сўзсиз, зарурий бўйсунадиган кечинмалар хукм сурмайди. Шунинг учун шахс томонидан карорга келишнинг эркинлиги, мустакиллиги билан уйғунлашган кечинмалар хукм суриши мумкин, холос. Мазкур карорга келишдаги эркинлик хисси инсоннинг ўз ниятлари билан харакатлари рўёбга чикишига нисбатан масъулият ёки жавобгарлик туйғусининг кечиши билан изчиллик касб этади.

Юкоридаги мулохазаларни дурустрок англаш учун баъзи бир психология оламидаги ходисаларга мурожаат килиш максадга мувофикдир. Хозирги даврда психология фанининг намояндаларини кескин равишда икки кутбга ажратган холда тахлил ва талкин килишнинг умри тугади, лекин ғоялар, назариялар ўртасида карама-каршиликлар мавжуд эмас деган ибора фан оламидан сикиб чикарилишини билдирмайди, албатта. Ирода эркинлиги тўғрисидаги ғоят бахсли психологик муаммо саналади, чунончи ушбу назария тарафдорларининг фикрича, инсон томонидан амалга ошириладиган рухий харакатлар (актлар) бирон бир сабабий боғликликка эга эмаслар, улар автономдирлар, лекин булар ўз хохишларидан бошка хеч бир нарсага бўйсунмайдилар. Мулохазадан кўриниб турибдики, иродавий эркинлик шахсдан ташкари хукм суриши, у бошка рухий холатлар, ходисалар, вокеликлар билан гўёки сабабий боғланишга эга эмасдир. Инсоннинг ижтимоий-тарихий тараккиёти давридаги барча харакатлари тўла англанилган ёки етарли даражада англанган даражада эканлигидан катъи назар улар объектив жихатдан психиканинг бошка шакллари билан изчил боғланишда бўлиб келган. Худди шу боисдан шахснинг иродавий харакатлари нима учун айнан шундай амалга оширилганлигини аниклаш даражаси юкори бўлмаса-да, лекин биз уларни тушунтира бериш имкониятига эгамиз. Илмий маълумотларга караганда, шахснинг иродавий харакати тамомила детерминизмга (латинча determinure сабабий боғлиқлик ёки шартланганлик деган маънони билдиради), бинобарин, сабабий боғланиш конунига бевоси-

та бўйсунади. Ирода шахснинг психологик киёфаси, унинг ижтимоий хаёти ва фаолияти шароитида турли ахборотлар натижаси сифатида юзага келган мотивларнинг хусусияти ва максади билан уйгунлашгандир. Шунингдек, иродавий фаолиятнинг бевосита мотиви (сабабчиси, турткиси) тарикасида харакатлар тизимини вужудга келтирувчи, уларни тартибга солувчи ранг-баранг вазиятлар шароитлар намоён бўлади. Шуни унутмаслик жоизки, шахснинг иродавий фаолияти объектив жихатдан бошка категориялар билан боғлангандир, бирок бундан ирода психологик жихатдан рўёбга чикишига инсон масъулиятига кирмаган, ундан ташкари номаълум мажбурий зарурият деган хулоса келиб чикмаслиги лозим.

Иродавий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан ташкил топгандир: 1) иродавий харакатларни шахс хамиша уларнинг субъекти сифатида амалга оширади; 2) иродавий акт, харакат шахс тўла-тўкис масъулликни зиммасига олган иш, амал сифатида ичдан (ички дунёсида) кечирилади; 3) иродавий фаолият туфайли инсон кўп жихатдан ўзини ўзи шахс сифатида англайди; 4) иродавий фаолият сабабли шахс ўз хаёт йўли ва такдирини ўзи белгилашини тушуниб етади ва хоказо. Шу билан бирга иродананинг фаоллаштирувчи ва жиловлаб турувчи (тормоз килувчи) функциялари биргаликда (хамкорликда) хукм сурсагина, факат шундагина шахснинг ўз максадига эришиш йўлидаги тўсикларни енгишни кафолатлаши мумкин.

Психология фанида ирода нисбатан индетерминистик карааш хам мавжуд бўлиб, бунда психик фаолият бирор нарса билан белгилаб бўлмайдиган, онгсиз равишда кечадиган дастлабки фаолликка тобе хисобланади. АКШлик психолог У. Жемс фикрича, хеч нарсага боғликлиги йўк иродавий хукм етакчи роль ўйнайди. Аслида эса шахснинг иш амаллари, харакатлари хаёти ва фаолиятида объектив равишда белгиланади. Ўз ичига иродавий харакатларни мужассамлаштирган мотивлар шахснинг хозирги давридан ва ўтмишидан жой эгаллаган ташки таъсирлар натижаси сифатида инсонни психик ривожланиш жараёнида, унинг борлик ходисаларига нисбатан фаол муносабатида юзага чикади, аста-секин таркиб топади. Иродавий харакатларнинг сабабий боғланганлиги омили муайян фаолият усули шахсга мажбуран берилганини, шахсий хулк-атвори учун жавобгар эмаслигини, такдири азал деб тушунтириш хукукига эга эканлигини англатмайди.

Иродавий фаолиятни шахс унинг батамом окибатлари учун субъект сифатида амалга оширади. Фаолият учун объектнинг ўзига



масъул хисобланади, вахоланки унинг максади доирасидан ташкари чикади. Субъект мурувват кўрсатаркан, бошкача тарзда ёрдам уюштиради, муаммоларни хал килишга кўмаклашади.

Шахслар ўзларининг фаолияти учун масъулиятни бошка бировга юклашга мойиллигига биноан, улар сезиларли равишда бир-бирларидан тафовутланадилар. Инсоннинг шахсий фаолияти натижалари учун масъулиятни ташки кучларда ва шароитларда кайд килиш, шунингдек, шахсий куч ва ғайратига, кобилиятига мойилликни аниклайдиган мезонлар назорат локуси (латинча lotus ўрнашган жой ва французча conlrole- текшириш деган маъно англатади) деб аталади. Маълумки, ўз хулк-атвори ва ўз фаолияти сабабларини ташки омиллардан деб тушунишга мойил одамлар мавжуд.

Психология фанида назоратни локаллаштириш деганда шахснинг индивидуал фаолияти натижалари учун масъулиятни ташки кучларда ва шароитларда кайд килишни, шунингдек, уларнинг куч-ғайратига, кобилиятига мойиллигини белгилайдиган сифатлар мажмуаси тушунилади. Назоратни локаллаштириш ташки (экстернал) хамда ички интернал турларига ажратилади. Назоратни ташки локаллаштиришга баъзи мисолларни келтирамиз: Ходим ишга, талаба дарсга кеч колса, бу ходисани турлича бахоналар билан изохлашга харакат килади. 1) автобус ўз вактида келмади, 2) йўловчилар кўп бўлганлиги учун автобусга чика олмадим, 3) автобус жуда секин харакат килади, 4) транспорт бузилиб колади, 5) кўчада йўл харакати фожиаси юз берганги туфайли ушланиб колдик ва хоказо. Психологик тадкикотлар натижаларининг кўрсатишича, назоратнинг экстернал локаллик турининг намоён бўлиши шахснинг муайян нуксонлари ва иллатларига бевосита боғликдир, чунончи инсоннинг масъулиятсизлиги, ўз имкониятига ишонмаслиги, хадиксираши, хавфсираши, шахсий ниятини рўёбга чикаришни пайсалга солиши ва бошкалар. Мабодо шахс ўз хулк-атвори окибати учун масъулиятни ўз зиммасига олса, ўз килмиш-кидирмишларини шахсий хусусиятидан деб тушунса, бундай психологик вокелик назоратнинг интернал (ички) локаллашуви мавжуд эканлигини билдиради. Назоратнинг ички локаллаштиришига хос инсонлар максадга эришиш йўлида масъулият ёки жавобгарлик хис этадилар, ўзини ўзи тахлиллаш имкониятига эгадирлар. Ижтимоий тарбия жараёнида шахсда локаллаштиришнинг хар иккала (экстернал, интернал) турини шакллантириш туфайли унинг мустахкам шахсий фазилатига айлантириш мумкин.

Иroданинг ўзига хос кўринишлари шахснинг таваккалчилик вазиятидаги хатти-ҳаракатида рўёбга чиқади. Ўзига маҳлиё қилувчи мақсадга эришиш йўлида хавф-хатар, йўқотиш даҳшати, муваффақиятсизлик унсури билан ҳам ҳамоҳанг, огоҳ дадил ҳаракат таваккалчилик дейилади. Таваккалчилик жараёнидаги нохушлик кутилмаси муваффақиятсизлик эҳтимоли билан нохуш оқибатлар даражаси уйғунлашуви мезони орқали ўлчанади. Таваккалчиликда муваффақият билан муваффақиятсизлик кутилмаси эҳтимоли ётади, ютуққа эришиш шахсда хуш кайфиятни вужудга келтирса, мағлублик эса нохушлик ҳолатининг бош омили ҳисобланади. Ўз- ўзидан маълумки, ютуқ (ғолиблик) қувонч нашидасини уйғотса, омадсизлик жазо, моддий ва маънавий йўқотишни рўёбга чиқаради. Лекин шунга қарамасдан, инсонлар таваккал қилиш ҳаракатидан ҳеч маҳал воз кечмаган ҳоҳ у кундалик ҳаёт муаммосига алоқадор воқелик, ҳоҳ мураккаб меҳнат, ҳоҳ ҳарбий юришлар бўлишига қарамай, шунинг учун таваккалчилик инсоният дунёсининг ижтимоий-тарихий тараққиёти даврининг қарор қабул қилиш намунаси, маҳсули сифатида шахснинг ҳаёти ва фаолиятида то ҳозиргача иштирок этиб келмоқда.

Психологик манбаларда кўрсатилишича, таваккалчилик ҳаракатини амалга оширишнинг ўзаро уйғунлашган иккита сабаби мавжудлиги қайд қилиб ўтилади. Қарорга келишнинг биринчи сабаби-бу ютуққа умидворлик муваффақиятга эришилганда кутилиши эҳтимол қийматнинг мағлубга оқибати кўрсаткичидан юксакроқ бўлишига ишончлир. Ушбу воқелик вазиятни таваккалчилик деб аталиб, муваффақият мотивациясининг муваффақиятсизликдан кутилиш мотивациясидан яққолроқ намоён бўлишида ўз ифодасини топади. Шу боисдан таваккалчилик инсон учун қарор қабул қилишда муҳим аҳамият касб этадиган руҳий ҳодиса ҳисобланиб, у ёки бу тарздаги ҳаракатни амалга ошириб, ўз хулқ-атворини намойиш қилади. Деҳқон кечикиб ерга уруғ қадашга таваккал қилган бўлса, ҳосил пишиб етилиши хавфи туғилади, лекин агротехника воситаларидан жадал сурьатда фойдаланса, асосий маблағни сарф қилиб қўйиш ташвиши уйғонади. Иродавий қарор қабул қилиб таваккалчиликдаги унинг мардлиги, ташаббускорлиги, қатъиятлиги меҳнатда ютуққа эришишни таъминлайди. Аммо бундай қарорга келиш гоҳ ўзини оқлайди, гоҳо мутлақо оқламаслиги ҳам мумкин. Бу борада ҳаракатнинг хавфли ёки хавфсиз йўлини татбиқ этиш, таваккалчиликнинг ғоявий, маънавий юксаклиги, қарорнинг оқилоналиги бахтли тасодиф сари



етаклаши мумкин. Баъзан таваккалчининг қобилияти, қатъийлиги, малакалиги, ҳисоб-китобнинг тўғри қилганлиги унга омад келтиради.

Таваккалчиликнинг иккинчи сабаби хатти-ҳаракатнинг хавфли йўлини афзал билган хулқ-атворда кўзга ташланади. Бу воқелик шахснинг вазиятости фаоллиги деб номланиб, инсоннинг вазият талабларидан устуворликка эришишида, ундан (вазиятдан) юксакроқ мақсад қўя олишда намоён бўлади. Таваккалчиликнинг бу тури «вазиятусти» ёки «холисоналик» деб аталиб, таваккалчилик учун таваккалчиликка йўл қўйишни англатади ҳамда таваккалчиликнинг таваккалчилиги атамасини келтириб чиқаради. Шахсдаги таваккалчиликни рискометр деб аталувчи махсус асбобда ўлчаб кўриш мумкин. Бу асбоб ёрдамида психологик тажрибада инсонларда муваффақ бўлиш эҳтимоли мавжуд холисоналик таваккалчиликка мойиллик, уларнинг ҳақиқий хавф остида иродавий ҳаракатларини олдиндан айтиб бериш (башорат қилиш) имконияти вужудга келади.

## 2. Ирода актининг тузилиши

Ирода муаммосига бағишланган бундан олдинги саҳифаларда таъкидлаб ўтилганидек, шахснинг иродавий ҳаракатлари мураккаб психологик мазмун, моҳият, маъно касб этиши билан тавсифланади. Шуни ҳам эслаш ўринлики, шахсда мотивлар курашининг пайдо бўлиши учун унга масъулият, жавобгарлик ҳиссининг юклатилиши, иродавий ҳаракатни амалга ошириш зарурияти туғилиши, мазкур вазиятда шубҳаланиш, иккиланиш уйғониши фавқулодда унда иродавий зўр беришлар вужудга келиши лозим. Бу воқеликни тушунтириш ёки изоҳлаш учун психологик нуқтаи назардан ирода актининг таркибларидан иборат эканлиги аниқланиш учун унинг унсурлари, бўлинмалари, тузилиши тўғрисида мулоҳаза юритиш жоиз.

Инсоннинг миясида туғиладиган мақсадга эришиш туфайлигина иродавий ҳаракат амалиётга татбиқ этилади. Ушбу фикр бошқачароқ ифодаланганда, шахс у ёки бу ҳаракат ёрдами билан кўзланган мақсадига эришиш йўлларини англаб етади, яъни ҳаракат билан мақсад ўртасидаги уйғунлик инсонга тобора яққоллашади, англашинилади. Ҳолбуки шундай экан, шахс ўзининг руҳий ҳолатини ўзгартиришга қарор қилади, қондирилиши лозим бўлган эҳтиёжларини муайян тартибга келтиради, уларни бирламчи ва иккиламчи даражаларга ажратишни лозим топади. Худди шу йўсинда иродавий ҳаракатни амалга оширишнинг тарқоқ ва йиғиқ таркиблари (унсурлари) мақсадга

йўналтирилади. Ушбу жараёнга инсон шахсини ундаётган, ҳам англанилган, ҳам англанилмаган руҳий тайёргарлик мотивдан иборат бўлиб, мақсадга интилиш ва унга эришиш мажбуриятини тушунтиришга хизмат қилади.

Инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида унинг борлиқдаги нарсаларга нисбатан ўзини тортадиган ҳар хил хусусиятли мақсадлари вужудга кела бошлайди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, шахс олдида пайдо бўлган мақсадларни у танлаши, моҳият жиҳатидан маъқуллиги (номаъқуллиги) юзасидан қарор қабул қилиши, уларнинг ҳозирги давр учун аҳамият касб этишини, истиқбол имкониятлари сингари хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Шахс фаоллигининг механизми сифатида унда аниқ, яққол, объектга йўналган мақсадни амалга ошириш (қарор топтириш) эзгу нияти рўёбга чиқади. Масалан, кундалик моддий эҳтиёжини қондириш, саёҳатга чиқиш, иш жойини алмаштириш, тил Марказига ўқишга кириш, қариндошлари ҳолидан хабар олиш, телевизор томоша қилиш истаклари туғилиши мумкин. Бу аснода ирода актининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, нафақат хоҳиш-истакдаги мақсадни танлай олиш, балки уни амалга ошириш имконияти аниқроқ эканлигини тушуниш ҳамда англашдир. Худди шу тариқа иродавий ҳаракатнинг муҳим таркиби, бинобарин, ажратиб олинган мақсадга эришишнинг йўл-йўриқлари шакли ва моҳияти тўғрисида мулоҳаза юритиш, унинг устида бош қотириш даври бошланади. Мазкур жараёнда фикр юритилаётган воситаларнинг мақсадга эришиш йўлига мувофиқлиги таҳлил қилинади, ақлан чамалаб кўрилади, уни рўёбга чиқаришга мутлақо мос ёрдамчи услублар, ҳаракатлар танланади. Юқорида мулоҳаза юритилган ақлий хатти-ҳаракатларнинг барчаси ўзининг моҳияти билан ирода актининг таркибига кирувчи ақлий жараёнлар, ақлий лаҳзалар, ақлий вазиятлар сифатида мужассамлашади.

Иродавий актнинг бошланиши мақсадга эришиш йўл-йўриқлари ҳақиқатдан ҳам аниқ истакларнинг ушалишига хизмат қилиши тўғрисида оқилона қарорга келишда ўз ифодасини топади. Психологик маълумотларнинг кўрсатишича, танланган ҳаракатлар оқилона, омилкор, одилона эканлиги тўғрисида қарорга келинганида, мақсадга мувофиқлиги ишончли далиллар устига қурилганида ушбу жараён қийинчиликларсиз содир бўлади. Бироқ аксарият ҳолларда қарорга келиш мураккаб жараёнга айланади, бунинг натижасида мотивлар кураши юзага келади, бинобарин, танлаш, якдилликка келиш муддати бирмунча чўзилади. Масалан, шахсда иш жойини алмаштириш



хоҳиш-истаги туғилди деб айтайлик, бироқ унда бошқа хусусиятга эга бўлган интилишлари ҳукм суриши мумкин, ўз навбатида улар ишхонани ўзгартиришга тўсқинлик ҳам қилади. Жумладан, иш жойини ўзгартириш маошнинг янги ишхонада бироз юқорилиги билан боғлиқ бўлса-да, лекин янги муҳитга ва жамоага, нотаниш шарт-шароитга, бошқача талабга мослашиш (кўникиш) зарурлигини тақозо этади. Ана шу тарздаги муносабатлар билан мотивлар кураши юзага келади, унинг негизида: а) янги иш жойидан, б)ички қаноатланиш туйғусидан воз кечиш керакми; ёки в) қимматли имконият туғилиши, г) унинг истиқболи эвазига ўзининг бошқа эҳтиёжларидан юз ўгириши лозимми деган мотивлар кураши боради. Мотивлар курашида у ёки бу тарзда қарорга келишни маъқуллаш (эътироф қилиш) ёки маъқулламаслик (эътироф этмаслик)тўғрисидаги мулоҳазаларни таҳлил қилиш (уларни чамалаш) билан чекланиб қолмасдан, балки ўзаро зиддиятли, бирбирини инкор этувчи ҳаракатларни татбиқ этишга ундовчи қабилдаги мотивлар кураши ҳам туғилиши мумкин. Ўзаро қарама-қарши мотивларнинг салмоғи қамровли бўлса, шахсни фаолиятга ундовчи эҳтиёжларнинг объекти ўзининг қиймати (аҳамиятлилиги) билан ўзаро бараварлашса, у ҳолда бундай мотивлар кураши уларга ҳамоҳанг тарзда кучли кечади. Мабодо шахсда телевидениеда кино кўриш хоҳиши билан дўстининг таваллуд топганлигини табриклаш учун бориш истаги ўртасида руҳий кураш юзага келса, мотивлар кураши содир бўлмайди, чунки бундай маҳалда шахсда кинони томоша қилиш тилаги (интилиш) ўзидан ўзи йўқолади. Лекин мотивлар кураши ҳамиша ҳам шундай енгил кечади деб хулоса чиқармаслик керак, бунда муносабат, хоҳиш шахс учун қанчалик муҳим аҳамият касб этишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жумладан, шахсни (сафарга отланиш (тайёргарлиги) ҳамда қариндошдаги тўйга табриклаш учун бориш истаклари (зарурати) ўртасидаги мотивлар кураши ўзаро бир-бирига зид эканлиги туфайли фақат улардан биттасини танлаш тақозо этилганлиги сабабли муросасиз кураш тарикасида кескин тус олиши мумкин. Шунга ўхшаш мотивлар кураши натижасида муайян қарорга келиши ёки қарор қабул қилиш вужудга келади, бунда шубҳаланиш, сустлик, лоқайдлик, иккиланиш сингари сифатлар (гоҳо иллатлар) фаолият доирасидан сиқиб чиқарилиб, бутун диққат-эътибор қарорни амалга оширишга йўналтирилади. Мабодо қарорга келинганидан кейин ҳам журъатсизлик шахсни иккиланиш сари етаклашда давом этаверса, у ҳолда иродавий ҳаракат туб маънодаги ғайратдан, шижоатдан, собитқадамликдан, белгиланган мақсад сари интилишдан маҳрум экан-

лигини акс эттиради. Мақсадга эришиш учун шахс ўзини тайёрлайди, психологик ва статистик кутилмалар ўзаро тафовутланиши юзасидан маълумотларни умумлаштиради.

Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, қарорга келиш, уни амалга оширишда қийинчиликларни бартараф этишда иродавий зўр бериш муҳим аҳамият касб этади. Аксарият психологик ҳолатларда инсон томонидан қарорга келиш ўз эхтиёжларининг устуворлиги даражаси таъсирини зарурий чора тариқасида енгиш билан уйғунлашган, жиддийлик, зўрикиш хусусиятли ички зўр бериш жараёни билан узвий боғлиқликка эга. Шахс ўздаги қарама-қаршиликларни енгишга нисбатан бундай муносабат (зарурият) биринчидан, субъектнинг айрим истаклари, мустаҳкамланган салбий одатлари; иккинчидан, турмуш ҳодисаларига нисбатан кўникиш хисси; учинчидан, маъқулланилмаган ахлоқ-одоб принциплари, анъаналар билан курашининг кечиши иродавий актнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлган хислати (сифати) хисобланиш иродавий зўр бериш томонидан идора қилинади.

Инсонда вужудга келган кучли, шижоатли интилишларни йўқолишига ҳаракат қилинади Бирок қабул қилинган қарор (ёки қарорга келиш)нинг ахлоқ-одоб принципларига жавоб бера олишини (мутаносиблигини), ижтимоий аҳамият касб этиш имкониятини англашнинг ўзи шахс учун мураккаб ишни «ўлик» нуқтасидан силжитишга, қўзғатишга етарли даражадаги омил бўлиб хизмат қила олмайди.

Мазкур ҳолатни шахс томонидан тушуниш (англаш) бурч, масъулият, жавобгарлик, қатъиятлилик туйғулари билан қатъий ишонч, зарурият барқарор ички кечинмалар (регулятор хислар) мустаҳкамланса, бундай даврда ушбу нарса кўпгина интилишларни йўқотишга имкон берадиган ҳақиқий иродавий зўр беришни вужудга келтиради. Юксак хислар (бурч, масъулият, жавобгарлик, ватанпарварлик, фидоийлик кабилар) ахлоқий талаблар интериоризацияга айланганлигини, яъни шахснинг маънавий мулкига ўтаётганлигини, эгоистик (худбинларча) интилишлар билан альтруистик (ижтимоий фидоийлик) истаклари (хоҳишлари) ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган фавқулоддаги вазиятда амалга ошириладиган хулқ-атворнинг ички механизмларга айланганини акс эттиради. Юксак хислар мотивлар курашида интилиш ўнг ёки сўл томонга оғишини аниқлайди, мақсадни амалга оширишни таъминлашда регулятор функциясини бажаради.

Психологияда иродавий акт тўғрисида мулоҳаза юритилганда шу нарса таъкидланадики, иродавий зўр беришнинг ички кечиши



фақат қарорга келишда пайдо бўлмайди, балки уни ижро этиш жараёнида жадал суръатга эришишда ҳам амалга ошади. Бунинг психологик маъноси шуки, қабул қилинган қарорни ижро этиш (бажариш) аксарият ҳолларда субъектив ва объектив хусусиятли бир талай қарама-қаршиликларга дуч келади, уларни енгиб ўтиш эса иродавий зўр беришни, зўрикишни талаб қилади. Чунончи, бозор иктисодиётига мақсад ва вазифасиз, тасодифий ёндашув сифатида мослаётган шахс ўз турмуш тарзини ўзгартирмаса, узоқни кўзлаб иш юритмаса (бугунги куни ўтганига шукур қилиб яшаса), фаоллик кўрсатмаса, имкониятидан фойдаланмаса, бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Инсоннинг ўзлиги билан ички кураши, характер хислатларини ўзгартиришга интилиши иродавий зўр бериши туфайли амалга ошади, холос. Шунингдек, инсон санитарияга, гигиенага риоя қилиб яшаши (сайр қилиш, хона ҳавосини алмаштириш, овқат ҳазм бўлишини кутиш, озодаликка эътибор қилиши янги кўникмаларни эгаллаш кабн) иродавий зўр беришни тақозо этади. Бу психологик воқеликнинг негизида инсонни олдин ҳаяжонга солмаган, ташвишлантирмаган нарсаларга эътибор қилиш механизми ётганлиги туфайли фавқулоддаги қаршилик салбий хис туйғуларни (стресс, аффект, фрустрация кабиларни) вужудга келтиради. Ҳолбуки шундай экан, шахснинг ўзини ўзи билан ички руҳий кураши натижасида муваффақиятга эришилса, у ҳолда ижобий хусусиятли хиссий кечинмалар юзага келади, ўзининг устидан ўзи ҳукмронлик туйғулари, ўз куч ва қудратига ишонч, уни англаб етиш, ўзига ўзи буйрук бериш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини олдига қўйган энг муҳим мақсадларга эришиш имкониятини тушуниш рўёбга чиқади. Ушбу руҳий жараёнлар муаммо ечимида иштирок этишидан қатъи назар, иродавий зўр бериш ва унинг ички кечиши кучли зўрикишлар туфайли амалга ошади. Бу ўринда шахснинг характери, индивидуал хусусиятлари, ижтимоий шартланган хислатлари, ҳар бир нарсага жиддий муносабати етакчи ва устувор аҳамият касб этади. Айникса, ўзини ўзи бошкариш, гуманистик психология таркибидаги категориялар ҳамда уларнинг ҳаёт ва фаолиятда намоён бўлиши муҳим роль ўйнайди. Маълумки, шахсий майллар, установкалардан ташқари, унга ижтимоий установкаларнинг таъсири, ўз роли, статуси юзасидан баҳолаш тизимининг тўғри шаклланганлиги бунда алоҳида аҳамиятга эга.

Шахс маълум бир фаолиятни амалга оширгунга қадар ўз руҳий оламида юзага келган айрим субъектив («Мен» билан «Мен» эмас кабилдаги) қаршиликларни енгишдан ташқари, унга муайян ташқи,

(объектив тарздаги) зиддиятларни ҳам барҳам топтиришга тўғри келади. Айтайлик, инсон учун рўёбга чиқариш зарур ҳисобланган мақсад аниқ (яққол), уни амалга ошириш юзасидан ҳеч қандай шакшубҳа бўлмаса-да, шунингдек, қарорга келишда кучсиз мотивлар кураши давом этса-да, лекин қарорни ижро қилишда баъзи бир қийинчиликлар туғилиши мумкин. Мазкур жараёнда вужудга келган қаршилик ва қийинчиликларни енгиш инсондан чидам, қатъийлик, фавқулоддаги, сира кутилмаган ҳолатни инобатга олишни тақозо этади. Баъзида эса узлуксиз равишда улар билан курашиш, иродавий зўр бериш, уларни енгиш учун эса руҳан тайёргарлик майли билан қуроллантиришни талаб этади. Бундай вазиятлар зўрикиш, танглик, зўр бериш, жиддийлик маълум давр давомида шахсда сақланиб туриш мажбуриятини юклайди.

Психологик маълумотларга қараганда, иродавий саъи-ҳаракат учун ўзига хос хусусиятга эга бўлган иродавий зўр бериш аксарият ҳолларда мотивлар курашидаги қарама-қаршилик юзага келганлиги билан эмас, балки шахс томонидан қабул қилинган қарорни ижро этиш (бажариш, адо этиш) жараёнида объектив хусусиятга молик қийинчиликларни енгиш туфайлигина намоён бўлади. Худди шу боис ирода акти тузилиши таҳлилининг кўрсатишича, ушбу ҳолат ирода фаолиятининг бир талай хусусиятларини хаспўшлашга имкон яратади. Шуннинг билан бирга, иродавий фаолиятнинг шахс хатти-ҳаракатларида муайян устувор вазифалар (функциялар) ижро этишини (бажаришини) таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур функциялар: биринчидан, шахснинг хатти-ҳаракатларини амалиётда татбиқ қилиш сифати даражасини юксалтиради. Иккинчидан, инсон ҳаёти ва фаолияти учун муҳим аҳамият касб этувчи муаммолар ечимини топишга шароит яратади. Учинчидан, инсон шахсига муаммо моҳиятига киришини таъминлайди, шунингдек, ҳаракатни мақсадга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Иродавий фаолият инсоннинг хатти-ҳаракатларини унинг борликка (атроф-муҳитга) нисбатан онгли шахс сифатида ўз олдига қўйган устувор мақсадлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бошқаради. Шахс, бу аснода, ўзининг танлаган идеалларига, уни йўналтирувчи ғояларига, ишонч эътиқодларига, қарашларига, ўзга кишилар берадиган баҳоларига, ўзига ўзи баҳо бериш мезонларига номутаносиб истаклар, хоҳишлар, тилаклар вужудга келтирмасликка, уларни тўхтатишга ёки батамом бартараф этишга интилади. Бу ҳолат таҳлили шундан далолат берадики, ирода бу ўринда шахснинг хатти-



ҳаракатларини жиловлаш (тўхтатиш), назорат қилиш, бошқариш, четга оғишдан сақлаш (чеклаш) функцияларини акс эттиради. Ироданинг хатти-ҳаракатларни бошқариш функцияси шахс учун ноxуш, ноқулай, ёқимсиз хоҳиш-истак, ҳаракат ва интилишини чеклаш, тўхтатиш, тийиш кабилардан иборат бўлибгина қолмай, балки инсон шахсий фаоллигини муайян жабҳага, соҳага йўналтириш, ўз ҳаракатлари қувватини ошириш, барча нарсаларни умумий мақсадга мувофиқлаштиришдан иборатдир. Иродавий жараён ҳамиша шахсни фаолликка чорлайди, уни қатъий йўл белгилаш сари етаклайди, барқарор ҳаракат қилишга йўналтирилади, иккиланиш, шубҳаланишнинг олдини олади. Шунинг учун ҳам мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар, амалга оширилган интилиш, рўёбга чиқарилган эзгу ният шахсда ўзига ишонч туйғусини уйғотади, дадил амаллар қилишга йўналтирилади, орзуларни ушатишга нисбатан фаол майлни шакллантиради. Инсоннинг эришган ютуғи, муваффақияти ҳар бир иродавий ҳаракат барқарорлигини таъминлайди, амаллар танлаш, қарор қабул қилиш, шахсий услубни тарkиб топтиришни жадаллаштиради, янги иродавий ҳаракатларни амалга оширишни енгиллаштиради, ўзидаги иродавий сифатларнинг такомиллашувига пухта негиз ҳозирлайди, иродавий зўр беришни тақозо этувчи ҳаракатларни татбиқ қилиш кўникмаларини шакллантиради. Мазкур жараён ҳам англанилган, ҳам англанилмаган тарзда, мотивлар кураши орқали (кучсиз), иродавий зўр бериш, қийинчиликларни енгиш туфайли намоён бўлади.

Ирода учун иродавий хатти-ҳаракат мотивацияси муҳим аҳамият касб этади. Худди шу боис ироданинг негизини шахснинг хатти-ҳаракатлари ва ишларининг кенг кўламли, ранг-баранг хусусиятли мотивлаштирилишига омил(туртки) тарикасидаги эҳтиёжларни вужудга келтиради. Психологияда мотивлаштиришнинг уч тури мавжудлиги таъкидланади (психологик ҳодисаларнинг бир-бири билан жипс боғланган, лекин ўзаро тўла мутаносиб бўлмаган, нисбий мустақил кўринишлари мотивлаштириш дейилади).

1. Шахснинг эҳтиёжларини қондириш билан шартланган, уни фаолиятга ундовчи (туртки) тарзда вужудга келувчи мотив сифатидаги мотивлаштиришдир. Мазкур ҳолатда мотивлаштириш фаоллик нима сабабдан вужудга келишини, шахсни фаолиятни амалга оширишга ундовчи эҳтиёжлар моҳиятини таҳлиллашга хизмат қилади.

2. Мотивлаштириш фаоллик нималарга йўналтирилганлигини, нега айнан шундай хулқ-атвор танланганлигини, нима учун бошкасига эътибор берилмаганлигини асослашга қаратилади. Бу ўринда мо-

тивлар шахснинг хулк-атвор йўналишини танлашни акс эттирувчи сабаблар функциясини бажаради. Буларнинг барчаси яхлит холда келтирганида инсон шахсининг йўналишини вужудга келтиради.

3. Мотивлаштириш – бу инсон ахлоки ва фаолиятини ўзи бошкарувчи восита тарикасида намоён бўлишидир. Ушбу воситалар таркибига эмоциялар, хохишлар, тилаклар, кизикишлар, майллар ва бошкалар киради. Масалан, эмоцияда инсоний феъл-атворнинг шахсий акс эттириш моҳияти баҳоланади, бинобарин, унинг туб максади фаолият тузилишига мос тушмай колса, у такдирда ҳис-туйғулар унинг йўналишини ўзгартиради. Бунинг натижасида феъл-атвор кайта курилади, олдинги харакатларни жадаллаштирувчи ёрдамчи кечинмалар ва бошкалар.

Шундай килиб, иродавий ҳаракатда уни мотивлаштиришнинг учта жабҳаси (соҳаси), яъни фаоллик манбаи эканлиги, инсон шахсининг йўналганлиги, ўзини ўзи бошкариш воситасилиги акс этади.

Юкоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ироданинг асоси мотивлаштиришга сабаб бўлувчи эхтиёжлардан иборат эканлигини далиллаб ўтилади. Эҳтиёжлар эса иродавий ҳаракатлар бажарилишини таъминлайдиган ёки уларга тўскинлик киладиган мотивларга айлана боради. Иродавий ҳаракатларнинг мотивлари (сабаблари) муайян даражада англанилган хусусият касб этади ва шахсни уларни амалга оширишга йўналтириб туради.

Психологияда эхтиёжнинг англанилганлиги даражасига асосланган холда интилиш, истак кабиларни психологик жиҳатдан тафовут килиш мумкин. Агарда уларнинг моҳиятини таъриф оркали ёритишга ҳаракат килсак, у ҳолда ўзаро фаркини тезда аниклаб олиш имкониятига эга бўламиз. Интилиш-етарли даражада англанилмаган, фаркланиш, табақалашиш имконияти суст эхтиёждан ташкил топган фаолият мотивидан иборатдир. Масалан, шахс ёзган маколасини босиб чиқаришга интилишни хаёлдан ўтказиш чоғида нашриётни кўз ўнгига келтиради, муҳаррир билан учрашганда, суҳбатлашганда мамнуният туйғусини ҳис этади. Худди шу боис интилиш объекти билан такрор-такрор учрашувга рози бўлади ва ўз интилишини давом эттиришга карор килади. Бирок инсон баъзи ҳолларда унга ҳузур-ҳаловат бағш этаётган мотив (сабаб) моҳиятини англамайди ҳам, чунки у кандай натижага эришиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотга эга эмас. Бундан кўриниб турибдики, интилиш психологик жиҳатдан етарли даражада аникликни ўзида мужассамлаштирмайди, айрим шубҳалар



хукм суриш эхтимоли мавжуд, ҳаракат унсурлари юзасидан тахмин етишмайди.

Истак-шахс томонидан эхтиёжнинг етарли даражада англанилганлиги билан тавсифланувчи фаолият мотивидир. Интилишдан фаркли ўларок истакда нафакат эҳтиёж объекти, балки уни кондиришнинг йўл-йўриклари, воситалари хам инсон томонидан тушунилади. Масалан, олий мактаб ўкитувчиси ўкитиш самарадорлигини ошириш истагини билдириб, бу холатни ижтимоий эҳтиёж сифатида тасаввур этиб, таълимнинг фаол методларини кўллаш ҳакида ўйлайди, ўз фаолиятини янгича ташкил килади, иктидорли, бўш ўзлаштирувчи талабалар билан индивидуал ишлаш графигини ишлаб чикади, кўлланмалар яратиш режасини тузади ва ҳоказо.

Инсон фаолиятининг мотивлари (мотивацияси) унинг яшаш шарт-шароитларини акс эттиради, шунингдек, шахс томонидан намоён эттирилган эхтиёжларини фаҳмлаш имкониятини вужудга келтиради. Эхтиёжлар ахамиятининг ўзгариши туфайли муайян психологик холатларда мотивлар кураши пайдо бўлади, бунда бир истак бошка истакка нисбан карама- карши кўйилади, бу ҳакида олдинги саҳифаларида мукаммал мулоҳазалар юритилган.

Қаршиликлар, кийинчиликлар, низоли вазиятларни енгиш учун иродавий зўр беришга тўгри келади. Иродавий зўр бериш тўғрисида мулоҳаза юритилган бўлса-да, лекин унга таъриф берилмаганлиги сабабли айрим аникликлар киритиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Иродавий зўр бериш-ҳис-туйғулар (хисснёт) шакли хисобланган шахснинг иродавий ҳаракатга (актга) кўшимча мотивларни вужудга келтирувчи, баъзида уларни барбод килувчи, билиш жараёнларини сафарбар этувчи, муайян зўрикиш ҳолати сингари кечирилувчи мотивлар мажмуасидир.

Ироданинг индивидуал хусусиятлари ва феноменлари мавжуд бўлиб, инсон фаолиятининг максадга мувофик равишда амалга оширишни таъминлайди. Ирода шахс фаолиятининг ички кийинчиликларини енгишга каратилган онгли тузилмадан иборат бўлиб, у ўзини ўзи бошкариш сифатида даставвал ўзига, ўз хиссиётига ва хаттиҳаракатларига хукмронлик килишда акс этувчи психологик ходисадир. Ироданинг кучи ёки кучсизлигини акс эттирувчи холатлар унинг индивидуал хусусиятларини намоён килади. Ана шу атамалардан келиб чиккан холда иродаси кучли ва иродаси суст (кучсиз) одамлар ҳамда уларнинг ижобий ва салбий фазилатлари, сифатлари, хислатлари, иллатлари тўғрисида мулоҳаза юритилади.

Иродаси сустликнинг патологияси мавжуд бўлиб, улар абулия (юнонча abulia-катъиятсизлик деган маънони англатади) ва апраксия (юнонча apraxia-харакатсизлик маъносини билдиради) атамалари билан ифодаланади. Абулия- бу мия патологияси негизила вужудга келадиган фаолиятга интилишнинг мавжуд эмаслиги, харакат килиш, уни амалга ошириш учун карор кабул килиш зарурлигини англаган тарзда шундай кила олмасликдан иборат инсон ожизлигидир. Масалан, шифокор кўрсатмаларига риоя килиш зарурлигини тўгри фахмлаган абулия касали билан шикастланган бемор бирор нарсани бажаришга ўзини мутлако йўллай олмайди. Апраксия-мия тузилишининг шикастланиши туфайли юзага келадиган харакатлар максадга мувофиклигининг мураккаб бузилишидан иборат психопатологик холатдир. Нерв тўкималарининг бузилиши миянинг пешона кисмларида юз берса, у холда хатти-харакатларни эркин тўгрилашда бузилиш намоён бўлади, натижада ирода акти бажарилиши кийинлашади. Абулия ва апраксия-психикаси огир касалланган инсонларга хос, нисбатан ноёб, феноменал психопатологик ходисалардир. Лекин педагогик фаолиятда учрайдиган ироданинг сустлиги мия патологияси билан эмас, балки нотўгри тарбия махсули билан тавсифланади.

Ирода сустлигининг яккол (типик) кўринишларидан бири-бу ялковлик хисобланиб, шахснинг кийинчиликларини енгишдан бош торгишга интилиши, иродавий куч-гайрат кўрсатишни катъий равишда истамаслигида ўзини акс эттирувчи иллатдир. Ялковлик-шахс ожизлиги ва иродавий сустлигининг, унинг хаётга лаёкатсизлигининг, шахсий ва ижтимоий фаолиятга (хамкорликка) локайдлигининг ифодасидир. Ялковлик-шахснинг рухий киёфаси бўлиб, узлуксиз тарбиявий таъсир ва ўзини ўзи тарбиялаш оркали бартараф этиш имконияти мавжуд рухий нуксондир.

### 3. Ирода назарияси ва тадкикоти тўгрисида тушунча

Ироданинг тадкикоти узок тарихга эга бўлиб, инсон онгининг мохиятини кашф килиш жараёнидан бошлаб, муайян билимлар тўпланиши туфайли шахснинг иродаси табиатини тушунишга илмий ёндашув вужудга келган. XVII асрдаёк Гоббс ва Спинозалар таъкидлаб ўтганларидек, фаоллик манбаи бемахсул соханинг пайдо бўлиши деб тушуниш мумкин эмас, чунки уни шахсий куч-кувватининг хиссий интилиши билан узвийликда карамоклик лозим. Спинозанинг фикрича, ирода билан акл айнан бир нарсадир. Унга бундай тасдикий муно-



сабатнинг тугилиши иродани илмий нуктаи назардан тушунишни шакллантирган бўлса, иккинчи бир томондан у мустакил субстанция сифатида тан олинди хам. В. Вундтнинг мулохазасича, ироданинг негизида апперцепция актининг субъекти томонидан ички фаоллик уники эканлигини хис этиш ётади. Унинг бу концепцияси эмоционал ёки аффектив ном билан психология фанига кириб келди. У. Джемснинг тан олишича, иродавий харакатлар бошка рухий жараёнларга кориштириб бўлмайдиган бирламчи хусусиятга эгадирлар. Хар кандай гоя дастлаб динамик тенденцияга эга бўлганлиги туфайли иродавий актнинг вазифаси диккат ёрдами билан бир гоянинг бошкаси устидан устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Психологияда етарли даражада катъий фикр карор топганким, ирода-бу инсоннинг кўйиляган максадларига эришишга йўналтирилган онгли фаоллигидир. Ирода тушунчаси мохиятига инсон томонидан максад кўя олиш кобилияти, ўз эмоциясини бошкариш, шахсий гавдасини ва хулкини идора килиш киритилади. В. И. Селиванов иродани талкик этиш негизидан келиб чиккан холда айрим хулосалар чикаради:

а) ирода -- бу шахснинг ўз фаолиятини ва ташки оламдаги ўзини ўзи бошкарилиш шаклларини англашнинг тавсифидир;

б) ирода - инсоннинг яхлит онгининг бир томони хисобланиб, у онгнинг барча шакл ва боскичларига тааллуклидир;

в) ирода - бу амалий онг, ўзгарувчи ва кайта курилувчи олам, шахснинг ўзини онгли идора килишликдир;

г) ирода - бу шахснинг хиссиёти ва акл-заковати билан боглик бўлган хусусиятидир, аммо кайсидир харакатнинг мотиви (турткиси) хисобланмайди.

В. И. Селиванов ироданинг психологик жабхаларини ёритаётиб, у шундай гояни илгари суради, инсонинг онгини жараёнлар, холатлар, хислатларни ўзида мужассамлаштирувчи яхлит тизим сифатида тасаввур килиш мумкин. Шахснинг у ёки бу онгли харакати ўзининг тузилишига кўра, у бир даврнинг ўзида хам аклий, хам хиссий, хам иродавий хисобланади.

Тадкикотчи В. А. Иванников эса иродани мотивациянинг ихтиёрий шакли сифатида тушунади, шунингдек, харакат маъносининг ўзгариши хисобига уни тормозловчи ёки кўшимча туртки яратувчи имконият, янги реал мотивларни харакат билан бирлаштирувчи ёинки вазиятнинг тасаввур мотиви тарикасида талкин килади. Иродавий бошкарилув эса харакатни «ихтиёрий бошкарилув кўринишларининг

биттаси сифатида» тушунилади, бунда бошқарилув мотивациянинг ихтиёрий ўзгариш орқали амалга оширилиши таъкидланилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, психология фанида иродани тушуниш, таърифлаш бўйича бир хил муносабат яратилмаганидай, иродавий сифатларнинг маъновий асосини таҳлил қилиш юзасидан ҳам умумийлик, умумий қарашлар мажмуаси мавжуд эмас. Жумладан, В. А Крутецкий ўз асарида иродавий сифатлар таркибига собитқадамлик, мустақиллик, қатъиятлилик, сабр-тоқатлилик, интизомлилик, дадиллик, жасоратлилик ва тиришқоқликни киритади.

П. М. Якобсон бўлса, иродавий муҳим сифатларини мустақиллик, қатъиятлилик, тиришқоқлик, ўзини уддалашга ажратади. Инсонда намоён бўладиган иродавий сифатлар сарасига А. И. Шчербаков мана буларни киритади: собитқадамлик ва ташаббускорлик, ташкиллашганлик ва интизомлилик, уринчоқлик ва тиришқоқлик, дадиллик ва қатъиятлилик, чидамлилик ва ўзини уддалашлик, ботирлик ва жасоратлик.

Лекин аксарият илмий психологик адабиётларда иродавий сифатлар қаторида «ишонч» атамаси санаб ўтилмайди. Шунга қарамасдан, ишонч ирода сифати тарикасида тадқиқ этилишига ҳақлидир. Бунинг учун А. И. Шчербаков тадқиқотидан намуна келтиришнинг ўзи етарлидир. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бир талабага институтни қисқа вақт ( фурсат) ичида тугатиш таклиф қилинган, лекин синалувчи бу ишни уддасидан чиқа олмаслигини ошкора билдирган. Шундан сўнг экспериментатор талабада ўз кучига ишонч уйғотишга мақсад қилиб қўйган ва унда иродавий зўр бериш, қийинчиликларни енгиш воситаларини шакллантирган. Бунинг натижасида талаба ўз мақсадига эришишга мушарраф бўлган. Бунга ўхшаш тажрибалар бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам ўтказилганлиги илмий адабиётларда учрайди. Шунинг учун ҳам ўз кучига ишонч психологик ҳодиса сифатида ўрганилиши кўпчиликни қизиқтиради, чунки кучли иродавий зўр бериш қандай омиллар билан шартланганлигини кашф қилиш муҳим илмий муаммо ҳисобланади. Худди шу боис ҳозирги замон психологиясининг иродага оид назарияси заифлиги туфайли иродавий сифатларни таснифлашнинг асосий тамойили (принципи) ишлаб чиқилмагандир.

Ушбу психологик муаммони ҳал қилиш мақсадида В. К. Калин иродавий сифатларни таснифлашга (классификациялашга) қарор қилади. Унинг нуқтаи назарича, базал иродавий сифатлар иродавий жараёнлар асосида вужудга келади, аммо бунда унинг интеллектуал ва



ахлоқий жабҳалари иштирок этмайди. У базал сифатларни аниқлаш учун онгнинг қуйидагича намоён бўлишини танлайди:

А) фаоллик даражасининг ортиши;

Б) зарур бўлган фаоллик даражасини қувватлаш;

В) фаоллик даражасининг пасайиши.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчи қуйидаги сифатларни мулоҳаза учун тавсия қилади; ғайратлилик, чидамлилик, вазминлик. Агарда бу жараёнда интеллектуал негиз иштирок этмаса, шу нарсани тушуниб бўлмайди, қайси ҳал қилувчи қурилма ҳисобига вазият баҳоланади ва ҳаракатни кучайтириш, қувватлаш, пасайтириш тўғрисидаги команда берилади.

В. К. Калин базали тизимга кирмаган иродавий сифатларни иккиламчи деб номлайди, чунки уларда билимлар, кўникмалар, эмоция ва интеллектнинг пайдо бўлиши мужассалашади. Муаллиф қатъиятликни иккиламчилар қаторига киритади, ваҳоланки унинг фикрича, у ўзига маҳлиё қиладиган ҳис-туйғуларни енгишдан, шунингдек, рад этилган вариантлардан, ишончсизликни тўсишдан ташкил топади. У тиришқоқликни ҳам иккиламчи сифатлар таркибига киритади,

Чунки уларда объектнинг тўпланганлиги ифодаси ўз аксини топган, равшан ҳаётий қадр-қиммат мужассамлашган.

Чидамлилик тавсифида «қўшимча импульслар», «қўшимча иродавий зўр бериш», «ирода кучи», «сабр-тоқат» жабҳалари ифодасининг ўрни мавжуд. Чидамлиликка турткининг хусусиятлари тиришқоқлик иродавий сифатга мос тушиш ҳоллари учрайди. Е. П. Ильиннинг ранг жадвалида тиришқоқлик сифати чидамлиликдан кейин жойлашган бўлиб, қуйидаги таърифга эга: « Тиришқоқлик-қийинчиликка ва муваффақиятсизликка қарамасдан, мақсадга эришиш йўлида узлуксиз равишда интилишнинг пайдо бўлишидир». Тадқиқотчи Д. Н. Ушаковнинг мулоҳазасича, «чидам» тушунчаси қуйидаги маъно англатиб келади:

1) аксил ҳаракат қилмасдан, шикоятсиз, ҳасратсиз ҳалокатли, мушкул, нохуш ҳолатларни дилдан кечиради;

2) аксил ҳаракат қилмасдан, ўзгаришларни кутган тарзда тақдир ҳазилига рози бўлиш;

3) бирор ҳолатга мубталолик;

4) нима биландир келишиш, бирор ортиқча кечинмага парво қилмасдан, оғирчиликни мурувваткорона ўтказиш;

5) имкон даражада амал қилишга кўникиш;

6) шошқалоқликка йўл қўймаслик;

7) пайсалга солишга, кутишга имконият яратиш;

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тиришқоклик, катъиятлик сифатлари билан бир каторда чидамлиликни иродавий хислатларнинг етакчиси тарикасида тан олиш, кийинчиликларга карамасдан, ҳаракатни давом эттиришга интилиш тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этиши шак-шубҳасиз. Лекин оғрикка чидаш, бардошликка мойиллик нуктаи назардан ёндашилганда эса ироданинг эркинлиги таъбири, иродавий соҳанинг пайдо бўлиши ва амалга ошиши моҳияти юзасидан методологик нуксоний талкин юзага келиши мумкин.

Тиббиёт психологиясида маълумки, инсон томонидан оғрикка бардош бериш чидамлилик сифатининг вужудга келиши, кечиши жараёнининг эркин ифодасидир. Ҳаёт ва фаолият тажрибалари кўрсатишича, шахс оғрикка кўника олмайди, чунки бунинг негизида бошка механизмлар ётиши турган гап. Физиологик меъёрларга биноан шахс оғрикни сезиш, идрок ва тасаввур килишнинг мураккаб жисмоний курилмасига эга. Шунга карамасдан, оғрикни инсон ҳар хил ҳис килиши, унга бардош бериши, сабр-токат билан бошидан кечириши мумкин, бунда индивидуал тафовут аниқ намоён бўлади. Диккатнинг оғрик сезгиларига тўпланиши туфайли оғрик зарби кучаяди-бу психофизиологик конуниятдир. Худди шу боисдан одам оғрик сезгиларига тобе бўлиб колмаслиги лозим, акс ҳолда у бу нохуш кечинма, руҳий ҳолат таъсирида узок муддат колиб кетиши кузатилади. Оғрикни бошдан кечириш жараёнида нафакат чидамлилик зарур, балки мушкул шароитларда фаоллик кўрсатиш кўникмаси, кийинчиликни енгиш одати муҳим аҳамият касб этади. Бундай хусусиятга эга бўлган инсонларда ўз ҳиссий аъзоларини, уларнинг ҳаракатларини идора килиш укуви мавжуддир, аксинча нозик табиатли, ички интизомсиз, сабр-токати заиф, мўрт руҳий кечинмали шахслар чидамсизлигини намойиш киладилар.

Юкорида билдирилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, то ҳозиргача психология фанида асосий, муҳим иродавий сифатларни таснифлашнинг умумбирлик тамойили мавжуд эмаслиги туфайли аксарият ҳолларда бир иродавий хислат кўшалок атама билан белгиланиши давом этиб келмокда (масалан, мустакиллик ва ташаббускорлик, журъат ва дадиллик, тиришкоклик ва катъиятлик, вазминлик ва ўзини уддалаш кабилар).

Психологияда иродани экспериментал ўрганишга оид катор илмий тадкикотлар ўтказилган бўлиб, уларнинг айримларидан намуналар келтириб ўтамиз. Кўпчилик тадкикотчилар Е.И.Игнатьев кўллан-



ган методикаси ва унинг натижаларига хайрихоҳлик билдирадилар. Лекин муаллифнинг ўзи уни баҳолашда жуда эхтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Унинг мулоҳаза билдиришича, ушбу методика етарли даражада ишончли, ироданинг тормозланиши пайдо бўлишини тадкикот килишда коникарли натижалар бериши мумкин, лекин ундан «тест» сифатида фойдаланиш кўнгилдагидек кўрсатгичларга олиб келмаслиги эхтимолдан ҳоли эмас. Ушбу методиканинг моҳияти шундан иборатки, мускулнинг кучли кискаришидан кейин ўзининг тинч ҳолатига кайтишдаги каршиликларини енгиш хусусиятини тажрибада текширишдир. Худди шу вазиятда иродавий зўрикишни бартараф этиш намоён бўлади. Муаллифнинг таъкидлашича, зўрикишдаги мускулларнинг кискаришини бир лаҳза тўхтатиб колиш ироданинг шартли кўрсаткичи тарикасида кабул килиш мумкин, чунки мазкур жараёнда инсон ўз тана аъзолари мускулини онгли бошкариш ўкуви акс этади. Е. И. Игнатьев тадкикотида максимал кисилишдан кейин иродавий зўрикишни (зўр беришни) 5 кг ортик бўлмаган оғирликда пасайтиришга йўл берилади, унинг тахминича, бу катталик (оғирлик) зўрикиш кучини камайтирмайди ва зўр беришни вактинча тўхтатиб колишга таъсирини ўтказмайди. Тадкикотчи материалларини таҳлил килишнинг кўрсатишича, мускул зўр бериши 9-17 ёшдаги синалувчиларда 14 кгдан 40 кггача оғирликни ташкил килади, зўр беришнинг 5 кг камайиш доираси максимал ҳолатга нисбатан 35,7 процентдан то 12,5 процент микдорларда мужассамлашади.

Ирода сифатларини тадкикот килишга интилган В. И. Макарова тест ўрнида гимнастик столдан матга (голландча, инглизча «mat»-полга ёзиладиган матога) сакрашни танлаган, чунончи: олдинги 180° айланиш билан олд томонга, оркага. Тажриба давомида томир уриши, тайёргарлик вакти, мимика, гавда ҳолат, бармокларни букиш кайд килиб берилган.

Шундай килиб, иродавий сифатларни аниклаш ва баҳолаш методлари ўзларининг ранг-баранглиги билан тавсифланади. Тадкикотчилар ўз фаолиятларида ҳаракатларнинг одатий ва кийинлаштирилган шароитлардаги хусусиятлари, уларнинг маҳсулдорлиги каби ҳодисаларни кайд килиш имкониятига эга бўлганлар Тўпланган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, ирода мотивларда, максадларда, ўзини ўзи баҳолашда, ҳаракатларда, фаолиятда ўз ифодасини топар экан. Худди шу боис ирода- бу ташки ва ички кийинчиликларни енгишни талаб киладиган киликларни ва ҳаракатларни инсон томонидан онгли бошкаришдир.

## 4. Шахс иродасини ўрганиш тести

Ижтимоий-руҳий эхтиёжга асосланган ҳолда мамлакатимиз ёшларини комил инсон қилиб камол топтириш учун уларни ўзини ўзи уддалашга ўргатишдан иш бошламоқ зарур. Шахснинг ўз фаолиятини ва хулк-атворини шахсий хохиш иродасига бўйсундириш, рўёбга чиқариш мустақил фикрлашни баркарорлаштиради. кўзланган мақсадни амалга оширишга пухта замин ҳозирлайди. ҳар хил хусусиятли қийинчиликлар олдида матонат, сабр-тоқат туйғуларини намойиш этишга чорлайди. Бунинг натижасида мустаҳкам иродали, принципал, қатъиятли, узоқни кўзловчи, теран фикрловчи, ақл-заковатли, ватан туйғуси билан ёнувчи ҳақиқий миллий ватанпарвар ёшларни ижтимоий хаётида, таълим-тарбия жараёнида шакллантиради. Инсонга туғилишдан бериладиган табиий майллардан, ақлий ва ахлоқий имкониятлардан унумли фойдаланмасдан туриб, юксак маънавиятли, фаросатли, ижодий изланувчан шахсларни вояга етказиб бўлмайди. Худди шу боисдан, инсоннинг болалигидан тортиб то ижтимоийлашувига қалар давр оралиғида ўзини ўзи бошқариш усуллари, воситалари билан таништириш қатъиятлиликни вужудга келтиради.

Одатда ирода инсон томонидан ўз хулқи ва фаолиятини онгли равишда бошқариш сифатида баҳоланади. мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракат ва хулк-атворнинг амалга ошишида ташқи, ички қийинчиликларни енгиб ўтиш тарикасида таърифланади.

Ёшларнинг иродаси, энг аввало шахснинг ижтимоий фаоллигида, меҳнат фаолиятида, ижтимоий тажрибасида ва таълим жараёнида намоён бўлади.

Мазкур фаолликдан унинг мазмунини ва шаклан тузилишини фарқлаш мутлақо зарур. Шахс фаоллигининг мазмундор томони унинг ижтимоий хислатларида ўз ифодасини топади, чунки бунда ижтимоий кўрсатма (аттитюд), эътиқодлар, маънавий ҳис-туйғулар, қизиқишлар доминантлик хусусиятини касб этади. Шахс фаоллигининг шакли фаолиятни амалга оширишда иштирок этувчи руҳий жараёнлар, ички, ташқи ва англашилган иродавий хатти-ҳаракат, интилиш намоён бўлиши орқали аниқланади. Шахс учун қийин шароитларда ўзини ўзи онгли равишда бошқара олиш имконияти иродавий зўр беришнинг ёрдами билан юзага келади ва белгиланган муайян аниқ мақсад, режа ҳамда уни рўёбга чиқарувчи хатти-ҳаракатлар уларнинг ижросига йўналтирилади.



Баркамол авлод шахсининг психологик хусусиятлари марказий ролининг мотивация доираси бажаради ва у эхтиёжлар, қизиқишлар, эътиқодлар ва маънавий ҳис-туйғуларда ўз аксини топади. Шахсларнинг хаёти ва фаолиятида, шунингдек, ижтимоий тарбиясига аста-секин устувор ва барқарор мотивлар вужудга кела бошлайди, улар инсон ижтимоий шартланган йўналганлиги ва хаётий позициясини қатъий белгилаш учун хизмат қилади.

Аксарият ҳолларда инсон шахсининг ижтимоий шартланган хусусиятлари унинг иродавий фаоллиги йўналишини тавлалантиради. Ижтимоий йўналганлик шахснинг мотивацион-иродавий хислати хисобланмиш собитқадамликда ўз ифодасини топади. Инсон шахсининг иродавий жараёнлари, ҳолатлари, хислатлари фаолиятнинг мотивлари ва мақсадини амалга оширишнинг ўзига хос усули сифатида юзага келади.

Ақлий фаолиятда иродавий жараёнлар иродавий хатти-ҳаракатлар кечишининг айнан ичида, яъни мақсад белгилашдан тортиб то унинг бажарилишигача оралиқда кўзга ташланади. Онгли хулқ-атворда, ихтиёрий диққатда, эслаб қолишда, эсга туширишда, тафаккурда, хаёлда ифодаланади, мураккаб муаммоларни ечиш, иродавий зўр беришни сафарбар этиш учун мутлақо зарур, чунки бусиз меҳнат ва ўқув фаолиятида хеч қандай натижага эришиш мумкин эмас. Уларнинг ўзаро уйғунлашуви самаралар келтириш мажмуаси сифатида иккиёклама хусусият касб этади.

Меҳнат фаолиятидаги ва таълим жараёнидаги иродавий ҳолатлар-бу вужудга келган қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этишнинг усуллари, инсон шахсининг омилкор, оқил ички шароитларининг муваққат руҳий ҳодисасидир. Уларнинг қаторига бир талай хаётий шарт-шароитлар таъсири остида вужудга келувчи оптимизм ва умумий фаоллик, қизиқувчанлик, мотивацион, мобилизацион тайёргарлик, қатъиятлилик хусусиятлари киради.

Меҳнат ва стресс-эмоционал зўрикишнинг кескин ҳолати кўриниши, шакли ҳисобланиб, ташқи ва ички муҳитнинг нохуш омилларини шахсга фавқулодда таъсир этиш натижасида вужудга келади. Таълимий ҳамкорлик (ўқитувчи билан талаба ҳамда талабаларнинг ўзаро) фаолиятидаги фрустрация-билиш фаолиятини ташкиллаштиришнинг тубдан тескари томонга йўналтирувчи руҳий ҳолатдир. Шахс узлуксиз пайдо бўлувчи ва бартараф қилиш қийин тўсиқларнинг таъсири остида руҳан тушкунлик, ўзини йўқотиб

кўйиш, кўпинча экспериментга, вазиятга нисбатан агрессив (тажовус) реакциялар (жавоб хатти-ҳаракатлари) юзага келиши кузатилади.

Инсон шахсининг иродавий хислатлари- бу, меҳнат фаолиятидаги, таълим жараёнидаги муваққат руҳий ҳолат эмас, балки аксинча мазкур вазиятга ҳеч қандай боғлиқ бўлмаган одам турғун, барқарор руҳий тузилмасидир. Унинг иродавий сифатларига собитқадамлик, ташаббускорлик, катъиятлилик, мустақиллик, ташкиллашганлик, ишбилармонлик, ўзини қўлга олиш, жасурлик, чидамлилик ва бошқалар киради. Шахс иродасининг бўшлиги, заифлиги қайсарлик, саботсизлик, ялковлик, қўрқоқлик, принципсизлик, бетаъшаббуслик, эринчоклик, локайдлик сингари тушунчалар орқали тавсифланади.

Билимларни ва меҳнат кўникмаларини эгаллашдаги собитқадамлик-бош иродавий сифат ҳисобланиб, у иродавий бошқа кўринишларнинг тараккиёт даражасини ва йўналишини аниқловчи асосий омил бўлиб саналади. Мустақил ва келажаги буюк давлат идеалларига содиқлик, Ватан олдидаги бурчнинг юксак даражада англаши, жамоатчилик ҳисси, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшиш истаги ва буларнинг барчаси ўзбек халқига хос бўлган собитқадамлилик намунасидир.

Таълим-тарбия жараёнидаги ва меҳнат фаолиятидаги ташаббускорлик-шахс ўз хоҳиш иродасига биноан зарур хатти-ҳаракатларни амалга ошириш укувидир. Мустақил билим олиш ва фикрлашдаги меҳнат фаолиятидаги катъиятлилик- шахс томонидан жиддий ва пухта мулоҳаза юритиб қарор қабул қилиш, уни изчил равишда ҳаётга татбиқ этиш хислатидир. Тиришқоқлик шахс қийинчиликларни енгиш учун курашишда куч-қувватини асло пасайтирмасдан, узлуксиз ва узоқ муддат мақсадга эришиш учун интилиш кўникмасидир.

Муаммоларни ечиш чоғида чидамлилик-шахс томонидан қабул қилинган қарорни амалга оширишга ҳалал берувчи фикрни, ҳиссиёт ва хатти-ҳаракатни тизгинловчи (тормозловчи) инсон укувчанлигидир. Ташкилланганлик - ўз ҳаракати ва хулқини режалаштириш, хусусан уни ижро этишда шахсни режага асосланиш малакасидир. Матонатлилик - қўйилган мақсадни муқаддас хис этган ҳолда ўзини оқлайдиган хавф-хатарга қўл уриш, қўрқинчга нисбатан юзма-юз тура олиш фазилатидир.

Ишбилармонлик - ҳар қандай ўйланилган ишни қийинчиликлар ва қаршиликлардан қатъи назар омилкор йўллар қўллаш туфайли охирига етказиш хислатидир. Мустақиллик - ўз эътиқодига қатъий ишонч, шахсий куч-қувватига ишониш, бошқаларнинг ёрдамига мух-



тожлик сезмаслик малакасидир. Шахснинг хулқ-атворида, меҳнат ва ўқув фаолиятида, агарда ишлаб чиқариш ва таълимий машғулотлар оқилона, ҳаққоний равишда, тўғри уюштирилса, унчалик муҳим бўлмаган иродавий сифатлар ҳам пайдо бўлиши мумкин, чунончи интизомлилик, ўзини қўлга олишлик ва ҳоказо.

Ушбу руҳий ҳолатни аниқлаш учун махсус ишлаб чиқилган тестлан фойдаланиш мумкин. Тавсия қилинаётган фикрларга шахс «Ҳа» ёки «Йўқ» деган жавоб қайтариш керак.

1. Ҳаётдаги муваффақият тасодифларига кўра олдиндан қилинган ҳисоб-китобларга кўпроқ боғлиқ бўлади деб ўйлайман.

2. Агар ўзимнинг севимли машғулотларимдан айрилсам, унда мен учун ҳаётнинг мазмуни йўқолади.

3. Мен учун ҳар қандай ишнинг оқибати, натижасидан кўра, унинг бажарилиш жараёни муҳим.

4. Мен одамларнинг ўз яқинлари билан бўлган муносабатларининг яхши эмаслигидан кўра, ишдаги муваффақиятсизликдан кўпроқ қайғурадилар деб ҳисоблайман.

5. Менинг фикримча, кўпчилик одамлар яқин келажакка мўлжалланган мақсад билан эмас, балки узоққа мўлжалланган мақсад билан яшайдилар.

6. Агар имконият бўлса-да, лекин ҳеч ким сезмаслигига ишончим комил бўлса ҳам ножўя ҳаракат қила олмайман.

7. Менинг ҳаётимда муваффақиятсизликлардан кўра муваффақиятли кунлар кўп бўлган.

8. Менга амалий, ишчан, ишбилармон одамлардан кўра хис-туйғули, кўнгилчан инсон кўпроқ ёқади.

9. Ҳатто оддий ишда ҳам мен унинг баъзи элементларини такомиллаштиришга ҳаракат қиламан.

10. Муваффақиятга эришиш ҳақидаги фикрларга берилиб кетган вақтларимда эхтиёткорлик чораларини унутиб қўйишим мумкин.

11. Ёшлигимда ота-онам мени дангаса деб ҳисоблар эди.

12. Мен ўзимнинг муваффақиятсизликларимга шароит эмас, балки кўпроқ ўзимни айбдор деб ҳисоблайман.

13. Ота-онам мени қаттиқ назорат қилишган.

14. Менда қобилиятга нисбатан сабр-тоқат кучли.

15. Ўз мақсадларимдан қайтишга муваффақиятга эриша олмаслигим ҳақидаги фикр эмас, балки дангасалик сабаб бўлади.

16. Мен ўзимни ўзимга ишонган одамман деб ҳисоблайман.

17. Муваффакиятга эришиш учун гарчи имкониятлар менинг фойдамга бўлмаса хам таваккал килишим мумкин.

18. Мен тиришкок одам эмасман.

19. Ҳамма ишлар текис (меъёрида) кетаётган бўлса, унда менинг ғайратим янада ошади.

20. Агар мен газетада ишлаганимда эди, унда турли вокеалар хакида ёзишдан кўра, кўпрок одамлар яратган янгиликларни ёзган бўлар эдим.

21. Менинг якинларим одатда шахсий режаларим билан ҳамфикр бўлмайдилар.

22. Мендаги хаётга нисбатан бўлган талабларимнинг даражаси ўртокларимнинг шундай талабларидан пастрок.

23. Мен ўз максадларимга эришиш йўлида катъийман.

Тест калити. «Ҳа»-1, 2, 6, 7, 8, 9, 15, 17, 19, 20, 22, 23. «Йўк»- 3, 4, 5, 10, 11, 12, 13, 14, 16, 18, 21.

Натижаларнинг микдорий таҳлили. Баллар йиғиндиси 0-9 дан паст бўлганда-Сизнинг фаолиятингизда муваффакиятга эхтиёж яккол кўринмайди. 10-13 баллгача: Сизда муваффакиятга интилиш бор, лекин хаётда фаолиятингизни ташкил килишда хар доим ҳам муваффакиятга эхтиёж сезавермайсиз. 14-23 баллгача: Сизнинг фаолиятингизда муваффакиятга эҳтиёж юкори даражада, хар доим муваффакият бўлишига ишонасиз, катъийсиз у ёки бу даражада мураккаб, лекин бажарилиши мумкин ишларни килишни ёктирасиз. 0-9 паст, 10-13 ўртача, 14-23 юкори.



## МУНДАРИЖА


**МУҚАДДИМА** .......... 3

**БИРИНЧИ ҚИСМ. ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ** .......... 4

**I БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ** .......... 4

1. Психология ҳакида тушунча .......... 4
2. Психология фанининг вужудга келиши .......... 15
3. Психиканинг физиологик механизмлари .......... 19
4. Психология ва унинг моддий асослари .......... 23
5. Психика ва акс эттириш .......... 25

**II БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ СОҲАЛАРИ ВА УНИНГ ТАДКИКОТ МЕТОДЛАРИ** .......... 29

1. Психология фанининг соҳалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари .......... 29
2. Психологиянинг методологияси ва принциплари .......... 41
3. Инсон психикасининг илмий-тадкикот методлари .......... 48

**III БОБ. ОНГНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ** .......... 54

1. Онгнинг пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий-тарихий моҳияти 54
2. Онг моҳияти ..........

**IV БОБ. ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ** .......... 62

1. Фаолият тўғрисида умумий тушунча .......... 62
2. Фаолиятнинг тузилиши .......... 64
2.1. Фаолиятнинг ўзига хослиги .......... 68
3. Фаолиятни интериоризациялаш ва экстериоризациялаш .......... 69
4. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши ва малакаларни эгаллаш .......... 70
5. Реориентация психологик муаммо сифатида .......... 79

**ИККИНЧИ БЎЛИМ. ШАХС** .......... 82

**V БОБ. ШАХС ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА** .......... 82

1. Умумий тушунча .......... 82
2. "Эндопсихика» ва «Экзопсихика" ҳакида тушунча .......... 85
3. Чет эл психологиясида шахс назариялари .......... 90
4. Собик Совет психологиясида шахс ривожланиши назариялари шарҳлари .......... 98
5. Собик совет психологиясида шахс таърифи
6. Шахснинг психологик тузилиши моделлари таҳлили .......... 105
7. XXI аср одамлари .......... 114
8. Ўзини ўзи англаш .......... 126

**УЧИНЧИ БЎЛИМ. ШАХСНИНГ ИЧКИ РЕГУЛЯЦИЯСИ ..... 137**
**VI БОБ. ИЧКИ РЕГУЛЯЦИЯ ТАРКИБЛАРИ .............................. 137**
**1.Эхтиёж тўғрисида тушунча**
1.1. Эхтиёжлар фаолликнинг манбаи сифатида.......................... 137
1.2. Эхтиёжларнинг турлари .................................................... 139
1.3. Инсон эхтиёжларининг ривожланиши ................................ 143
2. Қизикишнинг психологик тавсифи .......................................... 146
3. Шахснинг установкаси ёки англанилмаган майллари. ........... 152
4. Шахснинг эътиқоди ва дунёқараши ........................................ 156
5. Мотивация. 5.1.Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммолари................................................................................ 156
5.2. Мотив муаммоси ва унинг ечимига доир мулохазалар. ....... 164
5.3. Шахснинг шаклланишида мотивациянинг роли. ................. 165
5.4. Ўқув фаолияти мотивлари тўғрисида мулохазалар. ............ 167
5.5. Мотив классификацияси ......................................................... 170
**ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. ШАХСНИНГ ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ ЖАБҲАЛАРИ................................................................................ 173**
**VII БОБ. ҲИССИЁТ.................................................................... 173**
1. Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча ....................................... 173
2. Ҳиссиётнинг ўзига хослиги...................................................... 175
3. Ҳиссиёт ва эмоционал ҳолатларнинг физиологик асослари ... 182
4. Одам ва ҳайвон эмоциялари..................................................... 186
5. Ҳиссий кечинмаларнинг шакллари.......................................... 187
6. Юксак ҳислар............................................................................ 195
7. Шахс фидойилик туйғусини психологик баҳолаш ................. 198
8. Ватанпарварлик ҳис-туйғусини баҳолаш мезонлари.............. 204
**VIII БОБ. ИРОДА ........................................................................ 214**
1. Ирода тўғрисида тушунча ........................................................ 214
2. Ирода актининг тузилиши........................................................ 221
3. Ирода назарияси ва тадкикоти тўғрисида тушунча.................. 230
4. Шахс иродасини ўрганиш тести .............................................. 235

Босишга рухсат этилди 29.10.2003. Ҳажми 15 босма табоқ.
Бичими 60×84 1/16 Адади 500 нусха. Буюртма 445.
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.